

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Ҳакимов Н.Ҳ., Ҳамдамов Ш.Р., Ражабов Н.Р.**

**ТАБИАТДАН ФОЙДАЛАНИШ ИҚТИСОДИЁТИ**

**фанидан**

**Ўқув қулланма**

**Тошкент – 2006**

## МУНДАРИЖА

	<b>КИРИШ.....</b>	<b>3</b>
1 - мавзу	Табиатидан фойдаланиш иқтисодиёти фанининг предмети, мақсад ва вазифалари.	5
2 - мавзу	Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти” фанининг илмий-назарий асослари.....	10
3 - мавзу	Табиатдан фойдаланиш тамойиллари, устувор йўналишлари ва уни модернизациялаш.....	22
4- мавзу	Табиатдан унумли фойдаланиш тадбирларига маблағлар ажратиш. Давлат экологик экспертизаси...	30
5 - мавзу	Табиат ва табиий ресурсларни иқтисодий баҳолаш....	38
6 - мавзу	Табиатдан фойдаланиш тадбирларини амалга оширишнинг иқтисодий самарадорлиги	59
7 - мавзу	Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва муҳофаза қилиш.....	67
8 - мавзу	Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва унинг ресурсларидан фойдаланиш...	73
9 - мавзу	Ер ресурсларидан самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш.....	78
10 - мавзу	Биологик ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш.....	86
11 - мавзу	Минерал хом ашё ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш. ...	90
12 - мавзу	Иккиламчи ресурслардан фойдаланишнинг экологик иқтисодий хусусиятлари ва йўналишлар...	95
13 - мавзу	Рекреация ресурсларидан унимли фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш.....	99
14 - мавзу	Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий худадлар ва уларнинг экологик – иқтисодий муаммолари....	104
15 - мавзу	Табиий ресурс мажмуаларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш.....	109
16 - мавзу	Табиатдан фойдаланиш ва ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш.....	114
17 - мавзу	Табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни бошқариш...	118
18 - мавзу	Ўзбекистон Республикасининг табиатдан фойдаланишдаги халқаро ҳамкорлиги	124
19 - мавзу	Экологик – иқтисодий районлаштириш ва минтақалар табиий – экологик имкониятидан фойдаланиш.....	132
20 - мавзу	Табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишнинг глобал муаммолари	136

	Фанга доир билимларни қайтариш учун саволлар....	142
	Фан бўйича назорат ва мухокама саволлари.....	147
	Адабиётлар шарҳи.....	153
	Адабиётлар рўйхати.....	156
	Мустақил иш бажариш учун услугбий кўрсатмалар	158
	Янги педагогик технологияларни қўллаш бўйича услугбий кўрсатмалар....	165

## **Кириш**

Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти фани, табиатга заарли таъсирнинг олдини олиш, табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, экологик-иқтисодий барқарор ривожланиш ва экологик-иқтисодий саводхонликни оширишга хизмат қиласди. Шу сабабдан мустақил Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиши ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни изчил амалга ошириш шароитида ушбу фанни ўқитиш катта илмий амалий аҳамиятга эга.

Мазкур фан ҳозирги даврда табиатдан оқилона фойдаланиш, унинг самарадорлигини ошириш услублари ва тизимларини такомиллаштириш, фойдаланиш жараёнида табиатга етказиладиган заарли оқибатларнинг олдини олиш, бу соҳада хорижий мамлакатлар илфор тажрибаларидан фойдаланиш каби долзарб масалаларни қамраб олган.

“Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти” экологик-иқтисодий фикрлашга эга бўлиш, замонавий фан техника ютуқларини, чет эл тажрибаларини мамлакатимизда қўллаб, табиий ресурслардан самарали фойдаланишга асос бўладиган фанлар қаторидадир. Шу билан бирга ўқитишдан асосий мақсад талабаларда мамлакат ҳудудларидағи табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш билан бир қаторда, атроф муҳит муҳофазаси, ресурс тежамкорлиги, барқарор ривожланиш имконини берадиган назарий билимларини шакллантиришдан иборат.

“Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти” фани қуйидаги вазифаларни ўз олдидаги мақсад деб билади:

- янги иқтисодиёт шароитида табиатдан самарали фойдаланиш, уни асраш, муҳофаза қилиш ва фойдаланишнинг илмий асосланган иқтисодий механизмларини жорий этиш;
- экологик - иқтисодий хўжалик юритиш услублари ва бошқарув тизимларини илмий асосларини ишлаб чиқиш;
- табиатни тиклаш, муҳофаза қилиш, самарали фойдаланишда халқаро ҳамкорлик соҳасидаги билимларни бериш;

## **I. Боб. Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти фанини ўқитишининг аҳамияти предмети, мақсад ва вазифалари.**

### **1. 1. Фанни ўқитишининг аҳамияти**

Мустақил Ўзбекистонимизда узоқ йиллар давомида ҳукмронлик қилган тоталитар тузум, табиий ресурслардан нооқилона фойдаланиш, экологик вазиятни танг ҳалатга келиши каби салбий хужалик юритишни касб қилган эди. Экологик хавфсизликни таъминлаш, табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, худудларнинг табиий ресурс салохиятини кенг миқёсда ўрганиш ва уларнинг имкониятларидан мажмуали, илмий асосланган тарзда фойдаланиш мамлакатимиз олдида турган долзарб масалалардандир. Сув ва ер ресурсларининг чекланганлиги ва сифатини пастлиги, шўрланганлиги, эрозияга учраганлиги, радиоактив ифлосланишининг мавжудлиги, ҳамда Орол денгизи қуриб боришининг ҳалокатли оқибатлари, атмосферанинг ифлосланиши, тоғ-кон саноати таъсирида табиат деградацияси Ўзбекистоннинг кўпчилик минтақаларида экологик вазиятнинг хатарли бўлишига сабаб бўлаётир. Шу сабабдан олий ўкув юртларида минтақада табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти фанини ўқитиши, унинг назарий ва амалий ютуқларидан фойдаланиш бозор иқтисодиётининг энг муҳим талабаларидан бирига айланмоқда. Бу Фан Ўзбекистоннинг минтақавий экологик – иқтисодий муаммолари ечимининг назарий асосларини ишлаб чиқиши ва уни амалиётга жорий этиши лозим. Экологик-иктисодий тадқиқотлар эса “иктисодиёт-табиат” тизими니 комплекс тадқиқ этишни тақозо этади.

Ўзбекистонда демократик жамият қуриш инсоннинг табиатга муносабатини ўзгартиришни, экологик манфаатларни иқтисодий-ижтимоий манфаатлар билан тенглаштиришни, инсоннинг табиатга нисбатан маъсулиятини оширишни талаб этади. Республикада мустақиллик йилларида экологик – иқтисодий тадбирлар тизимини амалга оширишга муҳим аҳамият берилмоқда. Бу тизим амалга ошираётган иқтисодий ислоҳотларнинг ажralmas таркибий қисми бўлиши зарур. Шу сабабдан табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишнинг илмий асосланган иқтисодий механизмига эга бўлиш ва уни хўжалик амалиётида самарали қўллаш ғоят муҳимдир. Замонавий мутахассислар, биринчи навбатда иқтисодчилар табиий – экологик фикрлашга эга бўлишлари, ўз фаолиятларида ушбу фан услубларини қўллаб табиатга зарарли таъсир кўрсатишнинг олдини олишлари, экологик бехатар қарор қабул қилишлари лозим. Иқтисодчилар ва замонавий ишлаб чиқаришнинг бошқа малакали мутахассислар ўзларининг ҳар бир профессионал ҳаракатларини экологик баҳолашлари керак. Табиатдан фойдаланиш

иқтисодиёти фани иқтисодчиларнинг экологик – иқтисодий саводхонлигини оширишга хизмат қиласи. Ўзбекистонда атроф муҳитни муҳофаза қилиш миллий ҳаракат режаси ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва табиат муҳофазаси бўйича мўлжалланган Давлат дастури амалга оширилаётган ҳозирги пайтда бундай мутахассисларга талаб катта.

## **1.2. Предмети, объекти ва назарий асослари**

Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти фани, умумий фан табиатдан фойдаланиш иқтисодиётининг ажралмас таркибий қисми, унинг минтақавий йўналиши бўлиб, у ўзининг ривожида ушбу фаннинг назарияси ва амалиётига асосланади. Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти доимо ўзгариб турадиган инсоннинг яшаш ва ишлашининг табиий муҳитини ва жамиятнинг табиатдан фойдаланиш даражасини иқтисодий нуқтаи назардан ўрганади. Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти бошқа иқтисодий фанлар каби одамлар ўртасидаги ишлаб чиқариш муносабатларини, айни ҳолатда эса табиат ресурслари ва потенциалидан одамларнинг фойдаланиши жараёнида юзага келадиган экологик – иқтисодий ишлаб чиқариш муносабатларини ўрганади. Мехнат жараёнлари табиат Билан жамият ўртасидаги ўзаро таъсирни акс эттиради. Мехнат энг аввало одамлар ва табиат ўртасида содир бўладиган жараён бўлиб, бунда одам ўз фаолияти орқали ўзи ва табиат ўртасидаги моддалар алмашувини амалга оширади, тартибга солади, назорат қиласи, табиат нознеъматларини узига кулай шаклларда ўзлаштиради. одам ва табиат уртасида амалга ошириладиган мехнат жараёнлари ижтимоий-иқтисодий муносабатлар шакиллари, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражасини ўзида акс этиради.

Табиатдан фойдаланиш иқтисодиётнинг фан сифатида предмети минтақалар табиатидан фойдаланиш, уларни асраш, такорий ишлаб чиқариш, муҳофаза қилиш жараёнида юзага келадиган экологик-иқтисодий муносабатларни тадқиқ этиш, ўрганиш ҳисобланади. У минтақаларда табиатдан фойдаланиш ва табиий ресурсларни такорор ишлаб чиқариш, муҳофаза қилиш қонуниятларини ечимини топишни ҳаракатга келтирадиган зарур иқтисодий-экологик механизимларни ҳам, фуқороларнинг яшаси учун шарт –шароит вужудга келтириш, табиатдан фойдаланиш, уни муҳофазалаш самарадорлигини ошириш йўлларини ҳам кўрсатиб беради .

## **1. 3. Бошқа фанлар билан алоқалари**

Табиатдан фойдаланиш иқтисодиётнинг обьекти турли миқёс ва даражадаги экологик-иқтисодий тизимлардир. Экологик-иқтисодий муаммоларнинг мажмуавий хусусияти, табиатдан фойдаланиш

иқтисодиёти объектиниң мураккаб ва интеграллигини билдиради. Ушбу фаннинг табиий, ижтимоий – иқтисодий фанлар билан узвий алоқаларда бўлиши, унинг илмий-амалий салоҳиятлардан самарали фойдаланишни тақозо этади. Айниқса унинг иқтисодиёт фанлари; статистика, меҳнат иқтисодиёти, иқтисодий режалаштириш, иқтисодий кибернетика, минтақавий иқтисодиёт ва бошқа фанлар блан алоқалар миқёси каттадир. У табиий фанлар; экология, биология, физика, кимё, геология, тупроқшунослик, ўрмончилик, география ва бошқалар билан табиатдан фойдаланишнинг экологик вазифаларини илмий ечимини топишда ҳамкорлик қиласи. Табиатдан фойдаланишнинг техник-технологик муаммоларини ҳал этишда, фан техника илфор ютуқларидан фойдаланади. Худудлар табиатидан фойдаланишда иқтисодий география фани ютуқлари ҳудудий муаммолар ечимини топишда ката ахамиятга эга. Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти Ўзбекистонда бозор муносабатларига асосланган эркин, янги демократик жамият қуришнинг энг муҳим минтақавий экологик-иктисодий муаммоларни тадқиқ этиши, табиатдан фойдаланиш, уни асрар, қайта тиклаш, муҳофаза қилишнинг назарий-амалий асослари ва йўналишларини ишлаб чиқиши лозим. Бу вазифаларни ҳал этиш минтақаларида экологик-иктисодий манфаатларни ҳисобга олган ҳолда хўжалик юритишни бозор иқтисодиёти талабаларига мос йўналишда такомиллаштирилишига имкон беради. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон ва унинг минтақаларининг барқарор ривожланишини таъминлаш, аҳолининг яшаси учун қулай шароит яратиш, табиий ресурслардан оқилона ва тежаб-тергаб, тугаб қолмайдиган тарзда фойдаланиш, биосфера ресурсларининг маҳсулдорлигини сақлаб қолиш ва кучайтириш, муҳофаза қилишда иқтисодий-экологик механизмлар ва воситаларни кенг миқёсда қўллашни тақозо этади.

#### **1. 4. Асосий илмий тадқиқот методлари**

Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти ўз тадқиқотларида барча фанларнинг фалсафий асоси ҳисобланган билимнинг диалектика методига асосланади. У тадқиқот предметини ҳар томонлама ва ривожланишда кўриб чиқишига, зиддиятларнинг юзага келиши ва бартараф этилиши нуқтаи назаридан минтақалар табиатидан фойдаланиш амалиётининг прогрессив тенденцияларидан фойдаланишга йўналтиради. Табиатдан фойдаланиш иқтисодиётнинг энг муҳим методалри қаторига тизимли методлар, норматив методлар (экологик нормативлар), иқтисодий математик, таҳлил, эксперт йўли билан баҳолаш ва бошқа методалр киради. Ўз обьекти хусусиятларини билиш ва тадқиқот вазифаларига мувофиқ ушбу фан бошқа фанларнинг методларидан ҳам кенг фойдаланади. Чунки унинг шаклланиши ва ривожланиши ишлаб чиқаришни экологиялаштириш ва замонавий фанлар таъсирида амалга

ошади. Айнан халқ хўжалигини экологиялашириш ҳаётга минтақа табиатидан фойдаланишнинг асоси бўлиб хизмат қиласди.

Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти нуқтаи назаридан Республика ва унинг минтақаларининг барқарор экологик – иқтисодий ривожланиши концепцияси илмий асосларини яратишга йўналтирилган. Бунда энг аввало экологик-иқтисодий муаммоларнинг яхлит манзарасини таърифлаш, уларни келтириб чиқарадиган сабаблар ва оқибатларни таҳлил этиш, муаммоларни ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш асосий ўринни эгаллайди. Амалий тадбирларни ишлаб чиқишида тез ва юқори экологик – иқтисодий самара, манфаат ва фойда берадиган ёки қўпроқ экологик – иқтисодий натижаларга эришиш учун кўп ва юқори харажат талаб қилмайдиган тадбирларни ишлаб чиқишига катта афзаллик ва аҳамият берилади.

## **1. 5. Бозор иқтисоди шароитида Ўзбекистон республикасида фанинг асосий мақсади ва вазифалари**

Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти фанинг асосий мақсади мамлакатнинг барқарор ривожланишига ўтиш шароитида минтақаларда асосий экологик – иқтисодий муаммоларни аниқлаш, уларни ҳал этиш стратегиясини ишлаб чиқиш, уларнинг ечимини топишнинг механизмларини аниқлаш ва тегишли равишда сезиларли экологик натижага эришишга имкон берадиган иқтисодий ташкилий ўзгаришларни амалга оширишдан иборат.

Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти фанинг асосий вазифаси бозор иқтисодиёти шароитида халқ хўжалигининг ривожланиши ва унинг интенсификациялашувида табиатдан минтақавий фойдаланиш, уни асраш, тиклаш, муҳофаза қилишни иқтисодий- экологик механизмини тадқиқ этиш ҳисобланади. Бундай механизмни ишлаб чиқиш табиий ресурсларни табиий такрор ишлаб чиқаришни амалга ошириш, улардан фойдаланиш ва қайта ишлаш каби учта босқични ўз ичига олади. Шу муносабат билан биринчи навбатда қуйидагиларни тадқиқ этиш лозим: ижтимоий ишлаб чиқаришнинг асосий ричаги бўлган илмий – техника прогрессининг экологик – иқтисодий оқибатлари, бозор иқтисодиёти шароитида табиатдан фойдаланиш, уни асраш ва муҳофаза қилишга таъсири, экологик – иқтисодий хўжалик юритиш услублари ва бошқарув тизимлари, табиатни тиклаш ва муҳофаза қилишда халқаро ҳамкорлик самарасини бермоқда.

Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти мамлакатнинг экологик – иқтисодий муаммоларини аниқлаш ва тадқиқ этиш ва уларнинг устиворлик даражасини белгилаш, бу соҳада илмий амалий тавсияларга ишлаб чиқишнинг илмий-назарий асоси бўлиб, уларни ҳал қилишнинг оптималь йўналишларини белгилаб берадиган фан ҳисобланади.

## **Бобнинг қисқача мазмуни.**

Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти олий малакали иқтисиодчиларни тайёрлашда уларнинг экологик – иқтисодий тӯғри ечимларни топиш учун хизмат қилади. Бу фан табиат билан жамият ўртасидаги экологик – иқтисодий муносабатларни тадқиқ этади, ўзига хос ва умуммиллий ва иқтисодий услублардан кенг фойдаланади, табиий, иқтисодий, ижтимоий фанлар билан узвий алоқаларда бўлиб экологик – иқтисодий муаммолар ечимини топади.

## **Таянч иборалар**

Фан предмети, обьекти назарий асослари, бошқа фанлар билан алоқалари, илмий тадқиқотлари методи, мақсади, вазифалари. Бозор иқтисодиёти, ресурсларни чегаралангандиги, истимол, иқтисодиёт.

## **Назорат ва мулоҳаза саволлари**

1. Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти фани нимани ўрганади?
2. Табиатдан фойдаланиш иқтисодиётининг ўз тадқиқотларида кенг қўллайдиган илмий-тадқиқот методларини айтинг.
3. Фаннинг мақсади нималардан иборат?
4. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти қандай аҳамиятга эга?
5. Иқтисодчилар тайёрлашда фаннинг аҳамияти нималардан иборат?
6. Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти фанининг вазифаларини таърифланг.
7. Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти фанининг қандай илмий тадқиқотларини биласиз?
8. Фан қайси фанлар билан яқин алоқада?
9. Фаннинг ривожланиши нималарга боғлиқ?
10. Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти фаниниг ўрганиш обьекти, назарий асосларини тушунтириг.

## **Адабиётлар рўйхати**

1. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.: 2002.
2. Каримов И.А. Биз танлаган йўл демографик тараққиёт ва маърифий Дунё билан ҳамкорлик йўли. Т. 2003.
3. Глушкова В.Г., Макар С.В. «Экономика природопользования» учебное-пособие М:, Гардораки 2005.
4. Холина В.И. «Основы экономика природопользования» Питер 2005.
5. Галыцин А.Н. «Основы промышленной экологии» Академия 2004.
6. Кормилицин В.И. и др. «Основы экологии» М. «Интерсталь» 2001.
7. Макар С.В. Основы экономики природопользования. М. ИМИЭ, 1998.
6. Нестеров П.М., Нестеров А.Н. Экономика природопользование и рынок. М., 1997.
8. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси-2003й. №8-9. 56 бет.

9. Ҳаёт ва қонун-2003й. №4. 38 бет.

### **Интернет сайтлари**

1. <http://www.unep.org/> Программа ООН по окружающей среды.
2. <http://www.getwel.org/> Глобальный Экологический Фонд.
3. <http://www.undp.org/> Программа развития ООН.
4. <http://www.youtnclimatechange.net/> Молодежная организация по изменении климата.
5. <http://www.wwt.ru/> Российское отделение Всемирного фонда дикой природы.
6. <http://www.usaid.gov/> Агентство США по международному развитию.

## **II. Боб. “Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти” фанининг илмий-назарий асослари.**

### **2. 1. Фанинг тадқиқот обьекти, мақсади, Табиат билан жамият ўртасида экологик – иқтисодий алоқалар ва муносабатларнинг мазмун ва моҳияти.**

“Табиатдан фойдаланиш иқтисоди” фани табиий ресурслар ва табиий шароит имкониятларини эксплуатация қилишнинг барча шаклларини ҳамда уни муҳофаза қилиш бўйича тадбирлар мажмуаси ўрганадиган фандир. Шунингдек, табиий ресурсларни ўзига хос хусусиятлари ўрганган холда, улардан фойдаланишда, экологик ва иқтисодий мутоносибликка эришишни тарғиб қиласди. Қайта тикланадиган ресурсларни мунтазам тиклаб бориш, тикланиш даврини хисобга олган холда фойдаланишни ташкил этиш, сифатини яхшилаш, муҳофаза қилинадиган худудларни майдонини чет эл стандартларига етказишни тадқиқ қиласди. Табиатдан фойдаланшни ташкил қилишда экотизмларни мақсадга мувофиқ ўзгартириш, биологик ресурслар маҳсулдорлигини ошириш улардан режали ва илмий жиҳатдан асосланган негизда барқарор равишда ривожланишни ташкил қиласди. Фанинг обьекти табиий шароит ва табиий ресурс имкониятларидан илмий асосланган самарали фойдаланиш механизмларини ташкил қиласди.

Табиатдан фойдаланиш жараёнидаги ҳар бир тадбир уни муҳофаза қилиш жараёнига мос келувчи тадбир билан қўшиб олиб борилгандагина табиий муҳит ҳолатини мунтазам тиклаб бориш, атроф - муҳитни ифсосланишининг олдини олиш мумкин. Табиатдан фойдаланиш, уни муҳофаза қилиш, қайта тиклаш, яхшилаш тадбирлари диалектик жиҳатдан ўзаро боғлиқ тадбирлар бўлиб, улар бир вақтнинг ўзида тадбиқ этиладиган тадбирлардир. Қисқача айтганда “табиатдан оқилона фойдаланиш” тушунчаси бу жараённи тўла қамраб олади.

Табиий шароит ва ресурслардан фойдаланиш минтақаларнинг табиий ресурс потенциалининг эксплуатация қилишнинг барча шакллари ва уларни сақлаб қолиш, муҳофаза қилиш мажмуасидан иборат бўлиб, улар қўйидагиларни ўз ичига олади:

- табиий ресурсларни олиш ва ўзлаштириш, уларни қайта ишлаш, такрор ишлаб чиқариш;
- табиий ресурс потенциалини сақлаб қолиш жамият ривожланиши асоси бўлиб хизмат қилиши;
- табиий шароитдан фойдаланиш ва табиий муҳитни муҳофаза қилиш.

Табиат катта ва мураккаб тизим бўлиб, у қатор ўзаро боғлиқ космик, сайёравий, ички сайёравий, физиковий, кимёвий, биологик, географик ва бошқа тизимлардан тузилган. Уларнинг ҳар бири эса ўзига хос ва маълум элементлар таркиби, улар ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг турлари ва ўлчамлари билан характерланади. Табиий тизимлар доимий ҳаракат ва ўзгаришда бўлади, уларнинг ҳар бири ўзининг мода ва энергия алмашуви турига эга бўлиб, уларнинг натижалари ҳам ўзига хос хусусиятларга эга бўлади.

Одамларнинг табиатдан фойдаланиши ва хўжалик фаолияти жараёнида ишлаб чиқариш ва ижтимоий тизимлар пайдо бўлади, инсон фаолияти, ишлаши давомида эса модда ва энергиянинг хўжалик алмашуви содир бўлади, саноат ва турмуш чиқитлари пайдо бўлади, турли миқёс ва миқдордаги хўжалик бирликлари тузумлари вужудга келади. Улар ишлаб чиқаришни (иншоотлар, йўллар ва бошқалар) ижтимоий (шаҳарлар, қишлоқлар) тизимларни ташкил этади. Табиий, ишлаб чиқариш, ижтимоий тизимлар биргаликда одамлар яшайдиган ва меҳнат қиласидаги атроф муҳитни ташкил этади.

Асрлар давомида инсоннинг асосий муаммоси табиий ресурслардан иложи борича қўпроқ фойдаланиш, камроқ қийинчиликлар билан табиий ресурсларни ўз мақсадларига бўй синдириш бўлиб келган. Фан техника инқилоби инсоннинг табиий ресурсларга таъсир ўтказишини осонлаштириб, табиий ресурслардан ҳохлаганича фойдаланишига имкон яратди. Бундан ташқари табиий ресурсларга бўлган ихтиёж, ҳам миқдоран, ҳам таркибан ортиб кетди. Табиий ресурслардан фойдаланиш 1950 йиллардан бошлаб ҳар 10-15 йилда, ёқилғи ресурсларидан фойдаланиш эса ҳар 8-10 йилда икки маротаба ортиб келмоқда. Табиий ресурслардан бундай фойдаланиш ва ихтиёжни кескин ортиб бориши, қўплаб иқтисодий ва экологик муаммоларни келтириш чиқармоқда. Табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, экотизмлар имкониятини хисобга олиш, экологик барқарор ривожланишга эришиш каби масалаларни ҳал этиш негизида “Табиатдан фойдаланиш иқтисоди” фани вужудга келди. У табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро таъсир, боғлиқлик ва ривожланиш қонуниятларини очиб беради, таҳлил қиласиди, табиий ресурслардан фойдаланиш ҳамда табиий муҳитни ҳимоя қилишнинг назарий

тамойилларини ишлаб чиқади. Ушбу фан қараб чиқадиган масалалар қаторида иқтисодий ва ижтимоий масалалар асосий ўринни эгаллайди. Ушбу фан табиатдан фойдаланишнинг ҳар қандай вазифалари ечилишида тизимли ёндашувни таъминлайди. Бундай ёндашув тадбирлардан ҳар бирини “инсон – ишлаб чиқариш - табиат” умумий тизимидағи таркибий қисм сифатида қараашни тақазо этади. Табиий шароит, табиий ресурслардан фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш ва қайта тиклаш бўйича тадбирларни бир-бирига боғлиқ бўлмаган ва ишлаб чиқаришга алоқасиз ҳолда қарааш мумкин эмас.

Фанининг тадқиқот обьекти табиий шароит ва табиий ресурслар билан жамият ўртасидаги ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг ўзаро муносабатларидир. Ушбу алоқаларни мақсадга мувофиқ ривожланиши, инсон яшаш мұхитини сақлаш, баркарор ривожланишга эришиш фаннинг предмети ҳисобланади.

“Табиатдан фойдаланиш иқтисоди” фанининг асосий мақсади ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ахолининг ҳаётій ва маънавий эхтиёжларини қондириш билан бирга, унинг холатини бузулишига йўл қўймаслик, табиий шароит ва табиий ресурс имкониятларидан келажак авлодлар ҳам фойдаланишини таъминлашдан иборатdir.

Жамиятнинг табиий ресурсларга бўлган ва узлуксиз ортиб бораётган эхтиёжларини қондириш, тикланадиган табиий ресурсларни қайта тикланишига имкон бериш, табиий мұхитнинг маҳсулдорлигини ошириш, тикланмайдиган табиий ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш, атроф - мұхитни ифлосланишдан сақлаш, экологик муаммоларни бартараф этиш ва олдиндан башорат қилиш каби масалаларни “Табиатдан фойдаланиш иқтисоди” фанининг асосий вазифаларидан дейиш мумкин. У шунингдек, табиий маҳитни сифат жиҳатидан ёмонлашиб, миқдор жиҳатида қашшоқлашиб боришининг олдини олишнигина эмас, балки уни мақсадли равища узлуксиз яхшилашни таъминлаши ҳам ўзининг мақсади деб ҳисоблаши керак.

«Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти» нинг илмий йўналиши табиий ресурслардан фойдаланиш, уларни тиклаш ва муҳофаза қилиш, инсониятнинг моддий ва маънавий эхтиёжларини қондириш учун табиий мұхитни ифлосланиш ва бузилишдан ҳимоя қилиш, табиатни ўзгартиришга қаратилган тадбирлар мажмуасидан иборат.

«Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти» фанини ривожланишига кўпгина фанлар ўз ҳиссасини қўшмоқда. Бу фанларга табиатдан фойдаланишни илмий асосда ташкил этишга мажмуали ёндошадиган иқтисодий география, минтақавий иқтисод, иқтисодий экология ва бошқа иқтисодиёт фанлари тармоқларини мисол қилиш мумкин.

## **2. 2. Табиий шароит ва табиий ресурсларидан фойдаланишнинг экологик ва иқтисодий асослари.**

Табиат яхлит геотизимидан иборат бўлганлиги туфайли ундан фойдаланишда тизимли ёндашув татбиқ қилинишини тақазо этади. Бинобарин, бу жараёнда табиат ва унинг ресурсларидан мажмуали равишда омилкорлик билан фойдаланиш зарурлиги экологик ва иқтисодий жиҳатдан аввалдан асосланган. Лекин бу жараён негизида географик қонунлар ва қонуниятлар мавжудки, биз аксарият ҳолларда уларга етарли эътибор бермаймиз, натижада катта миқёсда заарли оқибатлар ривожланишига асос яратамиз. Дарвоҷе, табиат ва унинг ресурсларидан фойдаланишнинг географик асослари мавжуд экан, уларни билишимиз

Табиат қонунлари ва қонуниятлари ҳамда жамият ишлаб чиқариши. Инсоннинг хўжалик фаолияти табиатда содир бўлар экан, у албатта, табиат қонунларини ҳисобга олиши, қонуниятларга риоя қилиши лозим, акс ҳолда унинг ишлаб чиқариш фаолиятида иқтисодий самарадорлик, иш унуми, барқарор тараққиёт, маҳсулот сифатини яхшилаш ва бошқа соҳаларда жиддий ютуқларга эришиш, олдинга силжиш юз бермайди, шунингдек, экологик ва иқтисодий-ижтимоий оқибатлар кўлами ортиб боради.

Табиатнинг туб қонунларидан бири мавжуд моддий тизим ва уни ўраб турган атроф – муҳитнинг бир бутунлиги ҳисобланади. Бу ҳолатни жамиятга нисбатан қўлланса, у ҳолда унинг географик муҳит билан бир бутунлик қонуни деб қараш мумкин. Табиатда, одатда, бир ҳодисанинг ўзгариши қўшни геотизимдаги шундай ҳодисанинг ўзгаришига таъсир этади. Бунда улар орасидаги боғлиқлик қанчалик яқин бўлса, ўзаро таъсир ҳам шунчалик кучли бўлиши кузатилади. Шунинг учун табиатдан фойдаланишда бу қонунга риоя қилиш нақадар муҳим, айниқса геопара, парагенетик тизимлар (Оролбўйи ва Орол денгизи, Балхашбўйи ва Балхаш кўли) да бу табиий ҳодисанинг жиддий оқибатлари кузатилади. Орол сатҳининг тез суръатларда тушиб кетиши туфайли Оролбўйида содир бўлаётган антропоген чўллашиш ҳодисаси Амударё ва Сирдарё дельталарида табиий муҳитнинг тиклаб бўлмайдиган даражада ўзгаришига олиб келмоқда.

Табиий муҳитнинг тезкорлик билан тараққий қилишида ландшафт (геотизим) ларнинг хилма-хиллиги қонуни таъсири устуворлик қиласи. Аниқланишича, худудда табиий муҳит ва ресурсларнинг хилма-хиллиги қанча кўп бўлса, жамиятнинг ривожланиши учун ҳам қулагай шароит вужудга келади. Аксинча, табиий шароит бир хил бўлиб, бойликлар ҳам камбағал бўлса, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши учун имкониятлар кам бўлади. Табиий муҳит хилма-хил худудларда инсоннинг хўжалик фаолияти фаолроқ ёки кучли содир бўлиши туфайли геотизимларнинг ўзгариши ҳам тезлиги билан ажралиб туради. Бу жараёнда моддий тизим ва атроф – муҳит бирлиги қонуни ва ландшафтлар хилма-хиллиги қонуни бир-бирини тўлдиради ҳамда уларнинг бир вактдаги ҳаракати юз бериши мумкин. Бу ҳодиса ландшафтларнинг

структуралы динамик ҳолати мураккаб бўлган ҳудудларда табиий муҳитнинг тезкорлик билан ўзгариши натижасида ривожланади. У ҳудудда табиий-географик шароитнинг хилма-хиллиги табиий мажмуаларнинг бир-биридан кескин фарқ қилиши билан боғлиқ. Ушбу қонунлар таъсири натижасида катта ҳудудларда табиий (экологик) шароитларнинг ўзгариши кузатилади.

Табиий компонентларнинг бир-бири билан ўзаро боғлиқлик, алоқа, ҳамжиҳатлик муносабатида бўлиш қонуни муҳим аҳамиятг қасб этади. Бунда ташқи таъсир натижасида бирор компонентнинг ўзгариши бошқа компонентларга ҳам таъсир этади, бинобарин, бу жараёнда геотизим ҳам маълум даражада ўзгаришга учрайди. Шу муносабат билан табиатдан фойдаланиш жараёнида бу қонунга амал қиласлик ҳунук оқибатларга олиб келади.

Булардан ташқари модда ва энергия айланиши, зоналлик, азоналлик, ландшафт қобигидаги ритмик ҳамда цикллик ҳодисаларини билмай, уларга амал қилмай туриб, табиатдан тўғри фойдаланиб бўлмайди.

Табиат мажмуаларининг табақалашуви ва табиатдан фойдаланиш. Табиат мажмуалари табиий жиҳатдан чегаралангандиги туфайли ўзлари эгаллаган ҳудудларда экологик шароит ва бойликларнинг деярли бир хиллиги ёки бир-бирига яқинлиги билан тавсифланади. Бу жиҳатдан қараганда ҳар бир мажмуа ўзи эгаллаган ҳудуд ва ўлчамларига қараб қишлоқ хўжалиги ёки саноат ишлаб чиқаришида маълум тармоқни ривожлантириш ёхуд объектни жойлаштириш учун қулай имкониятларга эга бўлади. Гап мавжуд табиий шароит ва ресурснинг табиий хусусиятларини тўлиқ ҳисобга олган ҳолда дехқончиликнинг аниқ тармоғини ривожлантириш ҳамда маълум саноат объектини жойлаштириш устида бормоқда. Чўл шароитида оддий ботик туб ва ёнбағирлар фацияларидан иборат бўлса, улар бир хил табиий шароитга эгалиги билан фарқланади. Бундай вазиятда унинг туби дехқончиликда, айтайлик шоли, ёнбағирлари ғўза ёки ем-хашак экинларини ўстириш учун қулай. Агарда ботик туби шўрланишга мойил бўлмаса, у ҳолда шоли ўрнига беда, маккажўхори ва намликин севувчи бошқа экинларни жойлаштириш лозим. Оддий географик фация мисолида экинларни тўғри жойлаштира билиш муҳим, акс ҳолда ернинг мелиоратив ҳолати ёмонлашади.

Оддий урочиша бир неча фациялардан ташкил топганлиги сабабли дехқончилик мақсадларида фойдаланилганда алмашлаб экиш схемаларини тўғри қўллаган ҳолда экинларни ернинг мелиоратив ҳолатига қараб жойлаштириш айни муддаодир. Бунда экинларнинг намликини истеъмол қилиш хусусияти ва шўрга чидамлилиги, шунингдек, нишаб ёнбағирларда ирригация эрозияси вужудга келиши мумкинлигини эътиборга олиб, маълум далалар схемаси тарзида уларни жойлаштириш мақсадга мувофиқ. Далалар схемаси деганда уларнинг маълум рельефга мос келувчи фациялар назарда тутилади. Фация миқёсида дехқончиликни

ривожлантириш ерларни суғориш учун жиҳатидан яхшилашда ҳам қўл келади. Чунки ҳар бир фация маълум турдаги мелиоратив тадбирга муҳтоҷ, бу жиҳатдан қараганды экилаётган экинлар схемаси ҳам унга мос келиши лозим. Эрозияга мойил ерлар – тупроқни ювилишдан сақлаб қолиш мақсадида ихотазорларни тўғри режалаштириш ва экинларни кулис усулида жойлаштиришни тақозо этади. Бундай вазиятда сув айирғич, кенг ёнбағир ва этак қисмларда эрозия жараёнининг даражасига қараб экинларни жойлаштириш таклиф қилинади.

Жой тизими бир неча урочишалар мажмуасидан иборат бўлганлиги туфайли дехқончиликни ривожлантиришда ҳудуднинг аниқ хусусиятларини ҳисобга олиш талаб этилади. Бу борада район планировкаси тамойилларини қўллаш айни муддао. Чунки жой мураккаб рельеф ва уни ташкил қилган ётқизиқлар кескин ўзгарувчанлиги билан тавсифланади. Ботик ва қавариқ ер шакллари ўзаро алмашиб келиши ва уларнинг ўлчамлари турлича бўлиши сабабли, баъзан чуқурроқ ва баландроқ рельеф шакллари мавжудлиги туфайли ердан фойдаланиш схемасини мураккаблаштиради. Бу борада суформа дехқончилик, чорвачилик, боғдорчилик, суғориш учун ва ирригация, ер ости ва ер усти коммуникациялари, қишлоқ хўжалик техникасини таъмирлаш корхоналари, саноат, рекреация, спорт, маданий-маиший, аҳоли яшаш жойлари, маориф, соғлиқни сақлаш, савдо, бошқарув ва бошқа объектларни географик жойнинг хусусиятларини тўғри ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш лозим. Район планировкаси лойиҳасида дехқончилик учун қулай былган барча ерлар иложи борича қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига ажратилиши лозим. Қишлоқ, савдо, транспорт, спорт ва бошқа инфратузилма объектлари ўзаро уйғунлашиши ва ягона макон бош лойиҳаси асосида тузилиши мақсадга мувофиқ. Бинобарин, табиий мажмуаларнинг табақалашуви ердан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида фойдаланишни режалаштириш ва у билан боғлиқ бўлган соҳаларни жойлаштиришни асослаш ва уларни амалга оширишда мажмуали негиз вазифасини ўтайди. Бу борада ландшафт бир неча жой тизимидан иборат бўлганлиги сабабли юқорида кўрсатиб ўтилган объектлар ва дехқончилик ерлари, суғориш учун ҳамда ирригация тизимларини жойлаштириш, шунингдек, аҳоли яшаш жойларини белгилашдада, пахта ва бошқа хом ашёларни қайта ишлаш, тайёр саноат маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган корхоналар, тадбиркор ва фермерлар корхоналарини жойлаштириш ва бошқа объектларни ҳисобга олган ҳолда лойиҳалашда бош асос вазифасини ўташга хизмат қиласи.

#### **4. 4. «Табиат-хўжалик-аҳоли» тизими.**

Табиат ва жамият тизими аслида “табиат-хўжалик-аҳоли” тизими тарзида ифодаланса мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаш мумкин, чунки

табиат инсоннинг хўжалик фаолияти натижасида ўзгаради. Ўзгариш илмий асосланган ҳолда амалга оширилган тақдирда табиат жамият мақсадларига мос келадиган тарзда ўзгаради. Бунда табиат ҳам, инсон ҳам азият чекмайди. Лекин ишлаб чиқаришни ривожлантириш жараёнида техника, технология, меҳнат ҳарактери, субъектнинг айби билан қатор камчиликларга йўл қўйилиши туфайли табиат бойликларидан фойдаланишда исрофгарчиллик, деградация, хом ашёларни мажмуали қайта ишламаслик, турли чиқиндишларни муҳитга қыплаб чиқариш натижасида табиат жиддий зарар кўрмокда. Ернинг ҳаво ҳарорати кейинги 110 йил давомида 1 даражага ортгани ва уни БМТ маълумотига кўра у 2030 йилгача 4-5 даражага ортиши башорат қилинаётгани, бунинг ҳунук экологик ва ижтимоий-иктисодий оқибатлари ҳозирдаёқ жиддий сезилаётгани фикримизнинг яққол далилидир.

Суғорма ерларнинг бир қисми дехқонларга томорқа тарзида бўлиб берилиши, фермер ва ширкат хўжаликлари тузилаётгани, корхоналарнинг хусусийлаштирилиши инсоннинг табиий ресурсларга бўлган муносабатини сифат жихатдан тубдан яхшилади. Бу ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг жуда ҳам самарали шаклидир. Чунки дехқон, тадбиркор, мулк соҳиби бойликларга меҳр кўзи билан қараб, улардан иложи борича омилкорлик билан фойдаланиш мақсадида меҳнат қиласи. Бу бошланган хайрли ишни тобора ривожлантириш ва такомиллаштириш лозим.

Табиатдан фойдаланиш мураккаб ва серқиррали жараён, бунда кўпгина омилларга мунтазам аҳамият бериш талаб этилади. Аввало меъёр, қўлланиладиган технология, иш режими, чиқиндишларни ушлаб қолиш (йифиш) ва мажмуали қайта ишлаш ҳамда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш технологияси жараёнининг мураккаблигига қараб кам чиқиндили ёки берк технологияга ўтиш масалаларини босичма-босқич ҳал қилиш асосий мақсад бўлиши лозим. Бундай вазиятда атроф - муҳитнинг корхоналар чиқиндишлари ҳисобига ифлосланиши камайиб боради.

Табиат бойликларидан фойдаланишда худуднинг географик шароитини ҳисобга олиш накадар аҳамиятли, кўп ҳолларда бунга амал қилмаслик оқибатида номақбул ҳодисаларнинг шаклланиши содир бўлиши натижасида табиат ва жамият жиддий зарар кўради. Бу борада худудий ва маҳаллий шароитлар ҳамда қонуниятларни эътиборга олиш энг зарурӣ шарт ҳисобланади. Чўл шароитида ҳавонинг ўз-ўзини тозалаш қобилияти анча кучли, шунинг учун ҳам саноат корхоналари атроф-муҳит ҳавосининг ифлосланишида асосий омил ҳисобланмайди. Навоий, Муборак, Қоровулбозор, Шўртанг ва бошқа саноат корхоналари атмосфера ҳавосини фақат корхоналар атрофидагина ифлослантиришлари мумкин, барқарор шамол ҳаракати газсимон чиқиндишларни тўзитиб юборади ва улар ҳавонинг умумий циркуляциясига аралашиб, атмосферада тарқалиб кетади. Тоғ олди (Чирчик, Оҳангарон, Сурхондарё, Қашқадарё) ва тоғ

(Сўх, Қувасой, Хондизасой) водийларида маҳаллий минерал ресурслар асосида бир неча саноат корхоналари кўпдан бери фаолият кўрсатмоқда ва янгилари лойиҳаланиш арафасида турипти. Бир ҳисобда корхонани хом ашё базаси яқинида бунёд этилиши иқтисодий географик жиҳатдан тўғри, бошқа жиҳатдан атроф - муҳит ифлосланиши назарда тутилса, мантиқа тўғри келмайди. Тоғ-водий шамолларининг кун ва тунда турли йўналишларда эсиши натижасида корхоналар чиқиндилиари тоғ олди ва тоғ водийларида бир текисда тақсимланади, оқибатда табиий муҳит барча жойларда ифлосланади. Бунда нафакат табиат, шунингдек, аҳоли ҳам катта зарар кўради (сув ва ҳавонинг ифлоланиши турли хил касалликлар тарқалишига олиб келади). Бундай вазиятда корхоналарнинг ишлаб чиқариш жараёни берк ёки кам чиқиндили технология билан алмаштирилиши айни муддаодир.

Тоғ олди қия пролювиал текисликлар сув ўтказувчанликлари билан тавсифланади, шунинг учун ҳам уларда фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари (Олтиариқ ва Фарғона нефтни қайта ишлайдиган, Янги Кўқон кимё, Олмалиқ тоғ- металургия ва бошқа) нафакат ҳаво, шунингдек, ер ости ва ер усти сув ҳавзаларини ҳам ифлослантириб келмоқда. Шундай табиий жараён содир бўлиши ушбу корхоналарни лойиҳалаётган пайтда ҳам мутахассисларга маълум бўлган, лекин унга тегишли эътибор берилмаганлиги оқибатида табиий муҳит ва аҳоли жиддий зарар кўрмоқда.

Иrrигаторлар сув омборларини лойиҳалаётган пайтда баъзан мавжуд ботиқлар ўрнидан фойдаланишни афзал кўрадилар, чунки тайёр ҳавза ортиқча қазиш ишларини талаб этмайди. Лекин бундай ҳавзалар тубида бир неча метр қалинликдаги туз қатламлари мавжуд бўлганлиги туфайли уларнинг суви шўрлиги билан тавсифланади ва сугоришда ишлатилади. Бу ҳодиса сугориш учун мутлақо мумкин эмас.

Ер ва сув ресурсларини муомалага киритишда ниҳоятда эҳтиёткорлик зарур. Чунки аввало ер сугориш учун нечоғли қулайлиги асосланилса ва шунга қараб суформа дехқончилик ривожлантирилса, шунингдек, номатлуб ҳодисалар шаклланишининг олдини олувчи маҳсус тадбирлар амалда қылланилгандан сўнг ер ва сувдан фойдаланишни бошлаш ҳамма жиҳатдан ҳам мақсадга мувоғиқ деб ҳисоблаш мумкин. Бу жиҳатдан қараганда Қорақалпоғистон, Бухоро, Мирзачўл, Қарши ва Жиззах чўлларида ерларни ўзлаштиришнинг “аччиқ” тажрибаси доимо эътиборда бўлиши лозим.

### **Бобнинг қисқача мазмуни.**

Ҳар қайси фаннинг ҳам ўз ўрганиш обьекти, илмий назарий асослари, мақсад ва вазифалари бўлгани каби табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти фанида ҳам бу тушунчалар бор. Ўрганиш обьекти табиий ресурслар ва табиий шароит бўлиб, уларни ўрганишда ўзининг назарий

асосларига эга Табиат қонунлари ва қонуниятлари жамият ишлаб чиқаришида «Табиат-хўжалик-аҳоли» тизими кўринишида намоён бўлади. Фаннинг асосий вазифаси табиат қонунларини инкор қилмаган, бузмаган холда ундан фойдаланишни ташкил этишдир. Бундан ташқари “Табиат – ишлаб чиқариш” тизимида табиий ресурсларнинг экологик-иқтисодий хусусиятларини этибордан қочирмаслиқдир.

### **Таянч иборалар.**

Табиат билан жамият ўртасида экологик – иқтисодий алоқалар. Табиий, ишлаб чиқариш, ижтимоий тизимлар. Улар ўртасидаги алоқалар. Табиий ресурслар. Табиий ресурсларни таснифи. Табиий ресурсларнинг тармоқлараро суперкомплекслари. “Табиат – ишлаб чиқариш” тизимлари. Ўзбекистонда “Табиат – ишлаб чиқариш” тизимларнинг экологик – иқтисодий хусусиятлари ва уларнинг иқтисодий самарадорлиги.

### **Назорат ва мулоҳаза учун саволлар.**

1. Фаннинг тадқиқот обьектини тушунтиринг?
2. Фаннинг мақсад ва вазифаларини айтинг?
3. Экологик – иқтисодий алоқалар ва муносабатларнинг мазмун ва моҳияти нималардан иборат?
4. Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти фанининг қандай тушунча ва атамаларини биласиз?
5. Фаннинг илмий-назарий асосларини тушунтиринг.
6. «Табиат-хўжалик-аҳоли» тизими деганда нимани тушунасиз?
7. Табиатдан фойдаланиш тамойилларини айтинг?
8. Фаннинг устивор йўналишлари нималардан иборат?
9. Ўзбекистонда табиатдан фойдаланиш фанини ривожлантиришнинг аҳамиятини тушунтиринг.

### **Адабиётлар рўйхати.**

1. Каримов И.А. Ватан равнаки учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.: 2001.
2. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пироворд мақсадимиз.-Т-.: 2000.
3. Алимов Т.А., Хаскин В.В. Экология. Учеб. пособ. М., 1998.
4. Ҳаёт ва қонун-2002й. №5. 76 бет.
5. Жамият ва бошқарув-2003й. №1. 65 бет.
6. Глушкова В.Г., Макар С.В. «Экономика природопользования» учебное-пособие М: Гардораки 2005.
7. Холина В.И. «Основы экономики природопользования» Питер 2005.

### **Интернет сайтлари**

3. <http://ecoinform.freenet.uz>
3. [www.book.ru/cgi-bin/book](http://www.book.ru/cgi-bin/book)

3. E-mail: ecolog@freenet.uz

### **III. Боб. Табиатдан унумли фойдаланиш тадбирларига маблағлар ажратиш ва давлат экологик экспертизаси.**

#### **3. 3. Табиатдан фойдаланишни бошқаришнинг асосий инструментлари.**

**Экологик мониторинг.** Экологик мониторинг атроф табиий муҳит ва унинг ресурслари ҳолатини маълум дастур асосида мунтазам кузатиш, баҳолаш, башоратлашнинг маълум тизими бўлиб экологик – иқтисодий бошқаришни ахбаротлар билан таъминлашга хизмат қиласди. Ўзбекистон Республикасидаги миллий мониторинг тизими уч турни ўз ичига олади: санитария – гигиена мониторинги, экологик мониторинг, иқлим мониторинги. Уларнинг функциялари қўйидагилар: атроф муҳит ҳолатини кузатиш, ҳолатини баҳолаш, ва башоратлаш.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси таҳлилий назорат давлат инспекцияси ҳозирги вактда республиканизнинг ҳаво муҳити, тупроқ ва очиқ сув ҳавзалари ягона мониторинг тизимини барпо этиш ишларини амалга ошираётir. Унинг асосий фаолияти ифлослантириш манбалари мониторинг дастурини амалга оширишга йўналтирилган.

Мониторинг тизимини янада такомиллаштириш учун мунтазам кузатувларнинг технологик даражасини такомиллаштириш ва мониторинг тармоғини кенгайтириш лозим.

**Экологик стандартлар ва нормативлар.** Ҳар бир мамлакатда бўлгани каби атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг стандартлари ва норматив ҳуқуқий тизими Ўзбекистонда ҳам яратилгандир. Мазкур стандарт ва нормативлар атроф муҳит сифатига қўйилган чеклашлар ва талабларнинг ўзаро боғлиқ комплекси, шунингдек ишлаб чиқариладиган маҳсулот ва хизматларнинг ишлаб чиқариш технологик ва ташкилий бошқарув жараёнларига талаблар бўлиб, улар воситасида аҳоли ва ишлаб чиқаришнинг экологик хавфсизлиги кафолатланади. Генетик фондни сақлаш, иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларни такрор ишлаб чиқаришни таъминлаш ҳам унинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Ўзбекистонда қабул қилинган стандарт ва нормативларга қуйидагилар киради:

- ифлослантиришнинг турғун ва ҳаракатдаги манбалари чиқарадиган ифлослантирувчи моддаларига норматив ва лимитлар;
- заҳарли чиқиндиларнинг шаклланиши ва жойлашиш нормативи;

- сув олиш ва ўрмондан фойдаланиш лимитлари;
- биоресурслардан фойдаланишга квоталар;
- муҳофаза қилинадиган ҳудудлардан фойдаланиш ва бориб кўриш нормативлари;
- ёввойи ўсимликни йиғиш ва ҳайвонларни овлаш нормативлари ;
- алоҳида ҳудудларда ифлослантирувчи ҳамда заҳарли моддалардан фойдаланишни тақиқлаш нормалари

“Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида” ги қонуннинг олтинчи бўлими атроф муҳит сифатини нормативлар ва стандартлар билан тартиба солишга бағишлиандир. Шунингдек, Ўзбекстон Республикаси “Давлат санитария назорати тўғрисидаги”ги қонунининг қатор моддаларида санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларига қўйиладиган талаблар берилган.

Атроф муҳитга таъсириниң йўл қўйиш мумкин бўлган энг юкори даражаси норматевларниң иқтисодий, ижтимоий, рекрация, табиий муҳитга физик, кимёвий, биологик, ўзгаришлари кўрсаткичларини белгилашга асос бўлади. Атроф муҳит сифатига таъсириниң йўл қўйиш мумкин бўлган норматевлари ваколатли давлат органлари тасдиқлаган техник нормалардир.

Экологик норматевлар икки гурухга бўлинади:

1. санитария-гигиена;
2. ишлаб чиқариш-хўжалик;

1. Санитария-гигиена норматевлари инсон саломатлигига мувофиқ келувчи атроф муҳит кўрсаткичларини белгилайди. У аҳолини санитария-эпидемология масалаларида хотиржамликларини таъминлаш асосининг таркибий қисмига киради. Бунда заҳарли моддалар, радиактив моддалар, ҳамда шовқиннинг йўл қўйиш мумкин бўлган нормаларини белгилайди.

2. Ишлаб чиқариш-хўжалик норматевлари зарарли таъсир манбаларининг зарарли моддаларни чиқариб юбориш ва ташлаш норматевлари бўлиб, улар фаолиятининг маълум бошланғич ҳолатини чеклайди.

Ишлаб чиқариш-хўжалик нормативлари зарарли таъсир манбаларининг зарарли моддаларни чиқариш ва ташлаб юбориш нормативлари бўлиб, улар фаолиятини маълум бошланғич ҳолатини чеклайди. Бу категорияга атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишнинг экологик талабларни ўз ичига олган технологик, курилиш, шаҳарсозлик қоидалари киради. Йўл қўйилиши мумкин бўлган чиқармалар корхоналар, муассасалар, ташкилоклар бўйича эмас, балки инвентаризация асосида ташланмалар ва чиқиндилар манбалари бўйича аниқланади, чунки бир корхонада бир нечта шундай манбалар бўлиши мумкин. Табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини стандартлашнинг учта асосий йўналиши бор:

1. Атроф-муҳитга юкори таъсир экологик нормативларини белгилаш. Атроф-муҳитга таъсир нормативлари таъсир манбаларидан атроф

мухитга моддалар ёки энергиянинг йўл қўйиши мумкин бўлган шаклдаги миқдорда тушишини белгилайди; худудий-мамурий бирликлар доирасида турли хужалик ва бошқа объектларнинг атроф муҳитга умумий таъсири миқдори( атроф-муҳитга таъсирнинг худудий нормативлари).

2. Экологик-ташқилий стандартларни белгилаш. Бу атроф-муҳитни муҳофаза қилишни ташкил этишга қўйиладиган асосий талабларни ифода итади.
3. Экология атамаларини стандартлаштириш У ёрдамчи аҳамиятга эга бўлиб, атамаларни талқинини ўрнатишга имкон беради, ҳамда янги стандартларни ишлаб чиқиш ва мавжутларидан самарали фойдаланишга имкон беради.

Ўзбекистонда стандартлаштириш ва нормативлаштириш борасида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунда атроф муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан самарали фойдаланишга йўналтирилган.

Ўзбекистонда стандартлаштириш ва нормативлаш бўйича асосий орган давлат стандартлаштириш ва метрология қумитаси ҳисобланади. Табиатни муҳофазаси ва табиий ресурслардан самарали фойдаланиш соҳасидаги стандартлаштириш ва метрологияси билан Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасини “Давлат ихтисослашган таҳлил назорати инспекция”си шуғулланади. Бу инспекция табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг структураси, ҳамда тегишли идора ва вазирликлар билан биргаликда стандартлаштириш соҳасида методик, норматив-техник ва бошқа хужжатларни ишлаб чиқади, жорий этади, амалга ошишини назорат қиласи. Хозирда табиатни муҳофаза қилиш саҳасида ва табиий ресурслардан фойдаланишда стандартлаштириш ва метрология бўйича маълумотлар банки шаклланади, атроф муҳит муҳофазаси бўйича норматив ва методик хужжатлар фонди яратилган. Табиатни муҳофаза қилиш Давлат ихтисослашган таҳлил назорати инспекцияси томонидан қўйидаги экологик стандартлар кўлланилмоқда;

- атмосфера ҳавосининг сифати;
- иш жойларида ҳаво сифати;
- ер усти сувлари сифати;  
    тупроқ сифати;
- ер ости сувлари сифати;
- озиқ овқат маҳсулотлари сифати;
- атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар чиқариш нормативлари;
- оқар сув манбаларига ифлослантирувчи моддаларни ташлаш нормативлари;
- чиқиндиларни шаклланиши нормалари;

Табиатдан фойдаланиш фаолиятларини лицензиялаш. Янги иқтисодиёт шароитида табиий ресурслардан самарали фойдаланиш асосий

масалалардан хисобланади. Иқтисодиётни экологик иқтисодий бошқариш ва иқтисодиётни экологиялаштириш, улардан фойдаланишни иқтисодий механизмларини яратиш ва фойдаланишни хуқуқий асосларига қуриш мустақилигамизни дастлабки йилларидан бошлаб амалга оширала бошлаган. Табиий ресурслардан фойдаланиш ва табиий муҳитга таъсир ўтказиш билан боғлиқ хужалик ва бошқа фаолиятга фақат тегишли лицензия мавжудлигидагина рухсат берилади. Лицензия унинг эгасига аниқ табиий ресурсдан фойдаланишни хуқуқи бўлиб, унда олдиндан келишилган талаб ва шартлар белгиланган бўлади. Лицензия бериш хуқуқи Ўзбекистон республикасида Вазирлар Махкамасини тегишли камиссияси тамонидан амалга оширилади.

Табиатдан фойдаланишни лицензиялаш-маъмурий-хуқуқий- йўл билан экологик – иқтисодий муносабатларни тасдиқлаш, рухсат бериш, ваколат бериш каби методлар орқали тартибга солишининг номоён бўлишидир. Табиатдан фойдаланишни лицензиялашнинг моҳияти кўйидагича:

- табиий ресурс эгасининг ёки унинг мулкдори акти;
- табиий ресурслардан фойдаланиш устидан давлат назаратини амалга ошириш шакли;
- табиатдан оқилона фойдаланишни тартибга солиш воситаси;

Лицензиялаш бир йил муддатга талабгорни аризаси ёки танлов асосида берилади. Экологик талабларни бузганлик ёки амал қилмаганлиги каби сабаблар аниқланса, лицензия мавжуд қонунлар асосида бекор қилинади ёки бошқа шахсга берилади.

Табиий ресурслардан фойдаланишни экологик лицензиялаш Табииатни Муҳофаза қилиш Давлат қўмитасини жойлардаги худудий органлари томонидан амалга оширилади.

**Экологик сертификатлаш.** Экологик сертификатлаш қуйидаги мақсадларда амалга оширилади:

- а) маҳсулотнинг атроф-муҳит, ҳаёт, саломатлик, мулк учун ҳавфсизлигини назорат қилиш;
- б) тайёрловчи (ишлаб чиқарувчи)нинг маҳсулот сифати кўрсаткичлари бўйича баёнтининг тасдиқланиши;
- в) истеъмолчини тайёрловчи, сотувчи, ижрочининг инсофсизлигидан ҳимоя қилиш;
- г) истеъмолчига маҳсулотни компетентли танлашга ёрдам бериш;
- д) Ўзбекистоннинг ягона товар бозорида ва ундан ташқарида (халқаро иқтисодий, илмий-техник ҳамкорлик ва савдо) корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, тадбиркорлар фаолияти учун шароит яратиш.

Экологик сертификациялашда экологик ҳавфсиз, экологик талабларга мос тушадиган, инсон ҳаётига ва фаолиятига, ҳамда атроф муҳитга зарар етказмайдиган маҳсулот ва таварларга берилади. Ривожланган мамлакатларда диярли барча маҳсулот ва хизматлар экологик

сертификатланади. Ўзбекистон республикасида ҳам бу соҳада катта ишлар амалга оширилмоқда. Хозирги пайтда мажбурий сертификатланадиган маҳсулотлар 80 турдан ошиқдир. Бундан ташқари хохловчилар ўз маҳсулот ва хизматларини экологик сертификатциялаш хуқуқига ҳам эга.

Экологик сертификация вазифалари қўйидагилар:

- атроф муҳит ва табиий ресурслар салоҳиятидан самарали фойдаланиш, муҳофаза қилиш, такрор ишлаб чиқаришини таъминлаш;
- ҳаёт, саломатлик, мулк учун ҳавфли маҳсулотларни истимолчилар сотиб олишдан ёки улардан фойдаланиш жараёнид атроф муҳитни зарарланишидан ҳимоя қилиш;
- инсон ҳаёти ва фаолияти шароитига ва атроф муҳит ҳолатига ишлаб чиқариш жараёнларига, маҳсулот истеъмоли, чиқиндиларни утилизациялаш, табиий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ омилларнинг ноқулай таъсирлардан огохлантириш;
- мамлакатга экологик нотоза маҳсулотлар кириб келишидан сақлаш;
- табииатдан фойдаланиш ва муҳофаза қилишда илмий-техника тараққиётидан фойдаланиш;
- мамлакатимиз маҳсулотларини халқаро майдонда роқоботбардошлигини ошириш;
- экологик адолатли бозорни ташкил этиш;
- жамият ва табииатнинг ўзаро алоқаларида экологик ҳавфсизликни таъминлаш.

Экологик сертификация обьектига қўйидагилар киради:

- табиий муҳит ва табиий ресурс манбалари;
- ишлаб чиқариш ва истимол чиқиндилари;
- технологик жараёнлар;
- экологик хизматлар ва истеъмол маҳсулотлари.

Ўзбекистон Республикасида “Маҳсулотлар ва хизматлар сертификацияси тўғрисида”ги (1993) қонунига мувофиқ “Ўздавстандартга” сертификация бўйича миллий орган статуси берилган. Бундан ташқари табииатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси қошида маҳсулотлар ва хизматлар экологик сертификацияси маркази тузилган ва унинг бўлинмалари барча вилоятларда ташкил этилгандир.

Мамлакатимизда экологик сертификат бўйича обьектлар аниқланган, норматив – техник ҳужжатлар пакети ишлаб чиқилган. Бунда қўйидаги тадбир ва ҳаракатлар амалга оширилаётir:

- экологик ҳавфсиз технологик жараёнлар ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- экологик ҳавфсиз маҳсулотларни ишглаб чиқаришни ташкил этиш;
- норматив-ҳуқуқий ва иқтисодий механизmlарни яратиш, фуқароларни қулай атроф-муҳит ва маҳсулотларга эга бўлиш, саломатлиги ва мулкига зиён етказувчи ахборотларни тўплаш ҳамда экологик зиён етказувчиларга йўл бермаслик;

- мамлакатимизга хавфли маҳсулотлар кириб келиши, ишлаб чиқарилиши ҳамда ҳудудимиздан олиб ўтилишини бартараф этиш;
- табиат муҳофазасига мўлжалланган ишлар ва хизматлар бозорини тартибга солиш;
- атроф-муҳит сифатин яхшилаш;
- ресурсларни тежаш ва атроф муҳитга йўл қўйиб бўлмайдиган таъсиран огоҳлантириш (Национальный доклад 2002)

**Экологик экспертиза.** Ўзбекистон Республикасида экологик экспертиза тўғрисидаги қонун 2000 йил қабул қилинган. Бу қонуннинг моҳияти режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик ва бошқа фаолиятларни экологик талабларга мувофиқлигини аниқлашдан иборат. Давлат экологик экспертизасининг обьектларига қўйидагилар киради:

- 1) давлат дастурларининг концепцияларининг, ишлаб чиқариш кучларининг ижтимоий ва иқтисодий соҳа тармоқларини жойлаштириш ҳамда ривожлантириш схемаларининг лойиҳалари;
- 2) барча турдаги қурилишлар учун ер участкаларини ажратиш материаллари;
- 3) лойиҳа олид ва лойиҳа ҳужжатлари;
- 4) табиий ресурслар билан фойдаланиш билан боғлиқ хўжалик ва бошқа хил фаолиятни тартибга солувчи норматив техник ва йўриқнома услугубий ҳужжатларининг лойиҳалари;
- 5) техника, технология, маҳсулотлар, моддаларнинг янги турларини тайёрлашга доир ҳужжатлар;
- 6) атроф табиий муҳит ҳолатига ва фуқаролар соғлигига салбий таъсир кўрсатувчи ишлаб турган корхоналар ва бошқа обьектлар;
- 7) кейинчалик уларга муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, фавқулодда экологик оғат зоналари мақомини бериш мақсадида ўтказилган ҳудудларни комплекс текшириш материаллари;
- 8) шаҳарсозлик ҳужжатларининг барча турлари;
- 9) маҳсус ҳуқуқий режимли обьектлар.

Экологик экспертизанинг мақсади қўйидагилар:

- лойиҳа қарорларини уларни амалга оширишдан олдин экологик таълабларга мувофиқлигини илмий асосда аниқлаш;
- режалаштирилаётган, лойиҳалаштирилаётган ва ишлаб турган обьектларнинг табиатга эҳтимол тутилаётган салбий таъсири ва зекологик хавфлилик даражасини аниқлаш;
- ҳалқ ҳужалигини режалаштиришида табииий тизимлар мувозанатини сақлаб қолиш

Экологик экспертиза давлат, идоравий, жамоат, илмий шакилларда ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикасида давлат экологик экспертизаси ўтказиш Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Давлат экологик экспертизаси тамонидан амалга оширилади.

**Экологик аудит.** Экологик аудит корхона, компаниянинг ички экологик салоҳиятини, уларнинг хавф-хатарлари ва имкониятларини доимий текшириб туриш инструментидир.

Экологик аудит – корхоналарнинг мол-мулкни бериш ва жорий операциялар билан боғлиқ бўлган экологик муаммолари ва потенциал мажбуриятларини аниқлаш мақсадида атроф-муҳит ҳолатини объектив, мунтазам, ҳужжатлаштирилган ва доимий тақорорий текширишлар(тафтишлар) бўлиб, улар иқтисодий фаолиятнинг тури ва шароитлари, маъмурий бошқарув тизимлари ёки бу объектлар тўғрисидаги ахборотларнинг норматив-қонунчилик талабларига, атроф-муҳит муҳофазаси соҳасидаги самарадорлик мезонларига ва экологик хавфсизликка мос келишини аниқлаш мақсадида ўтказилади. Экоаудит ўтган асрни 70 йилларида АҚШда, 1980 йилдан бошлаб эса, Европа мамлакатларида ҳам ишлаб чиқарувчи корхоналарни “Экоаудит” қонунчилиги асосида текширишлардан ўтказмоқда.

Экологик аудитни асосий мақсади:

1. Корхона ва ташкилотларни фаолиятини экологик нормативларга мос келишини аниқлаш.
2. Корхона ва ташкилотларни табиатни муҳофaza қилиш тадбирларига фойдали тадбирлар ишлаб чиқиши.

Экологик аудитнинг асосий объектларига қуйидагилар киради:

- мулклар (ер участкалари, табиий оғатлар, бинолар, иншоатлар, машина ва жиҳозлар ва х.к.);
- корхона ва ташкилотнинг жорий фаолияти;
- фавқулотда вазиятларда корханаларнинг бошқарув тизими;
- атроф муҳитни муҳофaza қилиш дастурлари ва ходимларнинг хавфзислигини таъминлаш ва бошқалар.

Экологик аудит асосий функциялари, корхоналарни экологик қонунчиликка мослиги ва экологик сиёсатни қонунларига риоя қилиниши, атроф муҳит соҳасида қароорлар қабул қилиш учун ахборотлар йиғиш, ахолини ва атроф муҳитни заарали таъсиrlардан саклаш, экологик ҳавфли авариялар чиқишини имкониятларини таҳлил қилиш, корхонанинг реал таъсирини аниқлаш ва бошқаларни ўрганади.

Халқаро стандартларга мувофиқ экоаудит қўйидаги принципларга асосланади:

1. Мақсад ва иш ҳажмини аниқ белгилаш.
2. Объектевлик, мустақиллик, ва компенентлик.
3. керакли каспий ихтиёткорлилик.
4. Тизимлилик.
5. Аудит мезонларини белгилаш, аудитор маълумотларининг тўлиқлиги, сифатлилиги ва етарли эканлиги.
6. Аудитор натижаларини ва хulosаларини ишончлилиги.

7. Аудиторнинг келишлган мақсади ва хажмини ҳисобга олиб аудитор хуносаларини тўлиқлиги.

Экологик аудит ишлаб чиқариш объектларини аудити ва худудларнинг экологик аудити йўналишларида амалга оширилади.

Экологик аудит мажбурий ёки ихтиёрий бўлиши мумкин.

1. Табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш фаолиятини молиялаштириш. Хозирги кунда табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш фаолиятини молиялаштириш масалаларига катта эътибор берилмоқда. Собиқ маъмурий буйруқбозлик иқтисодиётидаги молиялаштириш эса ҳозиргидан фарқ қиласди ва унинг асосий хусусияти марказий режалаштириш тизимининг устиворлигига кўринарди. Яъни давлат миқёсида ижтимоий — иқтисодий ривожланишининг асосий йўналишлари белгиланиб, ана шу йўналишларда табиатни муҳофаза қилиш борасида аниқ вазифалар белгиланаарди. Бу вазифаларнинг ечими давлат, тармоқ ва худудлар миқёсида ўз аксини топар эди. Ушбу режа асосида молиявий, моддий — техникавий ресурсларга эҳтиёжлар аниқланаради, марказий молиялаштириш тизими эса фонdlар ажратиш (моддий —техник ресурсларни марказдан тақсимлаш) тизими билан тўлдирган.

Табиатни сақлаш тадбирлари молиявий воситаларининг асосий манбаи давлат бюджети ҳисобланарди. Лекин давлат бюджетидан ташқари: минтақалар бюджети, вазирлик ва идораларнинг маблағлари, корхоналарнинг маблағлари ҳам мавжуд бўлган эди. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, давлат бюджетидан ташқари молиявий манбаларни давлат бюджетидан айрим ҳолда кўриб бўлмасди. Шу сабабли ҳам молиялаштиришнинг бу тизими самарасиз бўлган. Бюджетдан маблағлар етарли даражада ажратилмасди, чунки экологик вазиятни соғломлаштириш вазифаси давлатнинг устивор вазифалари қаторига киритилмасди.

Маъмурий буйруқбозлик иқтисодиёти шароитида табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини моддий техник таъминоти (турли фонд ва лимитлар тизими орқали) устивор аҳамиятга эга бўлган бўлса, бозор муносабатларига ўтиш шароитида эса ягона тақчил ресурс молиявий ресурслар ҳисобланади. Табиати муҳофаза қилиш соҳасини **самарали** фаолият кўрсатиши унинг барқарор молиявий таъминотига узвий боғлиқ бўлади.

Мустақиллик йилларида табиат ресурсларидан фойдаланганлик ва ифлослантирганлик учун тўловлар каби иқтисодий дастаклардан кенг фойдалана бошланганлиги сабабли табиатни муҳофаза қилишнинг янги молиявий манбаларини шакллантириш имконини берди.

Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги» қонунига мувофиқ табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари ва экологик дастурларни молиялаштириш қўйидаги манбаларга асосан амалга оширилиши таъкидланган:

1. бюджет маблағлари;
2. корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар маблағлари;
3. бюджетдан ташқари ресурслар ва худудлар бўйича экологик фондлар.
4. экологик суғурта фондлари; Банк кредитлари;
5. ҳомийлар маблағлари;
6. аҳоли маблағлари (шу жумладан хорижий юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари);

Кўйида баъзи молия манбаларининг шаклланиш хусусиятлари ва аҳамияти ҳакида фикр юритилади.

Бюджетнинг даромад қисмига солиқлар, табиий ресурлардан фойдаланганлик ва атроф муҳитни ифлослантирганлик учун ажратмалар ва тўловлар киритилади

Ўзбекистон Республикаси қонунларига биноан инвестицион экологик дастурларни амалга ошириш учун давлат ва бюджетдан ташқари фондлардан субвенция кўринишидаги молиявий ёрдам кўрсатиш назарда тутилган. Бу субвенцияларни ажратиш шартлари ва тартиби, улардан фойдаланиш қонуний актлар билан тартибга солинади.

Корхоналарнинг маблағлари хўжалик юритувчи субъектларнинг даромади ҳисобига шакллантирилади. Табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари ва табиатни муҳофаза қилиш асосий фондлари ишлатишга кетган жорий харажатлар корхона ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг таннархига қўшилади.

Бюджетдан ташқари мақсадли ресурслар бўйича фондлар табиатни муҳофазаси учун маблағ ажратишнинг «қолдик тамойилини» бартараф қилиш учун тузилади. Минерал ҳом ашё базасини такрор ишлаб чиқариш, ўрмонларни муҳофаза қилиш ва кўриқлаш, сув объектларни тиклаш ва кўриқлаш каби бюджетдан ташқари фондлар тузилган.

Бюджетдан ташқари экологик фондлар — атроф муҳитни муҳофаза қилишни инвестициялашни қўллаб — қувватлаш тизимининг янги элементи ҳисобланади. Мазкур фондлар кечикириб бўлмайдиган табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини, атроф табиий муҳитдаги йўқотишларни тиклаш, келтирилган зарарни компенсациялашни молиялаштириш учун тузилади.

Атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг ижтимоий фондлари аҳоли даромадлари, ижтимоий бирлашмаларнинг ихтиёрий бадаллари ва хайриялари ва бошқа манбалар ҳисобига ташкил этилади. Макур фондлар ижтимоий экологик бирлашмалар ва Ўзбекистон Республикасининг касаба уюшмалари томонидан ташкил этилиб, уларнинг маблағлари факат атроф муҳитни муҳофаза қилишга сарфланади.

Табиатни муҳофаза қилиш тадбирларига жалб қилинаётган молиявий манбаларининг турли-туман бўлиши улардан оқилона уйғунликда фойдаланишни талаб этади.

Ривожланган хорижий мамлакатларнинг тажрибаларига кўра табиатни муҳофаза қилиш тадбирларига ажратилаётган молиявий манбаларнинг кучли дифференциялашуви кузатилади.

Табиатни муҳофаза қилиш тадбирларига ажратилган ва йиғилган маблағлар ўзининг мақсадга йўналтирилганлик хусусияти билан тавсифланади.

Барча даражалардаги бюджет табиатни муҳофаза қилиш ва экологик дастурларни молиялаштиришга алоҳида эътибор берилади ва моддий техник ресурслар билан таъминланади. Ўзбекистон Республикасида табиий ресурслардан фойдаланиш ва атроф табиий муҳит муҳофазаси ҳолати тўғрисидаги Миллий доклад маълумотларига кўра давлат бюджетидан давлат дастурлари таркибига кирган табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари молиялаштирилади. Давлат бюджети хисобига марказлаштирилган тарзда табиатни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият кўрсатувчи Табиатни муҳофаза қилиш Давлат Кўмитаси, Гидромет, Ўзерлойиҳа ташкилоти, геология, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тадбирлари молиялаштирилади. Бюджетдан ташқари худудий экология фондлар маблағлари Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуний ҳужжатларга кўра минтақалар томонидан мақсадли равишда фойдаланилади.

Табиатни муҳофаза қилишни молиялаштиришни умумий салмоғида капитал қуйилмаларга алоҳида эътибор берилади. Капитал қуйилмалар — табиатни муҳофаза қилиш фондларини яратишга йўналтирилган маблағлар хисобланади.

Табиатни муҳофаза қилишга йўналтирилган капитал қуйилмалар минтақалар ва тармоқлар бўйича ҳам фарқланади. Мазкур хусусиятлар минтақаларнинг табиий иқлим, ижтимоий-иктисодий ва экологик шарт—шароитларига кўра тафовутланади.

Ўзбекистон Республикасида табиатни муҳофаза қилиш тадбирларига ажратилаётган молиявий манбаларнинг таркибини таҳлили қўйидаги тенденциялар мавжудлигини кўрсатади:

Экологик фондлар томонидан молиялаш салмоғи ортиб боради.

Корхона ва ташкилотларнинг маблағлари экологик муаммолар ечимиға сарфланаётганни ҳам ўсиш тенденциясига эга.

Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги» Қонунининг 35-моддасида: «Табиатни муҳофаза қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Табиатни Муҳофаза қилиш Давлат Кўмитаси ва унинг жойлардаги органлари қошида табиатни муҳофаза қилишнинг Республика ва маҳаллий фондлари ташкил этилади» дейилган.

Мазкур фондлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Низом асосида ташкил этилади. Қабул қилинган қонун ҳужжатларига кўра экологик фондлар уч хил даражада ташкил этилади. Юқори даражада

Республика экологик фондлари, вилоятлар ва туман ва шаҳар экологик фондлари фаолият кўрсатади.

Экологик фондларнинг вазифалари қилиб қуидагилар белгиланган:

- Атроф табиий муҳит сифатини яхшилаш ва аҳолининг экологик хавфизлигини таъминлашга йўналтирилган дастурлар ва илмий техник лойиҳаларни молиялаштириш ва кредитлаш;
- Табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари ва дастурлари учун молиявий ресурсларни жалб қилиш;
- Табиатдан оқилона фойдаланиш ва экологик соғ технологияларни жалб этишни иқтисодий рағбатлантириш;
- Экологик таълим ва тарбиянинг ривожланишига кўмаклашиш.

Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуни»га мувофиқ экологик фондларни шакллантиришнинг қуидаги манбаларини кўрсатиш мумкин:

Корхона, бирлашма ва ташкилотларнинг атроф табиий муҳитга чиқарган ифлослантирувчи моддалари, чиқиндилари ва бошқа манбалар учун тўловларидан; хавфли моддаларни чиқарганлик учун жарима тўловлари ва меъёридан ортиқ ва норационал равишда табиий ресурслардан фойдаланиш учун тўловлардан;

Корхоналарнинг хўжалик фаолияти натижасида табиатдан фойдаланиш қонунчилигининг бузилиши ва шу асосда давлатга келтирилган заарни қоплаш мақсадида олинадиган тўловлардир;

Овчилик ва балиқчилик воситаларини мусодара қилиш ҳамда ноқонуний йўл билан овлangan маҳсулотларни сотишдан келадиган даромадлар;

Фонд маблағларини бошқа юридик шахс фаолиятларида пайчилик асосида иштирок этиши натижасида олинадиган дивидентлардан, жамғарма фоизларидан олинадиган даромадлардан;

Корхона, ташкилот, муассаса ва аҳоли томонидан бериладиган ихтиёрий бадаллар (шу жумладан, хорижий юридик ва жисмоний шахслардан тушадиган тушумлар)дан ташкил топади.

Экологик фондлар тизими. Республика табиатни муҳофаза қилиш: фондининг маблағларининг 25% ҳам шу маҳалллий фондларнинг маблағлари ҳисобига шаклланади. Республика табиатни муҳофаза қилиш фонди маблағларининг бир қисми иккита илмий-тадқиқот дастурлари ишлаб чиқишига, табиатни муҳофаза қилишига ва бошқа ташкилий тадбирларга йўналтирилди. Илмий-техник дастурлар бўйича 32 та мавзу молиялаштирилди. Албатта бу тадбирларнинг барчасида табиатни муҳофаза қилиш фондларининг салмоғи ва ўрни жуда каттадир. Демак, экологик фондларнинг маблағлари қайси мақсадларда ишлатилишига қарамасдан ягона мақсадни инсонларни тоза табиий муҳитда яшашдек ҳукуқини таъминлашни кўзда тутади.

Экологик фондлар маблағларини ишлатишнинг асосий йўналишлари қуидагилар:

- Корхоналарга қайтарилиш шарти билан имтиёзли кредитлар ва ссудалар ажратиш;
- Табиатни муҳофаза қилишга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг устав фондларини шакллантириш учун маблағ ажратиш;
- Корхоналарнинг қўшимча инвестицион ресурслари жалб этишни рағбатлантирувчи лойиҳаларни молиялаштиришда пайчилик асосида иштирок этиш;
- Табиатни муҳофаза қилиш лойиҳаларини амалга оширувчи корхоналарга тижорат банклари томонидан ссуда ва кредитлар беришни кафолатлаш.

Давлат экологик экспертизаси. Экологик экспертиза атроф - муҳитни муҳофаза қилиш тизимининг асосий таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Экологик экспертизанинг асосий мақсади - хўжалик фаолиятини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган атроф муҳитнинг ҳолатига ва аҳоли саломатлигига таъсир этадиган хавф ва оқибатларни аниқлашдир.

Атроф - муҳитга бўлган салбий таъсирни баҳолаш тамойили кўпчилик ривожланган мамлакатларнинг тажрибаларида кўлланилиб келмокда. Ўзбекистонда ҳам бу тажриба ўз ўрнини топди ва ривожлана бошлади.

Ўзбекистон республикасида давлат, давлат санитария-экология ва жамоатчилик асосидаги экология экспертизалари амалга оширилади.

Давлат экология экспертизасини Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон республикаси Давлат кўмиталарининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмиталарининг эксперт органлари амалга оширади.

Давлат экология экспертизасининг мақсади мўлжалланаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик фаолияти ва ўзга фаолиятнинг экологик жиҳатдан қай даражада хавфли эканлигини аниқлаш. Бу хилдаги фаолият табиатни муҳофаза қилиш қонунларининг талабларига қанчалик мувофиқлигини баҳолаш, лойиҳаларда назарда тутилаётган табиатни муҳофаза қилиш тадбирларининг қай даражада етарли ва асосли эканлигини аниқлашдан иборат.

Давлат экология экспертизасининг объектлари: Давлат экология экспертизасига:

- Давлат дастурлари, концепцияларининг, ишлаб чиқариш кучларини, ҳалк хўжалиги тармоқларини жойлаштириш ва ривожлантиришнинг асосий тизимларининг лойиҳалари;
- қурилишнинг барча турлари учун материаллар танлаш, режа олди, лойиҳа олди ва лойиҳа ҳужжатлари;

- хўжалик фаолиятини ва уларни табиий ресурслардан фойдаланиш меъёрларини белгилаб берувчи йўриқнома усул ва меъёрий техник хужжатларнинг лойиҳалари;
- янги техника, технология, материаллар ва моддалар яратиш ва хориждан сотиб олиш бўйича лойиҳа ҳужжатлари, маҳсулотларга стандартлар;
- Ўзбекистон Республикасига келтирилаётган ва ундан олиб чиқиб кетилаётган маҳсулотлар;
- химиявий моддалар;
- алоҳида минтақалар, ҳудудлар ва обьектларнинг экологик вазияти;
- атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатаётган корхоналар ва бошқа обьектлар қўйилади.

Ўта муҳим муаммоларни экспертиза қилишда республиканинг йирик олимлари иштирок этмоқда. Натижада экспертиза қилинадиган обьектларнинг салмоғи тадрижий равишда ортиб бормоқда.

Мазкур муаммоларни ҳал этиш мақсадида мустақил Эксперт кенгашлари ташкил этилмокда.

Ўзбекистон республикасида «Давлат экологик экспертизаси ва унинг сифатини баҳолаш мезонлари» тасдиқланган. Экспертдан ўтказилган обьектлар мазкур мезонлар асосида танлаб текшириб турилади.

Давлат санитария-экология экспертизаси атроф муҳит ифлосланишининг аҳоли саломатлигига салбий таъсири даражасини аниқлаш мақсадларида ташкил этилади. Давлат санитар-экологик экспертизаси эса Ўзбекистон республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, унинг жойлардаги органлари, табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ташаббусларига биноан ташкил этилади.

Жамоатчилик асосидаги экология экспертизаси эса мустақил мутахассислар томонидан ижтимоий бирлашмалар, лойиҳаларнинг муаллифлари ва хўжалик фаолияти ташаббускорларининг хоҳишига кўра амалга оширилади.

Табиатдан фойдаланиш, тадбирлари давлат зиммасида бўлиб, бунинг учун молиялаштиришни талаб этади. Молиялаштириш кўп қиррали тушунчадир бунда энг аввола давлат маблағлари, нодавлат ташкилотлар, ҳалқаро ташкилотлар ва бошқалардир. Экологик фондларни ташкил этиш, дотациялар бериш, кредит-ссудалар беришни ташкил этиш орқали, давлат табиатдан фойдаланишни молиялаштиришни амалга ошириши карак.

Давлат экологик экспертизаси эса молиялаштирилиши керак бўлган обьектларни аниқлаш, маблағни миқдорини белгилаш келажакни башоратлай олиши муҳимдир. Давлат дастурлари, концепцияларининг, ишлаб чиқиш ҳам экологик экспертиза зиммасидадир.

Юқоридаги ишлар амалга оширилмаса табиатдан фойдаланиш уни муҳофаза қолиш ва мажмуали қайта ишлаш ҳамда тайёр маҳсулот ишлаб

чиқариш, ишлаб чиқариш илғор технологияларини жалб этиш мумкин эмас.

**Табиат ресурсларини иқтисодий баҳолаш.** Иқтисодчилар табиий ресурслар ва табиий муҳитни, уларнинг экологик вазифаларини баҳолашга ҳаракат қиласидилар. Аслида табиат ва унинг ресурсларини, табиат кўркамлигини аниқ баҳолаш осон эмас, уларни тўлиқ баҳолаш, яъни барча хусусиятларини эътиборга олган ҳолда бозорни нархлаш қўйишга иложи йўқ. Гўзал тоғ манзарасини қандай қилиб баҳолаш мумкин? Ёки тоғ водийсидаги сўлим жойлар, шаршаралар, кўллар, баҳор тароватини баҳолаш учун қанақа нарх қўйиш мумкин? Табиат обьектларини бундай баҳолаш мезонлари ҳозиргача ишлаб чиқилмаган. Лекин, умуман олганда, бойликларни баҳолашда талай тажриба мавжуд, улар асосида жуда аниқ бўлмасада таҳминий қийматларни ишлаб чиқиш мумкин.

Табиий ресурслар ва табиат хизматларни иқтисодий жиҳатдан баҳолашни аниқлаш учун мавжуд ёндошувлар қаторига қуидагиларни киритиш мумкин: бозор баҳоси, рента, табақалашган рента, сарфлаш, муқобил қиймат, умумий иқтисодий баҳолаш (қиймат).

Табиий ресурсларни иқтисодий баҳолашнинг кўрсаткичлари. Баҳолашнинг вариантлигини турли кўрсаткичларда ифодаланишини қўзда тутади. Масалан:

- натурал кўрсаткичлар тонна, кг., куб., метр., гектар ва бошқалар.
- баллар билан ифодалаш – ресурсларнинг нисбий ўлчами, уларнинг таққослама хўжалик аҳамиятини баҳолаш ва бошқалар.
- қиймат кўрсаткичлари (ресурсларнинг бозор баҳосини аниқлашда табиий ресурслардан фойдаланганлиги учун тўловларни белгилашда иқтисодий зарарни аниқлаш ва бошқа ҳолларда қўлланилади).

Табиий ресурсларни иқтисодий баҳолаш тор маънода танланган вариантларда табиий ресурслардан фойдаланишдан олинадиган хужалик самарасининг пул бирлик ларидан ифодаланиб аниқланишини билдиради. Унинг хусусияти обьектини ва шунингдек баҳолаш мезонини танлаш Билан боғлиқ.

Иқтисодий баҳолашнинг тармоқ ва регион йўналишлари. Баҳолаш обьекти сифатида айрим ресурс турларининг манбалари (фойдали қазилма конлари, ўрмонлар, сув ҳавзалари, ер участкалари ва бошқалар) қабул қилиниши мумкин ва бунда баҳолаш тармоқ характеристига эга бўлади. Тармоқлар бўйича баҳолаш билан бир қаторда минтақавий баҳолаш, яъни у ёки бу худудлардаги барча ресурслар мажмуасини- табиий ресурсларнинг худудий бирикмасини баҳолаш катта аҳамиятга эга.

Табиий Ресурсларнинг Худудий Бирикмасини Баҳолаш, табиатдан фойдаланишда ғоят аҳамиятга эга. Табиий ресурсларни худудий бирикмаси маълум яхлит худудда жойлашган турли ресурсларнинг манбалари бўлиб, улар ресурсларни амалиётда ёки истиқболда мажмуали ўзлаштириш ва улардан фойдаланиш орқали бирлашган худудий

бирликлар хисобланади. ТЗХБ ресурслари йигиндиси худудларнинг (мамлакат иқтисодий райони, худуд, туманлари) табиий ресурс имкониятларини) таърифлайди ва кўрсатади.

Табиий ресурслардан фойдаланишнинг тўловли йўлига ўтилиши бир қанча экологик ва иқтисодий масалаларни ҳал этишга имкон беради: а) улардан самарали фойдаланишга қизиқиш кучаяди; б) ресурсларни қайта такрор ишлаб чиқариш учун қўшимча молиявий манбалар вужудга келади; в) қўшимча даромад миқдори ортиб боради.

Табиатдан фойдаланишнинг илмий жиҳатдан асослаш тамойили серқиррали, кенг миқёсли ва кўплаб фанлар илмий натижаларини биргаликда қўллашни тақозо этади. Бу борада табиий фанлар қатори иқтисодиёт, хукуқ, тиббиёт ва бошқалар ҳам ресурслардан фойдаланишни ҳар томонлама асослашда фаол қатнашиши зарур. Бу фанлар таркибида география, геология, биология, экология эришган илмий натижалар негизидан фойдаланиш тамойилини асослаш юқори самара беради.

**Иқтисодий жавобгарлик тамойили** табиатдан фойдаланишда кенг қўлланилади, чунки ҳар бир корхона, цех, фермер, дехқон, оиласвий пударт аъзолари, ҳар бир инсон ресурслардан фойдаланиш жараёнида табиатга етказган зарари учун жавобгардир. Бу зарап нафақат табиатни қашшоқлантирибгина қолмай, аҳоли орасида турли касалликлар тарқалиши учун имконият яратади. Бинобарин, бу ҳолатда экологик хукуқни бузувчилар тегишли жарималарни давлат банкларига ўз вактида тўлашлари шарт.

**Мажмуалик тамойили** табиат ресурсларидан фойдаланишда муҳим аҳамият касб этади. Бу тамойил қазилма бойликлардан самарали ва тўлиқ фойдаланишда ҳамда бошқа мураккаб ҳом ашёларни хўжалик муомаласига киритишда, кам чиқиндили ва чиқиндисиз технологияни татбиқ этишда асқотади. Иккиламчи ресурсларни қайта ишлаш жараёнида мажмуалик тамойлининг қўлланиши катта иқтисодий самара беради. Лекин бу тамойилни мамлакат миқёсида ҳалигача тўлиқ қўллашга ўтилмаган.

Табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий механизм элементлари. Табиий ресурслардан фойдаланиш ва бу жараёнда атроф - муҳитни муҳофаза қилишнинг ўзига хос иқтисодий механизми таркиб топган. У кўплаб турли элементлардан иборат, лекин ҳозирча юқори даражада такомиллашган деб бўлмайди, бозор иқтисодиёти шароитида ушбу механизм борган сари яхшиланиб боради.

Табиий ресурсларни иқтисодий баҳолаш ва баҳолар негизида табиатдан фойдаланишда тўловли йўлига ўтиш борган сари аниқ бўлиб боради. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида иқтисодий механизмнинг айrim элементларини қўллаш табиатдан фойдаланишни такомиллаштириб бориша дастлабки қадам бўлади. Табиатдан фойдаланишда тўловли йўлига ўтиш экологик омилни иқтисодиётда янада кенроқ қўллашга, бойликлардан оқилона фойдаланишда кўмаклашади. Табиий ресурслардан

фойдаланганлиги учун тўланадиган тўловлар икки турда бўлиши мумкин: а) табиий ресурслардан фойдаланиш хуқуқи учун; б) такрор ишлаб чиқариш ва табиий бойликларни муҳофаза қилиш учун.

Табиий бойликлардан фойдаланиш хуқуқи учун тўланадиган хақ ушбу ресурслар эгасига олдиндан белгилаб қўйилади. Бу ҳол мутлақ рентанинг бекор қилиниши билан боғлиқ.

Экологик солиқни табақалашган тарзда татбиқ этиш самарали бўлишини мутахассислар эътироф этишмоқда. Масалан, турли ёқилғи-энергетика ресурсларига солиқ солишида уларнинг турига аҳамият бериш мақсадга мувофиқ. Энг юқори экологик солиқ қўмирга белгиланиши лозим, чунки ундан энг кўп углерод чиқиндиси ажралади, энг кам солиқ микдори табиий газга тўғри келади.

Истиқболда углерод солифининг татбиқ этилиши мамлакатларда қўмири ёқилғи сифатида ишлатиш борган сари камайишига ижобий таъсир этади. Бу ҳол қўмир ўрнига унга муқобил бўлган вариантларни излашга ундейди, айниқса, қуёш ва шамол, океан ва денгизларнинг сув кўтарилиши ва қайтиши энергиясидан фойдаланиш борган сари кенгайиб боради.

Халқ хўжалигини ривожлантириш учун давлат ёрдам пули (субсидия) эндиликда тубдан такомиллаштирилишга муҳтож. Давлат томонидан ажратиладиган субсидия табиатдан фойдаланишда экологик мувозанатни барқарорлаштирига сарф қилиниши ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга жуда катта таъсир этади. Ҳозирда ажратилаётган субсидиялар табиат муҳофазасини кўзламаган тарзда амалга оширилмоқда ёки антиэкологик аҳамиятга эга. Бу айниқса, тоғ-металлургия, энергетика, кимё, қўмир саноати ва бошқа тармоқларда аниқ ифодаланган.

Табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий механизми тизимида табиий муҳитни ифлослантиргани учун тўлов муҳим аҳамият касб этади. Бу тўловлар корхона ва ташкилотларнинг ўз ишлаб чиқариш фаолиятида атроф - муҳитга етказаётган заарлари ўрнини қоплаш учун сарф қилиниши назарда тутилади. Лекин аслида табиатни бузувчилардан келаётган тўловлар ҳажми экологик вазиятни яхшилаш учун сарф қилинаётган барча ҳаражатларнинг фактат бир қисмини қоплайди, холос. Атроф - муҳитни ифлослантиргани учун тўланадиган тўловлар ифлослантирувчи-корхоналарга жазо воситаси бўлиб «ифлослантирувчи тўлайди» тамойилини амалга ошириш йўлидир.

Россияда дунё мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб табиий муҳитни ифлослантиргани учун тўловлар расмий равишда 1993 йил январдан белгиланди. Бунда куйидагилар белгиланганди:

- атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар чиқаргани учун;
- сув объектлари ёки жой рельефига ифлослантирувчи чиқиндиларни чиқаргани учун;

- чиқиндиларни жойлаштиргани учун.

Атроф - муҳитга бўлган таъсир даражасига кўра мутахассислар тўловларнинг икки меъёрдаги турини ажратдилар: а) рухсат этилган ҳажмдаги чиқиндилар учун; б) рухсат этилган миқдордан оширилган чиқиндилар учун. Биринчи турдаги тўлов ҳажми меъёрдалиги билан тавсифланади, иккинчи турдаги тўлов бир неча марта кўплиги билан характерланади. Биринчи турга оид чиқиндилар гарчи кам миқдорда бўлсада, лекин чиқариб турилганлиги туфайли атроф - муҳит потенциал ифлосланиб боради. Меъёрдаги тўловлар корхона ишлаб чиқараётган маҳсулот қийматига қўшилиши мумкин, демак уни истеъмолчи тўлайди, лекин меъёрдан ортиқ чиқинди учун тўланадиган тўловлар корхоналар ҳисобидан тўланиши керак.

Тўловларнинг бу шаклда ташкил қилиниши ишлаб чиқарувчиларни атроф - муҳитга чиқараётган чиқинди ҳажмини камайтиришга ундаиди, демак, кам чиқиндили технологияни татбиқ этишга ҳаракат қилина бошлайди. Бу йўл ҳам табиий муҳитни ифлослантириши камайтириш йўналишидаги уринишлардан бири, унинг самараси етарли даражада катта. Чунки корхоналар чиқинди чиқаришни қандай қилиб камайтириш тўғрисида ҳаракатда бўладилар.

Табиат муҳофазасини молиялаштириш учун бюджетдан ташқаридаги экологик фондлар муҳим аҳамиятга эга. Бундай фондларни ташкил қилиш тегишли маблағларни табиий муҳит энг оғир экологик вазиятдаги обьектлар, сув ва ҳаво ҳавзалари жиддий даражада ифлосланган худудлар, аҳоли саломатлиги танг бўлган жойларнинг аҳволини тубдан яхшилаш ишларига сарфлашда аскотади. Умуман олганда, экологик фондларнинг вазифаси қўйидаги устивор долзарб муаммоларни ечимиға қаратилади:

1. атроф - муҳит ҳолатини яхшилаш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлашга қаратилган дастурлар ва илмий-техник лойиҳаларни молиялаштириш;
2. табиатни муҳофaza қилиш тадбирлари ва дастурлари учун молиявий ресурсларни сафарбар этиш;
3. оқилона ташкил қилинган табиатни муҳофaza қилишни иқтисодий рағбатлантириш, экологик жиҳатдан тоза технологияни татбиқ этиш;
4. экологик тарбия ва таълимни таракқий қилдириш учун кўмаклашиш.

Экологик фондлар манбанини асосан корхоналарнинг чиқинди чиқарганлиги, ифлослантирувчи моддаларни ташлаганлиги, чиқиндиларни жойлаштирганлиги, авария натижасида табиий муҳитни ифлослантирганлиги учун жарима тўлови, корхоналарнинг табиатни муҳофaza қилиш қонунчилигини бузганлиги учун вужудга келган экологик зарар ўрнини қоплаш маблағи, ихтиёрий бадал (взнос) ва бошқалар ташкил қиласи. Буларнинг ичидаги атроф - муҳитни ифлослантирганлиги учун тўланадиган тўловлар улуши 80% дан кўп бўлиши амалда тасдиқланган. Ўзбекистонда табиий ресурсларга зарар етказиш, ўрмонларни кесиш, ов

қилиш ман этилган вақтда овчилик билан шуғулланиш, ҳавзаларда балиқларни күплаб махсус воситалар билан тутиш (түр, портлатиш, электр токи ва бошқ.), доривор ва техник хом ашё берувчи гиёшларни йиғиши, номи «Қизил китоблар»га тушган ўсимлик ва ҳайвонларни йиғиши, овлаш ва бошқа заарар келтирувчи фаолиятлар учун жуда ҳам кам жарима солинади, бундан фойдаланган браконъерлар қўрқмасдан ўз ишларини бемалол давом эттираверадилар. Агарда жарима соликлари ва бошқа турдаги тўловлар миқдори оширилса, қонунбузар анча заарар кўради, табиатни муҳофаза қилувчилар кўпроқ маблағ тушумига эга бўларди. Бу борада ташкилий ишлар такомиллаштирилиши зарур.

Мажмуали экологик дастурлар мамлакат ҳудудидаги кескин вазият таркиб топган ва ҳалокатли ҳодисалар ривожланиши мумкин бўлган жойларда умумий аҳволни юмшатиш, пировардида қулай шароитларни қарор топтиришга қаратилган бўлади. Улар амалга оширилиш миқёсига кўра, ҳалқаро, мамлакат ва ҳудудий даражада бўлиши мумкин. Экологик дастур ҳудуднинг экологик жиҳатдан таркиб топган вазият даражасига кўра, кўп профилли, мажмуали ва мақсадга мувофиқ йўналтирилганилиги билан тавсифланади. Уни амалга ошириш муддати ҳам белгиланган босқичлар (йиллар) сони ва кўламига боғлиқ. Масалан, Орол ва Оролбўйи экологик дастури кўп йилларга мўлжалланган бўлиб, бир-бирлари билан боғлиқ бир неча босқичларга асосланиши мумкин.

Дастурни амалга оширишда давлатнинг роли кўпроқ бўлади, чунки ресурсларни тез фурсатда тўплаш зарурлиги, муаммонинг мураккаблиги, иқтисодий самарадорликнинг ноаниклиги тўғридан - тўғри бошқарувни тақозо этади. Баъзи ҳолларда чет эл инвестицияларидан ҳам фойдаланиш имкониятлари вужудга келади. Ўзбекистонда мақсадга мувофиқ йўналтирилган экологик дастурлар қўйидаги муаммоларни ҳал қилиш учун зарур:

1. ҳалқаро мажбуриятларни бажариш (озон қатламини муҳофаза қилиш, иссиқхона газларини ҳавога камроқ чиқариш);
2. биологик хилма-хилликни сақлаб қолиши;
3. суғорма ерлардан оқилона фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш, сув ресурсларидан илмий асосланган ҳолда фойдаланиш, уларнинг сифатини яхшилаш ва бошқ.;
4. Орол бўйи ва Орол денгизи муаммосини ечиш;
5. маҳаллий экологик муаммоларни ҳал қилиш;
6. саноат шаҳарлари атрофида табиий муҳитни муҳофаза қилиш.

Корхоналарнинг маблағлари хўжалик юритувчи субъектларнинг даромади ҳисобига шакллантирилади. Табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари ва табиатни муҳофаза қилиш асосий фонdlари ишлатишга кетган жорий харажатлар корхона ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг таннархига қўшилади.

Бюджетдан ташқари мақсадли ресурслар бўйича фондлар табиатни муҳофазаси учун маблағ ажратишнинг «қолдик тамойилини» бартараф қилиш учун тузилади. Минерал хом ашё базасини такрор ишлаб чиқариш, ўрмонларни муҳофаза қилиш ва кўриқлаш, сув объектларни тиклаш ва кўриқлаш каби бюджетдан ташқари фондлар тузилган.

Бюджетдан ташқари экологик фондлар — атроф муҳитни муҳофаза қилишни инвестициялашни қўллаб — қувватлаш тизимининг янги элементи ҳисобланади. Мазкур фондлар кечикириб бўлмайдиган табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини, атроф табиий муҳитдаги йўқотишларни тиклаш, келтирилган зарарни компенсациялашни молиялаштириш учун тузилади.

Атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг ижтимоий фондлари ахоли даромадлари, ижтимоий бирлашмаларнинг ихтиёрий бадаллари ва хайриялари ва бошқа манбалар ҳисобига ташкил этилади. Макур фондлар ижтимоий экологик бирлашмалар ва Ўзбекистон Республикасининг касаба ўюшмалари томонидан ташкил этилиб, уларнинг маблағлари фақат атроф муҳитни муҳофаза қилишга сарфланади.

Табиатни муҳофаза қилиш тадбирларига жалб қилинаётган молиявий манбаларининг турли-туман бўлиши улардан оқилона уйғунликда фойдаланишни талаб этади.

Ривожланган хорижий мамлакатларнинг тажрибаларига кўра табиатни муҳофаза қилиш тадбирларига ажратилаётган молиявий манбаларнинг кучли дифференциялашуви кузатилади.

Табиатни муҳофаза қилиш тадбирларига ажратилган ва йифилган маблағлар ўзининг мақсадга йўналтирилганлик ҳусусияти билан тавсифланади.

Барча даражалардаги бюджет табиатни муҳофаза қилиш ва экологик дастурларни молиялаштиришга алоҳида эътибор берилади ва моддий техник ресурслар билан таъминланади. Ўзбекистон Республикасида табиий ресурслардан фойдаланиш ва атроф табиий муҳит муҳофазаси ҳолати тўғрисидаги Миллий доклад маълумотларига кўра давлат бюджетидан давлат дастурлари таркибиға кирган табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари молиялаштириллади. Давлат бюджети ҳисобига марказлаштирилган тарзда табиатни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият кўрсатувчи Табиатни муҳофаза қилиш Давлат Кўмитаси, Гидромет, Ўзерлойиха ташкилоти, геология, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тадбирлари молиялаштириллади. Бюджетдан ташқари худудий экология фондлар маблағлари Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуний хужжатларга кўра минтақалар томонидан мақсадли равишда фойдаланилади.

Табиатни муҳофаза қилишни молиялаштиришни умумий салмоғида капитал қуйилмаларга алоҳида эътибор берилади. Капитал қуйилмалар —

табиатни муҳофаза қилиш фондларини яратишга йўналтирилган маблағлар ҳисобланади.

Табиатни муҳофаза қилишга йўналтирилган капитал қуйилмалар минтақалар ва тармоқлар бўйича ҳам фарқланади. Мазкур хусусиятлар минтақаларнинг табиий иқлим, ижтимоий-иктисодий ва экологик шарт—шароитларига кўра тафовутланади.

Ўзбекистон Республикасида табиатни муҳофаза қилиш тадбирларига ажратилаётган молиявий манбаларнинг таркибини таҳлили қуидаги тенденциялар мавжудлигини кўрсатади:

Экологик фондлар томонидан молиялаш салмоғи ортиб боради.

Корхона ва ташкилотларнинг маблағлари экологик муаммолар ечимиға сарфланаётганни ҳам ўсиш тенденциясига эга.

Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги» Қонунининг 35-моддасида: «Табиатни муҳофаза қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Табиатни Муҳофаза қилиш Давлат Қўмитаси ва унинг жойлардаги органлари қошида табиатни муҳофаза қилишнинг Республика ва маҳаллий фондлари ташкил этилади» дейилган.

Мазкур фондлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Низом асосида ташкил этилади. Қабул қилинган қонун ҳужжатларига кўра экологик фондлар учун хил даражада ташкил этилади. Юқори даражада Республика экологик фондлари, вилоятлар ва туман ва шаҳар экологик фондлари фаолият кўрсатади.

Экологик фондларнинг вазифалари қилиб қуидагилар белгиланган:

- Атроф табиий муҳит сифатини яхшилаш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган дастурлар ва илмий техник лойиҳаларни молиялаштириш ва кредитлаш;
- Табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари ва дастурлари учун молиявий ресурсларни жалб қилиш;
- Табиатдан оқилона фойдаланиш ва экологик соғ технологияларни жалб этишни иқтисодий рағбатлантириш;
- Экологик таълим ва тарбиянинг ривожланишига қўмаклашиш.

Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуни»га мувоғиқ экологик фондларни шакллантиришнинг қуидаги манбаларини кўрсатиш мумкин:

Корхона, бирлашма ва ташкилотларнинг атроф табиий муҳитга чиқарган ифлослантирувчи моддалари, чиқиндилари ва бошқа манбалар учун тўловларидан; хавфли моддаларни чиқарганлик учун жарима тўловлари ва меъёридан ортиқ ва норационал равишида табиий ресурслардан фойдаланиш учун тўловлардан;

Корхоналарнинг хўжалик фаолияти натижасида табиатдан фойдаланиш қонунчилигининг бузилиши ва шу асосда давлатга келтирилган зарарни қоплаш мақсадида олинадиган тўловлардир;

Овчилик ва балиқчилик воситаларини мусодара қилиш ҳамда ноқонуний йўл билан овланган маҳсулотларни сотишдан келадиган даромадлар; Фонд маблағларини бошқа юридик шахс фаолиятларида пайчилик асосида иштирок этиши натижасида олинадиган дивидентлардан, жамғарма фоизларидан олинадиган даромадлардан; Корхона, ташкилот, муассаса ва аҳоли томонидан бериладиган ихтиёрий бадаллар (шу жумладан, хорижий юридик ва жисмоний шахслардан тушадиган тушумлар)дан ташкил топади.

### **5. 2. Экологик фондлар тизими.**

Республика табиатни муҳофаза қилиш: фондининг маблағларининг 25% ҳам шу маҳалллий фондларнинг маблағлари ҳисобига шаклланади. Республика табиатни муҳофаза қилиш фонди маблағларининг бир қисми иккита илмий-тадқиқот дастурлари ишлаб чиқишига, табиатни муҳофаза қилишига ва бошқа ташкилий тадбирларга йўналтирилди. Илмий-техник дастурлар бўйича 32 та мавзу молиялаштирилди. Албатта бу тадбирларнинг барчасида табиатни муҳофаза қилиш фондларининг салмоғи ва ўрни жуда каттадир. Демак, экологик фондларнинг маблағлари қайси мақсадларда ишлатилишига қарамасдан ягона мақсадни инсонларни тоза табиий муҳитда яшашдек ҳуқукини таъминлашни кўзда тутади.

Экологик фондлар маблағларини ишлатишнинг асосий йўналишлари қуйидагилар:

- Корхоналарга қайтарилиш шарти билан имтиёзли кредитлар ва ссудалар ажратиш;
- Табиатни муҳофаза қилишига йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг устав фондларини шакллантириш учун маблағ ажратиш;
- Корхоналарнинг қўшимча инвестицион ресурслари жалб этишини рағбатлантирувчи лойиҳаларни молиялаштиришда пайчилик асосида иштирок этиш;
- Табиатни муҳофаза қилиш лойиҳаларини амалга оширувчи корхоналарга тижорат банклари томонидан ссуда ва кредитлар беришни кафолатлаш.

### **4. 3. Давлат экологик экспертизаси.**

Экологик экспертиза атроф - муҳитни муҳофаза қилиш тизимининг асосий таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Экологик экспертизанинг асосий мақсади - хўжалик фаолиятини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган атроф муҳитнинг ҳолатига ва аҳоли саломатлигига таъсир этадиган хавф ва оқибатларни аниқлашдир.

Атроф - муҳитга бўлган салбий таъсирни баҳолаш тамойили кўпчилик ривожланган мамлакатларнинг тажрибаларида кўлланилиб

келмокда. Ўзбекистонда ҳам бу тажриба ўз ўрнини топди ва ривожлана бошлади.

Ўзбекистон республикасида давлат, давлат санитария-экология ва жамоатчилик асосидаги экология экспертизалари амалга оширилади.

Давлат экология экспертизасини Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон республикаси Давлат қўмиталарининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмиталарининг эксперт органлари амалга оширади.

Давлат экология экспертизасининг мақсади мўлжалланаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик фаолияти ва ўзга фаолиятнинг экологик жиҳатдан қай даражада хавфли эканлигини аниқлаш. Бу хилдаги фаолият табиатни муҳофаза қилиш қонунларининг талабларига қанчалик мувофиқлигини баҳолаш, лойиҳаларда назарда тутилаётган табиатни муҳофаза қилиш тадбирларининг қай даражада етарли ва асосли эканлигини аниқлашдан иборат.

Давлат экология экспертизасининг обьектлари: Давлат экология экспертизасига:

- Давлат дастурлари, концепцияларининг, ишлаб чиқариш кучларини, халк хўжалиги тармоқларини жойлаштириш ва ривожлантиришнинг асосий тизимларининг лойиҳалари;
- қурилишнинг барча турлари учун материаллар танлаш, режа олди, лойиҳа олди ва лойиҳа ҳужжатлари;
- хўжалик фаолиятини ва уларни табиий ресурслардан фойдаланиш меъёрларини белгилаб берувчи йўриқнома усул ва меъёрий техник ҳужжатларнинг лойиҳалари;
- янги техника, технология, материаллар ва моддалар яратиш ва хориждан сотиб олиш бўйича лойиҳа ҳужжатлари, маҳсулотларга стандартлар;
- Ўзбекистон Республикасига келтирилаётган ва ундан олиб чиқиб кетилаётган маҳсулотлар;
- химиявий моддалар;
- алоҳида миңтақалар, худудлар ва обьектларнинг экологик вазияти;
- атроф-муҳитга салбий таъсир қўрсатаётган корхоналар ва бошқа обьектлар қўйилади.

Ўта муҳим муаммоларни экспертиза қилишда республиканинг йирик олимлари иштирок этмоқда. Натижада экспертиза қилинадиган обьектларнинг салмоғи тадрижий равишда ортиб бормокда.

Мазкур муаммоларни ҳал этиш мақсадида мустақил Эксперт кенгашлари ташкил этилмокда.

Ўзбекистон республикасида «Давлат экологик экспертизаси ва унинг сифатини баҳолаш мезонлари» тасдиқланган. Экспертдан ўтказилган обьектлар мазкур мезонлар асосида танлаб текшириб турилади.

Давлат санитария-экология экспертизаси атроф мухит ифлосланишининг аҳоли саломатлигига салбий таъсири даражасини аниқлаш мақсадларида ташкил этилади. Давлат санитар-экологик экспертизаси эса Ўзбекистон республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, унинг жойлардаги органлари, табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ташаббусларига биноан ташкил этилади.

Жамоатчилик асосидаги экология экспертизаси эса мустақил мутахассислар томонидан ижтимоий бирлашмалар, лойиҳаларнинг муаллифлари ва хўжалик фаолияти ташаббускорларининг хоҳишига кўра амалга оширилади.

### **Бобнинг қисқача мазмуни.**

Табиатдан фойдаланиш, тадбирлари давлат зиммасида бўлиб, бунинг учун молиялаштиришни талаб этади. Молиялаштириш кўп қиррали тушунчадир бунда энг аввола давлат маблағлари, нодавлат ташкилотлар, халқаро ташкилотлар ва бошқалардир. Экологик фондларни ташкил этиш, дотациялар бериш, кредит-ссудалар беришни ташкил этиш орқали, давлат табиатдан фойдаланишни молиялаштиришни амалга ошириши карак.

Давлат экологик экспертизаси эса молиялаштирилиши керак бўлган обьектларни аниқлаш, маблағни миқдорини белгилаш келажакни башоратлай олиши мухимдир. Давлат дастурлари, концепцияларининг, ишлаб чиқиш ҳам экологик экспертиза зиммасидадир.

Юқоридаги ишлар амалга оширилмаса табиатдан фойдаланиш уни муҳофаза қолиш ва мажмуали қайта ишлаш ҳамда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш илғор технологияларини жалб этиш мумкин эмас.

### **Таянч иборалар.**

Молиявий- ресурсларини ҳосил қилиш, уларни тақсимлаш ва ишлатиш борасидаги иқтисодий муносабатлар.

Фонdlар-маълум мақсадларда фойдаланишга мўлжалланган моддий ва молиявий воситалар. Лимитлар-кредитнинг чекланган суммаси бўлиб, у кредит олувчига режалаштирилган давр давомида берилади.

Дотациялар-юқори ташкилотлар томонидан қўйи ташкилотларга қайтармаслик шарти билан бериладиган пул маблағлари.

Субсидиялар-фуқароларга, ташкилотларга зарарни қоплаш мақсадларида давлат томонидан қайтармаслик шарти билан бериладиган нафақа.

Субвенциялар-маълум мақсадлар учун корхоналарга, тармоқларга, давлат ҳокимиётининг маҳаллий органларига давлат томонидан қайтармаслик шарти билан бериладиган молиявий нафақа.

Кредит-ссуда капиталининг ҳаракат шакли бўлиб, у маҳсулот ёки пул кўринишида қайтариш шарти билан берилади.

Инвестиция - қўшимча даромад, обрў орттириш мақсадида юридик шахс бўлган корхонага узоқ муддатга қўйиладиган капитал.

Экологик экспертиза-хўжалик қарори қабул қилинишидан олдин ўтказилиши шарт бўлган атроф мухитни муҳофаза қилиш тадбири.

### **Назорат ва мулоҳаза учун саволлар.**

1. Табиатни муҳофаза қилиш тадбирларига ажратиладиган маблағларнинг манбаларини санаб беринг.
2. Экологик тавсифдаги тадбирларни молиялаштиришда бюджетнинг роли қандай?
3. Молиялаштиришнинг замонавий тизими тўғрисида нималарни биласиз?
4. Экологик экспертиза нима ва у қандай мақсадларда ўтказилади?
5. Экологик экспертиза объектларига нималар киради?
6. Давлат санитария экология экспертизаси нима?
7. Жамоатчиликда ўтказиладиган экологик экспертизанинг моҳияти нимадан иборат?
8. Ўзингиз туғилган жойдаги экологик вазиятни экспертизадан ўтказиш режа лойиҳасини тузинг.
9. Халқаро нодавлат ташкилотлари ҳам молиялаштиришда иштирок этиши мумкинми?
- 10.Дотация нима ва уни бериш талаблари нималардан иборат?

### **Адабиётлар рўйхати.**

1. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак.Т.: 2002.
2. Алимов Т.А., Хаскин В.В. Экология. Учеб.пособ. М., 1998.
3. Макар С.В. Основы экономики природопользования. М. ИМИЭ, 1998.
4. Нестеров П.М., Нестеров А.Н. Экономика природопользование и рынок. М., 1997.
5. Проблемы питьевого водоснабжения и экологии. Т. Университет. 2002.
6. Муравы А.И. Экологический менеджмент: системно – институциональный подход. Москва. Акад. М: РАГС. 2000.
7. Галыцин А.Н. «Основы промышленной экологии» Академия 2004.
8. Кормилицин В.И. и др. «Основы экологии» М. «Интерсталь» 2001.

### **Интернет сайтлар**

1. E-mail: ecolog@freenet.uz (2005й)
2. mecas@cir.tohoku.ac.jp (2005й)
3. www.economyfaculty.uz (2005й)
4. www.ecsocman.edu.ru/db/msg/150966.html(2005й)
5. www.kutp.gubkin.ru/ucheba2.htm(2005й)
6. www.book.ru/cgi-bin/book (2005й)

## **Ү. Боб. Табиат ва табиий ресурсларни иқтисодий баҳолаш.**

### **5. 1. Табиат ва табиий ресурсларнинг иқтисодий баҳосини аниқлаш.**

Табиатда ҳар бир табиий ресурс тури инсон учун жуда қадрли бўлиши билан бирга ўз қийматига ҳам эга. Ҳўш, ресурсларни қандай баҳолаш керак ёки гўзал табиат манзараларини-чи? Беқиёс бойлик-зилол сув қандай қийматга эга? Сув инсон томонидан ифлослантирилган ва деярли яроқсиз ҳолга келтирилган бўлса-чи? Бундай вазиятда у қандай қийматга эга бўлади? Инсоннинг табиий муҳитга етказган зарари қандай баҳоланади? Орол денгизи сатҳининг тушиб кетиши натижасида вужудга келган экологик ва ижтимоий-иқтисодий оқибатларнинг бир йиллик зарари қанча? Табиий муҳитни баҳолашнинг бу каби иқтисодий мезонларини билиш лозим. Табиий ресурсларнинг ҳақиқий қийматини билиш уларнинг исроф бўлиши, сифатининг бузилиши, йўқолиши каби номақул ҳодисаларнинг олдини олишда ўта зарур.

Табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва қулай экологик вазиятларни барқарорлаштириш, ресурслардан оқилона фойдаланиш тамоилига амал қилишда бойикларни иқтисодий баҳолаш ва табиат хизматларини аниқ қийматига эга бўлиши беқиёс даражада катта аҳамиятга эга. Табиий муҳит жамият учун бир неча вазифаларни бажарилади: а) табиий ресурслар билан таъминлаш, б) ўз-ўзини тозалаш ва қайта тиклаш, в) инсон учун қулай табиий хизматларни бажариш, чунончи, рекреация (дам олиш, соғлиқни тиклаш ва б.), эстетик завқ олиш, табиатдан мурувват ва саҳийликни ўрганиш ва б. Буларнинг барчасини биргина бош вазифа, яъни инсонга ҳаёт бағишлиш деб таърифлаш мумкин.

Ижтимоийлаштириш даврида табиий бойикларнинг ҳақиқий баҳоси аниқланмади. Тўғри, бу борада маълум тадқиқот ишлари бажарилди. Лекин улар мантиқий поёнига етказилмаганлиги туфайли ресурсларни реал баҳолаш масаласи ечилмай қолаверди. Бу муаммо хорижий мамлакатларда ҳам тўлиғи билан ҳал қилинмаган. Ижтимоийлаштириш даврида ресурслар ҳақиқий баҳоланмаганлиги сабабли улардан фойдаланишда исрофгарчиликка ва сифатининг бузилишга йўл қўйилди, қашшоқланиш жараёни ривожланди. Натижада атроф - муҳитнинг ифлосланиши, ресурслар ҳақиқий баҳосининг тушиб кетиши, иқтисодий самарадорликнинг ниҳоятда пасайиб бориш жараёнлари кучайди.

Табиий бойикларнинг нархини билиш, аввало лойиҳаларнинг муқобил вариантларини танлаш, иқтисодий самарадорликка эришиш, табиат муҳофазасига кенг йўл очиш, аҳолининг экологик жиҳатдан яшаш шароитларини яхшилаш учун катта имкониятлар очади. Баҳолаш асосида капитал қурилишларнинг вариантларига таъсир этиш мумкин.

Чунончи, суғориладиган дехқончилик ривожланган ҳудудда бирор муҳандислик лойиҳаси амалга оширишга, аввало, суғорма ер баҳоси ва

унинг экин экилганда ҳар йилги келтирадиган иқтисодий самараси ҳисоб-китоб қилингандан сўнг рухсат берилади ёки рад этилади. Лойиҳани ташландиқ жойда ҳам амалга оширилиши мумкин. Шуни ҳисобга олиш зарурки, Ўзбекистонда суформа ерлар барча қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг қиймат жиҳатидан 95% ини етказиб беради. Дарвоҷе, суформа ерлар олтин фонд, уларни эъзозлаш керак, ҳар гектар ердан самарали фойдаланган ҳолда экинлар ҳосилдорлигини муттасил ошириб бориш айни муддаодир.

Текисликларда баъзан йирик сув омборлари лойиҳаси амалга оширилади. Бу билан суғориладиган ёки суғоришга яроқли ерларнинг катта майдони сув остида қолади. Балки мазкур сув омбори бошқа жойда қурилса самарали бўлиши мумкин, ер дехқончиликда фойдаланилса анча даромад келтиришини ҳар бир киши яхши билади, лекин бунинг учун ернинг баҳоси аниқланган бўлиши керак. Масалан, Чордара (сув сигими 5,9 куб км) ва Қайроққум (сув сигими 4,5 куб км) сув омборлари ҳозирда лойқа босиши натижасида анча саёzlаниб қолган, лекин катта майдонларни банд қилиб турибди. Айдар ботифини сув босиши натижасида катта майдондаги яйловлар сув остида қолиб кетди, Жиззах вилояти Фориш туманига қарашли яйловлар майдонининг қисқариши қоракўл қўйлари боқиши мураккаблаштиради.

Табиий ресурсларнинг катта қисми қазиб олиш, қайта ишлаш корхоналарига ташиш ва тайёр маҳсулот чиқариш жараёнларида исроф бўлади, йўқолади, тўкилади ва бошқалар. Очиқ усулда қазиб олинаётган кўмирнинг йўқолиши 3-8% дан 10-12% гача, шахта усулида қазиб олинган кўмирнинг йўқолиши ўртacha 20-40%, қора ва рангли металлар рудасининг йўқолиши 15-25%, тоғ-кимё хом ашёсиники эса 20-60% га боради. Ушбу бойликларнинг нархи аниқланган ҳолда иқтисодий ҳисоб-китоб қилинса, катта иқтисодий зарар кўрилаётгани ўз-ўзидан маълум бўлади.

Табиий ресурслар мамлакатнинг миллий бойлиги ҳисобланади. Лекин бунинг учун улар тўлиқ баҳоланган, яъни қийматга эга бўлиши керак. Ўзбекистонда фақат минерал хом ашё бойликлари ҳисоб-китоб қилинган бўлиб, уларнинг потенциали 3,3 трлн. АҚШ долларидан ортиқроқ баҳоланмоқда. Шундан 1 трлн. доллари нефть ва газга тўғри келади.

Ҳолбуки, табиий бойликларни баҳолаш – мамлакатнинг миллий бойликларини сарҳисоб қилиш бўлиб, унинг табиий потенциалини акс эттиради. Бу потенциал ижтимоий ишлаб чиқариш бойликлари билан биргаликда мамлакатда келажакда ривожланиш истиқболларини аниқлаб беради. Лекин табиий бойликларни тармоқлар бўйича потенциал имкониятлари қотиб қолган баҳога эга бўлмай, доимо ўзгариб туради. Гап Масалан, геологлар қўпинча тез-тез янги минерал хом ашё конларини топиб турадилар ва уларнинг ресурсларини олдинги хом ашёга қўшиб борадилар, бинобарин, у ёки бу минерал хом ашё ресурssi доимо ортиб

бориш йўналишида бўлади. Ёки бошқа табиий бойликлар (ялов, ўрмон ва б.) антропоген деградация натижасида миқдор ва сифат жиҳатидан ўзгариб боради, бундай вазиятда тегишли ўзгартиришлар киритишга тўғри келади.

## 5. 2. Табиат ресурсларини иқтисодий баҳолаш.

Иқтисодчилар табиий ресурслар ва табиий муҳитни, уларнинг экологик вазифаларини баҳолашга ҳаракат қиласидилар. Аслида табиат ва унинг ресурсларини, табиат қўркамлигини аниқ баҳолаш осон эмас, уларни тўлиқ баҳолаш, яъни барча хусусиятларини эътиборга олган ҳолда бозорни нархлаш қўйишга иложи йўқ. Гўзал тоғ манзарасини қандай қилиб баҳолаш мумкин? Ёки тоғ водийсидаги сўлим жойлар, шаршаралар, кўллар, баҳор тароватини баҳолаш учун қанақа нарх қўйиш мумкин? Табиат обьектларини бундай баҳолаш мезонлари ҳозиргача ишлаб чиқилмаган. Лекин, умуман олганда, бойликларни баҳолашда талай тажриба мавжуд, улар асосида жуда аниқ бўлмасада таҳминий қийматларни ишлаб чиқиши мумкин.

Табиий ресурслар ва табиат хизматларни иқтисодий жиҳатдан баҳолашни аниқлаш учун мавжуд ёндошувлар қаторига қуийдагиларни киритиш мумкин: бозор баҳоси, рента, табақалашган рента, сарфлаш, муқобил қиймат, умумий иқтисодий баҳолаш (қиймат).

Табиий ресурсларни иқтисодий баҳолашнинг кўрсаткичлари. Баҳолашнинг вариантлигини турли кўрсаткичларда ифодаланишини кўзда тутади. Масалан:

- натурал кўрсаткичлар тонна, кг., куб., метр., гектар ва бошқалар.
- баллар билан ифодалаш – ресурсларнинг нисбий ўлчами, уларнинг таққослама хўжалик аҳамиятини баҳолаш ва бошқалар.
- қиймат кўрсаткичлари (ресурсларнинг бозор баҳосини аниқлашда табиий ресурслардан фойдаланганлиги учун тўловларни белгилашда иқтисодий зарарни аниқлаш ва бошқа ҳолларда қўлланилади).

Табиий ресурсларни иқтисодий баҳолаш тор маънода танланган вариантларда табиий ресурслардан фойдаланишдан олинадиган хужалик самарасининг пул бирлик ларидан ифодаланиб аниқланишини билдиради. Унинг хусусияти обьектини ва шунингдек баҳолаш мезонини танлаш Билан боғлиқ.

Иқтисодий баҳолашнинг тармоқ ва худуд йўналишлари. Баҳолаш обьекти сифатида айрим ресурс турларининг манбалари (фойдали қазилма конлари, ўрмонлар, сув ҳавзалари, ер участкалари ва бошқалар) қабул қилиниши мумкин ва бунда баҳолаш тармоқ характеристига эга бўлади. Тармоқлар бўйича баҳолаш Билан бир қаторда минтақавий баҳолаш, яъни у ёки бу худудлардаги барча ресурслар мажмуасини- табиий ресурсларнинг худудий бирикмасини баҳолаш катта аҳамиятга эга.

**Табиий Ресурсларнинг Худудий Бирикмасини Баҳолаши** минтақа табиатидан фойдаланишда ғоят аҳамиятга эга. Табиий ресурсларни худудий бирикмаси маълум яхлит худудда жойлашган турли ресурсларнинг манбалари бўлиб, улар ресурсларни амалиётда ёки истиқболда мажмуали ўзлаштириш ва улардан фойдаланиш орқали бирлашган худудий бирликлар хисобланади. ТЗХБ ресурслари йифиндиси худудларнинг ( мамлакат иқтисодий райони, худуд,туманлари) табиий ресурс имкониятларини) таърифлайди ва кўрсатади.

Иқтисодий баҳолашнинг харажат ва рента ёндашувлари, уларнинг мазмун ва моҳияти. Баҳолаш мезонларига асосланиб, баҳолашни икки асосий ёндашуви орқали белгилаш мумкин:

**харажат ёндашуви.** ресурс манбаларининг қиймати табиий ресурсларидан фойдаланиш харажатларининг йифиндисига асосланиб аниқланади;

**Рента ёндашуви.** ушбу ресурс манбасидан ёмонроқ манбаларга нисбатан фойдаланишда олинадиган қўшимча иқтисодий самарани (дефференциал рентани) аниқлашга асосланади.

Харажат ёндашувида табиий ресурсларнинг иқтисодий қиймати қуидаги услубларда аниқланади.

Ресурс манбаларини ўзлаштириш ваулардан фойдаланиш; эксплуатация харажатларини бевосита (тўғридан-тўғри) харажатлар йифиндиси топиш орқали баҳолаш услуби.

Чиқим буйича баҳолаш услубида факат ресурс манбаларини хўжаликда ўзлаштиришнинг бевосита молия харажатларигина эмас балки уни эксплуатация қилиш билан боғлиқ сарфлар ҳам хисобга олинади. Ушбу ёндашувнинг тартибий қисмлари. а) йўқотилган фойда усули бўйича баҳолаш. Бунда бир ресурс участкаси ресурсларидан фойдаланишда унинг бошқа ресурсларидан фойдаланиш фойдасидан вос кечилади ва йуқотилган фойда баҳоланади масалан:сув омборлари ни барпо этиш орқали онгли равишда бу худуддан қишлоқ хўжалигида фойдаланишдан вос кечилади. Олиш мумкин бўлган, маҳсулотни олмаслик хисобига йуқотилган фойда баҳоси ер майдонини иқтисодий қийматини белгилайди. Йуқотилган фойда, муқобил фойдаланишдан олинадиган фойда билан боғлангандир. б) ўрнини босувчиларнинг қиймати бўйича баҳолаш. Бунда бир ресурс манбасини бошқа ресурс тенг даражада босадигани билан алмаштириш учун жамият сарф қиласиган маблағнинг хажми аниқланади. Бу ҳолатда харажатларга қўшимча қилиб ресурс манбаларини ўрганиш(геологик разведка) ва улардан фойдаланиш мақсадларида худудларни ободонлаштириш бўйича сарфланадиган харажатлар ҳам қўшилади.

**Қайта тиклаш қийматини баҳолаши услуби.** Бунда йўқотилган ёки деградацияланган ресурс турларини такрор ишлаб чиқариш учун зарур бўлган харажатлар баҳоланади.

**Тўлаш хоҳиши услуги.** Ахолига анкеталар тарқатиш орқали одамларнинг ресурсларнинг маълум турларининг мавжудлиги учун тўлашга хоҳиши борлигини баҳоланади масалан, йўқолиб бораётган ҳайвон ва ўсимликлар турлари. Маълум экологик қиймат ёки биологик ресурсларга эга бўлган жойларда яшовчи аҳолидан ушбу ресурсларни сақлаб қолиш учун тўлаш хоҳиши сўралади.

**Транспорт харажатлари услуги.** Бунда ресурс обьектига етиб боришига кетадиган қиймат ёки вақтинча харажатларга асосланаб ресурс манбасининг иқтисодий қиймати (масофа) аниқланади.

Табиий ресурсларни иқтисодий баҳолашда рента ёндашуви, дифференциал рента мавжудлиги концепциясига асосланади. Бир турдаги ресурс манбалари уларнинг миқдорий ва сифат тарифларига боғлиқ ҳажмда сарфланган харажатлар бирлигига бир хил бўлмаган фойда келтиради, яъни дифференциал рента беради. Дифференциал рента охирги харажат принципи бўйича, яъни жамиятнинг Ушбу ресурсни олиш учун тўлашга тайёр бўлган ва йўл қўйиш мумкин бўлган харажатлари асосида ҳисобланади.

Охирги харажат назариясида камчиликлар бор. Хусусан, ресурс манбаларининг охирги фактик харажатлари қиймат ҳажми ва баҳо даражасини белгилаб берувчи ижтимоий зарур харажатларга мос тушмаслиги мумкин. Шу сабабдан рента концепцияси харажат концепциясига нисбатан анча асосланганроқ ҳисобланади.

Ресурс манбаларини эксплуатация қилувчи корхоналар фойдаси бўйича баҳолаш рента ёндашувига асосланган. Иқтисодий субъектларнинг даромадлари эксплуатация қилинаётган ресурсларнинг қийматини акс эттиради.

Янги иқтисодий шароитда табиий ресурсларни баҳолашда рента ёндашувидан фойдаланиш табиий ресурсларга мулкчиликни дифференциялашда ва турли мулкчилик шаклларининг табиатдан фойда қилишни иқтисодий баҳолашда муҳим аҳамиятга эга.

Табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш муаммолари. Ўзбекистонда табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий механизми асосан эндиликда шаклланмоқда. Унинг кўп жиҳатлари тўла ишлаб чиқилмаган ва амалётда тўла жорий қилинмаган. Экологик-иктисодий таҳлил эса ҳаракатдаги инструментларнинг қайси бири кам самара беришини рағбатлантирувчи тизимларнинг қайси энг истиқболли эканлигини аниқлашга имкон беради.

Табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш ва ривожлантириш қуйидагиларга асосланиши керак:

- табиий ресурслардан унимли фойдаланишни рағбатлантиришда ҳаракатдаги иқтисодий тизим элементларининг самарадорлигии баҳолашга асосланиши;

- инсон яшаш мухитини саклаш ва асрарни рағбатлантирувчи иқтисодий механизмнинг маҳсус элементларини ишлаб чиқишига асосланиши;
- ҳалқаро иқтисодий ривожланишнинг анъаналарини баҳолашга асосланиши.

Бозорнинг муҳим хусусиятларидан бири ресурсларни хўжаликда самарали ишлатишни таъминлашга имкон беради, чунки у бойликларнинг тақчиллиги тўғрисида олдиндан нарх хабарини беради. Нефть, табиий газ, ўрмон ва бошқа табиий ресурсларнинг бозор нархи ва уларнинг тез-тез ўзгариб туриши бойликлардан самарали фойдаланишни бошқариш учун имкон туғдиради. Аслида ёқилғи турлари нархининг ошиб кетиши, аввало, уларни режали ишлатиш, энг муҳими, самарали ишлатишни талаб қиласиди, чунки жаҳон бозорида нефть маҳсулотлари нархининг кўтарилиши транспорт ҳаракатининг бироз бўлса-да камайишига таъсир этади, бу билан атроф - муҳитнинг ифлосланиш жараёнида ижобий ўзгаришлар содир бўлади, яъни ҳавога камроқ углерод ва бошқа чиқиндилар чиқарилади. Бироқ ресурсларнинг қашшоқланиши ва атроф - муҳитнинг ифлосланиши бозор механизмининг тез-тез ўзгаришига таъсир этади. Бундай вазиятда бозор нархлари кўпинча бузилган ҳолатни акс эттиради, реал сарф-харажатларни аниқ ифодаламайди, натижада талаб ва таклиф кўрсаткичлари ресурслар тақчиллигини тўғри ҳисобга олмайди; ресурслардан самарали фойдаланиш учун рағбатлантириш паст бўлади.

Шундай қилиб, бозор ёндашуви табиият муҳофазасининг факат бир вазифасини, яъни табиий ресурслар билан таъминланишини баҳолашга имкон беради, қолган икки вазифаси – ўз-ўзини тозалаш ва инсонга табиий хизматлар кўрсатиш бозор тизимида акс этмайди.

Табиий ресурсларни баҳолашда рента (немисча – қайтариб берилган) асосида ёндашув яхши натижалар беради. Рента ёндашуви ресурсларнинг чекланган ва ноёб турлари учун хос (масалан, ер, цитрус мевалар, баъзи саноат ишлаб чиқариш тармоқлари ва б.). Иқтисодий рента деганда, одатда, чекланган табиий ресурслардан фойдаланилгандаги (ёки ижара) ҳақ - баҳо тушунилади. Бу вазиятда пассив таклиф негизидаги талаб рентани аниқловчи ягона таъсир этувчи омил сифатида олдинга чиқади. Иқтисодий рентани кўпинча ресурс эгасининг ундан фойдалангандан оладиган рента даромади маъносида ҳам кўллаш мумкин.

Ер ресурсларини баҳолашда рента ёндашуви қўпроқ самара беради. қўйидаги формула асосида аниқлаш мумкин:  $R=R:g$ . Бунда: R- йиллик рента катталиги; g – коэффициент.

Фараз қилинишича, R рента маълум бўлмаган муддатга олинди, дейлик, g коэффициенти кам бирлик сифатида олинади, унинг катталиги банк (ссуда) фоизи билан кўпинча боғланади. Масалан, агарда ҳар йилги ер участкасининг рентаси 10 минг сым бўлса, ссуда (карз) фоизи 10% га teng деб олинса, у ҳолда жой нархи 100 минг сўмга teng былади. Бу ҳолда ер

ресурси баҳоси банкка қўйилган капитал маблағ ўлчамига кўпинча тўғри келади, бу баҳо рента катталигига тўғри келадиган ҳар йилги даромад миқдорига баробар бўлади.

Табиий ресурсларнинг турлича сифатга эга бўлиши табақалашган рента ёндашувини қўллашга имкон беради. Юори сифатли табиий бойликлар (маҳсулдорлиги юқори бўлган ер, шўрланмаган тупроқ, руда миқдори кўп бўлган тоғ жинси ва б.) бошқа шароитлар бир хил бўлган вазиятда (замонавий жиҳоз ва ускуналар, самарали технология, малакали мутахассислар ва б.) қашшо ёки самараси камро бўлган ресурсларга нисбатан иқтисодий натижалари юқори бўлган қўрсаткичга эришишга имкон беради. Шўрланган тупроқларда пахта, шоли, полиз экинлари ҳосилдорлиги энг камлиги (пахта ҳосилдорлиги гектарига 5-12 ц, шоли 10-15 ц), шўрланмаган тупроқларда эса энг кўплиги (пахта ўртача гектарига 30-40 ц, шоли 50-70 ц) билан тавсифланган ҳолда табақалашган рента нархи ҳам юқорилиги билан фарқланади.

Худди шундай самара ресурсларнинг жойлашуви ва транспорт омилида ифодаланади. Масалан, қишлоқ хўжалик ерлари ва тегишли транспорт турлари йирик шаҳар яқинида жойлашганлиги уларнинг юқори даражадаги баҳога эгалигидан дарак беради. Бунда ерларнинг маҳсулдорлиги кам бўлган тақдирда ҳам рента нархи жуда юқори бўлади. Шаҳар атрофига қатновчи транспорт турлари деҳқончилик маҳсулотларини қисқа муддатда шаҳар деҳқон бозорига элтади, тадбиркор кўп миқдорда арzon транспорт ҳисобига маҳсулотларини ташиб, аҳолига сотишга улгуради ва юқори даромад олади. Ер эгаси бунинг ҳисобига табақалашган рента ёндашуви асосида катта маблағга эга бўлади. Бундай вазиятда товар - маҳсулот қиймати анча юқорилиги билан тавсифланади, уни ўз вақтида сотиш қийинлашади, бинобарин, нарх пасайиб боради, натижада даромад ҳам камлиги билан ажралиб туради.

Табиий ресурсларни баҳолашда сарфлаш (харжлаш) ёндашувидан ҳам фойдаланилади. Табиий бойлик (хом ашё) ларни тайёрлаш ва фойдаланиш учун сарф-харажатларни жамлаштириш билан ҳосил бўлган қийматни ресурсни баҳолаш учун бошланғич нуқта деб қараш мумкин. Бу ёндашув табиий бойликларнинг камайиши, бузилиши ва сифатини йўқотишида қайта тиклаш қийматини баҳолашда фойдалинилади. Бу ҳолда маълум жойда табиий ресурснинг йўқолиши ёки бузилишини тикловчи тадбирларга қилинган сарф-харажатлар ҳисоб-китоб қилиниб, маълум баҳо аниқланади. Масалан, нефть ёки табиий газ қудуқлари бурғуланганда катта майдонда тупроқ қоплами бузилади, рельеф ўйдим-чуқурлашади, яйлов ишдан чиқади ва б. Бундай вазиятда бурғулаш ишлари тугагандан сўнг геологик ташкилот табиий ресурсларга етказилган барча зарарни йўқотиб, аввалги табиий ҳолга келтириш учун техник ва биологик рекультивация тадбирларини ўтказиб, ресурслардан фойдаланувчиларга расмий равища

топшириши шарт. Бу тадбирлар мажмуа ҳолда иқтисодий жиҳатдан ҳисобкитоб қилиниб, қайта тиклаш сифати аниқланади.

Сарфлаш ёндашуви қанчалик содда ва кенг фойдаланилишига қарамай, ўзида муайян қарама-қаршиликларни мужассамлаштирган. Агар табиий ресурс юқори даражада сифатли бўлса, у ҳолда сарф-харажат тамойилига мувофиқ камроқ баҳога эга бўлади. Масалан, кучли босим билан отилиб чиқадиган нефтни қувурларга тўғридан-тўғри йўналтирилиб, резервуар ёки нефтни қайта ишлайдиган корхонага юборилади. Катта босим ҳатто компрессор станциялари қуришни талаб этмайди. Кўпинча нефть қудукдан маҳсус насослар ёрдамида тортиб олинади. Бунга насос ва электр энергия, қувурларда нефт босим таъсирида харакат қилиши учун компрессор станциялари қуриш лозим. Бинобарин, нефтни қудукдан тортиб олиш ва керакли корхонага етказиб бериш учун транспорт харажатлари зарур. Бундай вазиятда мантиққа тўғри келмайдиган ҳолат юз беради, яъни ресурснинг сифати қанчалик юқори бўлса, ундан фойдаланиш шунчалик кам харажат талаб қиласди ва шунга мос равишда кам иқтисодий баҳога эга бўлади ва аксинча. Шунга мувофиқ сарф-харажат ёндашуви табиий ресурсларни иқтисодий жиҳатдан баҳолашда фойдаланишни чегаралайди.

**Муқобил қиймат.** Бу баҳолаш концепцияси иқтисодиётда кенг қўлланилади. Табиатдан фойдаланишни иқтисодий баҳолашда бу баҳолаш ёндашуви кўп жиҳатлардан қўллаш мумкин. Табиатда ресурслар барча ҳудудларда ҳам турли даражадаги маҳсулдорликка эга, баъзан маҳсулдорлик умуман бўлмаслиги ҳам мумкин, масалан, бархан қумлари – ҳаракатдаги қум уюмлари яйлов жиҳатидан нол маҳсулдорликка эга, ўта шўр шўрхоклар ҳам худди шундай тавсифланади. Агар бархан қумлари ҳаракатини фитосуғориш учун (маҳсус ўсимликлар экиш билан қум ҳаракатини тўхтатиш) усули билан тўхтатишига эришилса, маълум вақтдан сўнг маҳсулдор яйлов таркиб топади, қоракўл қўйларини боқиш билан маълум миқдорда даромад олиш мумкин.

Мухофиза қилинадиган табиий ҳудудлар - қўриқхоналар, миллий боғлар, (қўриқхоналар), парваришхонанинг табиий ресурслари давлат қонунига биноан хўжалиқда фойдаланилмайди, дараҳтларни кесиш, пичан ўриш, мол боқиш қатъиян тақиқланади. Демак, бу ҳудудларда табиий ресурслар бойлиги билан ажralиб туради. Муқобил қиймат ёндашувига биноан бу ҳудудларда кўплаб бойликлардан фойдаланмаслик натижасида иқтисодиёт «зарар» кўрмоқда. Аслида ҳалқ хўжалиги катта миқдорда фойда кўрмоқда, чунки бу ҳудудларда илмий тадқиқот ишлари олиб борилади, йўқолиб бораётган ноёб фауна ва флора вакилларини сақлаб қолишга эришилди, уларнинг сони ортиб бормоқда, табиат ёдгорликлари, геологик кесмалар, тоғ жинслари, палеонтологик ёдгорликлар мухофиза қилинади.

Муқобил қиймат конценцияси маълум даражада сарф-харажат ёндашуви билан боғлиқ. Табиат бойликларининг муқобил қиймати қанчалик кам бўлса, бу бойликларни сақлаб қолиш учун зарур иқтисодий товон (ҳак)учун ҳам шунчалик кам сарф-харажат керак.

Муқобил қиймат ёндашувига мисол сифатида Чирчик дарёси ирмоғи -Пском дарёсида лойиҳаланган сув омбори ва унинг таркибидаги гидроэлектростанцияни кўрсатиш мумкин. Агар сув омборини қуриш учун расмий равишда рухсат берилса, водийнинг ноёб ва улкан тоғ табиат бойликлари сув остида қолиб кетади. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, сув омборини қуриш ва унинг иқтисодий фойдаси табиат бойлигидан камроқ бўлиши тахмин қилинмоқда. Чунки сув омбори фақат арzon электр энергия ишлаб чиқариш учун зарур, сув омборида йиғилган сувни Чорвоқ сув омборида ҳам жамғариш мумкин. Ҳозирча мазкур лойиҳани амалга ошириш тўхтаб турибди. Бу лойиҳани бошқа дарёда ҳам амалга ошириш мумкин, муқобил бу вариантда Писком водийсининг ажойиб бетакрор табиати сақланиб қолади.

Табиатни баҳолашда мажмуали ёндашув нуқтаи назардан ва нафақат тўғри ресурс функцияларини ҳисобга олишдан ташқари яна табиий муҳитнинг ўзлаштирувчи хусусиятларини эътиборда тутиш бўйича истиқболли концепциялардан бири умумий иқтисодий баҳолаш (қиймат) ҳисобланади. Олимларнинг фикрича умумий иқтисодий баҳолаш тўртта кўрсатгичнинг жами катталигидан иборат, яъни: фойдаланиш қиймати-қўшув- фойдаланилмаган қиймат-тeng-тўғри фойдаланиш қиймати-қўшув- билвосита фойдаланиш қиймати-қўшув-имконий, қиймат-қўшув-мавжуд бўлиш қиймати. Иқтисодий баҳолашга фойдаланиш қиймати энг қўп мос келади (шуингдек, истеъмол қиймати ҳам).

Доривор ўсимликлар, қўшимча маҳсулотлар (қўзиқорин, мевалар, ёнғоқ ва б.), сайёҳлик, барқарор овчилик ва балиқчилик. Ушбу барча кырсаткичлар амалда маълум ва ўзининг қийматига эга, уларни жамлаш натижасида тўғри қиймат вужудга келади.

Фойдаланишнинг билвосита қийматини аниқлаш анча мураккаб. Бу кўрсаткич кўпинча сайёра миқёсида қўлланилади, шуинг учун ҳам глобал аҳамиятга эга. Бу глобал ва маҳаллий фойдаларнинг мос келмаслиги билан тушунтирилади. Масалан, билвосита қиймат бирор мамлакат ёки худудга фойдали бўлмаса, балки бошқа мамлакат ёки бутун сайёра учун наф беради. Нам тропик ўрмонлар аёвсиз қирқилаётганлиги ва бунинг оқибатида ноёб ўсимлик ва ҳайвонот турлари йўқолиб бораётганлиги сайёра ёки биосфера миқёсида нохуш ҳодисаларнинг ривожланишига сабаб бўлмоқда. Ўрмонларни қирқишининг маҳаллий фойдаси (наф) биосфера миқёсидаги салбий ҳодисаларга нисбатан бир неча марта кам, ҳаттоқи фалокатлидир, чунки ўрмон тупроқлари тез муддатларда хўжалик муомаласидан чиқиб кетади, бунда ботқоқланиш, эрозия, шўрланиш, дефолиация каби ҳодисалар фаол ривожланади.

Бу зиддиятни амалий жиҳатдан ҳал қилиш учун халқаро миқёсда Глобал экологик жамғарма ташкил қилинган. Унинг асосий мақсади – табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини инвестиция билан таъминлаш бўлиб, у маҳаллий фойдага устиворлик бермай, балки бутун дунё учун наф беришни назарда тутади. Билвосита қийматдан фойдаланиш кўрсаткичи каттароқ худудлар учун фойдани йиғишга ҳаракат қиласи. Ўрмоннинг билвосита қийматидан фойдаланиш тадқиқоти баъзан қўйидаги кўрсаткичлардан иборат бўлади: ис гази билан боғланиш (иссиқхона самарасини юмшатиш), сувни тартибга солиш функцияси (ҳудудни сув тошишидан муҳофаза қилиш ва б.).

Ҳисоб-китоб учун имконий қиймат янада мураккаблиги билан тавсифланади. Бу ҳол келажакда фойдаланиш учун ҳудуднинг биоресурсларини консервация (асраш) қилиш билан боғлиқ. Бунда имконий қиймат тўғри (бевосита) ва билвосита қийматларнинг фойдаланиш қийматидан иборат бўлади.

Фойдаланилмайдиган қиймат мавжуд бўлиш баҳосига асосланади. Бу табиатни нозик этник ва эстетик жиҳатдан баҳолашда аскотади, чунки инсон учун табиатнинг эстетик баҳоси жуда юқори ҳисобланади, уни келажак авлод учун сақлаш бурчи, мероснинг баҳоси ва бошқалар эътиборга олиниши лозим. Мавжуд бўлишнинг қиймати табиатни муҳофаза қилиш учун муҳим сабаб бўлиши мумкин. Бу қийматни баҳолашда содда иқтисодий ёндашувлар кўлланилади, энг аввало “тўлашга тайёрлиги” назарияси билан боғлиқ, “қалбаки” бозорларни тузиш учун уринишлар асосида ҳаракат қилинади. Анкета ва сўроқ қилиш услублари кенг кўлланилади.

Меъёрдаги бозор мавжуд бўлмаганда қийматни субъектив баҳолаш усулидан фойдаланилади. Бу усулда мавжуд субъектлардан сўраб билишга асосланган. Шунинг учун уни ифодаланган афзал кўриш услуби деб ҳам юритилади. Рекреация жиҳатидан бой бўлган ҳудудлар (дарё ёки сув омбори соҳили, тоғ кўли ва б.) даги маҳаллий аҳоли дам олувчиларга маълум баҳода дам олишга рухсат беришини таклиф этадилар, лекин бу жараёнда объектнинг ифлос қилмасиликлари шарти билан бир қарорга келишади. Ҳисоб-китоб асосида «тўлашга тайёр» тамойили бўйича ўртача баҳо аниқланади ва уни дам олувчилар сонига кўпайтирилади ва ўртача жами баҳо аниқланади.

### **5. 3. Табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий тамойиллари.**

Табиий ресурслардан фойдаланишнинг иқтисодий механизми бир неча тамойилларга асосланади. Ушбу тамойиллар ижтимоий ишлаб чиқариш амалиётида кўп йиллар мобайнида юзага келган.

Табиатдан фойдаланишнинг асосий тамойилларидан бири пуллилик ҳисобланади. Ишлаб чиқариш жараённида ҳар қандай табиий ресурслардан

фойдаланиш маълум тўловлар натижасида амалга оширилади. Ижтимоийизмда ер, сув ва бошқа ресурслар корхона, хўжалик ва фуқаролар томонидан бепул фойдаланилган. Бу тамойилнинг нотўғрилиги шундаки, улардан фойдаланувчилар катта ҳажмда нобудгарчиликка йўл қўяр, ер ва сувнинг сифатини сақлаб қолиш тўғрисида қайғурмас эдилар. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда 60-80 - йилларда суғорма ерларнинг талай қисми шўрланиш, эрозия, дефляцияга учради, қашшоқланди, табиий маҳсулдорлиги 1,5-2 баробар камайиб кетди. Сув ресурсларидан оқилона фойдаланмаслик оқибатида Орол денгизининг сатхи 1961 йилдан эътиборан пасайиш йўналишга ўтди, сувнинг ифлосланиши туфайли қишлоқ аҳолиси турли касалликларга чалина бошлади, суғорма ерлар шўр сув билан суғорилиши натижасида тупроқ шўрланиши кучайди ва бошқалар. Бу салбий ҳодисалар учун ҳеч ким жавобгарликка тортилмас эди. Ер ва сувдан экстинсив фойдаланиш оқибатлари экологик вазиятни жиддийлаштириди, ўз навбатида бу аҳвол иқтисодий самарадорликнинг пасайишига олиб келди.

Пуллилик тамойили негизида табиий ресурсларнинг иқтисодий (қиймат) баҳоси турди. Кўпгина хорижий мамлакатларда табиий ер фонди учун табақалашган тарзда ер эгаларидан солиқ ундирилади. Бизнинг мамлакатимизда ҳали бу даражага эришилганича йўқ, чунки ер маълум кўрсаткичлар асосида ўз баҳосига эга бўлиши керак, бошқача айтганда ер кадастри ишлаб чиқилган тақдирда соликлар ўта табақалашган имконга эга былади. Ҳозир бу йўналишда мамлакат миқёсида тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Ерни, хусусан, суғорма ерни, пул жиҳатидан баҳолаш ишлаб чиқаришда уни бошқа ресурслар билан солиштиришга имкон беради, бу ҳол ернинг мелиоратив ҳолати бузилиши, унинг турли қурилиш обьектлари учун чегириб олиниши, муомаладан чиқиб кетиши, экин экмаган йил зарари ва бошқа оқибатларни сар-ҳғисоб қилишга имкон беради.

Ернинг ишлаб чиқариш баҳоси аниқланиши ва дехқонлар, фермерларга, хуллас, барча тоифадаги фойдаланувчиларга маълум муддатга берилиши аввало ундан самарали фойдаланиш тамойлига тўлиқ амал қилинишга имкон беради. Фойдаланувчи ернинг мелиоратив ҳолати мунтазам аъло даражада бўлишини таъминлашга интилади, ер турли табиий ҳодисалар таъсирида муомаладан чиқиб кетишининг олди олинади, ердан иложи борича максимал фойдаланишга ҳаракат қилинади. Бошқача айтганда ер хақиқий эгасини топади.

Табиий ресурслардан фойдаланишнинг тўловли йўлига ўтилиши бир қанча экологик ва иқтисодий масалаларни ҳал этишга имкон беради: а) улардан самарали фойдаланишга қизиқиш кучаяди; б) ресурсларни қайта такрор ишлаб чиқариш учун қўшимча молиявий манбалар вужудга келади; в) қўшимча даромад микдори ортиб боради.

Табиатдан фойдаланишнинг илмий жиҳатдан асослаш тамойили жамиятнинг экологик ва иқтисодий манфаатларини, пухта ўйлаб иш тутишни, инсон учун соғлом ва қулай ҳаёт тарзини вужудга келтириш кафолатланишини таъминлайди. Табиатдан ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланишни илмий жиҳатдан асослаш иқтисодий механизмнинг бир қатор дастаклари ишга солинишига йўл очиб беради. Бу борада табиий ресурсларни иқтисодий баҳолаш ва баҳонинг вужудга келиши, иқтисодий заарларни ҳисоб-китоб қилиш, экологик ва ижтимоий оқибатларни ҳисоблаб чиқиш муаммолари эндиликда кескин бўлиб турибди.

Табиатдан фойдаланишнинг илмий жиҳатдан асослаш тамойили серқиррали, кенг миқёсли ва кўплаб фанлар илмий натижаларини биргаликда қўллашни тақозо этади. Бу борада табиий фанлар қатори иқтисодиёт, хукуқ, тиббиёт ва бошқалар ҳам ресурслардан фойдаланишни ҳар томонлама асослашда фаол қатнашиши зарур. Бу фанлар таркибида география, геология, биология, экология эришган илмий натижалар негизидан фойдаланиш тамойилини асослаш юқори самара беради.

Иқтисодий жавобгарлик тамойили табиатдан фойдаланишда кенг қўлланилади, чунки ҳар бир корхона, цех, фермер, дехқон, оиласвий пударт аъзолари, ҳар бир инсон ресурслардан фойдаланиш жараёнида табиатга етказган зарари учун жавобгардир. Бу зарап нафақат табиатни қашшоқлантирибгина қолмай, аҳоли орасида турли касалликлар тарқалиши учун имконият яратади. Бинобарин, бу ҳолатда экологик ҳукуқни бузувчилар тегишли жарималарни давлат банкларига ўз вақтида тўлашлари шарт.

Мажмуалик тамойили табиат ресурсларидан фойдаланишда муҳим аҳамият касб этади. Бу тамойил қазилма бойликлардан самарали ва тўлиқ фойдаланишда ҳамда бошқа мураккаб ҳом ашёларни хўжалик муомаласига киритишда, кам чиқиндили ва чиқиндисиз технологияни татбиқ этишда аскотади. Иккиламчи ресурсларни қайта ишлаш жараёнида мажмуалик тамойлининг қўлланиши катта иқтисодий самара беради. Лекин бу тамойилни мамлакат миқёсида ҳалигача тўлиқ қўллашга ўтилмаган.

**5. 4. Табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий механизм элементлари.** Табиий ресурслардан фойдаланиш ва бу жараёнда атроф - муҳитни муҳофаза қилишнинг ўзига хос иқтисодий механизми таркиб топган. У кўплаб турли элементлардан иборат, лекин ҳозирча юқори даражада такомиллашган деб бўлмайди, бозор иқтисодиёти шароитида ушбу механизм борган сари яхшиланиб боради.

Табиий ресурсларни иқтисодий баҳолаш ва баҳолар негизида табиатдан фойдаланишда тўловли йўлига ўтиш борган сари аниқ бўлиб боради. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида иқтисодий механизмнинг айрим элементларини қўллаш табиатдан фойдаланишни такомиллаштириб боришда дастлабки қадам бўлади. Табиатдан фойдаланишда тўловли йўлига ўтиш экологик омилни иқтисодётда янада кенгроқ қўллашга,

бойликлардан оқилона фойдаланишда күмаклашади. Табий ресурслардан фойдаланганлиги учун тўланадиган тўловлар икки турда бўлиши мумкин: а) табий ресурслардан фойдаланиш хуқуқи учун; б) такрор ишлаб чиқариш ва табий бойликларни муҳофаза қилиш учун.

Табий бойликлардан фойдаланиш хуқуқи учун тўланадиган ҳақ ушбу ресурслар эгасига олдиндан белгилаб қўйилади. Бу ҳол мутлақ рентанинг бекор қилиниши билан боғлиқ.

Табиатдан фойдаланишда ҳақ тўлашнинг йўлга қўйилиши борасида жарималар ундириш жиддий самара беради, турли ресурслардан тўлиқ фойдаланмаслик, сув ва ҳавони ифлослантирганлиги учун санкциялар белгилаш кенг миқёсда амалга оширилиши керак. Суформа ерларни шўрланиш, эрозия ва дефляцияга берилишига имконият яратган ердан фойдаланувчиларга, айниқса, пестицидларни кўп ишлатгани, тупроқ «ориқлаши» га йўл қўйгани учун меъёрдан кўпроқ жарима солиш, ҳатто ҳаво ва сув ҳавзаларини ифлослантираётган корхона ва цехларни маълум муддатга ёпиб қўйиш ва катта ҳажмда жарима солиш амалий аҳамият касб этади. Атмосфера ҳавосини булғайдиган автотранспортлардан фойдаланишни бутунлай тўхтатиш зарур. Жарима миқдори қанчалик катта бўлса, унинг таъсири ҳам шунчалик жиддий бўлади.

Иқтисодий рағбатлантириш табиатдан фойдаланганлиги учун ҳақ тўлаш тамойилига амал қилиниши натижасида атроф - муҳитни янада кенгроқ миқёсда муҳофаза қилишга имкониятлар яратади. Бу тизимни амалиётга татбиқ қилиш ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар ўртасида экологик жиҳатдан тўғри мувозанат вужудга келтиришга ёрдам беради, бу ҳодиса талаб ва таклифни реал эътиборга олиш билан мустаҳкамланиб боради. Иқтисодий рағбатлантириш тизимиға мутахассислар қуидаги йўналишларни қўшишни таклиф қиласилар: имтиёзли солиқ солиш, ёрдам пули бериш, табиатни муҳофаза қилиш фаолиятига имтиёзли кредит ажратиш, табиатни муҳофаза қилиш фонdlарини тезлаштирилган ҳолда амортизация қилиш, экологик жиҳатдан тоза былган маҳсулотларга рағбатлантирувчи баҳолар белгилаш, қўшиш ва бошқа тадбирлар.

Табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий механизмларидан бири экологик солиқлар ҳисобланади. Солиқнинг бу тури дунё мамлакатларида ўзининг экологик самарадорлигини кўрсатиб келмоқда. Уни «яшил солиқ» ҳам деб аташади. Истиқболда бу солиқнинг янада кенг миқёсда ривожланиши учун барча асослар мавжуд. Экологик солиқлар асосан икки вазифани ҳал қилишга лаёқатли: а) маҳсулотлар нархини уларнинг ишлаб чиқариш сарфларига нисбатан бир хилда бўлишини таъминлаш, атроф - муҳитга етказилган заарларни қоплаш ва бошқ., б) атроф - муҳитга етказилган экологик заарларнинг ўрнини қоплаш мақсадида ифлослантирувчилар ҳисобидан уларни ундириб олиш. Экологик солиқлар экологик жиҳатдан мувозанатли ишлаб чиқаришни ривожлантиришни

рағбатлантиришга ҳам хизмат қиласы. Ишлаб чиқарувчилардан олинган пул маблағлари табиий муҳитни муҳофаза қилиш, айниқса, атмосфера ҳавоси ва сув ҳавзаларини ифлосланишдан сақтайтын турли самарадор мосламаларни корхоналарга ўрнатиш ва уларнинг мунтазам фаолият кўрсатишини таъминлашга хизмат қиласы.

Корхона, транспорт, қурилиш объектлари, шахсларга солик тайинлашда уларнинг табиатни муҳофаза қилиш йўналишида олиб бораётган амалий ишлари характерини эътиборга олиш мақсадга мувофиқ. Юридик шахслар корхона, транспорт ва қурилиш объектларида табиий муҳит ифлосланишининг олдини олувчи тадбирларни мунтазам қўллаб келаётган бўлса улардан имтиёзли солик ундириш лозим. Шунингдек, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот экологик жиҳатдан тозалиги билан ажralиб турса, бундай вазиятда енгилроқ солик тайинлаш мақсадга мувофиқ. Бу ҳол уларни иқтисодий ва экологик жиҳатдан рағбатлантираиш демакдир. Ишлаб чиқарувчиларни атроф - муҳит мусаффолигини янада барқарорлаштириш ва экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқаришга ундейди.

Солик имтиёзлари, умуман, солик ҳажмини белгилашда корхоналарни икки гурухга ажратиш мақсадга мувофиқ: а) табиатни муҳофаза қилувчи, экологик жиҳозлар, материаллар ишлаб чиқарувчи ҳамда экологик хизмат кўрсатувчи давлат, давлат-акционерлик корхоналари, хусусий корхоналар; б) экологик жиҳатдан жуда хавфли ҳисобланган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи, ҳаво ва сувни мунтазам заҳарли моддалар билан булғаб келувчи, пестицидлар, сифатсиз ёқилғи тайёрловчи, энергияни қўп миқдорда талаб қилувчи корхоналар. Биринчи гурухга мансуб бўлган корхоналарга имтиёзли экологик соликлар белгилаш ҳақиқатга тўғри келади, иккинчи гурухга кирувчи корхоналарга нисбатан оширилган солик ҳажмини тайинлаш айни муддао. Бошқа жиҳатдан бу гуруҳдаги корхоналарнинг йиллик даромадлари ҳам ишлаб чиқилган машсулот турларига қараб анча юкори.

Хорижий мамлакатларда экологик соликлар кўпинча мақсадга йўналтирилган тарзда амалга оширилади. 1989 йилда фреонларни ишлаб чиқаришни камайтириш мақсадида (фреон озон қатламини бузишда фаол таъсир этувчи кимёвий бирикма) уларни сотишга қарши корхоналарга солик солиш таъсис этилди. Саноатда фреонни ўрнига бошқа кимёвий воситани ишлаб чиқариш билан алмаштиришни тезлатиш учун солик вақт мобайнида прогрессив - ўсиб борувчи шаклда тайинланди.

Табиий муҳит ифлосланишининг олдини олиш мақсадида ва экологик вазиятлар қулай ҳолда сақланишини барқарор таъминлаш учун биосферани турли чиқиндилар билан энг қўп булғаётган корхоналарга чиқинди номи билан аталадиган соликлар белгилаш пайти келди. Яқин келажакда кўргина мамлакатларда «углерод солиғи»ни таъсис этиш мўлжалланмоқда, бунга сабаб минерал ёқилғи - кўмири, нефть

маҳсулотлари, табиий газ, сланец ва бошқаларнинг кўп миқдорда ёқилиши туфайли атмосфера ҳавоси борган сари ифлосланиб бормоқда. Ер куррасининг глобал исиб бориши («иссиқхона самараси»), углерод чиқиндилари чиқаришни камайтириш мақсадида давлат раҳбарларининг қўл қўйган халқаро шартномалари бундай экологик солиқни кўргина мамлакатларда қўллашни заруратга айлантироқда. «Углерод солиғи» ни ҳатто энг кам миқдорда белгиланиши ҳам катта ҳажмда маблағ тўпланишига олиб келади. Атмосферага чиқарилётган углерод гази учун ҳар тонна чиқиндига 10 доллар солиқ деб белгиланганда ривожланган мамлакатларда йилига қўшимча 25 млрд. доллар йиғилиши мумкин.

Экологик солиқни табақалашган тарзда татбиқ этиш самарали бўлишини мутахассислар эътироф этишмоқда. Масалан, турли ёқилғи-энергетика ресурсларига солиқ солишда уларнинг турига аҳамият бериш мақсадга мувофиқ. Энг юқори экологик солиқ кўмирга белгиланиши лозим, чунки ундан энг кўп углерод чиқиндиси ажралади, энг кам солиқ миқдори табиий газга тўғри келади.

Истиқболда углерод солиғининг татбиқ этилиши мамлакатларда кўмири ёқилғи сифатида ишлатиш борган сари камайишига ижобий таъсир этади. Бу ҳол кўмир ўрнига унга муқобил бўлган вариантларни излашга ундейди, айниқса, қуёш ва шамол, океан ва денгизларнинг сув кўтарилиши ва қайтиши энергиясидан фойдаланиш борган сари кенгайиб боради.

Халқ хўжалигини ривожлантириш учун давлат ёрдам пули (субсидия) эндиликда тубдан такомиллаштирилишга муҳтож. Давлат томонидан ажратиладиган субсидия табиатдан фойдаланишда экологик мувозанатни барқарорлаштирига сарф қилиниши ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга жуда катта таъсир этади. Ҳозирда ажратилаётган субсидиялар табиат муҳофазасини қўзламаган тарзда амалга оширилмоқда ёки антиэкологик аҳамиятга эга. Бу айниқса, тоғ-металлургия, энергетика, кимё, кўмир саноати ва бошқа тармоқларда аниқ ифодаланган. Собиқ совет ҳокимияти даврида янги маъдан конларини очиш, иқтисодиёт ва коммунал хўжалик энергияни кўп талаб қилувчи технология, қишлоқ хўжалигида кўплаб пестицидлар, минерал ўғитлар, оғир қишлоқ хўжалиги техникасини қўллаш, янги ерларни очишга кўплаб маблағ ажратилар, лекин табиат муҳофазаси ишларига давлат ҳисобидан капитал маблағ ажратиш жуда ҳам кам миқдорни ташкил қиласарди. Баҳтга қарши аввалги пассив экологик сиёsat баъзан ҳозир ҳам учраб туради. Иқтисодиётда аввал ишга туширилган йирик энергетика объектларининг ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш учун тегишли субсидиялар берилиб турибди, уларнинг самарадорлиги ва экологик жиҳатдан тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришига аҳамият етарли эмас.

Табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий механизми тизимида табиий муҳитни ифлослантиргани учун тўлов муҳим аҳамият касб этади. Бу

тўловлар корхона ва ташкилотларнинг ўз ишлаб чиқариш фаолиятида атроф - муҳитга етказаётган заарлари ўрнини қоплаш учун сарф қилиниши назарда тутилади. Лекин аслида табиатни бузувчилардан келаётган тўловлар ҳажми экологик вазиятни яхшилаш учун сарф қилинаётган барча харажатларнинг фақат бир қисмини қоплайди, холос. Атроф - муҳитни ифлослантиргани учун тўланадиган тўловлар ифлослантирувчи-корхоналарга жазо воситаси бўлиб «ифлослантирувчи тўлайди» тамойилини амалга ошириш йўлидир.

Россияда дунё мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб табиий муҳитни ифлослантиргани учун тўловлар расмий равишда белгиланди (1993 йил январдан). Бунда уч хил тўлов тайинланган: 1) атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар чиқаргани учун; 2) сув объектлари ёки жой рельефига ифлослантирувчи чиқиндиларни чиқаргани учун; 3) чиқиндиларни жойлаштиргани учун.

Атроф - муҳитга бўлган таъсир даражасига кўра мутахассислар тўловларнинг икки меъёрдаги турини ажратдилар: а) рухсат этилган ҳажмдаги чиқиндилар учун; б) рухсат этилган миқдордан оширилган чиқиндилар учун. Биринчи турдаги тўлов ҳажми меъёрдалиги билан тавсифланади, иккинчи турдаги тўлов бир неча марта кўплиги билан характерланади. Биринчи турга оид чиқиндилар гарчи кам миқдорда бўлсада, лекин чиқариб турилганлиги туфайли атроф - муҳит потенциал ифлосланиб боради. Меъёрдаги тўловлар корхона ишлаб чиқараётган маҳсулот қийматига қўшилиши мумкин, демак уни истеъмолчи тўлайди, лекин меъёрдан ортиқ чиқинди учун тўланадиган тўловлар корхоналар ҳисобидан тўланиши керак.

Тўловларнинг бу шаклда ташкил қилиниши ишлаб чиқарувчиларни атроф - муҳитга чиқараётган чиқинди ҳажмини камайтиришга ундейди, демак, кам чиқиндили технологияни татбиқ этишга ҳаракат қилина бошлайди. Бу йўл ҳам табиий муҳитни ифлослантиришни камайтириш йўналишидаги уринишлардан бири, унинг самараси етарли даражада катта. Чунки корхоналар чиқинди чиқаришни қандай қилиб камайтириш тўғрисида ҳаракатда бўладилар.

Табиат муҳофазасини молиялаштириш учун бюджетдан ташқаридаги экологик фонdlар (пул маблағлари) муҳим аҳамиятга эга. Бундай фонdlарни ташкил қилиш тегишли маблағларни табиий муҳит энг оғир экологик вазиятдаги объектлар, сув ва ҳаво ҳавзалари жиддий даражада ифлосланган ҳудудлар, ахоли саломатлиги танг бўлган жойларнинг ахволини тубдан яхшилаш ишларига сарфлашда аскотади. Умуман олганда, экологик фонdlарнинг вазифаси қўйидаги устивор долзарб муаммоларни ечимиға қаратилади: 1) атроф - муҳит ҳолатини яхшилаш ва ахолининг экологик ҳавфсизлигини таъминлашга қаратилган дастурлар ва илмий-техник лойиҳаларни молиялаштириш; 2) табиатни муҳофaza қилиш тадбирлари ва дастурлари учун молиявий ресурсларни сафарбар этиш; 3)

оқилона ташкил қилинган табиатни муҳофаза қилишни иқтисодий рағбатлантириш, экологик жиҳатдан тоза технологияни татбиқ этиш; 4) экологик тарбия ва таълимни тараққий қилдириш учун кўмаклашиш.

Экологик фондлар манбани асосан корхорналарнинг чиқинди чиқарганилиги, ифлослантирувчи моддаларни ташлаганлиги, чиқиндиларни жойлаштирганлиги, авария натижасида табиий муҳитни ифлослантирганлиги учун жарима тўлови, корхоналарнинг табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигини бузганлиги учун вужудга келган экологик зарар ўрнини қоплаш маблағи, ихтиёрий бадал (взнос) ва бошқалар ташкил қиласи. Буларнинг ичидаги атроф - муҳитни ифлослантирганлиги учун тўланадиган тўловлар улуши 80% дан кўп бўлиши амалда тасдиқланган. Ўзбекистонда табиий ресурсларга зарар етказиш, ўрмонларни кесиш, ов қилиш ман этилган вақтда овчилик билан шуғулланиш, ҳавзаларда балиқларни кўплаб маҳсус воситалар билан тутиш (тўр, портлатиш, электр токи ва бошқ.), доривор ва техник хом ашё берувчи гиёшларни йиғиш, номи «Қизил китоблар»га тушган ўсимлик ва ҳайвонларни йиғиш, овлаш ва бошқа зарар келтирувчи фаолиятлар учун жуда ҳам кам жарима солинади, бундан фойдаланган браконьерлар қўрқмасдан ўз ишларини bemalol давом эттираверадилар. Агарда жарима солиқлари ва бошқа турдаги тўловлар миқдори оширилса, қонунбузар анча зарар кўради, табиатни муҳофаза қилувчилар кўпроқ маблағ тушумига эга бўларди. Бу борада ташкилий ишлар такомиллаштирилиши зарур.

Мажмуали экологик дастурлар мамлакат ҳудудидаги кескин вазият таркиб топган ва ҳалокатли ҳодисалар ривожланиши мумкин бўлган жойларда умумий аҳволни юмшатиш, пировардида қулай шароитларни қарор топтиришга қаратилган бўлади. Улар амалга оширилиш миқёсига кўра, ҳалқаро, мамлакат ва ҳудудий даражада бўлиши мумкин. Экологик дастур ҳудуднинг экологик жиҳатдан таркиб топган вазият даражасига кўра, кўп профилли, мажмуали ва мақсадга мувофиқ йўналтирилганилиги билан тавсифланади. Уни амалга ошириш муддати ҳам белгиланган босқичлар (йиллар) сони ва кўламига боғлиқ. Масалан, Орол ва Оролбўйи экологик дастури кўп йилларга мўлжалланган бўлиб, бир-бирлари билан боғлиқ бир неча босқичларга асосланishi мумкин.

Дастурни амалга оширишда давлатнинг роли кўпроқ бўлади, чунки ресурсларни тез фурсатда тўплаш зарурлиги, муаммонинг мураккаблиги, иқтисодий самарадорликнинг ноаниклиги тўғридан - тўғри бошқарувни тақозо этади. Баъзи ҳолларда чет эл инвестицияларидан ҳам фойдаланиш имкониятлари вужудга келади. Ўзбекистонда мақсадга мувофиқ йўналтирилган экологик дастурлар қўйидаги муаммоларни ҳал қилиш учун зарур: 1) ҳалқаро мажбуриятларни бажариш (озон қатламини муҳофаза қилиш, иссиқхона газларини ҳавога камроқ чиқариш, биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш); 2) сугорма ерлардан оқилона фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш, сув ресурсларидан илмий асосланган ҳолда

фойдаланиш, уларнинг сифатини яхшилаш ва бошк.; 3) Оролбўйи ва Орол денгизи муаммосини ечиш; 4) маҳаллий экологик муаммоларни ҳал қилиш (саноат шаҳарлари атрофида табиий муҳитни муҳофаза қилиш:).

Табиий муҳитни муҳофаза қилишда кўп қўлланиладиган иқтисодий механизм турларидан бири гаров тизимиdir. Дўконлардан аҳоли кўплаб турли маҳсулотларни харид қилади. Лекин маҳсулотлар маҳсус идишларда сотилиши туфайли харидор уларга ҳам бир йўла ҳақ тўлайди, маҳсулотдан фойдаланиш тугагандан сўнг бўшаган идишлар дўконга ёки маҳсус қабул пунктларига қайтарилса, уларнинг қиймати харидорга қайтарилади. Бу билан атроф - муҳитнинг бўш идишлар билан ифлосланиши камаяди. Хорижий мамлакатларда бу механизм аниқ йўлга қўйилган: шиша, пластмасса, метал, қофоз, ёғоч, газлама, сунъий материаллардан тайёрланган идишлар маҳсус пунктларда ёки дўконларда қайтариб олинади. Бу гаровга олинган идишларни қайтариб олиш тамойилини Ўзбекистонда ҳам қўллаш табиий муҳитни ифлосланишдан сақлашда фаол ахамиятга эга бўлар, бошқа жиҳатдан мамлакат иқтисодиёти ҳам катта ҳажмда фойда олган бўлур эди.

Экологик суғурталаш муҳандислик иншоотлари техник бузилиши натижасида атроф - муҳитнинг ифлосланиши, ҳалокатли ҳодисалар юз беришининг олдини олиш каби номақул ҳодисалар содир бўлишини чеклайди. Нефть ва табиий газ қувурларининг ёрилиб кетиши натижасида катта ҳажмда экологик-иқтисодий зарап етказилиши барчага маълум, шунингдек, заҳарли кимёвий моддаларнинг вагонларда, автомобилларда ташилиши баъзан техник сабабларга кўра фалокатга олиб келади. Бундай ҳунук ҳодисалар содир бўлишининг олдини олишда энг самарали усул ҳудудни ёки обьектни экологик суғурталаш ҳисобланади. Бундай вазиятда корхоналар бахтсиз ҳодисанинг олдини олиш тараддудини жиддий амалга оширадилар, чунки акс ҳолда катта ҳажмда зарап кўришлари мумкин. Бинобарин, нефть маҳсулотли қувурлар тез-тез назоратда бўлади, техник кам-кўстлар ўз вақтида таъмирланади, хуллас, ҳалокатнинг олди олиниши кафолатланади.

Суғурта компанияларининг вужудга келиши бир неча иқтисодий масалаларни ечишга имкон беради: ҳалокатнинг олдини олиш учун турли тадбирларни амалга ошириш мақсадида корхоналарга маълум миқдорда пул маблағи ўтказилади, суғурта фондларида тўпланган пул маблағларидан самарали фойдаланиш даражаси оширилади, шунингдек, баҳтсиз ҳодиса юз берган ҳолда суғурта қилинган корхона, шахсий уй-жой фонди ва бошқа суғурта қилинган обьектларга етказилган заарни қоплаш учун тегишли пул маблағлари етказиб берилади.

**5. 4. Табиятдан фойдаланишнинг экологик-иқтисодий ҳудудий бирлиги.** Экология билан иқтисодиёт ўртасида боғлиқлик нимада? Экологик (табиий) вазият (шароит) иқтисодиётга таъсир этадими ёки аксинча, яъни иқтисодий аҳвол экологик шароитга таъсир этадими, булар

ўртасида қандай яқинлик мавжуд? Экологик вазият ёки табиий шароит маълум чегараланган худудда бир хил табиий хусусиятга эгалиги сабабли иқтисодий жиҳатдан ҳам деярли бир хил кўрсаткичга эга бўлиши аввалдан маълум. Чунки бир хил табиий шароит мавжуд бўлган худудда унга мос равишда, бир хил ресурслар мос келади. Яъни бир турдаги тупроқ унга мос ҳолда бир турдаги ер ресурси, маълум ассоциациядаги ўсимликлар унга мос равишда шу турдаги ўсимликтан иборат яйлов тури мавжуд бўлишини тақозо этади ва бошқ.. Шу жойнинг тупроқ, яйловидан фойдаланганда маълум қийматдаги даромад келиши маълум, бунда инсоннинг тупроқ ва яйлов маҳсулдорликларини оширишдаги хизматлари ыртacha меъёрда деб ҳисобланган. Гектар ҳисобига экин маҳсулдорлиги худуднинг барча қисмларида бир хил, яйловда ҳам шундай, деб олинган.

Табиий ёки экологик шароит мураккаблашиши ресурслар маҳсулдорлиги ҳам турлича бўлишига таъсир этади, бинобарин, ҳудуддаги экинлар маҳсулдорлиги ҳам шунга мувофиқ тарзда турличалиги билан тавсифланади. Бунда иқтисодий самарадорлик ва даромадда ўзгаришлар содир бўлади. Тоғ олди текисликлари, одатда, тўлқинсимон текислиқдан иборат бўлади: бу шаклдаги рельефда ботиқ кўринишдаги ер юзаси қавариқ шаклдаги ер юзаси билан алмашиб келади. Дарвоқе, тўлқинсимон рельеф шаклида тупроқ ресурслари турлича маҳсулдорликка эга бўлади: қавариқ кўринишдаги рельефда доимо эрозия, ботиқда ёнбағирлардан ювилган тупроқ тўпланиши мунтазам юз беради, демак, эрозия билан аккумуляция ҳодисалари ўзаро алмашиб келади. Ботиқ шаклдаги рельефда баъзан грунт сувлари сатҳи ер бетига яқинлашиб (1-3 м) келади ва қўпинча тупроқда туз тўпланиш ҳодисаси ҳам содир бўлиши мумкин ёки гипс қатлами ер бетига яқин туради.

Юкоридаги тавсифдан маълум бўладики, қавариқ шаклдаги рельефда ювилиш содир бўлгани учун тупроқ қатлами юпқароқ ва дағал механик таркибли, шунингдек, ёнбағирларда ирригация эрозияси: юзаки ювилиш, ариқчали ювилиш, пробоина (чукур ариқ) кўринишидаги шакллар ривожланади. Бу ҳол тупроқни механизмлар билан ҳайдашда, экинларни суфоришда, ҳосилни йиғишириб олишда маълум қийинчиликлар туғдиради. Тупроқнинг дағаллиги ва камроқ қалинликда бўлиши ўсимликларнинг вегетациясига, илдиз ўсадиган қатламида намлик тўпланишига, ҳосил тўплашига салбий таъсир кўрсатади. Бинобарин, экинларнинг меъёрдаги вегетацияси қавариқ рельеф шаклда юз бермайди, бу ҳол уларнинг ҳосилдорлигига таъсир этади, текисликдагига нисбатан паҳта ҳосилдорлиги 5-10 ц га, буғдой ҳосилдорлиги 10-15 ц га фарқ қилиши мумкин, демак, олинадиган даромад ҳам шунга яраша камроқ бўлади.

Ботиқ рельеф шаклида экинларнинг вегетацияси меъёрдан ортиқча намлик, ёнбағирлардан ювилган тупроқ, минерал ўғит, пестицид ҳисобига, шунингдек, грунт сувлари сатҳининг яқин жойлашиши асосида юз беради.

Бундай экологик шароит ҳам экинларнинг меъёрида ўсиши ва ҳосил тузиши учун жуда қулай эмас, пахта намлиқ қўплиги эвазига кеч етилиши, ғўза ғовлаб кетиши, бегона ўтлар тез ўсиши натижасида ҳосил уларнинг орасида қолиб кетиши мумкин. Демак, ботик рельеф шакли, хусусан, унинг туби экинларнинг меъёрида ўсиши учун жуда ҳам қулай эмас.

Юқоридаги тавсифлардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, қавариқ ва ботик рельеф шаклига эга бўлган текисликларда эрозия ҳодисасини барқарор бошқаришга эришиш, суғоришни изогипслар бўйича, яъни қияликка қўндаланг равишда ташкил этиш айни муддаодир. Суғориш жойнинг рельеф шароитларини тўлиқ ҳисобга олган ҳолда амалга оширилса, экинларнинг ҳосилдорлиги юқори даражаларда бўлишига эришса бўлади, бу Ўзбекистоннинг дехқончилик тажрибасида бир неча марта амалда исботланган, тўлқинсимон рельеф шароитида гектаридан 30-40 ц пахта ҳосили олаётган дехқон ва фермер хўжаликлари бор.

Қорақалпоғистон, Хоразм, Қоракўл, Бухоро (жанубий қисми), Қарши чўли, Мирзачўл, Жиззах чўли, Марказий Фарғона воҳаларида грунт сувларининг ётиқ ҳаракати амалий жиҳатдан таъминланган эмас, тик ҳаракат устиворлик қиласи. Бинобарин, тупроқда туз фаол тўпланади, грунт сувлари сатҳи барқарор равишда 1-3 м. чуқурликда жойлашган. Туз тўпланишининг олдини олиш мақсадида зич (ҳар га майдонда 40-60 м ва ундан кўп жойларда 75-150 га майдонда 1 та тик қудук) фаолият кўрсатиб турибди, қишида ҳар йили 1-2, жойларда 3-4 марта яхоб суви ҳисобига тупроқдаги тузлар мунтазам ювилади. Коллектор-зовур тармоқлари ҳар уч йилда тозаланиши ва таъмирланиши шарт, тик зовурлар ҳам маълум муддатда профилактикадан ўтказилади ва асосан катта қучланишдаги электр токи асосида ҳаракатга келади. Ёпиқ зовурлар алоҳида назорат, таъмирлаш ва тозалашга муҳтож. Бинобарин, дарё этаклари ва II террасалардаги воҳаларда суғорма дехқончиликни ривожлантириш энг мураккаб ва сарф-харажатларнинг кўплиги жиҳатидан юқорида тавсифланган ҳудудларга нисбатан ҳар йили қўшимча капитал маблағларни талаб этади.

### **Бобнинг қисқача мазмуни.**

Табиий бойликларни иқтисодий баҳолаш ва табиат хизматларини аниқ қийматга эга бўлиши табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишда амалий аҳамиятга эга.

Баҳолашда бозор баҳоси, рента, табақаланган рента, сарфлаш, муқобил қиймат, умумий иқтисодий баҳолаш (қиймат) ёндошувлари муҳим ҳисобланади.

Ерни иқтисодий баҳолашнинг бош моҳияти уни сифатининг қишлоқ хўжалигидаги ижтимоий ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлигига таъсирини аниқлашдан иборатdir.

Тупроқ бонитировкаси бу тупроқнинг унумдорлиги бўйича нисбий баҳолаш демакдир. Бошқача айтганда тупроқнинг ҳосилдорлигини балл ҳисобида агрономик инвентаризация қилишдир.

Қуруқ иқлимли шароитда сувни ҳам табақаланган рента асосида баҳолаш мумкин ва у амалда яхши самара бериши эътироф этилган.

Бозор иқтисодиёти шароитида табиатдан фойдаланиш, умуман табиатга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Табиий ресурслардан омилкорлик билан фойдаланиш ва экологик омилни эътиборга олиш биринчи даражали аҳамиятга эга бўлади.

Табиатдан фойдаланишда иқтисодий механизмни қўллаш ҳар томонлама кутилган натижа бериши амалда исботланди. Иқтисодий механизм элементлари турли кўринишда бўлиб, жаҳон тажрибасига суюнган ҳолда уларни татбиқ эта бориши экологик ҳамда иқтисодий жиҳатдан ҳам аҳамиятлиdir.

Табиатдан фойдаланишда экологик-иқтисодий худудий бирликдан келиб чиқиб, иқтисодиёт тармоқларини жойлаштириш ва хўжалик юритиш табиий ва инсон (жамият) ўртасидаги муносабатларни барқарорлаштиришга асос бўлади.

### **Таянч иборалар.**

Қиймат, таннарх, баҳо, самарадорлик, иқтисодий рағбатлаштириш, жазалаш, имтиёзлар бериш, иқтисодий тамойиллар, иқтисодий механизм, иқтисодий баҳолаш мезонлари: умумиқтисодий баҳолаш, рента, табақалашган рента, бозор баҳоси, сарфлаш, ўрнини қоплаш, муқобил қиймат, боҳолашнинг қийинлиги, баҳолашнинг ҳар хиллиги, баҳолаш элементлари, экологик- иқтисодий худудлар, миёрлар, экологик суғурталаш, Мажмуали экологик дастурлар, экологик фондлар, илмий жиҳатдан асосланган тамойил, мажмуалилик тамойили.

### **Назорат ва мулоҳаза учун саволлар.**

1. Бозор иқтисодиёти шароитида табиатдан фойдаланиш қандай хусусиятлари билан фарқ қиласи?
2. Табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий механизмини қандай тушунасиз?
3. Иқтисодий механизмни қўллашнинг асосий мақсади ва аҳамияти нимада?
4. Табиатдан фойдаланишнинг экологик-иқтисодий худудий бирлигини қандай тушунасиз?
5. Ўзбекистонда табиий муҳит деградациясининг бош сабаблари нимада?
6. Табиат ва табиий ресурсларни иқтисодий баҳоланиши қандай мақсадларни кўзда тутади?
7. Ресурсларни баҳолаш қайси тамойиллар асосида амалга оширилади?
8. Ер кадастри ва тупроқ бонитети нима?

9. Ер-сув ресурсларини иқтисодий баҳолаш қандай самаралар беради?

### **Адабиётлар рўйхати.**

1. Глушкова В.Г., Макар С.В. «Экономика природопользования» учебное-пособие М.: Гардораки 2005.
2. Холина В.И. «Основы экономика природопользования» Питер 2005.
3. Галыцин А.Н. «Основы промышленной экологии» Академия 2004.
4. Кормилицин В.И. и др. «Основы экологии» М. «Интерсталь» 2001.
5. Макар С.В. Основы экономики природопользования. М. ИМИЭ, 1998.
6. Несторов П.М., Несторов А.Н. Экономика природопользование и рынок. М., 1997.
7. Проблемы питьевого водоснабжения и экологии. Т. Университет. 2002.

### **Интернет сайтлар**

1. [www.diomen.ru/second\\_education](http://www.diomen.ru/second_education)
2. [www.vzfei.ru/rus/structure/platforms/aist/Vgak.htm](http://www.vzfei.ru/rus/structure/platforms/aist/Vgak.htm)
3. [www.bashedu.ru/kafedry/konf.htm](http://www.bashedu.ru/kafedry/konf.htm) –

### **YI. Боб. Табиатдан фойдаланиш тадбирларини амалга оширишнинг иқтисодий самарадорлиги.**

#### **6. 1. Атроф мухит ифлосланишининг иқтисодий оптимуми.**

Атроф мухитни муҳофаза қилиш иқтисодиёти ва экологик хизматлар таркибини таҳлил этиш, биринчидан, табиатни муҳофаза қилиш харажатлари ва меъёрдаги иқтисодий заарар ўртасидаги оқилона нисбат қандай?, иккинчидан, табиатни муҳофаза қилиш тадбирларининг самарадорлигини қандай аниқлаш керак? деган икки масалани ҳал этишни талаб этади.

#### **1-жадвал**

#### **Иқтисодиёт тармоқларида табиатдан фойдаланишининг табиатга таъсири бўйича тавсифи**

Табиатдан фойдаланишининг тармоқ ва турлари	Табиат билан ўзаро муносабатлари хусусиятлари
Табиат билан жуда яқин боғланган тармоқлар	
1.1 Табиий ресурс тармоқлари – қишлоқ хўжалиги, ўрмон, сув хўжалиги, гидроэнергетика, тоғ-кон саноати ва табиатни ресурс манбаи сифатида ишлатувчи бошқа тармоқлар.	Табиат меҳнат ва истеъмол манбаи, ҳамда уларни ишлаб чиқариш воситаси сифатида хизмат қиласди. Бир вақтнинг ўзида табиий ҳудудлар инсон ўз фаолиятини амалга оширувчи макон хисобланади.
1.2 Ландшафтдан фойдаланиш	Табиат 1.1 тармоқлардагига

тармоқлари - курорт соғломлаштириш фаолияти, туризм, дам олишни ташкил этиш, спортнинг ландшафт, тоғ ва сув турлари, кўриқхона – табиат муҳофазаси, илмий тадқиқот фаолияти, табиатни ўзининг жойлашиш макони сифатида ва унинг бу ерда келажакда ривожланишига асос бўлувчи фаолият турлари.	нисбатан камроқ ишлатилади ва ўзгаради, табиий кўриниш сақланади. Faқат айрим ҳолатларда табиат мослаштирилади – йўл ва коммуникация воситалари ётқизилади, канализация ўрнатилади, тупроқ мустаҳкамланади. Бу ишлар табиат ҳолати ва унинг ўзгаришига олиб келмайдиган лимитда қилинади.
<b>Табиат билан унча яқин боғлиқ бўлмаган тармоқлар</b>	
2.1 Табиат билан 1.1 тармоқлари орқали боғланган тармоқлар. Булар саноатнинг марказий тармоқлари деб аталувчи тармоқлар бўлиб, булар – металлургия, энергетика, химия ва қурилиш саноати, нефтни, газни ва йўлдош газларни, тош кўмир, ёғоч ва қишлоқ хўжалиги хомашёсини қайта ишловчи тармоқлар ҳисобланади.	Табиат, авваламбор, хомашё манбаи ва чиқиндиларни жойлаштириш макони сифатида хизмат қиласди. Бунда, табиатдан қанча модда олиш ва унга қанча миқдорда таркиби бузилган, табиатда учрамайдиган моддаларни қайтариб чиқариб ташлаш мумкинлигин билиш муҳим аҳамиятга эга.
2.2 Хом ашё ва энергияни асосан қайта ишланган кўринишида қайта ишланган кўринишида қайта ишловчи, тақсимловчи ва истеъмол қилувчи тармоқлар. Бу қайта ишловчи саноатнинг ўзига хос юқори қаватлари, шунингдек транспорт ва инфраструктура тизимини ўз ичига олади.	Бу турдаги тармоқлар учун табиат унчалик катта аҳамиятга эга эмас, лекин уларнинг ўзлари табиатга анчагина кучли таъсир ўтказади, чунки улар табиатга учрамайдиган моддалрни ишлаб чиқаради.

*Манба:* «Основы экономики природопользования», под. ред. В.Н.Холина, 51 – страница, С.Пб.: "ПИТЕР", 2005 г.

## 2-жадвал

### Табиатдан фойдаланишга ёндошувлар классификацияси

Табиий ресурс ёндашуви	Хўжалик ёндашув	Экологик ёндашув	“Реципиент” ёндашув
Минерал ресурслардан фойдаланиш – минерал хомашё ва турли хил	Саноат табиатдан фойдаланишни	Табиий ресурс ва атроф-табиий	Инсонлар, уларнинг саломатлиги,

ёқилғиларни қазиб олиш ва қайта ишлаш.	нг ишлаб чиқаришни қазиб олувчи ва қайта ишловчи тармоқлари.	муҳитни асосан ифлослантирувчи табиатдан фойдаланиш	яшаш шароити ва фаолиятига хавфли табиатдан фойдаланиш
Ўрмондан фойдаланиш – ёғоч ва ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликлар(қўзиқорин, мева, доривор гиёҳлар) ни тайёрлаш, дам олиш , туризм, овчилик ишини, қўриқхона хўжалиги ишини ташкил этиш, табиат муҳофазаси ўрмонлари ўрмон полосалари ва ўрмон зоналарини яратиш.	Қишлоқ хўжалигига – ўсимликчилик, чорвачилик ва бошқа ишларда табиатдан фойдаланиш.	Табиий муҳит ва табиий ресурслар ҳолатини асосан бузувчи табиатдан фойдаланиш.	Тирик табиатнинг қайта тикланиш ва маҳсулдорлигига, қайта тикланувчи ресурслар ҳолатига зарарли, уларнинг қашшоқлашиши ва деградациясига олиб келувчи табиатдан фойдаланиш.
Сувдан фойдаланиш – саноат, майший ва қишлоқ хўжалигига сув истеъмоли, сув транспорти, гидроэнергетика, балиқчилик, рекреация ва туризмни сув хавзалари ва оқар сувларда ташкил этиш.	Коммуникацион табиатдан фойдаланиш – ер усти ва ер ости, сув ва ҳаво транспорти ва бошқа коммуникация турлари(сув, газ, нефть, маҳсулот қувурлари, электр узатиш ва калализация линиялари).	Табиий ресурс ва муҳит шароитларини асосан миқдорий жиҳатдан камайтирувчи табиатдан фойдаланиш.	Табиий тизим бутунлиги ва алоҳида ландшафтларнинг сақлаб қолинишига хавф туғдирувчи табиатдан фойдаланиш.
Ердан фойдаланиш – ишлаб чиқариши жойлаштириш, одамларни кўчириш, шаҳар ва коммуникация воситаларини қуриш учун ердан	Одамларни қишлоқ шаҳар ва шаҳар атрофи, рекрацион, курорт, вахта, ва бошқа аҳоли	Комплекс, кўп қиррали таъсир кўрсатувчи, умумий тарзда табиий	Глобал биосфера жараёнларининг мувозанатига(иқл имий, тупроқ, сув айланиши, рельеф таркиби) хавф туғдирувчи

<p>фойдаланиш, яъни, ердан “худудий базис” сифатида фойдаланиш, ердан қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги, хунармандчиликда, фойдаланиш.</p>	<p>яшаш манзилларига жойлаштириш бўйича табиатдан фойдаланиш.</p>	<p>ресурс ва атроф-муҳит нинг деградацияси га олиб келувчи табиатдан фойдаланиш.</p>	<p>табиатдан фойдаланиш.</p>
--	---	--	------------------------------

*Манба:* «Основы экономики природопользования», под. ред. В.Н.Холина, 50 – страница, С.Пб.: "ПИТЕР", 2005 г.

Атроф муҳитни муҳофаза қилиш иқтисодиётининг асосий ғояси кишилик жамиятининг табиатни муҳофаза қилиш фаолияти билан иқтисодий ривожланиш ўртасидаги ўзаро келишувини топиш ҳисобланади. Табиатни муҳофаза қилиш харажатлари ва иқтисодий зарар каби экологик харажатлар нисбатларини микроиқтисодий таҳлил этиш натижасида улар орасида бир оптимал нуқтанинг мавжудлиги кўринади. Бу нуқта атроф муҳит ифлосланишининг иқтисодий оптимуми деб номланади ва иқтисодий оптимум — табиатни муҳофаза қилиш харажатларининг муайян миқдорига муайян заарнинг мос келишидир.

## **6. 2. Табиатни муҳофаза қилиш харажатларини ижтимоий зарурӣ миқдорини баҳолаш.**

Табиатни муҳофаза қилиш харажатларини ижтимоий зарурӣ миқдорини баҳолаш муҳит сифатини сақлаш учун кетган харажатларга нисбатан муносабатларни белгилашда кўринади. Гап уч услубий йўналишлар ҳақида кетмокда:

- *Экстенсив йўналиш тарафдорлари:* «техноген экспансия муқаррар табиатни муҳофаза қилиш борасидаги ҳар қандай ҳаракатлар самарасиз, фойдасиз ва иқтисодий ўсишни сусайтиради» деб фикр юритадилар. Бу технократик йўналиш деб юритилади
- *Иқтисодий йўналиш тарафдорлари:* табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари харажатларини вақтинча келишилган эмиссия ва бошқа меъёриларни талаб асосидаги жорий иқтисодий натижалар билан чеклайди.

Бу ёндашув табиатни муҳофаза қилишда иқтисодиётнинг реал ривожланиши имкониятларига мос равишда унча катта бўлмаган харажатларни назарий жиҳатдан асосланишида кўринади. Бу ёндашувнинг моҳияти унча мукаммал бўлмаган, жуда узоқ даврларда самара берадиган экологик меъёрларнинг ишлаб чиқилишида кўринади.

Бундай ёндашувларда экологик нокулайлик натижасида юзага келадиган иқтисодий заарга етарлича эътибор берилмайди. Айнан шу

ёндашув доирасида ифлослантириш натижасида келадиган иқтисодий заарни ҳисоблаш усули, табиий ресурслардан фойдаланганлик ва атроф мұхитга етказилған заар учун түловларни ҳисоблаш усуллари ва табиатни мухофаза қилиш фаолияти мезонлари ишлаб чиқилған.

- **Глобал ёндашув:** жамиятнинг табиатни мухофаза қилиш истиқболли стратегиясини ишлаб чиқында ижтимоий—экологик, экологик ва иқтисодий жиҳатларни түлиқ ҳисобға олиш, экологик — иқтисодий мувозанатлик зарур деган ғояга таянади. Бу ёндашувга кўра табиатни мухофаза қилиш харажатларининг зарурий миқдори максимал кўрсаткичларга етади.

Мутахассисларнинг ҳисобларига кўра табиатни мухофаза қилиш харажатларнинг зарурий миқдори ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)нинг 8—10%ини ташкил этиши зарур.

Республикада юзага келган амалиётга биноан иқтисодчилар табиатни мухофаза қилиш тадбирларига ажратилаётган маблағларнинг оқилона ҳажмлари ҳакидаги масалани кун тартибига кўйишади. Лекин бу маблағлар Ўзбекистон шароитида кутилган натижани бермайди. Иқтисодий ривожлантиришни таъминламайди ва пировард натижада ахолининг моддий ва маънавий фаровонлигини оширишга олиб келмайди. Ўзбекистон республикасида мухофаза қилиш тадбирларига ажратилаётган маблағларнинг миқдори бироз катта бўлиши талаб этилади. Республикадаги экологик вазиятнинг ўта жиддийлиги, экоцид ҳолатининг мавжудлиги, мазкур харажатларнинг кўпроқ ажратилишини ҳаётй зарурият қилиб қўяди.

Маблағларнинг кам ажратилиши иқтисодий ривожланишнинг экологик жиҳатларига етарлича эътибор берилмаслигига олиб келади ва бундай ёндашув албатта ўзининг салбий оқибатларини кўрсатиши табиий. Ривожланган мамлакатларнинг кўп йиллик тажрибалари, харажатлар атроф мұхитнинг экологик жиҳатдан барқарорлигини, биосферадаги жраёнларни ижобий кечишини ва устивор иқтисодий ривожланишни таъминлаши зарур бўлади.

### 6. 3. Табиатни мухофаза қилиш харажатларининг таркиби.

Табиатни мухофаза қилиш харажатлари- табиатни мухофаза қилиш тавсифидаги тадбирлар: атмосферани, сувни ифлосланишдан сақлаш, ерларни чиқиндишлардан тозалаш ва рекультивация қилиш, ўрмон хўжаликларини юритиш ва бошқаларга кетадиган сарфларни билдиради. Иқтисодиёт амалиётида мазкур харажатларнинг икки тури ажратилади. Капитал ва жорий харажатлар буларга мисол бўлади.

Капитал харажатлар — экологик тавсифдаги асосий фонdlар ва моддий айланма маблағларда ўз аксини топган воситалар (сув ресурслари, ҳаво ҳавзаси, ерларни, минерал ресурсларани ва ҳайвонот ресурсларини

мухофаза қилиш мақсадидаги қурилишлар учун ажратиладиган давлат капитал қуйилмалари) ни ўз ичига олади. Табиатни мухофаза қилиш фондларига ажратилаётган капитал қуйилмаларнинг миқдори аниқ вазиятта қараб катта бўлиши мумкин: масалан, газ ва чангдан тозалаш жиҳозларининг қиймати асосий техник жиҳозлар кийматининг 20% игача этиши мумкин. Табиатни мухофаза қилиш: тадбирларига ажратилаётган давлат капитал қуйилмаларидан ташқари мажмуали тавсифдаги капитал қуйилмалар ҳам амалга оширилади. Булар корхона ва ташкилотларнинг умумиқтисодий йўналишидаги ва табиатни мухофаза қилиш самарасини таъминлаш йўналишидаги харажатлар (техника ва технологияни такомиллаштириш харажатлари, хом ашёни мажмуали қайта ишлашни таъминловчи ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва санитар ҳимоя зоналарини яратиш харажатлар) ини ўз ичига олади.

Экологик тавсифдаги капитал харажатларнинг катта кичикилиги ишлаб чиқаришнинг тармоқ хусусиятларига узвий борлик бўлади (айрим маълумотларга кўра бундай харажатлар кўрилишида умумий тавсифдаги капитал харажатларнинг 0,9%ини, қора металургияда эса 4,6%ини ташкил этади). Капитал харажатларининг тақсимланиши ҳам мухофаза қилинаётган объектларнинг хусусиятларига узвий боғлик бўлади. Кўпроқ маблағлар сув ресурсларини мухофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишга, атмосфера ҳавосини мухофаза қилишга сарфланади. Харажатларнинг миқдори йиллар бўйича, тармоклар бўйича, табиий объектлар бўйича ва ҳудудлар бўйича ўзгариб туради.

Жорий харажатларга табиатни мухофаза қилиш тавсифидаги асосий фонdlарга хизмат кўрсатиш ва уни таъминлашга кетадиган сарфлар (хизмат кўрсатувчи персонал меҳнатига хақ тўлаш, жорий ва капитал таъмирлашга, амортизацион ажратмаларга, энергетика харажатлари), шу билан биргаликда табиатни мухофаза қилиш билан боғлик хизматлар (экологик аудит, экспертларни жалб этиш ва х.к.лар)га тўланадиган ҳақларни ҳам ўз ичига олади. Табиатни мухофаза қилишга ажратилаётган жорий харажатлар товар маҳсулотлари ишлаб чиқаришга кетган харажатларнинг ичida 0,2 — 3 %ни ташкил этади. Капитал маблағларнинг умумий ҳажмига нисбатан жорий харажатлар деярли уч маротаба ортиқ бўлиб, атмосферани мухофаза қилиш борасида бу кўрсаткич 5:1 ни, сув ресурслари бўйича 3:1 нисбатни ташкил этади.

#### **6. 4. Табиатни мухофаза қилиш харажатларининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.**

Табиатни мухофаза қилиш тадбирлари харажатларининг иқтисодий самарадорлиги уларни амалга оширишга кетган харажатлар билан эришилган иқтисодий натижа ўртасидаги нисбатга боғлик бўлади. Мутахассисларнинг ҳисобларига қараганда ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) дан

табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари ажратилган 1 — 2% харажат, ЯИМ га етказилиши мумкин бўлган 3 — 5% заарнинг олдини олади.

Табиатни муҳофаза қилиш харажатларининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, у самарадорликнинг кўп кўринишлари ва уларни аниқлаш усуллари сифатида намоён бўлади. Самарадорликни аниқлашда куйидагиларни эътиборга олиш лозим бўлади:

- Табиатни муҳофаза қилиш харажатлари фойданинг ортишига олиб келса, унинг самарадорлиги — олди олинган йўқотиш ва ифлосланиш натижасида юзага келадиган қўшимча харажатлар сифатида намоён бўлади.
- Табиатни муҳофаза қилиш тадбири самарадорлигининг минтақавий тавсифи шу худуддаги барча табиатдан фойдаланувчилар харажатларини қиёслашни талаб этади.
- Ижтимоий натижаларнинг катта қисмининг қийматини баҳолаш қийин кечади.

Амалдаги услубиётга кўра атроф муҳитни муҳофаза қилиш тадбирларининг дастлабки ва пировард ижтимоий — иқтисодий самарасини фарқлашади: Дастлабки самара —атроф муҳитнинг ифлосланишини камайиши ва уни ҳолатини ижобий томонга ўзгаришида кўринади. Мазкур ҳолат атмосфера, сув ва ердаги заарли бирикмаларнинг концентрацияларини, ифлосланиш ҳажмининг пасайишини билдиради. Агар корхоналарнинг иқтисодий ва экологик манбаатларини эътиборга оладиган бўлсак, дастлабки самара маҳсулот ҳажмининг экологик меъёрларга амал қилган ҳолда ортишини тушунилади.

- Пировард самара—аҳоли турмуш даражаси ва ишлаб чиқариш самарадорлигининг ортишида кўринади. Мазкур ҳолатда иқтисодий натижалар соғ маҳсулот ҳажмининг ортишида, хом ашё ва моддий ресурслар исрофгарчилигининг камайишида, номоддий соҳада харажатларнинг камайишида, шахсий маблағлардан кетаётган харажатларнинг қисқартиришда кўринади.
- Ижтимоий самара аҳоли касалланиш даражасининг камайишида, дам олиш шароитларининг яхшиланишида, эстетик табиий ресурсларни саклашда кўринади.

Ижтимоий самаранинг ўзига хос хусусиятларидан бири — ундаги сифат характеристикаларининг устиворлигидадир. Ижтимоий самара қуийдаги иқтисодий кўрсаткичларда ўз аксини топади: даволаниш учун харажатларни тежаш, касаллик ва рақалари учун тўловлар ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларини шакллантириш йўлидан борар экан табиатни муҳофаза қилишнинг ижтимоий самарасига алоҳида эътибор беради.

Ҳозир Республикада 25 млн дан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Охирги 10—15 йиллик маълумотлар аҳоли касалланиш даражасининг кўпайиб бораётганлигини кўрсатмокда. Катталар ва ўсмирлар орасидаги касалланиш 1996 йилда 1985 йилдагига нисбатан 1,3 маротаба ортганлигини кўрсатмокда. Айниқса, Оролбўйидаги, Сариосиёдаги ва пестицидлар кўп кўлланиладиган худудлардаги экологик вазиятнинг ёмонлиги аҳоли саломатлигига жиддий таъсир кўрсатмокда. Мутахассисларнинг ҳисобларига қараганда Хоразм вилоятида 37%, Қорақалпоғистон республикасида 45% текширилганлар касалланиш гуруҳининг хавфли даражаларига киритилди ёки Хоразм вилоятида 72,3% аҳоли, Қорақалпоғистонда 70% аҳоли касалланишга ўта мойиллиги аниқланди. Оролбўй минтақасида аҳолининг сил, ошқозон раки, қон касалликлари ва бошқа касалликлар билан оғриши даражаси бошқа минтақаларга нисбатан юқорилиги исботланди. Сариосиёда Тожикистон алюминий заводининг салбий таъсири натижасида аҳолининг умумий касалланиш даражаси 2 маротабага ортди.

4 - жадвал

**Республикадаги ўлим коэффициенти  
(100 000 киши хисобига).**

Ўлим сабаби	1996	1997	2005
Барча сабаблардан	623,6 (632,7)	580,5 (599,0)	584,3 (616,2)
Қон айланишининг бузилишидан	291,3 (197,5)	274,3 (192,0)	291,9 (190,3)
Заарли ўсимликлардан	42,2 (50,5)	39,5 (46,1)	39,5 (46,9)

Эслатма: Қавс ичидаги Қорақалпоғистон Республикаси кўрсаткичлари.

Илмий тадқиқот ишлари натижасида республиканинг 24 ҳудудида пестицидларнинг фаол кўлланилиши натижасида аҳолининг бошқа ҳудудларга нисбатан касалланиш даражасининг 2 — 3 маротабага ортиши кузатилди.

Мутасадди ташкилотлар томонидан ўтказилган текиширувлар натижасида санитар талабларига республикадаги 80% саноат корхоналари, 79 % коммунал обьектлар, 82 % болалар муасссалари ва 81 % умумий овқатланиш корхоналари жавоб бермайди.

Юқоридаги фактлар табиатни муҳофаза қилиш тадбирларига етарлича маблағларни ажратилмаётганлиги ёки ажратилаётган маблағларнинг самараси талаб даражасида эмаслигини кўрсатмоқда. Буларнинг барчаси табиатни муҳофаза қилиш тадбирларининг ижтимоий самарасининг пастлигини исботлайди.

Табиатни муҳофаза қилиш самарадорлигини аниглаш услубиёти умумий (мутлақ) ва қиёсий иқтисодий самарадорликни ҳисоблашни назарда тутади.

Мутлақ самарадорлик турли даражалар (давлат, минтақа, тармоқ, корхона) да табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари харажатларининг иқтисодий натижали эканлигини аниқлаш мақсадида амалга оширилади.

Қиёсий самарадорлик табиатни муҳофаза қилиш тадбирларининг оптималь вариантларини иқтисодий асослаш, саралаш ва танлаш учун керак бўлади.

Табиатни муҳофаза қилиш тадбирларининг умумий (мутлақ) иқтисодий самарадорлиги тадбирларини амалга оширишга сарфланган харажатлар ва уларнинг тўлиқ иқтисодий самарага нисбати билан аниқланади.

Тўлиқ иқтисодий самара олди олинган заарни ҳисобга олиш асосида, тадбирларни ўтказганга қадар ва ўтказгандан кейинги иқтисодий заарнинг нисбати билан ўлчанади. Табиатни муҳофаза қилишнинг юқорида кўрсатилган вариантлари экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига ва атроф муҳит сифатининг меъёрий кўрсаткичига қараб қиёсланмоғи керак бўлади. Таққосланаётган вариантларнинг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичи ялпи харажатлар (ишлаб чиқариш ва табиатни муҳофаза қилиш тавсифидаги) минимуми ҳисобланади.

Атроф-муҳит сифатининг иқтисодий оптимуми. Иқтисодий ёндашувга кўра, хўжалик юритувчи субъектлар, табиатни муҳофаза қилиш тадбирларининг шундай вариантини танлаш ва амалга ошириш керакки, унда олинган самара (олди олинган заар) киймати билан табиатни муҳофаза қилиш тадбирларига сарфланган харажатларнинг ўртасидаги фарқ — максимал бўлишига интиладилар. Бу борадаги энг қулай вариант атроф — муҳит сифатининг иқтисодий оптимуми деб аталади. Унчалик катта бўлмаган экологик бузилишлар шароитидаги табиатни муҳофаза қилиш харажатларининг ортиши, улардан келадиган иқтисодий заарнинг камайишига teng келади. Амалиётда табиатни муҳофаза қилиш тадбирларининг миқёсларини белгилашда: мамлакат иқтисодий салоҳиятининг даражаси, давлатнинг табиатни муҳофаза қилишни молиялаштириш борасидаги имкониятлари, атроф-муҳит ифлосланишининг даражаси ва бозор омиллари таъсир кўрсатади.

## **Бобнинг қисқача мазмуни.**

Ҳар қандай тадбир ҳам харажатсиз бўлмагани каби табиатдан фойдаланиш, муҳофаза қолиш(йифиш) ва мажмуали қайта ишлаш ҳамда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш технологияси жараёнининг мураккаблигига қараб кам чиқиндили ёки берк технологияга ўтиш масалаларини босқичма-босқич ҳал қилиш асосий мақсад бўлиши лозим. Бундай вазиятда атроф - муҳитнинг корхоналар чиқиндилари ҳисобига ифлосланиши камайиб боради.

Табиат бойликларидан фойдаланишда худуднинг экологик шароитини ҳисобга олиш накадар аҳамиятли, кўп ҳолларда бунга амал қилмаслик оқибатида номақбул ҳодисаларнинг шаклланиши. Бунда капитал харажатлар ЯИМ нинг 1-2%идан, 3-5% гача ташкил этиши зарур. Сарф қилинган маблағлар ижтимоий, экологик, иқтисодий самарадарлик кўринишларида намоён бўлади ва натижада тўлиқ самарадарликни келтириб чиқаради.

### **Таянч иборалар.**

Иқтисодий оптимум — табиатни муҳофаза қилиш харажатларининг муайян миқдорига муайян заарнинг мос келишидир.

Табиатни муҳофаза қилиш харажатларига нисбатан бўлган ёндашувлар:

Экстенсив йўналиш тарафдорлари — «техноген экспансия муқаррар табиатни муҳофаза қилиш борасидаги ҳар қандай ҳаракатлар самарасиз, фойдасиз ва иқтисодий ўсишни сусайтира ди» дейишади.

Иқтисодий йўналиш тарафдорлари табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари харажатлари — вақтинча келишилган эмиссия ва бошқа меъёrlарни жорий иқтисодий натижалар билан чеклайди.

Глобал ёндашув — жамиятнинг табиатни муҳофаза қилиш истиқболли стратегиясини ишлаб чиқишида, ижтимоий — экологик, экологик ва иқтисодий жиҳатларни тўлиқ ҳисобга олиш, экологик-иқтисодий мувозанат зарур, деган ғояга таянади.

Табиатни муҳофаза қилиш харажатлари — табиатни муҳофаза қилиш тавсифидаги тадбирлар: атмосферани, сувни ифлосланишдан сақланг, ерларни чиқиндилардан тозалаш ва рекультивация қилиш, ўрмон хўжаликларини юритиш ва бошқаларга кетадиган сарфларни билдиради.

Капитал харажатлар — экологик тавсифидаги асосий фонdlар ва моддий айланма маблағларда ўз аксини топган воситаларни ўз ичига олади.

Жорий харажатлар-табиатни муҳофаза қилиш тавсифидаги асосий фонdlарга хизмат кўрсатиш ва уни таъминлашга кетадиган сарфларни ўз ичига олади.

Иқтисодий самарадорлик-табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари харажатлари билан эришилган иқтисодий натижа ўртасидаги нисбат.

Дастлабки самара —атроф муҳитнинг ифлосланишини камайиши ва унинг ҳолатини ижобий томонга ўзгаришида кўринади.

Пировард самара —ахоли турмуш даражаси ва ишлаб чиқариш самарадорлигининг ортишида кўринади.

Ижтимоий самара ахоли касалланиш даражасининг камайишида, дам олиш шароитларининг яхшиланишида, эстетик табиий ресурсларни сақлашда кўринади.

Мутлақ самарадорлик-турли даражалар (давлат, минтақа, тармоқ, корхона)да табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари харажатларини иқтисодий натижали эканлигини аниқлаш.

Қиёсий самарадорлик табиатни муҳофаза қилиш тадбирларининг оптималь вариантларини иқтисодий асослаш, саралаш ва танлаш учун керак бўлади.

Тўлиқ иқтисодий самара олди олинган зарарни ҳисобга олиш асосида, тадбирларни ўтказганга қадар ва ўтказгандан кейинги иқтисодий зарарнинг фарқи (нисбати) билан ўлчанади.

### **Назорат ва муроҳаза учун саволлар**

1. Иқтисодий оптимум нима?
2. Табиатдан фойдаланиш харажатлари ва уларнинг турлари қандай?
3. Капитал харажатлар деганда қандай харажатлар тушунилади?
4. Жорий харажатлар деганда қандай харажатлар тушунилади?
5. Табиатда муҳофаза қилиш харажатларининг иқтисодий самарадорлиги қандай аниқланади?
6. Иқтисодий зарар нима?
7. Иқтисодий зарарни олдини олишнинг қандай йўлларини биласиз?
8. Ўз вилоятингиздаги корхоналарни табиатга етказаётган зарари тўғрисида маълумот тайёрланг.
9. Тўлиқ самарадорлик деганда нимани тушинасиз?
10. Пировард самарани қандай тушуниш мумкин?

### **Адабиётлар рўйхати.**

1. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.: 2001.
2. Каримов И.А. Биз танлаган йўл демографик таракқиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т. 2003.
3. Глушкова В.Г., Макар С.В. «Экономика природопользования» учебное-пособие М.: Гардораки 2005.
4. Холина В.И. «Основы экономики природопользования» Питер 2005.
5. Галыцин А.Н. «Основы промышленной экологии» Академия 2004.
6. Кормилицин В.И. и др. «Основы экологии» М. «Интерсталь» 2001.
7. Алимов Т.А., Хаскин В.В. Экология. Учеб.пособ. М., 1998.
8. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси-2004 й. №9-10. 49 бет.
9. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги-2002. №1. 52 бет.
10. Жамият ва бошқарув-2003й. №1. 65 бет.

11. Кудрявцева О.В. Экологический аудит. МГУ: 2000.

### **Интернет сайтлар**

1. www.economyfaculty.uz (2005)
2. www.ecsocman.edu.ru/db/msg/150966.html (2005 й)
3. www.economyfaculty.uz (2005 й)
4. www.ecsocman.edu.ru/db/msg/150966.html

## **ҮII. Боб. Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва муҳофаза қилиш.**

### **7. 1. Сув ресурсларининг таркиби, тузилиши ва фойдаланишни асосий кўрсаткичлари.**

Сув ресурслари таркибига кўра ер ости, ер усти, берк ҳавзалар ҳамда муз ва қор сувларига бўлинади. Сув ресурсларининг юқорида кўрсатиб ўтилган таркибининг барчаси ягона сув ресурслари хисобланади. Ўзбекистон худудида қор, муз, ер ости сувлари, дарёлар, кўллар, сунъий кўллар, сув омборлари, каналлар ва бошқа ирригация ва суфориш иншоотлари асосий сув ресурс ва манбалари хисобланади. Ўзбекистон худудида 10 км<sup>3</sup> сув ҳосил бўлади, 1 йилда эса 89 км<sup>3</sup> сув сарф қилинади. Сув омборларида 16 км<sup>3</sup> сув сакланади, қолган қисм сув қўшни давлатлардан кириб келади. Орол сув ҳавзасида 270 км<sup>3</sup> сув ҳосил бўлади ва ундан 6 та мамлакат фойдаланади.

Ўзбекистон сув ресурсларининг 85% и қишлоқ хўжалигида сарфланади. Буғланиш коэффициентининг юқорилиги қишлоқ хўжалигини сувсиз ривожланишига имкон бермайди, шунинг учун бу соҳада кўп сув ишлатилади.

Сувнинг 10 % и эса саноатда ишлатилади, бу соҳада ишлатиладиган сув тўғридан тўғри сув ҳавзаларидан олиниди ва ишлатилган сув ҳавзаларга тозаланмасдан ташланади.

Аҳоли эҳтиёжлари ва коммунал хўжаликларида 5 % сув ишлатилади. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида жадал ўсиб бораётган аҳолини ва ривожланиб бораётган халқ хўжалиги тармоқларини сув билан таъминлаш долзарб ва жиддий муаммо бўлиб турибди.

Орол ҳавзасининг майдони —2686,6 минг км<sup>2</sup>ни ташкил этади. Орол ҳавзаси икки йирик дарё Амударё ва Сирдарё муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг ҳар иккаласининг сувлари республика ташқарисида ҳосил бўлади. Улардан ташқари Норин, Қорадарё, Сух, Чирчик, Зарафшон, Сурхондарё, Қашқадарё, Шерободдарё йирик дарёлар жумласига киради. Бу дарёларнинг кўпчилиги ўзларининг ўрта оқимлари билан Ўзбекистон Республикасининг худудидан ўтади. Ўзбекистонда ҳаммаси бўлиб 50 га яқин дарё бўлиб, улардан 10 тасининг узунлиги 150 кмдан ортади<sup>1</sup>.

Амударё ўзининг серсувлари жиҳатидан Сирдарёдан устун турсада, узунлиги ва майдони жиҳатидан ундан бироз кейинда туради. Амударёнинг сув ресурслари мутахассислар томонидан  $82,6 \text{ км}^3$ /йил, деб баҳоланади.

Сирдарёning ер усти сувлари ўртача  $37,2 \text{ км}^3/\text{йилни}$  ташкил этади ва йилнинг сувлилигига боғлик бўлади ва сувнинг миқдорига қараб  $22,5$  дан  $45,4 \text{ км}^3$  йилгача ўзгариб туради. Шундай бўлсада Орол денгизини қуриши жадал давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши суғориш маданиятига асосланганлиги сабабли бу ерда каналларга алоҳида аҳамият берилади. Каналлар уч турга бўлинади: умумий, хўжаликлараро каналлар ва ички хўжалик каналлари. Йил мобайнида каналлар дарё ва сув омборларидан сув олиб истеъмолчиларга узатадилар.

Ўзбекистон республикасида 53 та сув омбори ва 28 та селхоналар мавжуд бўлиб улар сел келиши хавфини бартараф этиш ва сувни мавсумий тартиблаш мақсадида қурилган.

Ўзбекистон республикасида 80 фоиз сув вегетация даврида суғориш учун сарф қилинади. Дарёларнинг тизими эса мазкур талабларга жавоб бермайди. Шу сабабли Ўзбекистоннинг қурғоқчилик иқлими шароитида сув омборларининг аҳамияти жуда катта. Сув омборларидаги сув  $16 \text{ км}^3$  ни ташкил қиласи. Сувнинг 80- 85 % қишлоқ хўжалигида, 6-10 % саноат корхоналари қолган қисми эса аҳоли эҳтиёжларига сарфланади.

Сув омборларидан ташқари республикамиз худудида суғориш мақсадларида ҳам жуда кўп ирригация — суғориш иншоотлари қурилган. Бугунги кунда Ўзбекистонда сув хўжалиги иншоотлари вужудга келди. У 236 давлат суғориш тизимини, 37 қўтариб сув узатиш, 248 бош сув тўплаш қурилмалари, 40 та йирик насос станцияларини ва 150 минг турли иншоотларни ўз ичига олади.

## **7. 2. Сув ресурсларининиг экологик-иқтисодий хусусиятлари ва улардан фойдаланиш.**

Сув ресурслари ҳамма жойда тарқалган ва кўп томонлама аҳамиятга эга бўлиб, у сув, биологик маҳсулотлар, энергия, кимёвий моддалар манбаи, шунингдек транспорт, дам олиш ва соғломлаштириш воситасидир. Сув гидросферанинг асосий элементи, у атмосфера таркибида сув буғлари кўринишида, литосфера таркибида тупроқ қоришмалари, ер ости ва грунт сувлари кўринишида мавжуд бўлади. Табиатда 3 хил ҳолатда учрайди (қаттиқ, суюқ ва газ).

Сув ўзининг маълум хусусиятлари билан характерланади. Фоят серҳаракатлиги, кўп моддаларнинг асосий эритувчиси, ўзининг таркибида моддаларнинг табиий аралаштирувчиси ҳамда организмларнинг асосий яшаш муҳитларидан бири эканлиги, ҳолатини иссиқликка мос равища тез

ўзгартириши, сувнинг табиатда айланиши шўр сувлардан ҳаёт учун керак бўлган чучук сувнинг ҳосил бўлиши, океанда оқим қўринишида ҳаракатланиб иқлим ҳосил қилувчи асосий омиллардан бири эканлиги. Сувнинг табиатда доимий айланиши иссиқликнинг ва модданинг қайта тақсимланишини вужудга келтиради.

### **7. 3. Сув ресурсларидан фойдаланишни иқтисодий баҳолаш.**

Халқ хўжалигига сув ресурсларини манбалардан олиб ёки олмасдан фойдаланилади, шунингдек улардан оқава сувларни ташлаш жойлари сифатида фойдаланилади. Сув ресурсларидан ҳудудий фойдаланишда (биологик маҳсулотларни ишлаб чиқариш, аҳоли дам олиши, транспорт) сув манбалардан олинмайди ва асосан унинг сифати ўзгармайди, сувдан тармоқларда фойдаланганда эса (суғориш, саноат ва маданий-маиший мақсадлар, электр энергия ишлаб чиқариш учун), сув манбалардан қоида тариқасида олинади ва бунда кўп ҳолларда сувнинг табиий тизими бузилади.

Одам ўз хўжалик фаолиятида қадим замонлардан буён сувнинг ҳажми, тақсимланиши ва сифатига таъсири қўрсатиб келган ва бунда ўрмонларни кесиш, ер ҳайдаш асосий роль ўйнаган. Ҳавонинг ифлосланиши, ўғит ва заҳарли химикатларни қўллаш билан боғлиқ ҳолда одамнинг сув сифатига таъсири яна ҳам кўпроқ ошиди.

Сувни иқтисодий баҳолашда сувнинг ҳолати, сувнинг таркиби, ишлатилаётган соҳадаги аҳамияти, олинаётган маҳсулотнинг аҳамияти, инфратизим, сув иншоотлари, кўп мақсадли фойдаланишнинг мавжудлиги, ифлосланишнинг ҳар хиллиги ва бошқа кўплаб мезонлар таъсирида юзага келади.

Ҳудудлар сув ресурсларининг аҳволи ва улардан фойдаланишни баҳолашда бир қанча нисбий кўрсаткичлар ҳам асосий кўрсаткичлардан хисобланади: ёғинлар мм, буғланиш коэффициенти мм, транспирацион буғланиш салмоғи (%), сув билан таъминланиш даражаси (%), ботқоқланиш(%), сув муҳофазаси ўрмонлари майдонининг сув ҳавзаларига нисбати (%), сув йиғиндинсинг солиштирма оқими  $m^3/km^2$ , сув йиғиндинсинг сув истеъмолига нисбати (%), сув истеъмолининг мавжуд сувга нисбати(%), сувдан қайтармасдан фойдаланишнинг оқим йиғиндинсига нисбати (% ).

### **7. 4. Сув ресурсларидан фойдаланишни ҳисобга олиш , режалаштириш ва самарали фойдаланиш муаммолари.**

Ўзбекистон қурғоқчил, континентал иқлими, чўл ва чала чўл зоналари ҳамда тоғ ва тоғ олди ҳудудларидан ташкил топгандир. Биздаги ўртача ёғин микдори 400 мм ни ташкил қилган ҳолда, буғланиш

коэффициенти 2500-2700 мм ни ташкил этиши сув ресурсларининг аҳамияти қанчалик юқори эканлигини билдиради. Ўзбекистон ҳудудида ҳамма замонларда ҳам сув ва сувдан фойдаланиш жиддий муаммо бўлиб келган. Ўзбекистон дунёдаги энг қадимги суғориладиган дехқончиликнинг марказларидан бири бўлиб, суғориш иншоотлари ҳам қадим замонлардан мукаммал равишда ривожлангандир.

Бозор муносабатларига ўтиш натижасида Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқаришнинг янги таркиблари ҳам пайдо бўлди. Лекин шуни таъкидлаб ўтиш керакки, сув ресурсларини бошқариш борасида ҳали ечилмаган муаммоларнинг қўплигини ҳам айтиб ўтиш мумкин. Улар ичida муҳимлари қуидагилар:

1. Сув ресурсларини бошқаришнинг ягона давлатлараро органики ташкил этишнинг зарурлиги. Мутахассисларнинг ҳисобларига қараганда бундай орган маҳсус мақомга, таркибга, ҳавзада сув ресурслардан фойдаланиш ва унинг ҳолатини баҳолаш борасидаги маълумот марказига эга «Сирдарё», «Амударё» ҳавзвавий сув бирлашмаларини ўз ичига оловчи Халқаро сув — энергетика концорциуми бўлиши лозим.
2. Мамлакатимизнинг йирик дарёлари ва сув манбалари (Амударё, Сирдарё, Арнасой, Орол денгизи)нинг ижтимоий — иқтисодий мақомини белгилаш;
3. Сув ресурсларини бошқариш масалаларига оид қонуний ва ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, бу масала бўйича ягона давлатлараро концепцияни ишлаб чиқиш;
4. Республикаларнинг манбаатларини ҳисобга олган ҳолда, сув сифати ва миқдори мониторинги тизимини ривожлантириш;
5. Гидроэкологик жиҳатдан «хавфли» ҳудудларни батафсил ўрганиш;
6. Орол денгизи ҳавзаси сув ресурсларининг ягона маълумотлар манбайниня яратиш, бунда улардаги тадрижий ўзгаришларни ҳисобга олиш.

Ўзбекистон сув ресурсларининг катта қисмини қишлоқ хўжалигида фойдаланади. Ўзбекистон иклимидан келиб чиқкан ҳолда 1 га ерга 1 йилда сарф қилиниши керак бўлган сув 1200 м<sup>3</sup> қилиб белгиланган лекин сарф қилинаётган сув миқдори 1600-1800 м<sup>3</sup> ни тошкил қилмоқда. Ўзбекистон сув ресурсларидан норма бўйича фойдаланилса 4,2 млн. га ўрнига 4,8 млн га ерга дехқончилик қилиш мумкин. Агар илфор суғориш технологияларидан ва тажрибаларидан фойдалансак, мавжуд сув ресурслари билан 7-8 млн га ерни суғориш мумкин бўлар эди.

Саноатда ҳам сувдан фойдаланишнинг самарали усуулларидан кам фойдаланилади. Фойдаланилган сувни тозалаш, берк ҳавзалар ташкил қилиш саноат корхоналарини назорат қилиш, белгиланган нормаларга риоя қилиш масалалари ривожланган мамлакатларга нисбатан бир неча маротаба паст эътибор берилади.

Коммунал хўжалигида Европа мамлакатлари бир суткада 300-350 л сув сарфлассалар, бизда эса 600-550 л ни ташкил этади.

Шунинг учун мустақилликни дастлабки йилларидан бошлаб сув ресурсларидан фойдаланишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидагилар эътибор берилди.

- 1). Ишлатилаётган сувни ҳисобга олиш. (қишлоқ хўжалиги, саноат ва коммунал хўжалигига ҳам)
- 2). Сувдан фойдаланишни иқтисодий механизмини яратиш.(нормадан кам фойдаланилганда ва кам ифлослантирганда рағбатлантириш, акси бўлганда жарима солиш, сувнинг таннархини белгилаш ва баҳолаш ва ҳоказо).
- 3). Сувдан фойдаланганлик учун ҳақ тўлашни ташкил этиш.(сув ўлчагичлар ўрнатиш, фойдаланиш нормаларини белгилаш).
- 4). Сув ресурсларини назорат қилиш ва фойдаланишни режалаштириш.
- 5). Кўшни давлатлар билан транзит сув ресурларидан фойдаланишни хуқуқий асосини яратиш.
- 6). Сув ресурсларидан фойдаланишнинг жаҳон тажриба ва технологияларини ўрганиш ва ўзимизда қўллаш.

### **7.5. Сув ресурсларини тежаш, муҳофаза қилишнинг, экологик-иқтисодий хусусиятлари ва аҳамияти.**

Ўрта Осиё сув ресурслари агарда уни тежаб ишлатилса, 70- 80 миллион кишига етиши мумкин, БМТ нинг маълумотларига кўра 2030 йилларга бориб Ўрта Осиёда шунча аҳоли яшайди. Ўрта осиё аҳолиси 50 миллион кишига етмасдан Орол денгизининг қуриши, сув танқислигининг сезилиши, бу энг аввало сув ресурсларидан тежамсиз фойдаланиш исрофгарчиликнинг ниҳоятда юқори эканлигини билдиради. Сувдан нотўғри фойдаланиш: қуйидаги муаммоларни келтириб чиқармоқда: 1). Сув ресурсларининг танқислиги; 2). Орол денгизи ва кўпгина табиий кўлларнинг қуриши; 3). Мавжуд сугорилаётган ерларнинг ўрланиши ва ҳосилдорликнинг кескин пасайиши. 4). Био хилма- хилликнинг камайиши. 5). Мавжуд сув ресурслар сув манбаларини ҳамда унинг атрофида экологиянинг издан чиқиши ва ифлосланиши; 6). Сув ресурсларида туз миқдорининг ортиши. 7). Аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлай олмаслигимиз.

Юқоридаги камчиликлар сув ресурсларидан фойдаланишдаги асосий камчиликлар ҳисобланади. Сув ресурсларидан фойдаланишни яхшилашнинг мажмua амалга ошириш мақсадга мувофиқдир, негаки юқоридаги муаммоларнинг ҳаммаси бир- бирiga чамбарчас боғлиқдир.

Ўзбекистон сувни тежаш ва муҳофаза қилиш зарурияти юқоридаги муаммоларни ечиш мақсадида қуйидагиларни амалга оширишни тақозо этади.

1. Суғориш тизимининг тизими ва ўлчамларини замонавий суғориш техникаси билан мустаҳкамлаш орқали унинг самарадорлигини ошириш.

2. Коллектор-зовур сувларини ташлаб юборишни тартибга солиш, улардан унумли фойдаланишни йўлга қўйиш.
3. Аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш.
4. Қишлоқ хўжалигига кам сув сарфлайдиган ўсимликларга ихтисослаштириш.
5. Сув манбаларининг ифлосланишини олдини олиш ва бошқалар.

### **Бобнинг қисқача мазмуни.**

Ўрта осиё сув ресурсларига танқис худудлардан ҳисобланади. Хусусан Ўзбекистонда ҳам бўғланиш каэфиценти 2500-2700 мм бўлгани ҳолда ёғин миқдари ўртacha 400 мм ни ташкил этади. Ўзбекистоннинг сув сарфини 90% изини бошқа мамлакатлардан кириб келиши муаммони янада кескинлаштиради. Сув ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш мақсадида ўнлаб сув омборларини, каналлар, коллектор дренажлар, ва бошқа сув иншоатларини қурулиши аҳволни бир мунча яхшилайди. Сувни ресурс сифатида баҳосини бўлмаслиги, фойдаланишни иқтисодий механизмини йўқлиги сув улчагичлари ва назоратни камлиги аҳволни янада ёмонлаштиради.

Бозор иқтисодиёти шароитида сувдан фойдаланишни яхшилаш, самарадорлигини ошириш, фойдаланишни иқтисодий механизмини яратиш, долбзарб муаммолардан ҳисобланади. Сувдан фойдаланишни яхшилаш нафақат иқтисодий балки экологик аҳамиятга ҳам эгадир.

### **Таянч иборалар.**

Сув манбалари - музликлар, дарёлар, сув омборлари, каналлар, ер ости сувлари, коллектор дренаж сувлари ва бошқа сувлар.

Сув лимити-сувни маълум меъёрда, чекланган тарзда истеъмолчиларга бериш.

Фойдаланиш мақсадлари: саноатда, қишлоқ хўжалигига, камунал хўжалигига.

Фойдаланишни асосий кўрсаткичлари: самарадорлик, белгиланган меъёрлар, тежамкорлик, ифлосланиш даражаси, инфратузилма иншоатлари, қайта фойдаланиш,

Фойдаланишни иқтисодий баҳолаш: тан нархи, тўлов кўрсаткичлари, рағбатлантириш, иқтисодий жазолаш, норматевлаш меъёрлари, табақалашган туловлар, фойда, рентабеллик,

Ҳисобга олиш ва режалаштириш: сув улчагичлар, назорат, тақсимлаш, режалаштириш, жазолаш, рағбатлаштириш, қисқа муддатли ва узок муддатли башоратлаш, чоралар кўриш,

Сув ресурсларининг – экологик хусусиятлари, иқтисодий хусусиятлари, Ўзбекистонда сувдан фойдаланишни ўзига хос хусусиятлари.

### **Назорат ва муроҳаза учун саволлар.**

1. Ўзбекистонда сув ресурслари қандай тақсимланган?
2. Сув ресурсларига нималар киради?
3. Сувларни ифлослантирувчи манбалар тўғрисида нималарни биласиз?
4. Сув ресурсларининг ифлосланиши оқибатлари нималарга олиб келди?
5. Сув танқислиги сабаблари нимада ва сувдан фойдаланишни яхшилаш учун нималар қилиш керак?
6. Сувдан фойдаланишнинг иқтисодий механизми деганда нимани тушунасиз?
7. Сувдан фойдаланиш меъёрлари қандай ва ким тамонидан белгиланади.
8. Ўзбекистон коммунал хўжалигида, қачондан бошлаб сув ўлчагичлар қўйила бошланди ва нима учун?
9. Орол денгизининг фожиасига нималар сабаб бўлган?
10. Ўрта осиёнинг сув ресурсларини ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

### **Адабиётлар рўйхати.**

1. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пироворд мақсадимиз.-Т-.: 2000.
2. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз –жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Халқ сўзи 2 январ2005.)
3. Алимов Т.А., Хаскин В.В. Экология. Учеб.пособ. М., 1998.
4. Глушкова В.Г., Макар С.В. «Экономика природопользования» учебное-пособие М:, Гардораки 2005.
5. Холина В.И. «Основы экономики природопользования» Питер 2005.
6. Нестеров П.М., Нестеров А.Н. Экономика природопользование и рынок. М., 1997.
7. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси-2003й. №3. 63 бет.
8. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси-2003й. №8-9. 56 бет.
9. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги-2002. №1. 52 бет.
10. Проблемы питьевого водоснабжения и экологии. Т. Университет. 2002.

### **Интернет сайтлар**

1. [www.ecology.info](http://www.ecology.info).
2. <http://ecoinform.freenet.uz>
3. [www.eduhmao.ru/portal/](http://www.eduhmao.ru/portal/)
4. <http://www.murman.ru> (ecology)comitet

## **8 - Боб. Атмосфера ҳавосини мухофаза қилиш ва унинг ресурсларидан фойдаланиш.**

### **8.1. Атмосфера тўғрисида тушунча ва унинг хусусиятлари.**

Атмосфера ер шарининг катта қалинликдаги ҳаво қобиғидир. Атмосфира ҳавоси ердан 300 км гача тарқалган 1000 км баландлиқда хам ҳаво зарраларини учратиш мумкин. Атмосфера ҳавосининг 80 % и ердан 20 кмгача баландлиқда жойлашган бўлиб тропосфера деб аталади. Атмосферанинг 20 км дан 55 км гача стратосфера бўлиб унда 20 %гача ҳаво мавжуддир. Ундан юқори қисми ионосфера дейилади .

Атмосферанинг таркиби: газли кимёвий таркиб, намлилиги, муаллақ сузуб юриши, ҳарорати, сув буғларининг мавжудлиги билан характерланади. Атмосферанинг таркибидаги ҳавонинг 78,08 % азот 20,95 % кислород 0,03 % ис гази - 0,03, аргон – 0,93 ва неон, гелий, криpton, водород, озон, метан, углерод оксиди, азот оксиди каби кўплаб газлар учрайди, уларнинг миқдори 0,02 % дан ортмайди. Атмосферанинг умумий массаси  $10^* 15$  тонна газ.

Атмосфера биосферанинг асосий компонентларидан бири ҳисобланади ва маълум хусусиятларга эга. Атмосфера ер шари бўйича текис тақсимланган. Ёруғликни, намликни, иссиқликни, электромагнит тўлқинларини тақсимлайдиган ва қайта тақсимлайдиган асосий омил ҳисобланади. У космосдан келадиган заарли нурлар, метеоритларни зарарсизлантириб ўтказади. Атмосферанинг бу хусусиятлари ерда ҳайётнинг барқарорлигини таъминлайди. Сайёрамизнинг иссиқлик баланси ҳам атмосферага боғлиқ. Атмосфера доимо биосфера, гидросфера ва литосфера билан ўзаро алоқададир. У тирик организмлар учун керак бўлган кислород, ис гази, азотнинг манбаи ҳамдир. Улар биологик модда айланишида фаол иштирок этади. Атмосфера туфайли сув табиатда айланиб юради. Бундан ташқари моддаларнинг геологик айланиши, тоғ жинсларининг емирилиши, ҳаракати ва бошқа жараёнларда ҳам фаол иштирок этади.

### **8.2. Атмосфера ресурсларининг асосий кўрсаткичлари ва баҳолашнинг аҳамияти.**

Атмосфера билан минтақавий табиий, ишлаб чиқариш, ижтимоий тизимлар ўртасида қарама-қарши йўналишдаги алоқалар мавжуд. Атмосферанинг ҳолати бу тизимларнинг ҳолати ва ишлашига боғлиқдир (литосфера юзаси ҳолати, саноат-қишлоқ хўжалиги ва коммунал хўжалик чиқиндилари). Бундай таъсир ернинг иссиқлик балансига, жонли табиатга, намлик айланиши, биологик модда айланиши каби бошқа жараёнларга катта таъсир кўрсатади. Чиқиндилар ҳажми ва уларнинг зарари қанча кўп

бўлса, ҳаво ҳаракати қанчалик секин бўлса, ёғин миқдори қанча кам бўлса, атмосферада заарли моддалар шунчалик кўп тўпланади. Шунга мос равишда табиий, ишлаб чиқариш ва ижтимоий тизимларга таъсири ҳам кўп бўлади. Чиқиндили атмосферанинг туриб қолиши “смог” ҳодисасининг содир бўлишига олиб келади.

5 - жадвал

**Атмосферага чиқарилаётган заарли чиқиндиларни 1991-1996  
йиллардаги тадрижий ўзгариши (млн тонна)**

	1991	1992	1993	1994	1995	1996
Жами	3,805	2,890	2,591	2,409	1,996	1,840
Ҳаракатдаги объектлардан	2,591	1,782	1,570	1,450	1,092	0,983
Доимий манбадардан	1,214	1,107	1,020	0,958	0,904	0,857

Атмосфера ҳавосининг ифлосланишини баҳолаш учун қуидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади: ҳамма ифлослантирувчи манбалардан атмосферага чиқариладиган моддалар ҳажми, чиқарилаётган моддаларнинг ушлаб қолинганларининг салмоғи, ушлаб қолинган моддаларнинг заарсизлантириш салмоғи, атмосферадаги заарли моддаларнинг рухсат этилган меъёрига нисбати, заарли моддаларнинг таркиби. Бу кўрсаткичларнинг ҳаммасини умумий ҳисоблаш, ингредиентлар бўйича ҳисоблашни шаҳарлар, қишлоқлар, маъмурий туманлар бўйича амалга ошириш лозим.

**8.3. Атмосфера ҳавосидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.**

Атмосфера ҳавосини иқтисодий баҳолаш ҳавонинг ифлосланишидан юзага келадиган заарни, яъни ҳаво ҳавзасидан фойдаланиш натижасига кўра аниқланади. Заарар ўлчами табиий ишлаб чиқариш, ижтимоий тизимларда ифлосланган ҳавонинг таъсири бўйича аниқланади. Бунинг учун турли табиий иқтисодий шароитларда ҳавонинг ифлосланиш даражаси ва унда ифлослантирувчи моддаларнинг таркиби ҳисобга олиниб, табиий ишлаб чиқариш ижтимоий тизимлар учун нормативлар ишлаб чиқаради ва иқтисодий амалиётдаги кўрсаткичлар нормативлар билан заарни таққослаш асосида аниқланади. Ҳаво ҳавзасини иқтисодий

баҳолаш бир нечта мезонлар бўйича амалга оширилади: 1) ер шари атмосфераси учун, 2) алоҳида минтақалар учун, 3) алоҳида мамлакатлар учун, 4) кичик ҳудудлар учун. Атмосфера ҳавосининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш кичик ҳудудлар бўйича амалга оширилганда самаралироқ ҳисобланади, лекин глобал атмосфера муаммолари ер шари атмосфераси учун амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Чунки атмосфера ҳавоси доимо ҳаракатда ва ундаги чиқиндилар ҳам биргаликда ҳаракатланади. Масалан, озон қатлами ning емирилиши, иссиқлик самарадорлигининг ортиши, иқлим ўзгаришлари каби муаммолар бутун ер шари атмосферасига тегишлидир.

#### **8.4 Ўзбекистонда атмосфера ҳавосини ҳолати ва муҳофаза қилишининг истиқболли йўналишлари.**

Саноат соҳасида асосий эътибор энг йирик ифлослантирувчи корхоналар томонидан атмосферага чиқиндилар чиқариб ташлашни қисқартиришга қаратилган бўлиши лозим. Масалан, бундай корхоналар қаторига Олмалиқ кон металлургия комбинати, Ангрен ва Навоий шаҳарларининг иссиқлик электр станциялари, Оҳангарондаги цемент заводи, Навоий ва Қувасойдаги қурилиш материаллари заводлари ва айrim бошқа корхоналар киради. Бу манбаларнинг ҳар бири йилига 10 минг тоннадан ортиқ чанг ва 30 минг тоннадан ортиқ олтингугурт, азот ва бошқа зарарли моддалар бирикмаларини чиқариб ташламоқда. Ўзбекистонда атмосферага чиқариб ташланаётган ифлослантирувчи моддаларнинг 13%’и Олмалиқ кон металлургия комбинати ҳиссасига тўғри келади. Ифлослантирувчи моддаларни чиқариб ташлайдиган, чанг ва газдан тозалаш ускунаси билан жиҳозлашни талаб қиласидиган доимий манбаларнинг энг кўпи қўйи Чирчикда тўпланган (339), ундан кейин Олмалиқ (96), Ангрен (59), Бекобод (39) шаҳарлари туради. 10 дан ортиқ шаҳарларда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тадбирлари амалга оширилмоқда.

#### **Ўзбекистон республикасида иссиқхона самарасини берувчи газларни чиқарилиши.**

Жами (CO<sub>2</sub>  
CH<sub>2</sub>,

Атмосферага чиқарилаётган заарли моддаларнинг 50% дан ортиғини углерод оксиdi, 14% ини олтингутурт ангидриди ва шунга ўхшаш заарли моддалар, 8%ини - углеводородлар, 5% ини - қаттиқ моддалар, 4% ини - азот оксиdi ташкил этади.

Доимий манбалардан атмосферага 150 дан ортиқ заарли моддалар чиқарилади. Ҳудудий жиҳатдан бу заарларнинг 84%и саноат корхоналарининг асосий қисми тўплланган Тошкент, Қашқадарё, Бухоро, Фарғона ва Навоий вилоятларига тўғри келади.

Атмосферани ифлослантирувчи асосий манбалардан бири автомобиль транспорти ҳисобланади. Автотранспортнинг атмосферага чиқарилаётган заарли моддаларнинг салмоғи 53%ни, айрим шаҳарлар (Тошкент, Бухоро Самарқанд, Андижон) да 80% гача этади. Кейинги пайтда атмосферага транспорт томонидан чиқарилаётган заарли чиқиндилар 2,7 мартаға камайди. Бу табиатни муҳофаза қилиш тадбирларининг фаол олиб борилаётганлиги, автопаркларни техник соз ҳолатларда сакланаётганлиги, автомобилларни экологик назоратдан ўtkазиш тизимининг мукаммаллашганлиги каби тадбирларни амалга ошириш натижасидир.

Атмосфера ҳавосининг ифлосланганлик даражаси ва уни Ўзбекистон республикаси худудлари бўйича ўзига хослиги бу соҳада аниқ тадбирларни ишлаб чиқиши талаб этади. Ана шунга кўра ҳавони муҳофаза қилиш борасидаги аниқ йўналишлар қўйидагича бўлиши керак: ҳавонинг ифлосланиши йўл қўйиладиган даражадан ошиб кетган шаҳар ва аҳоли пунктларида меъёрий даражаларга тушириш; тезлик билан республиканинг барча шаҳарларида, аҳоли пунктларида ва саноат марказларида ҳаво сифатини санитария меъёрлари даражасида яхшилаш; ҳавони муҳофаза қилишда иқтисодий дастурлардан фойдаланишни кенгайтириш.

### **Бобнинг қисқача мазмуни.**

Атмосфера ресурсларидан нотўғри фойдаланиш натижасида иқлим ўзгаришлари содир бўлмоқда, озон қатлами емирилмоқда, кислотали ёмғирлар ёғмоқда, турли ҳил касалликлар кўпаймоқда, атроф муҳит ифлосланмоқда ва ниҳаят босферадаги глобалл экологик муаммолар келиб чиқмоқда. Шу пайтгача атмосферага табиий ресурс сифати қаралмас эди. Атмосфера ҳавоси ва хусусиятларидан фойдаланиш, ифлосланиш

кўрсаткичларини аниқлаш, фойдалилик самародорлигини ошириш ҳамда муҳофазалаш хозирда бутун дунё мамлакатлари олдидаги муаммолардан биридир. Ўзбекистонда ҳам саноат корхоналарига керакли филтирлар ўрнатиш, атмосферани ифлосланиш мониторингини олиб бориш, ҳалқаро шартномаларга роя қилиш ва мажмуали қайта ишлаш ҳамда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш технологияси жараёнининг мураккаблигига қараб кам чиқиндили ёки берк технологияга ўтиш масалаларини босқичма-босқич ҳал қилинмоқда.

### **Таянч иборалар.**

Атмосферанинг таркиби, ахамиятлари, Тропосфера, атмосферани ўзига хос хусусиятлари, фойдаланишининг ҳалқаро меъёрлари, баҳолаш мезонлари, шаҳар атмосфераси, ифлословчи асосий манбалар, аzon қатлами, иқлим ўзгаришлари, иссиқлик самарасини ортиши, музликларни эриши.

### **Назорат ва мулоҳаза учун саволлар.**

1. Атмосферани ифлослантирувчи манбалар тўғрисида нималарни биласиз?
2. Атмосферани муҳофаза қилиш чора тадбирлари нималардан иборат.
3. Атмосферани асосий хусусиятларини айтиб беринг.
4. Атмосфера, ижтимоий тизимлар, ишлаб чиқариш тизимлари ўргасидаги алоқадорликни тушинтиринг.
5. Атмосферани муҳофаза қилишнинг қандай ҳалқаро шартномаларини биласиз?
6. Ўзбекистон да атмосферани муҳофаза қилишнинг чара тадбирларини айтинг.
7. Атмосферани босферадаги ахамиятини тушунтиринг.
8. Табиий ифлосланишдан антропоген ифлосланишни фарқи нимада?
9. Озонни емирувчи кимёвий бирикмалар қайсилар?
10. Иқлим ўзгаришининг сабаблари нималар.

### **Адабиётлар рўйхати.**

1. Глушкова В.Г., Макар С.В. «Экономика природопользования» учебное-пособие М.: Гардораки 2005.
2. Холина В.И. «Основы экономики природопользования» Питер 2005.
3. Галыцин А.Н. «Основы промышленной экологии» Академия 2004.
4. Кормилицин В.И. и др. «Основы экологии» М. «Интерсталь» 2001.
5. Муҳофаза-2004й. №10 37-43 бет.
6. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги-2003. №8. 31-32 бет.
7. Ҳаёт ва қонун-2002й. №5. 76 бет.
8. Жамият ва бошқарув-2003й. №1. 65 бет.
9. Муравы А.И. Экологический менеджмент: системно –

институциональный подход. Москва. Акад. М: РАГС. 2000.

### **Интернет сайтлар**

1. <http://www.murman.ru> (ecology)comitet (2005 й)
2. [www.INVUR.RU](http://www.INVUR.RU)(2005 й)
3. [www.ecology.com](http://www.ecology.com). (2005 й)
4. [www.esa.org](http://www.esa.org). (2005 й)
5. [www.envirolink.com](http://www.envirolink.com). (2005 й)
6. [www.ecology.info](http://www.ecology.info). (2005 й)

## **9 – Боб. Ер ресурсларидан самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш.**

### **9.1. Ер ресурслари ва уларнинг экологик – иқтисодий хусусиятлари.**

Ер ресурслари унинг юқори қатламидан иборат бўлиб, маҳсулдор қисми ҳисобланади, унинг ўртача қалинлиги 0,5 метрдан 2 метргача етади. Маҳсулдор қисмнинг пайдо бўлишида биологик организмлар қолдиқларининг ва чиқиндиларининг тўпланиши натижасида гумус миқдорининг ортиши ҳисобига ҳосил бўлади. Бу модда озиқа моддалар манбаи ҳамда тупроқнинг табиий хоссаларини яхшиловчи асосий омил ҳисобланади. Табиий шароитларда гумус миқдори ўзгармас ҳамда кўпайиб бориши қонуний ҳисобланади. Унинг камайиши эса ердан нооқилона фойдаланиш натижасида юзага келади. Ер қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг асосий воситаси бўлиб, унинг ривожланиш суратлари, самарадорлиги, тупроқ унумдорлиги, унимли фойдаланиш ва муҳофаза қилишга боғлиқдир. Бу эса қишлоқ хўжалик ералрининг ҳолатини ҳисобга олиш ва баҳолашда катта аҳамиятга эга. Тупроқ маҳсулдорлиги ўртача йиллик ҳосилдорлик билан белгиланади. Тупроқ ресурсларидан фойдаланишнинг йўналиши ва даражаси ер ресурсларининг тизими орқали аниқланади. Ернинг ҳолати, физик таркиби, кимёвий таркиби, намлилик даражаси, ҳарорати билан характерланади. Инсон, ўсимлик, ҳайвонот дунёси, микроорганизмлар фаолиятлари ернинг ҳолатини яхшилаши ёки ёмонлаштириши мумкин. Ерда таъсир кўрсатадиган асосий жараёнлар қуйидагилар: қишлоқ хўжалиги оборотидан бутунлай чиқариш, вақтинча чиқариш, механик таъсир этиш, кимёвий ҳамда физик таъсир этиш, органик элементларни кўпайиши ёки камайиши, қўшимча ҳудудлар қўшиш, биомассадан фойдаланиш, ўз-ўзини тиклаш ва бошқалардир.

Ерни қайтмайдиган қилиб оборотдан чиқаришда саноат корхоналари қурилиши, уй-жойлар, йўллар, қувурлар, электр линиялари,

сув омборлари, фойдали қазилмаларни очиқ усулда қазиши, чиқиндилар билан тұлдыриш орқали содир бўлади.

## **9.2. Ер ресурсларини иқтисодий баҳолашнинг асосий кўрсаткичлари.**

Ер ресурсларини иқтисодий баҳолаш, улардан кўп мақсадда фойдаланиш, етиштириладиган экинларнинг хилма-хиллиги, олинадиган фойданинг ҳар хиллиги, табиий иқтисодий шароитларнинг ҳар хиллиги туфайли жуда мураккабдир. Ер қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг асоси бўлиб, уни иқтисодий баҳолаш бозор иқтисоди шароитида иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалиги самарадорлигини оширишда катта аҳамиятга эга. Ер ресурслари қишлоқ хўжалигидаги маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ҳажми ва самарадорлиги бўйича баҳоланади, бу эса об-ҳаво шароити, экинлар тури, инфратузилма ҳолати, истеъмолчининг узоқ- яқинлиги, қайта ишлашнинг имкониятлари каби бир қанча омилларга боғлиқдир. Ер ресурсларини иқтисодий баҳолаш бир неча йилги маълумотлар асосида амалга оширилади. Дифференциал рента бир ёки икки йил муддатни ҳисобга олиб ҳисоблаб чиқилади.

## **9.3. Ерни иқтисодий баҳолашнинг умумий тамойиллари ва услуби.**

Ерни иқтисодий баҳолаш деганда қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш воситаси сифатидаги нисбий баҳоси тушунилади ёки бошқача айтганда, турли сифатий кўрсаткичларга эга бўлган ерларнинг нисбий даромад миқдори англаанди. Ерни иқтисодий баҳолашнинг бош моҳияти уни сифатининг қишлоқ хўжалигидаги ижтимоий ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлигига таъсирини аниқлашдан иборат.

Одатда, ернинг табиий, сунъий ва самарали ҳосилдорлик хусусиятлари ажратилади. Ернинг табиий ҳосилдорлиги тупроқнинг ҳосил бўлиш жараёнлари билан боғлиқ. Сунъий ҳосилдорлик инсон томонидан унга турли ишлов бериш (хайдаш, ўғит солиш, суғориш, агротехник ва бошқа тадбирлар) жараёнида вужудга келади. Самарали ёки иқтисодий ҳосилдорлик табиий ва сунъий ҳосилдорликларнинг ўзаро қўшилишидан ҳосил бўлади. Аслида, бу икки гурӯҳдаги ҳосилдорлик яқиндан боғлиқ бўлиб, бир-бирларини ўзаро тақозо этади. Сунъий ҳосилдорликнинг бузилиши тупроқ деградациясига олиб келади. Ернинг ҳосилдорлиги қотиб қолган ҳодиса эмас, у ўзгариб туради: табиий ва инсон омиллари таъсирида юқори бўлиши ёки аксинча пасайиши мумкин. Шунинг учун ҳам ернинг иқтисодий баҳосини бутун бир умрга етарли қилиб аниқланмайди, уни маълум вақтларда қайтадан аниқлаб туриш лозим. Ерни иқтисодий баҳолашда унинг факат ҳосилдорлигигагина эмас,

шунингдек, жойлашган ўрни, чунончи, шаҳарларга яқинлиги, саноат марказларидан узоқлиги, транспорт қатнови йўлга қўйилганлиги ҳам ҳисобга олинади.

Ерни иқтисодий баҳолаш жараёнига рельефнинг ўйдим-чуқурлиги, парчаланганилиги, қиялиги, тупроқнинг қалинлиги, тошлоқлиги, механик таркиби, тупроқ тури ва кичик тури, ер ости сувлари сатҳининг жойлашуви, тупроқ таркибидаги бирламчи туз ва гипснинг мавжудлиги, шамол ва бошқа ҳодисалар фаол таъсир этади. Бу омилларни таҳлил қилиш билан тупроқ балл тизимида баҳоланади, сўнггида ер кадастри ишлаб чиқлади (кейинги бўлимга қаранг).

Ерни иқтисодий баҳолаш мақсадида уни материаллар билан таъминлаш учун, шунингдек, қишлоқ хўжалигини режалаштириш ва ташкил қилиш ниятида ҳамда ер балансини, ерни баҳолашнинг ҳудудий бирликларини ҳисобга олиш учун барча ерларни тоифаларга бўлиш мақсадга мувофиқ: хўжалик ичидаги ва умумий ер(баҳолаш бирликлари). Бу бирликлар хўжаликнинг ичидаги қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини режалаштириш ва ташкил қилиш талабларига мос келиши лозим. Бу тоифадаги ерлар ўз навбатида яна икки гурухга ажратилиши мумкин: биринчи гуруҳдаги ерларга хўжаликнинг ердан фойдаланиш тузилмасига мувофиқ хўжалик учун умуман ажратилган ерлар, фермерлар дехқон хўжалиги ва бошқаларга фойдаланиш учун берилган ерлар киради; иккинчи гурухга хўжалик жиҳатидан фойдаланиладиган (экинзорлар) ер массивлари, чунончи, пахта, шоли, буғдой, ем-хашак, полиз, боғ, ўрмон ва бошқалар экиладиган ерлар, ўт-алмашлаб экиш майдонлари, айрим далалар, партов, ишдан чиққан майдонлар, яйлов, пичанзор ва бошқалар киради. Жамоа хўжалиги ҳудудида барча экинзорларни шу тартибда ўзаро боғлиқ ҳолда солиштириш йўли билан ернинг нисбий баҳосини аниқлаш мумкин.

Шуни назарда тутиш керакки, экинзорлар жойлашишида аввало уларни маълум рельеф элементларига (қавариқ, ботик, ёнбагир, текислик, қия ва тўлқинсимон текисликлар ва б.) қараб жойлашуви, тупроқ турлари, ер ости сувлари, иқлимий хусусиятлар, яйлов тури ва бошқаларнинг аниқ ҳисобга олиниши баҳолашнинг асосланганлигига жиддий таъсир этади. Бунда сув манбалари ва уларнинг сифати алоҳида эътиборда бўлади.

Тупроқнинг сифати ёки маҳсулдорлиги унинг тури, физик-кимёвий хусусиятлари, механик таркиби, гумус қатламишининг қалинлиги ва миқдори, ер ости сувлари сатҳининг жойлашуви ва бошқа омилларга боғлиқлигини ҳеч ким инкор этмайди. Тупроқ қанчалик қулай табиий хусусиятларга эга бўлса, шунчалик катта ҳосилдорликка эга бўлади. Лекин бу кўрсаткичлар тупроқнинг иқтисодий маҳсулдорлиги мезонлари бўлиб хизмат қила олмайди. Тупроқни иқтисодий жиҳатдан баҳолаганда ундаги экинларнинг

хосилдорлиги ва майдон бирлиги (га) дан олинган даромад энг яхши ва ишончли мезонлар ҳисобланади.

Хосилдорлик - қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг сўнги натижаси, шунинг учун ҳам ернинг баҳосини қайд қиласди. Экинлардан олинган ҳосил миқдорига қараб, далаларнинг баҳосини аниқлаш мумкин, тупроқнинг маҳсулдорлиги қиймати равshan бўлади. Тупроқ маҳсулдорлиги барча табиий ва сунъий суғориш аҳволни тўлиқ мужассамлаштиради. Ерни итисодий баҳолаш икки кўрсаткичда амалга оширилади; ялпи маҳсулот бўйича амалга ошириш ернинг ишлаб чиқариш воситаси сифатида майдон бирлиги бўйича қийматини билишга имкон беради. Бу кўрсаткич ишлаб чиқариш ҳажмини майдон бирлигига табақалашган ҳолда режалаштириш учун, экин майдонидан оқилона фойдаланиш, солик тизимини тўғри амалга ошириш ва бошқаларни аниқлашда зарур. Соф даромад бўйича ерни иктиносий баҳолаш майдон бирлигидан олинадиган даромадни чамалашда қўл келади, бу ҳол табақалашган солик, ренталарни аниқлашда зарур омил ҳисобланади.

Хосилдорлик ва соф даромад жамоа хўжалиги ҳудудида олдиндан қишлоқ хўжалик машсулотларининг ҳажми ва ундан келадиган соф даромадни режалаштиришда энг ишончли механизм бўлиб хизмат қиласди.

#### **9.4. Ер кадастри ва тупроқ бонитировкаси.**

Кадастр (франсузча-реестр, рўйхат) - обьект ёки ҳодиса тўғрисида жамлама сифатида ва миқдорий маълумотларнинг тизимли мажмуаси ҳисобланади, кўп ҳолларда улар иктиносий баҳолашни назарда тутади. Кадастрнинг турлари кўп. Ер кадастри қуидаги таркибий қисмлардан иборат: а) ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланишни рўйхатдан ўтказиш; б) ерни миқдорий ҳисоби; в) ернинг сифати; г) тупроқ бонитировкаси; д) ерларни иктиносий баҳолаш.

Тупроқ бонитировкаси (лотин тилида - асл, сифатли) - тупроқнинг унумдорлиги бўйича нисбий баҳолашдан иборат. Қиёсий баҳолаш тупроқларни мажуд обьектив хусусиятлари ва белгилари асосида амалга ошириш, булар қишлоқ хўжалик экинларининг ўсишида энг муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бонитировкада миқдорий кўрсаткичлар (баллар) қўлланилади. Улар бир тупроқни иккинчи тупроқдан қанчалик яхши ёки ёмон эканлигини аниқлашга имкон беради. Бунда тупроқнинг энг муҳим хусусиятлари ва ҳосилдорлиги эътиборга олинади. Бошқача айтганда, тупроқ бонитировкаси-бу, тупроқнинг ҳосилдорлигини балл ҳисобида агрономик инвентаризация қилиш бўлиб, балл тупроқнинг асосий хусусиятлари ва энг муҳим қишлоқ хўжалик экинларининг ўртача ҳосилдорлиги ҳамда табиий яйлов (пичанзор) ларнинг маҳсулдорлиги ҳисобланган кўрсаткичидир.

Тупроқ бонитировкаси ер кадастрининг асосий қисмларидан бири бўлиб, ер фондини миқдор ва сифат жиҳатдан ҳисобга олиш ҳисобланади. Миқдорий ҳисобга олишнинг моҳияти ердан фойдаланиш ва экинларнинг тури бўйича майдони ҳисобида тақсимланиши кўрсатади. Ҳайдаладиган, суғориладиган ерлар, боғлар, пичанзор, яйловлар ва бошқаларнинг майдони ҳисобга олинади. Сифат жиҳатидан рўйхатдан ўтказишга тупроқнинг асосий хусусиятлари, айниқса, унумдорлиги ҳамда меҳнат маҳсули-экинларнинг ҳосилдорлиги (кўрсаткичи) ҳисобга олинади. Бунда ҳар бир ер майдонининг ҳақиқий имконияти маҳсулдорлиги, шуниндек, бутун жамоа хўжалиги, туман ва вилоят бўйича кўрсаткичлар аниқланади. Бундай тартибда ер участкаларини ҳисобга олиш қишлоқ хўжалик ерларини (экинзорларини), ҳайдаладиган ерлар, пичанзор, яйлов, ўрмон ва бошқаларнинг маҳсулдорлигини ошириш тадбирларини ишлаб чиқишида зарур бўлади. Хўжаликларнинг ихтисослашуви ва тармоқларнинг оқилона алмашиб келиши, ерларни суғориш қилишида капитал маблағ сарфлашни режалаштиришида асос бўлади. Шу билан бирга тупроқ бонитировкаси мустакил аҳамиятга эга бўлиб, маълум ҳудудларни (жамоа хўжалиги, туман, вилоят) тупроқларининг унумдорлиги бўйича гуруҳларга бирлаштириш ва солиштириш учун имкон беради, жамоа хўжаликлари ва ишлаб чиқариш фаолиятига ҳудуднинг иқлимий ва иқтисодий шароитларини эътиборга олиб тўғри баҳо бериш, тупроқлардан оқилона фойдаланиш асосида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириши кўпайтириш, бу борадаги имкониятларни аниқлашга ёрдам беради.

Бонитировкада пахта, дон, шоли, ем-хашак, қанд лавлаги етиштириш, табиий ўт ва ўрмонлар, боғлар ташкил қилиш учун энг қулай шароитларни аниқлаш мақсад қилиб қўйилади. Қишлоқ хўжалик мутахассисларига суформа, лалми ерлардан, яйловлардан жадал фойдаланиш тадбирларини ишлаб чиқишида ёрдам беради. Бонитировка асосида тупроқ сифатига мос келадиган ҳосилдорликни олдиндан белгилаш, тупроқка солинадиган минерал ва органик ўғитлар миқдорини аниқлаш мумкин. Бонитировка тупроқнинг қандай чора-тадбирларга муҳтоҷлиги, эрозия ва дефолиация, қуритиш суғоришси, фитосуғориш тадбирларини амалга ошириш зарурлигини ҳудуд бўйича ҳамда айrim ареалларда мунтазам кенг миқёсда қўллашни асослайди.

Бонитировка усуллари ва бонитировка мезони баҳолаш мезонлари бўйича фарқланади. Бунда тупроқнинг айrim табиий хусусиятлари ёки ушбу хусусиятларидан жами баҳолашда фойдаланилади. Лекин баҳолаш жараёнида тупроқнинг қишлоқ хўжалик экинлари ривожланадиган шароитларини белгиловчи хусусиятлари ва белгилари асос қилиб олинади. Шунинг учун ҳам маълум хусусиятларга эга бўлган тупроқ бир турдаги экин учун қулай, бошқа турдаги экинлар учун эса ноқулай бўлиши мумкин.

Тупроқларни хусусиятлари бўйича баҳолаш мантиқан қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини назорат қиласди. Тупроқларни баҳолашда уларга жиддий таъсир этувчи омиллар, яъни рельеф, грунт сувлари сатҳи ва минералашув даражаси, иқлим хусусиятлари, грунтнинг сув ўтказувчанлиги, ётқизиқларнинг литологик таркиби, ернинг ўлчамлари ва бошқаларга катта аҳамият берилади.

МДҲ мамлакатларида, шу жумладан, Ўзбекистонда 100 баллик баҳоловчи шкала қабул қилинган. Балларни ишлаб чиқиш ер тузиш давлат лойиҳа институти, олий ўқув юртларининг тупроқшунослик кафедралари, Тупроқшунослик ва агрокимё институтида маҳаллий табиий ва иқлимий шароитларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Бонитировка балларини ҳар бир баҳолаш белгиси бўйича ҳисобкитоб қилиш қабул қилинган қўйидаги формула асосида амалга оширилади:

$$B = \frac{3\phi \times 100}{3_m},$$

Бунда:  $B$ -тупроқ балли;  $3\phi$ -бирор белги (гумус миқдори, азот, фосфор, калий ва б.);  $3_m$ -шу белгининг қиймати, у 100 балл ҳисобида олинади.

Балли баҳолаш тупроқларнинг андозали кўрсаткичлари асосида бажарилиши лозим, ўшанда тупроқдаги гумус миқдори 100% га teng бўлади. Масалан, суғориладиган оч бўз тупроқда гумус миқдори, айтайлик, 1,3% бўлса, у андозали тупроқда 2,3% teng деб ҳисоблаш билан юқоридаги формула асосида қўйидаги миқдорга эга бўламиш:  $1,3 \times 100 : 2,3 = 57$ . Бу мисолдаги суғорма оч бўз тупроқ 1 га майдонда 57 баллга teng.

Мутахассислар тупроқ бонитировкаси балларини таснифлаш натижасида қўйидаги шкалани таклиф қилишган (6-жадвал).

6-жадвал.

Тупроқ бонитети классларининг мезони.

Бонитет класси	Бонитет бали	Тупроқнинг сифатий тавсифи
8-10	91- 100 81-90 71-80	Яхши
5-7	61-70 51-60 41-50	Ўрта
2-4	31-40 21-30 11-20	Ёмон
1	1-10	Дехқончиликда фойдаланилмайди

## **9.5. Ўзбекистоннинг ер ресурслари ва улардан самарали фойдаланиш.**

Ўзбекистоннинг умумий ер ресурслари 44,79 млн га шундан 27,9 млн га (63,3%) қишлоқ хужалигига қарашли ерлар хисобланади. Мамлакат умумий ер майдонинг 5,6 млн га. ер дехқончиликда фойдаланиладиган ерлардир. Шундан 4,447 минг га. (15,9 %) ҳайдаладиган ерлар хисобланади, 1,2 млн га ер лалмикор ерлардир. Суғориладиган ерлар 4,2 млн га (мамлакат худудининг 9,4 %)

Мамлакат худудининг (22,8 млн га ерлар) 50,9 % чўл зонасига тўғри келада. 21 % ерлар тоғ ва тоғ олди ерлари хисобланади. Ўрмон фонди 10 млн га. дан ошади. Шундан 3 млн. га. ўрмонлар тоғ ўрмонлари, қолганлари эса чўл ўрмонлариdir, сўғорилаётган ерлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 90 % ини беради. Ўзбекистон хўжалиги узоқ йиллар давомида асосан қишлоқ хўжалигига, пахта хом ашёсига ихтисослаштирилиши натижасида обикор ерларнинг мелиоратив аҳволи ёмон аҳволга тушиб қолди. Бундан ташқари Ўзбекистон ерларининг анча қисмини Қорақум, Қизилқум, Устюрт каби чўл ерлар ташкил этади.

## **9.6. Ернинг ифлосланиши, эрозияси ва унинг олдини олиш тадбирлари.**

Ернинг чекланганлиги ва сифат таркибининг пастлиги, тупроқ эрозияси, шўрланишини ифлосланиши, эрозия, яйлов депрессияси билан боғлиқ бўлган экологик хавф-хатар тўхтовсиз ортиб бормоқда. Республика суғориладиган ерларнинг 2 млн гектари (50 % га яқин) бузилиш хавфи остида қолган. Улар асосан шўрланган ерлардир. Бу ерларнинг 0,8 млн. гектари ўртача ва кучли даражада шўрланган. Қорақалпоғистон, Бухоро, Сирдарё вилоятлари ерларининг 90-95 %, Қашқадарё ва Хоразм вилоятларининг 60-70 % ерлари шўрланган. Республика тупроғининг асосий сифат кўрсаткичи хисобланган унумдорлик (гумус) 30-35% га пасайиб кетган. Шамол эрозиясига (дефляция) учраган ерлар майдони 2,1 млн гектарга, сув эрозияси таъсиридаги майдонлар эса 0,7 млн га teng. Мамлакатдаги 22 млн яйловнинг 6 млн гектари – шамол, 3 млн гектари эса сув эрозияси таъсиридадир. ДДТ пестицидидан фойдаланиш 1983 йил таъкиқланганига қарамай, унинг тупроқдаги миқдори ҳамон нормадан 2-4 баробар ортиқдир.

Тупроқнинг ҳар хил саноат чиқиндилари ва майший чиқиндилар билан ифлосланиши реал таҳдид түғдирмоқда. Тупроққа ортиқча ишлов бериш унинг нурланишига ва пестицидлар, оғир металлар чангига Билан ифлосланишига, таркибидаги чириндининг камайишига, эрозиянинг авж олишига ва бошқа салбий оқибатларга олиб келди.

Ўзбекистонда ернинг ишдан чиқишига асосан сұғориш ва зовур тизимининг эскириши, сұғориш техникасининг қолоқлиги ва сувдан фойдаланишда исрофгарчиликка йўл қўйилиши сабаб бўлди, бу эса ернинг мелиоратив ҳолати ёмонлашувига ва тупроқ таркибида тузининг кўпайиб кетишига олиб келди. Ернинг яроқсиз ҳолга тушиши муаммосини тубдан ҳал этиш учун сұғориш тизимини бутунлай қайта таъмирлаш, табиат берган текин неъмат сувга бўлган муносабатни ўзгариши, шунингдек эрозияга қарши агротехник, хўжалик, ўрмон мелиоратив, гидро техника тадбирларини амалга ошириш зарур.

#### **9.6. Ердан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари.**

Ердан фойдаланиш соҳасида вужудга келган амалиётнинг камчиликлари келтириб чиқарган экологик муаммолар тугуни фақат мамлакат қишлоқ хўжалигини изчил суратида ислоҳ қилган тақдирдагина ечилиши мумкин.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалигининг ўзини ҳам, дехқон ва қишлоқ аҳолисининг яшаш мухитини ҳам соғломлаштириш учун экинларни алмашлаб экиладиган турларини кўпайтиришга ўтиш (бедазорлар ва бошқа ўтзорларни кенгайтирган ҳолда) мухим аҳамиятга эга. Мамлакат иқтисодиётининг мустаҳкамлашиши ва унинг экспорт имкониятларини ошириш буниг учун яхши шароитлар яратади.

Бунда қуйидагилар асосий ўринни эгаллаши керак; қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланишни яхшилаш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши таркибини қайта кўриб чиқиши, яйлов ерларидан фойдаланишни яхшилаш, самарадорлигини ошириш ерни шўрланишини бартараф этиш ва бошқалар.

Ердан фойдаланишн, уни асраш, муҳофазалаш соҳасидаги экологик хавфсизликни кучайтириш ва ўтмиш давр асоратларини бартараф этишнинг асосий йўналишлари қўйидагилардан иборат; 1). Замонавий технологияларни ишлаб чиқиши ва жорий этиши. 2). Заҳарли кимёвий моддаларни қўллаш устидан қаттиқ назорат ўрнатиш. 3). Экин заараркунандаларига қарши курашишда биологик усуллардан кенг фойдаланиш. 4). Сұғориш сувидан меъёридан ортиқча фойдаланиш оқибатида иккиламчи шўрланишининг авж олишига қарши кураш тадбирларини амалга ошириш. 5). Тупроқлар эррозиясига қарши курашиш. 6). Ердан фойдаланишни оқилона тежаб тергаб фойдаланишнинг интенсив йўлига ўтиш. 7). Ердан фойдаланишда иқтисодий рағбатлантириш, ифлослантирганлик учун солинадиган маҳсус солиқлардан кенг фойдаланиш.

**Бобнинг қисқача мазмуни.**

Ер ресурсларини баҳолаш кўрсаткичлари, улардан самарали фойдаланиш, ер деградациясига қарши кураш, ердан самарали фойдаланишнинг асосий йўналишларини ўрганиш ва уларни ҳаётга тадбиқ этиш, халқаро тажрибани ўрганиш ва ҳаётга тадбиқ этиш, хусусий мулкчиликни ривожлантириш. Ер кадастирини юритиш ва унинг маълумотларидан фойдаланиб иқтисодий рағбатлантириш ёки жазолаш каби иқтисодий механизмларни ҳаётда кенг қўллаш. Ерни баҳолаш ва баҳолаш мезонларига мос равишда фойдаланишни ташкил этиш.

### **Таянч иборалар.**

Ер ресурслари, ер ресурсларини иқтисодий баҳолаш, ер ресурслари нинг асосий кўрсаткичлари, ернинг ифлосланиши, шўрланиши, эрозияси, ердан фойдаланишни самарадорлиги, ер кадастири, балл бонитировкаси, рентабеллик, фойда, харажат, фермер хўжаликларининг ривожланиши, жазолаш, рағбатлантириш, ер рентаси, халқаро тажриба, ер ресурсларини иқтисодий кўрсаткичлари, фойдаланишни экологик кўрсаткичлари.

### **Назорат ва мулоҳаза учун саволлар.**

1. Ер ресурсларини экологик-иқтисодий хусусиятларини таърифланг.
2. Ер ресурсларини иқтисодий баҳолаш ва унинг асосий кўрсаткичларини айтинг.
3. Ўзбекистон ер ресурсларини иқтисодий тарифини бериг.
4. Ернинг ифлосланиши, эррозияси сабабларини ва уларни олдини олиш тадбирларини кўрсатинг.
5. Ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш нималарга боғлиқ?
6. Ер кадастири тўғрисидаги қонун қачон ва нима мақсадда чиқарилган?
7. Балл банитеровкани нималарга асосланиб аникланади ва ундан нима мақсадда фойдаланилади?
8. Ўзбекистон ер ресурсларини хозирги ахволини қандай изохлайсиз?
9. Ер ресурсларини хусусийлаштириш қандай натижалар беради?

### **Адабиётлар рўйхати.**

1. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.: 2002.
2. Алимов Т.А., Хаскин В.В. Экология. Учеб.пособ. М., 1998.
3. Глушкова В.Г., Макар С.В. «Экономика природопользования» учебное-пособие М.; Гардораки 2005.
4. Холина В.И. «Основы экономики природопользования» Питер 2005.
5. Кормилицин В.И. и др. «Основы экологии» М. «Интерсталь» 2001.
6. Макар С.В. Основы экономики природопользования. М. ИМИЭ, 1998.
7. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги-2003. №8. 31-32 бет.
6. Кудрявцева О.В. Экологический аудит. МГУ: 2000.

7. “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги” қонун. 9 декабр 1992 йил.

### **Интернет сайтлар**

1. <http://ecoinform.freenet.uz>
2. <http://aqua.freenet.uz>
3. E-mail: [ecolog@freenet.uz](mailto:ecolog@freenet.uz)

## **10 – Боб. Биологик ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш.**

### **10.1. Биологик ресурслар тўғрисида тушунча.**

Биологик ресурслар деб жонли табиат: ўсимликлар, ҳайвонлар, ва микроорганизмларга айтилади. Улар барча табиий муҳит элементларида мавжуд бўлиб биосферанинг асосини ташкил қиласи. Улар ўз-ўзини тиклаш қобилиятига эгадирлар. Биоресурслар мажмуали ресурс бўлиб, унинг таркибига қўйидагилар киради: а) продуцентлар – органик модда ишлаб чиқарувчи организмлар. б) консументлар- жонли органик моддани қайта ишловчি организмлар. в) редуцентлар(микроорганизмлар, замбуруғлар ва ҳайвонлар)-табиатда биологик модда ва энергия таъминловчи организмлар.

### **10.2. Биологик ресурсларнинг асосий кўрсаткичлари ва улардан амалиётда фойдаланиш.**

Биоресурслар тирик организмлар массасининг ресурслари, биологик модда айланишиниг ҳажми ва биологик маҳсулотнинг ҳажми билан характерланади. Тўпланган ресурслар- тирик органик массаларнинг мавжуд ресурслариdir. Биологик модда айланиши ҳажмига продуцент, рецидент ва консументларнинг ҳар йили пайдо бўладиган ялпи органик масса маҳсулоти, биологик маҳсулот ҳажмига эса органик массанинг йиллик ўсиши киради.

Биологик ресурсларнинг функциялашуви асосида тўпланган ресурслар ҳажми биологик модда алмашинуви ва биологик маҳсулот ҳажми ҳамда тизими ўртасидаги алоқалар ётади. Моддаларнинг биологик айланиши жараёнида органик массанинг ҳосил бўлиши (тўпланиши) ва ўлиши содир бўлади. Тўпланган ресурсларнинг ўзгариши ушбу жараёнлар нисбатига боғлиқ. Ушбу нисбатлар барча биологик ресурсларда органик массанинг ҳажми ва тўкилиб тушиши нисбатларига боғлиқ ҳолда тўпланган ресурслар кўпайиши, турғунлашуви ва камайиши жараёнларида давом этиши мумкин.

табиийшароитларда тўпланган ресурслар турғун бўлади ёки кўпаяди, уларнинг камайиши белгилангандан дан ташқарига чиқиш ҳисобланади.

Биологик ресурслар маҳсулдорлигини оширишни тартибга солиш мақсадида ўтказилган маҳсус тадбирлар бунда ҳисобга олинмаган.

Иқтисодий нуқтаи-назардан биологик ресурслардан фойдаланишнинг натижаси биологик ресурсларни тайёрлаш ва атроф-муҳитни яхшилаш самараси ҳисобланади. Буларнинг ҳаммаси биологик ресурслардан фойдаланишни ташкил этишда алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг самарадорлигини оширишнинг асосий тадбирларидан бири ҳисобланади, биологик ресурслардан фойдаланишни ҳисобга олиш учун зарур бўлган ўзига хос кўрсаткичларни топишнинг асосий йўналиши ҳисобланади.

### **10.3. Биологик ресурслар ва биосаноат мажмуаси.**

Биологик ресурслар инсон ҳаёти учун энг муҳим ресурс бўлиб, улар озиқ-овқат, ёқилғи ва турли маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун органик хомашёдир. Биологик ресурслар ишлаб чиқариш тизими доирасида биосаноат каттамажмуасининг хомашё қисми бўлиб, у агросаноат, ўрмонсаноат, балиқсаноат ва бошқа мажмуаларни ўз ичига олади. Уларнинг ҳар бири биологик ресурсларнинг у ёки бошқа туридан фойдаланиш билан боғлиқдир. Биологик ресурслар табиий ва ижтимоий тизимлар доирасида эса биоэкологик инфратузилманинг асосий элементидир. Улар табиат муҳофазаси ва аҳолини соғломлаштиришда катта аҳамиятга эга.

Биохўжалик мажмуаси ишлашининг асосий натижаси-моддалар айланиши, биологик маҳсулот ва улардан фойдаланишнинг ҳар йиллик ҳажмидир. Хўжалик фаолиятининг мақсади - бу кўрсаткичларни улар ўртасидаги нисбатни модернизациялаш асосида кўпайтиришдан иборат.

### **10.4. Биологик ресурсларни иқтисодий баҳолаш.**

Биологик ресурсларнинг ҳолати ва улардан фойдаланишнинг асосий минтақалар бўйича кўрсаткичлари қўйидагича: биологик модданинг ҳажми, т, га, биологик модда айланиши, массаси, маҳсулот массаси, маҳсулотдан фойдаланиш, мажмуанинг минтақалар тузилмаси, агросаноат, ўрмонсаноат, балиқсаноат ва бошқалар.

Биологик ресурсларни иқтисодий баҳолаш ҳосил бўлган органик хомашёнинг барча турлари ва ресурсларини муҳофазалаш ва ижтимоий функциялари бўйича амалга оширилади. Биологик ресурслар ҳудудлар билан боғлиқ баҳолаш минтақаларнинг майдон бирлигига нисбатан ресурслар ва уларнинг айрим элементлари бўйича амалга оширилади.

Бунда айрим компонентлар ҳар йили ҳосил бўлган органик хомашёни ва уларни муҳофазалаш аҳамияти бўйича ва бошқа компонентларга таъсирини ҳисобга олиш баҳоланади.

Баҳолаш жараёнида биологик ресурсларни максимал ва амалдаги тизими катталиги ва максимал кўрсаткичларга эришиш бўйича асосий тадбирлар кўрсатилиши керак. Уларни баҳолашда фойдаланишнинг оптималь тизими ва рағбатлантириш кўзда тутилмоғи лозим.

Аксинча, ресурслардан фойдаланишнинг ноунимли ҳолларда иқтисодий жарима санкцияларини қўллаш лозим.

## **10.5. Ўзбекистон ҳудудидининг биологик ресурслари ва улардан унимли фойдаланиш муаммолари.**

Ўзбекистон ҳудудида чўл, адир, тоғ олди, тоғ, баланд тоғ, баландлик зоналарида ўсимлик қоплами тарқалган. Республика ҳудудида 4000 дан ортиқ ўсимлик тури бўлиб, шулардан 10-12 фоизи мухофазага муҳтоҷ. Ўзбекистон “Қизил китоби” га йўқолиб кетиш хавфи бўлган ўсимликларнинг 42 оила, 3 авлодга кирувчи 301 тури киритилган.

Буларнинг кўпи қимматбаҳо доривор ўсимликлардир. Ўсимлик дунёсига антропоген таъсирининг оқибатлари тутзорлар, тоғ ўрмонлари майдонининг камайиши, чўлда саксавул, тоғларда арча каби қимматбаҳо дараҳт ва бута ўсимликларнинг кўплаб кесилиб кетганлиги, яйловлардан нотўғри фойдаланиш оқибатида ўсимлик қопламлари табиий холатнинг салбий ўзгаришларга учраганли ва бошқаларда яққол кўринади.

Ўзбекистон фаунаси ўсимликлар каби, сўнги ўн йиларда мухофазага муҳтоҷ бўли қолди. Фауна таркиби 99 еввойи ҳайвонлар, 410 турдаги қушлар 79 турдаги балиқлардан иборат. Ҳар йили 60 мингдан ортиқ сувда сузувлари қушлар, 2 минг қирғавул, 13 минг каклик, 500 бош ёввойи тунғиз, 10 мингтагача сайғоқлар, 50 мингдан 00 минггача тошбақа, 0 мингдан 100 минггача қурбақалар овланади. Республика сув ҳавзаларида 4-6,5 мингтонна балиқ овланади.

Сўнгги йилларда инсон ҳужалик фаолияти таъсирида табиий муҳитнинг ёмонлашуви фаунага салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ўзбекистон “қизил китоби”га умуртқали ҳайвонларнинг нодир ва йўқолиб бораётган жами 63 тур ва кенжаси сут эмизувчи ҳайвон турлари киритилган булиб, улар орасида 22 тур сут эмизувчи ҳайвон ва 5 тур балиқ бор.

Республика экологик вазиятни соғломлаштириш асосида жонли табиатни бутун табиий генафондини асраш, мухофазалаш, маданий экинлар ва ҳайвонларнинг янги турларини кўпайтириш ҳисобига уларни бошланғич база сифатида сақлаб қолиш муҳим илмий –амалий вазифадир.

### **Бобнинг қисқача мазмуни.**

Биологик ресурслар жонли табиат ресурслари бўлиб, уларнинг ўзига хос кўрсаткичлари, фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш усуслари бор. биологик ресурслар баъзасида биомажмуалар барпо этилади. Республика

биоресурсларидан унимли фойдаланиш ғоят мухим муаммодир. Биомассанинг камлиги, бардошлилик даражасининг пастлиги, сув ресурсларини тақчиллиги биологик ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини пасайтиради. Доривор ўсимликларни худудимиизда 620 тури бўла туриб, улардан фойдаланишни иқтисодий механизмларини шаклланмагани сабабли бор йўғи 120 туридан фойдаланилади, улардан ҳам самарали фойдаланишнинг иқтисодий механизмлари ишлаб чиқилмаган. Хитойда эса 3000 тур доривор ўсимликлардан фойдаланишни иқтисодий механизми ишлаётганини ҳисобга олсак бу масалада қилинаётган ишлар қанчалик кўплигини билиш мумкин.

### **Таянч иборалар.**

Биоресурс, продуцент, консумент, редуцент, моддаларнинг биологик айланиши, биосаноат мажмуаси, биологик ресурсларини иқтисодий баҳолаш. Биоресурслар қайта тикланадиган ресурслардир лекин фойдаланишда уларни бардошлилик даражасини ҳисобга олиш катта аҳамиятга эга. Улардан фойдаланишда: таркиби, биомассаси, маҳсулдарлиги, фойдаланиш мақсадлари катта аҳамиятга эга.

### **Назорат ва мулоҳаза учун саволлар.**

1. Биологик ресурслар тўғрисида тушунча беринг.
2. Биологик ресурсларнинг асосий кўрсаткичлари ва уларнинг амалиётда фойдаланишнинг йўналишларини тушунтиринг.
3. Биосаноат мажмуасини таърифланг.
4. Биологик ресурсларни иқтисодий баҳолаш ҳусусиятларини айтиб беринг.
5. Ўзбекистоннинг биологик ресурслари ва улардан оқилона фойдаланишни таърифланг.
6. Ўзбекистонда қанча доривор ўсимликлар мавжуд ва улардан фойдаланишни яхшилаш учун нималар қилиш керак?
7. Бардошлилик даражаси деганда нимани тушунасиз?
8. Ўзбекистонда биоресурслардан фойдаланишнинг муаммоларини тушунтиринг.
9. Биоресурслар экологиясини иқтисодиётга тасирини тушунтириб беринг.

### **Адабиётлар рўйхати.**

1. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пироворд мақсадимиз.-Т.: 2000.
2. Каримов И.А. Хавфиззлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.: 2002.
3. Алимов Т.А., Хаскин В.В. Экология. Учеб.пособ. М., 1998.
4. Глушкова В.Г., Макар С.В. «Экономика природопользования» учебное-пособие М:, Гардораки 2005.

5. Макар С.В. Основы экономики природопользования. М. ИМИЭ, 1998.
6. Нестеров П.М., Нестеров А.Н. Экономика природопользование и рынок. М., 1997.
7. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги-2003. №8. 31-32 бет.
8. Ҳаёт ва қонун-2003й. №4. 38 бет.
9. Проблемы питьевого водоснабжения и экологии. Т. Университет. 2002.
10. Рафиқов А.А. Геоэкологик муаммолар Т. Мехнат. 1997 йил.

### **Интернет сайтлар**

1. [www.ecsocman.edu.ru/db/msg/150966.html](http://www.ecsocman.edu.ru/db/msg/150966.html) (2005 й)
2. [www.kutp.gubkin.ru/ucheba2.htm](http://www.kutp.gubkin.ru/ucheba2.htm) (2005 й)
3. [www.vzfei.ru/rus/structure/platforms/aist.htm](http://www.vzfei.ru/rus/structure/platforms/aist.htm) (2005 й)
4. [www.vzfei.ru/rus/structure/platforms/aist/Vgak.htm](http://www.vzfei.ru/rus/structure/platforms/aist/Vgak.htm) (2005 й)

## **11-Боб. Минерал хом ашё ресурсларидан фойдаланиш ва уларни мухофаза қилиш.**

### **11.1. Минерал хом - ашё ресурслари ва уларнинг экологик иқтисодий хусусиятлари.**

Ушбу ресурслар жонсиз табиат ресурслари бўлиб, улардан конструкция матириаллари, кимёвий қўшилмалар, ўғитлар, хар хил буюмлар, қўрулиш материаллари, асбоб ускуналар, ёқилғи каби ҳалқ хўжалигига ишлатилаётган маҳсулотлар ишлаб чиқилади. Бу ресурслар қайта тикланмайдиган ресурсларга киради ва йуқалиб кетмайди ўзининг хусусиятларини ҳам йўқотмайди. Геологик ва хужалик модда айланишида эса ўз шаклларини ва жойларини ўзгартиради. Литосфера ва кисман гидросфера минерал хом-ашё ресурсларини манбайи бўлиб хизмат қиласди. Фойдаланаётган кимёвий элементлар ресурслари Амалий жихатдан уларнинг хар йили қазиб олинаётган хажмидан 100 млн маротаба кўпроқдир.

### **11.2. Минерал хом - ашё ресурсларини ҳисобга олиш ва уларнинг кўрсаткичлари.**

Минерал хом - ашё ресурслари худудлар, районлар бўйича ётиш чўқурлиги бўйича нотекс жойлашган ва хом-ашё таркиби бўйича хилмажил. Шу сабабдан улардан фойдаланиш самараси ҳам бир хил эмас. Бунда юқори сифатли ресурслар чекланган, айниқса худудлар бўйича, чунки улар тикланмайдиган ресурсларга киради. Шунга боғлиқ ҳолда ресурслар тугаши ва хомашё етишмаслиги тўғрисида тасаввур пайдо бўлади. Ҳақиқатда эса бундай тасаввур шартли ва фақат хомашёни қазиб

олишнинг иқтисодий шароитларини ифодалайди. Амалиётда минерал хомашё ресурслардан ундаги хомашёнинг турли таркибларда мавжудлиги шароитида фойдаланилади. Масалан, темир рудасида соф хомашё 80%, олтин конларида эса фоизнинг кичик бир қисмини соф олтин бўлган шароитда улар қазиб олинади. Бир хил хомашёнинг таркиби ва сифатига қўйиладиган талаблар ҳам ҳудудлар бўйича ижтимоий зарур ҳаражатларга боғлиқ ҳолда ҳар хил бўлади. Буларнинг ҳаммаси хом Аше ресурслари қазиб олишнинг ҳажми имкониятлари ва хом ашё етишмаслиги тўғрисидаги тасаввурнинг ижобий эканлигини қўрсатади.

Шунингдек, минерал хом ашё ресурсларнинг ҳисоб китоблари ҳам нисбийдир. У ҳалқ хўжалигига Ушбу ресурслардан фойдаланиш нуқтаи назаридан ўтказилади, яъни ҳисоб китоблар иқтисодий жиҳатдан ўзгартириш маъқул ва осон бўлган конлар бўйича уларни ўрганиш даражаси ва ўзлаштиришга тайёрланиши бўйича олиб борилади. Амалиётда хом Аше ресурслари А, В, С ва яна балансдан ташқари категорияларга бўлинади. Кўпинча минерал хом ашёлари ресурсларидан олинадиган элементлар бўйича ҳисобга олинади. Лекин йўлдош элементлар ва очилган жинсларнинг ресурсларини ҳам ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга.

### **11.3. Минерал хом- ашё ресурсларини иқтисодий баҳолаш ва унинг асосий қўрсаткичлари.**

Минерал хом ашё ресурсларининг ҳолатини баҳолашда қуйидаги асосий қўрсаткичлардан фойдаланиш лозим . Эҳтимол тутилган ресурс ресурсларида ҳисобга олинадиган ресурсларнинг салмоғи , ҳисобга олинган ресурслардан фойдаланиш муддатлари , ҳисобга олинган ресурсларнинг ўрганиш даражаси ва ўзлаштиришга таёrlаниши бўйича тизими, яъни А,В,С категориялари бўйича; ҳисобга олинган ресурсларнинг уларнинг ўзлаштириш самарадорлиги бўйича тизими . Ҳисобга олинган ресурслар бирлигига тўғри келадиган йўлдош элементлар ва олинган жинслар ҳисобига олиш даврида мавжуд ресурсларнинг янги ресурслар ҳисобига ўсиши. Айрим ресурслар бўйича маълумотларга асосланиб табиий мажмуалар баҳоланади ва бунда ресурсларнинг айрим турлари, уларнинг мажмуалигига ва ўзлаштириш самарадорлигининг иқтисодий аҳамияти ҳисобга олинади.

Минерал хом ашё ресурслари тоғ-кон пермажмуа шаклланишининг моддий асоси бўлиб хизмат қиласи ва унинг таркибига металлургия, кимё, ва қурилиш саноати тармоқлараро мажмуалари киради.

Минерал хом ашё ресурсларидан фойдаланиш жараёнида хом ашё ернинг чуқур қатламларидан ер юзига чиқадилар, ундан фойдали элементлар олинади, сўнгра қайта ишлаш учун хўжалик корхоналарида

тўпаланади ёки маҳсулот истеъмоли учун тарқатилади. Бу жараёнларни ҳисобга олиш қуйидаги нисбат асосида амалга оширилади.

$$Mo = Mb + X - K - T$$

бунда:  $Mo$  – объектдаги материалнинг охирги ресурssi;

$Mb$  – объектдаги материалнинг бошланғич ресурssi;

$X$  – объектдаги материалнинг кўпайиши ва уларнинг камайишини тўлдириш учун зарур бўлган материални ишлаб чиқариш ҳажми;

$K$  – қайтариладиган материалларнинг ҳажми.

Бу нисбатларни ҳар қандай тизим ёки объектга, хўжалик бирликларига, ер юзасига ва бошқаларга баробар қўллаш мумкин. Ушбу нисбатлар асосида материалларни қайта ишлаш ва уларни истеъмол қилиш босқичлари бўйича балансларини тармоқлараро ва ҳудудий мажмуалар бўйича тузиш ва улар асосида ушбу жараёнларни тартибга солиш мумкин.

Материаллардан фойдаланишда баҳолаш учун қуйидаги кўрсаткичлар даражаси қўлланилади: хом ашёдан умуман ва қайта ишлаш босқичлари бўйича фойдаланиш, қайта ишлаш босқичларидан исроф қилиш қазиб олишда хом ашёдан материал олиш, ҳудудий тизимлар учун майдон бирлигига элементларнинг тарқалиши.

Ўзбекистон учун минерал хом ашё ресурсларини тўлиқ ҳисобга олиш ва улардан унимли фойдаланиш ушбу йўналишдаги жараёнларни тартибга солишга имкон беради.

#### **11.4. Ўзбекистоннинг минерал хом ашё ресурслари имконияти ва улардан унимли фойдаланиш.**

Минерал хом ашё ресурсларини иқтисодий баҳолаш улардан энг самарали фойдаланиш йўналишларини ҳисобга олинган ҳолда, яъни максимал рента бўйича амалга оширилади. Турли ресурслардан бир мақсадда фойдаланишда уларни баҳолаш асосий маҳсулотларни ишлаб чиқаришда ресурслардан фойдаланишнинг самарадорлиги бўйича амалга оширилади. Масалан, ёқилғининг турли хиллари энергия ва иссиқлик ишлаб чиқариш самарадорлиги бўйича баҳоланади, яъни ресурсларни ёқишига кетадиган харажатларни ҳисобга олиб шартли ёқилғи бўйича хисобланади. Ресурслардан субстрат (асос) ва ёрдамчи материал сифатида фойдаланилганда уларни асосий маҳсулотини ишлаб чиқариш самарадорлигига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатиши бўйича баҳоланади.

Ресурсларнинг кун компонентлиги ҳолларида (уларнинг таркибиغا конларни очиш жинслари ҳам киради) ресурсга рента хом ашёга рентани ишлаб чиқилиши йиғиндиси сифатида ва уларнинг ресурс бирлигига таркиби асосида аниқланади. Ресурсларга тўловлар фойдаланувчилардан улардан фойдаланишдан қатъий назар олиниши керак. Ресурс бирлигини баҳолаш конларни оптималь эксплуатация қилиш муддатларидан келиб чиқиб амалга оширилади. Хом ашёни нормативдан ортиқ қазиб олиш халқ

хўжалигига етказиш сифатида ресурсларга тўловлар билан биргаликда ундирилиши керак.

### **11.5. Минерал хом ашё ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг истиқболли йўналишлари.**

Ўзбекистон ҳудудлари турли фойдали қазилма хом ашёларига бой. Улар 100 га яқин минерал хом ашё турларини ўз ичига олади. Олтин, мис, қўрғошин, рух, радиоактив элементлар, табиий газ, нефт ва бошқа фойдали қазилмалар миқдори бўйича қўпгина давлатлар орасида етакчи ўринда туради. Республикада тузлар, алюминий хом ашёси, қоплама безак ва қимматбаҳо тошлар, баъзи камёб элементларнинг катта ресурслари аниқланган. Ўзбекистон қурилиш материаллари ва ёқилғи энергетика ресурсларига ҳам бой. Ҳозирги қадар 2700 дан зиёд турли фойдали қазилма конлари ва истиқболли жойлар аниқланган. 900 дан ортиқ кон қидириб топилган бўлиб, тасдиқланган ресурслари 970 млрд АҚШ долларини ташкил этади. Республиканинг умумий хом ашё имконияти 3,3 триллион АҚШ долларига teng. Ҳар йили республика конларида ўртача 5,5 млрд долларга teng миқдорида фойдали қазилмалар олинмоқда ва улар ёнига 6-7 млрд долларлик янги ресурслар қўшилмоқда.

Ўзбекистон ҳудудларида нефт ва газ конденсати табиий газнинг 155 та истиқболли конларида қимматбаҳо металлар бўйича 40 тадан ортиқ нодир ва радиактив металлар бўйича 40, кончилик кимё хом ашёси бўйича 15 та конлари қидириб топилган. Ўзбекистон олтин, уран, мис, табиий газ, вольфрам, калий тузлари, фосфоритлар, каолин ресурслари бўйича дунёда етакчи ўринни эгаллайди. Масалан, олтин ресурслари бўйича республика дунёда 4-ўринда туради, уни қазиб олиш бўйича 7-ўринда, мис ресурслари бўйича 10-16 ўринда, уран ресурсси бўйича 7-8 ўринда туради.

Кўпчилик минерал хом ашё ресурслари мавжуд тоғ-кон саноати мажмуаларининг узок муддат жараёнида ишлаб чиқаришни таъминлайди. Улар йирик конларда тўпланган бўлиб, уларни қазиб олинган жойнинг ўзидаёқ мажмуа қайта ишлаш имконияти бор. Ҳозир 650 дан ортиқ тоғ-кон корхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Шу билан бир қаторда республикада тоғ-кон саноати ресурсларини қазиб олишда мунтазам йўл қўйиб келинган хатолар қуйидаги салбий оқибатларга олиб келди:

- Тоғ кон саноати районлардаги табиий ландшафтларнинг бузилиши, издан чиқиши;
- атроф-муҳит экологик ҳолатининг ёмонлашуви;
- қазилма бойликлардан самарасиз фойдаланиш;
- қўплаб чиқитларнинг пайдо бўлиши ва атроф муҳитнинг ифлосланиши;
- чиқитлардан фойдаланишнинг етарли даражада йўлга қўйилмаганлиги.

Ҳар йили республикада 100 млн тоннадан ортиқ ҳар хил чиқитлар пайдо бўлаётир, уларнинг ярми заҳарлидир. Уларнинг умумий ҳажми 2 млрд тоннадан ортиқроқдир. Ҳар йили тоғ кон саноати фаолияти оқибатида 50-60 млн тонна турли жинслар тўпланиб, улар 10 млн гектар ерни эгаллаётир.

Умуман олганда тоғ кон саноатида минерал хом ашёдан унимли ва мажмуа фойдаланишни иқтисодий рағбатлантириш механизми ишлаб чиқилмаган.

Булар бузилган ландшафтларни тиклаш, яъни ландшафтлар рекултивацияси юзасидан чора тадбирларнинг кенг тизимини амалга оширишни тақозо этади. Конлардан мажмуа фойдаланиш ресурсларини тежаш, ишлаб чиқаришнинг чиқитсиз ва кам чиқитли технологиясини кенг жорий этиш, иқтисодий рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш ва уни кенг қўллаш минерал хом ашё ресурсларидан самарали фойдаланишнинг истиқболли йўналишлари ҳисобланади.

### **Бобнинг қисқача мазмуни.**

Минерал хом ашё ресурслари қайта тикланмайдиган табиий ресурсларга киради, лекин уларни қайта фойдаланиш мумкиндир. Собиқ саветлар даврида, оқилона фойдаланиш рекултивация қилиш, чиқиндилярдан фойдаланиш, атроф муҳитга зарар етказмаслик каби жихатларга жуда кам эътибор берилган. Минерал хом ашё ресурсларини ресурssi бутун дунё бўйича камайиб бормоқда, шунинг учун улардан фойдаланишда исроф қилмасдан фойдаланиш, компсекс фойдаланиш, рекультеvация қилиш, режалаштириш, иқтисодий баҳолаш, самарадорлигини ошириш энг муҳим масалалар ҳисобланади. Қисқа ва узоқ муддатли башоратлаш, камайиб бараётганларини ўрнига бошқа ресурслардан фойдаланиш, халқаро тажрибаларти ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

### **Таянч иборалар.**

Қайта тикланмайдиган ресурс эканлиги, уларнинг иқтисодий хусусиятлари, экологик жихатлари, иқтисодий баҳолаш кўрсаткичлари, ресурssини аниқлаш, самарали фойдаланиш, узоқ муддатли ва қисқа муддатли башоратлаш, рекультивация қилиш, тоғ кон саноати, чиқиндиilar, унимли фойдаланиш.

### **Назорат ва мулоҳаза саволлари.**

1. Минерал хом ашё ресурслари қандай ресурслар ҳисобланади?
2. Минерал хом ашё ресурсларининг экологик хусусиятлари нималардан иборат.
3. Минерал хом ашё ресурсларининг иқтисодий хусусиятларини айтиб беринг.

4. Минерал хом ашё ресурсларини иқтисодий баҳолаш мезонлари нималардан иборат.
5. Ўзбекистоннинг минерал хом ашё ресурслари имконияти ва улардан фойдаланишни тарифланг.
6. Рекультивация неча ҳил бўлади ва у қандай амалга оширилади.
7. Минерал хом ашё ресурсларидан оқилона фойдаланиш деганда нимани тушунасиз?
8. Минерал хом ашё ресурсларидан фойдаланишни истиқболли ўналишларини тушунтиинг?
9. Тугайдиган табиий ресурс деганда қандай ресурсларни тушунасиз?
10. Ўзбекистонда рекультивация ишлари қандай ахволда?

### **Адабиётлар рўйхати.**

1. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пироворд мақсадимиз.-Т-.: 2000.
2. Каримов И.А. Биз танлаган йўл демографик тараққиёт ва маърифий Дуне билан ҳамкорлик йўли.Т. 2003.
3. Алимов Т.А., Хаскин В.В. Экология. Учеб.пособ. М., 1998.
4. Глушкова В.Г., Макар С.В. «Экономика природопользования» учебное-пособие М:, Гардораки 2005.
5. Холина В.И. «Основы экономики природопользования» Питер 2005.
6. Галыцин А.Н. «Основы промышленной экологии» Академия 2004.
7. Кормилицин В.И. и др. «Основы экологии» М. «Интерсталь» 2001.
8. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси-2003й. №3. 63 бет.

### **Интернет сайтлар**

1. www.uznature.uz, (2005 й)
2. http:eclinic.freene.uz, (2005 й)
3. http:www.grida.no.soe- (2005 й)
4. http:ecoinform. freenet.uz (2005 й)
5. http:aqua. freenet.uz (2005 й)
6. E-mail: ecolog@freenet.uz (2005 й)

## **12 –Боб. Иккиламчи ресурслардан фойдаланишнинг экологик иқтисодий хусусиятлари ва истиқболли ўналишлари.**

### **12.1. Иккиламчи ресурслар ва уларнинг асосий манбалари.**

Инсон хўжалик фаолияти, айниқса саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда қўп миқдорда чиқиндилар пайдо бўлади. Уларнинг пайдо бўлиш манбаларига кўра З асосий гурухга бўлинади:

- 1) ишлаб чиқариш чиқиндилари;
- 2) истеъмол чиқиндилари;
- 3) утилизация чиқиндилари;

Ишлаб чиқариш жараёнларида пайдо бўладиган хом ашё қолдиқлари, материаллари, ярим фабрикатлар киради ва улар дастлабки истеъмол сифатларини қисман ёки тўлиқ йўқотган бўлади. Истеъмол чиқитлари ўзларининг истеъмол сифатларини йўқотган ва истеъмолда бўлган маҳсулотлар ҳамда уларга йўлдош буюмлардир.

Фойдаланиш имкониятларига кўра утилизация қилинадиган (фойдаланиладиган, ишлатиладиган) ва утилизация қилинмайдиган чиқиндиларга бўлинади. Биринчиси учун қайта ишлаш технологияси ва хўжалик оборотига киритиш технологияси мавжуд, иккинчиси учун ҳозирда шундай технология ишлаб чиқарилмоқда.

Чиқиндиларни ҳосил бўлушига кўра гурухларга бўлиш билан бир қаторда, уларни ҳосил бўлишини худудий хусусиятларини ҳам ўрганиш иқтисодий жиҳатдан катта аҳамиятга эга. Чунки ишлаб чиқариш корхоналарини, қайта ишлаш технологияларини худудий жойлаштириш чиқиндиларни таркибий ва миқдорий хусусиятларига боғлиқдир. Кўйида Ўзбекистон Республикаси бўйича қаттиқ майший чиқиндиларни ҳосил бўлишини вилоятлар бўйича тақсимланишини кўриб чиқамиз.

**Республикада 1999 йилда қаттиқ майший чиқиндилар  
тўпланиши ( жамига нисбатан фоизда)**

Вилоятлар	%
Тошкент вилояти	42,8%,
Фаргона вилояти	9,8%
Навоий вилояти	7,9%,
Тошкент вилояти	7,7%
Андижон вилояти	5,6%
Самарқанд вилояти	5,4%
Жиззах вилояти	4,6%
Қашқадарё вилояти	4%
Корақалпоғистон Республикаси	3,5%
Сурхондарё вилояти	2,8%
Бухоро вилояти	2,6%
Сирдарё вилояти	1,4%
Хоразм вилояти	1,1%
Наманган вилояти	0,7%.

Юқоридаги жадвалда берилган маълумотларни таҳлил қиласиган бўлсак, мамлакатимизда ҳосил бўладиган қаттиқ майший чиқиндишларни 42,8 % зи, яъни ярмига яқини Тошкент вилаятига тўғри келишини кўрамиз. Бошқа вилоятларда хам қаттиқ майший чиқиндишларни ҳосил бўлишига кўра

## **12.2. Иккиламчи ресурслардан фойдаланишда чет эл тажрибалари ва уларнинг самарадорлиги.**

Инсон хўжалик фаолияти оқибатида бир неча юз хил чиқиндишлар пайдо бўлади. Уларнинг бир неча турлари: металл, пластмасса, қофоз, шиша, ёғочлардан фойдаланилди холос. Материаллардан иккиламчи фойдаланиш атроф муҳит муҳофазасининг қатор мажмуа муаммоларини ечишга хизмат қиласи: бирламчи хом ашё истеъмоли камаяди, атроф муҳитнинг ифлосланиши камаяди, меҳнат ресурслари хом ашёни қайта ишлаш жараёнидан озод бўлади. Кўпчилик мамлакатларда бирламчи хом Аше ресурсларининг тугаши технологияларни факат иккиламчи хом ашёни қайта ишлашга кўчиришга олиб келади, бу эса катта иқтисодий самара бераётir. Масалан, макулатурани қайта ишлашдан олинган қофозга ёғочдан олинадиган қофозга нисбатан 60% кам энергия сарфланади ва бунда ҳавонинг ифлосланиши 15% га, сувнинг ифлосланиши 60% га камаяди. Темир терсақдан олинадиган пўлат рудадан олинишга нисбатан 70% га арzonга тушади.

Хозирги пайтда чет элларда газета макулатурасини, пластмасса, шиша идишлар, темир, рангли металлар ҳамда эскирган технологияларни утилизация қилишнинг энг самарали ва тежамли технологиялари ишлаб чиқилиб, амалиётда қўлланилмоқда.

Германияда пластмасса чиқиндишларининг умумий ҳажми 2,5 млн тонна. Шундан 1 млн тоннадан кўпроғи ишлаб чиқармасдан ахлатхоналарга ташлаб юборилади.

Табиий моддалар асосида биопарчаланадиган пластмассалар (табиий полисахаридлар, полиэтилен ва крахмал аралашмаси) ва кимёвий синтез йўли Билан олинадиган пластмассалар (синтетик полиэфирлар) АҚШ, Япония, Европа мамлакатларида сувда ва тупроқда ўз-ўзидан парчаланадиган пластмассалар (биогеградабил пластинка) тажриба тариқасида ишлаб чиқарилган. Шиша банкалар икки хил йўл Билан утилизация қилинади: қайта фойдаланиш орқали ёки заводларда қайта ишлаб чиқариш учун фойдаланиш орқали. Айрим Европа мамлакатларида шиша идишлари бир марта фойдалниш учун ишлаб чиқарилади. Ишлатилган алюминий ва темир банкаларнинг утилизацияси Ғарбий Европа мамлакатларида 13% га, АҚШ да 55% га етган. Металлом саноат чиқиндишларидан 67%, амартизация ломларидан 31%, саноат чиқиндишларидан 45%, металлургияда 22% металл қайта ишлатилмоқда.

Амартизация ломлари ишлаб чиқаришдан чиқарилган ва ишдан чиқкан жиҳозлар, технологиялар, асбоб-ускуналар, маънавий ёки моддий эскирган техника ва технологиялар, ҳарбий асбоб-ускуналари ва техникалари ҳамда инвентарлар киради. Бунда металл ёки техника ва технологияларнинг хизмат муддати ва утилизацияда ишлатиш даражаси билан характерланади.

Ўртча обороти: Автамобиллар- 12 йил, релслар-30 йил, кўприклар- 100 йил, вагонлар-30 йил, кемалар-25 йил, электор узатиш лениялари- 50

Саноатда илмий –техника прогреси ва табиий хом-ашёни мавжудлиги чиқиндиларни хозирги баҳолашни ўзгартириши мумкин ва илгари фойдаланилмайдиган чиқиндиларни иқтисодий самарали хом-ашёга айлантириши мумкин.

### **12.3. Ўзбекистонда чиқиндиларни бошқариш бўйича Миллий Стратегия лойихаси ва улардан фойдаланиш.**

Ўзбекистонда ҳар йили 100 млн тоннадан ортиқ саноат чиқиндилари ҳосил бўлиб унинг атига 0,2 % зи қайта ишланади. Бу чиқиндиларни асосий қисми тоғ – кон саоатида ҳосил бўлади. Шундан; 25 млн  $m^3$  фойдали қазилмаларни қазиш пайтида, 42 млн  $m^3$  рудани бойитишидан ғосил бўлган чиқиндилар 1,25 млярд  $m^3$  қазиб чиқариб ташланган тоғ жинслари, 1,3 млярд  $m^3$  бойитилган рудалар тўпланиб қолган.

Республикамизда майиший чиқиндихоналарни сони 159 тани ташкил этиб, уларда тахминан 30 млн  $m^3$  шаҳар ва қишлиқларда ҳосил бўлган чиқиндилар сақланади.

Мамлакатимиздаги майиший чиқиндиларни ҳар 1 млн  $m^3$  да мавжуд бўлган иккиласчи ресурслар. ( минг тонна)

Озиқ овқат чиқиндилари	қоғоз ва картон	тўқимачилик чиқиндилари	пластма сса	ишлатиш мумкин бўлган бошқа чиқиндилар
360	160	55	45	100 гача

Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётiga ўтиши шароитида хом-ашё ва материаллардан мажмуа фойдаланиши мўхим аҳамиятга эга. Ўзбекистонда ҳосил бўлаётган чиқиндиларни қўйидагиларга бўлиш мумкин;

- 1) Саноат чиқиндилари,
- 2). Қишлоқ ҳужалиги чиқиндилари,

- 3). Камунал ҳужалиги чиқиндилари,
- 4). Амартизация чиқиндилари.

Мустақиллигимизга қадар Ўзбекистонда фақат металлом, қисман қофоз, ва бошқа кам миқдордаги чиқиндилар қайта ишланган. Шунинг учун бизда чиқиндиларни қайта ишлашга иҳтисослашган корҳоналар, техника ва технологиялар ниҳоятда камчиликни ташкил қиласди. Камунал ҳўжалиги чиқиндилари умуман қайта ишлатилмайди. Фақат камунал ҳужалиги чиқиндилари 1 йилда 2 млн. тоннадан ортади. Тоғ-кон саноатида 1 йилда 4 млн. тоннадан ортиқ чиқиндилар ҳосил бўлади, пахта толасидан чиқиндиси 1 млн. тоннадан ортади.

Техника ва технологияларни бизнинг мамлакатда ишлаб чиқарилмаслиги, хориж технологияларини қимматлиги, бу соҳани етарли даражада ревожланмаётгалигига асосий сабаблардандир.

#### **12.4. Иккиламчи ресурслардан фойдаланишнинг экологик-иқтисодий аҳамияти.**

Иккиламчи ресурслардан фойдаланишни яхшилаш учун маҳсус мажмуа ва унда қўйидагилар мўхим йуналишлардан хисобланиши керак.

Иккиламчи ресурслардан фойдаланишни узоқ муддатли башоратини ишлаб чиқиши (хар бар худуд шаҳарлар учун алоҳида).

Иккиламчи ресурслардан фойдаланишнинг аоий йўналишларини елгилаш ва ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни бирламчи ресурслар билан қўшиб олиб бориш, кимё, нефт – кимё ярим фабрикатларларидан фойдаланишга асосланиш.

Республика худудида иккиламчи ресурсларни тайёрлаш ва қайта ишлаш режаларини тузиш.

Иккиламчи ресурслардан фойдаланиш бўйича илмий тадқиқотларни кенгайтириш.

Иккиламчи ресурслардан унимли фойдаланишни иқтисодий рағбатлантириш механизмини ишлаб чиқиши ва амалиётга жорий этиши.

#### **Бобнинг қисқача мазмуни.**

Иккиламчи ресурслар ҳосил бўлишига кўра:саноат чиқиндилари, қишлоқ ҳўжалик чиқиндилари, майиший чиқиндиларга бўлинади. Чет эл мамлакатларида иккиламчи ресурслардан фойдаланиш жуда яхши йўлга қўйилгандир. Ушбу ресурслардан фойдаланиш нафақат экологик муаммоларни ҳал қиласди, балки иқтисодий жиҳатдан ҳам катта даромат келтирилади. Пўлат олиш, рўдадан олганга нисбатан уч маротаба, қофоз олиш, турт-беш маротабагача аронга тушар экан. Бошқа маҳсулотлар ҳам ҳеч бўлмаганда бир-икки маротаба арzonга тушади. Бу фақат иқтисодий жиҳатдан, атроф муҳит ва экологик жиҳатдан ҳам катта фойда келтиради.

Ўзбекистонда 2002 йил иккиламчи ресурслардан фойдаланиш тўғрисида қонун қабул қилиниши, ҳам, бу ресурсдан фойдаланишни хукуқий асосини яратди. Техника-технологияларни камлиги, маблағларни етарли эмаслиги бу соҳани етарли даражада ривожланмаётганлигини билдиради. Энг муҳими иккиламчи ресурслардан фойдаланишни иқтисодий механизми йўқлиги бу соҳани ривожланишига тўсқинлик қилмоқда.

Чет эл тажрибаларини қўллаш, фойдаланишни иқтисодий механизмини яратиш, заҳарли ва радиактив чиқиндиларни йўқотиш учун маблағлар ажратиш бу соҳани ривожланишига сабаб бўлади.

### **Таянч иборалар.**

Чиқиндилар, ресурс тежамкорлиги, атроф муҳит муҳофазаси, қайта ишлаш, чет эл тажрибаси, технологиялар киритиш, фойдаланишни иқтисодий механизми, хукуқий асос, заҳарли чиқиндилар, радиактев чиқиндилар, амартизация чиқиндилари, баҳолаш, рентабеллик, ресурслардан самарали фойдаланиш.

### **Назорат ва мулоҳаза саволлари.**

1. Иккиламчи ресурс деб нимага айтилади?
2. Иккиламчи ресурсларнинг экологик асосларини тушунтиринг.
3. Иккиламчи ресурсларнинг иқтисодий асосларини айтинг?
4. Чиқиндиларнинг хосил бўлишига кўра таснифини айтинг?
5. Ўзбекистонда иккиламчи ресурслардан фойдаланишни ҳозирги холатини тушунтиринг.
6. Нима учун чет эл тажрибасини ўрганишимиз керак?
7. Амартизация чиқиндилари деб қандай чиқиндиларга айтилади?
8. Заҳарли ва радиактев чиқиндилар қандай чиқиндилар ҳисобланади?
9. Ўзбекистонда чиқиндилардан фойдаланишни яхшилаш учун нималар қилишимиз керак?
- 10.“Ресурс-чиқинди-ресурс” цикли деганда нимани тушунасиз?

### **Адабиётлар рўйхати.**

1. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.: 2001.
2. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.: 2002.
3. Алимов Т.А., Хаскин В.В. Экология. Учеб.пособ. М., 1998.
4. Демина Т.А. Экология, природопользование, охрана окружающей среды. М. Аспект Пресс, 1996.
5. Глушкова В.Г., Макар С.В. «Экономика природопользования» учебное-пособие М.: Гардораки 2005.
6. Холина В.И. «Основы экономики природопользования» Питер 2005.
7. Галыцин А.Н. «Основы промышленной экологии» Академия 2004.

8. Кормилицин В.И. и др. «Основы экологии» М. «Интерсталь» 2001.
9. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси-2004й. №9-10. 49 бет.
- 10.Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси-2003й. №8-9. 56 бет.

### **Интернет сайтлар**

1. www. earth sanctuary.org. (2005 й)
2. www. ecologycenter.org. (2005 й)
3. www. ecology.co.uk. (2005 й)
4. www. ecology fund.com. (2005 й)

## **13 – Боб. Рекреация ресурсларидан унумли фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш.**

### **13.1. Рекреация тўғрисида тушунча.**

Рекреация хўжалик тармоғи ва одамлар фаолияти тури сифатида яққол ифодаланган ресусра йуналишига эга бўлган тармоқлар қаторига киради ва бунда у тоғ кон, ўрмон саноати, балиқ овлаш, қишлоқ хўжалигига ўхшаб кетади.

Улар курорт, соғломлаштириш, спорт, экологик рекреациялар турларига бўлинади. Туризмнинг асосий ресурси –дунё хилма-хиллигидир. Одамлар яшайдиган ажойиб, буюқ, ҳайратланарли жойлар ва уларнинг хилма-хиллиги туристларда йирик шаҳарларни, турли мамлакатларни, табиат гўшаларини, тоғ ва текислик ландшафтларини, тарихий ёдгорликларни, одам таъсир кўрсатмаган қўриқхоналарни кўриш иштиёқини уйғотади. Шовқин, одамларнинг тўпланиши, кўп қаватли уйлар ва биноларда чарчаб толиққан, йирик шаҳарларда яшовчилар учун денгиз бўйларида, табиат қўйнида ҳордиқ чиқариш катта таъсурот қолдиради, улрнинг қувватларини тиклайди.

### **13.2. Рекреациянинг табиий шарт-шароитлари ва уларнинг хусусиятлари.**

Рекреация районлари, рекреация фаолиятини ҳудудий ташкил этиш, рекреация районлдари ва марказларининг шаклланишига, уларнинг ихтисослашиши ва иқтисодий самарадорлигига таъсир кўрсатади. Лекин бу таъсир бевосита бўлмай, билвоситадир. Яъни улар ижтимоий-иктисодий омиллар, энг аввало рекреация эҳтиёжларининг ҳажми ва тизими орқали намоён бўлади.

Рекреация ҳудуд истеъмолчиси сифатида қишлоқ ва ўрмон хўжалигидан кейин 3-ўринни эгаллайди. Рекреация ҳудудига эҳтиёжи уйжой қуришга нисбатан 3 марта қўпроқдир, лекин рекреация асосоан ўзгартирилмаган ҳудудларга катта эҳтиёж талаб қиласади. Айни пайтда у

ўзлаштрилмаган туманларда ривожланиш учун чекланган имкониятларга эгадир. Рекреация зоналарини фойдали қазилма конлари, юқори заарли таъсир кўрсатадиган саноат корхоналари яқинида жойлаштришга йўл қўйиб бўлмайди.

Рекреация ихтисослашиш даражасига кўра рекреация ердан фойдаланишнинг 3 та асосий турини ажратиш мумкин:

- Рекреация юқори интенсивлигидаги ҳудудлар. Бунда улардан бошқа ердан фойдаланувчилар бўлмайди ёки икинчи даражали аҳамиятга эга парклар, рляжлар ва бошқалар бўлиши мумкин.
- Рекреация ўртacha интенсивликдаги ҳудудлар, улар бир вақтнинг ўзитда баъзи экологик ва ишлаб чиқариш функцияларини бажаради.
- Рекреация кам салмоқقا эга бўлган ҳудудлар. Рекреацияни мамлакат минтақаларида ҳудудий ташкил этишни илмий асослаган ҳолда муддатли режалаштириш ва башоратлаш рекреация ресурсларига эҳтиёжнинг ҳажми ва талабларнинг хилма-хиллигини ҳисобга екреация ерларини инвентаризациялаш ва рекреация кадастрини тузиш бўйича катта ҳажмдаги ишларни амалга оширишни талаб қиласди.

### **13.3. Табиий ресурсларни рекреацион баҳолашнинг асосий кўрсаткичлари ва улардан фойдаланиш.**

Табиий ресурсларни рекреацияон баҳолаш қуйидаги босқичларни ўз ичига олади :

- 1). Баҳолаш обьектини аниқлаш (табиий мажмуалар, уларнинг компанентлари вахусусиятлари).
- 2). Баҳолашни амалга оширадиган субъектни аниқлаш (туризм, ўртacha статистик турист).
- 3). Баҳолаш мезонларини шакллантириш ( субъект хусусиятлари орқали аниқлаш билан амалга оширилади).
- 4) баҳолаш мезони градация (босқичи) параметрларини аниқлаш.

Шкала субъект ва обьект ўртасидаги баҳолаш муносабатларини кўрсатади. Бунда доимшкала босқичлари сони тўғрисидаги масала кўндаланг туради. Кўпинча 3-4 ёки 5-6 босқичлардан фойдаланилади. Рекреация учун 5 босқичли баҳолаш мезони қуйидаги градацияни ўз ичига олади: энг қулай, мўътадил қулай, қулай, унча қулай эмас, ноқулай.

Бунда босқичлар ўртасидаги градация фарқлари ўзаро боғлиқлигининг хусусиятлари билан белгиланади.

Баҳолашни медик-биологик типада табиий шароитнинг инсон организмига таъсири ҳисобга олинади. Бундай баҳолашда иқлим асосий ўринни эгаллайди.

Баҳолашни психологик-эстетик типада табиий рекреация ресурсларининг инсон руҳиятига эстетик ва маданий таъсири ҳар томонлама ҳисобга олинади. Бунда табиий ландшафт ва унинг

компонентлари алоҳида ажралиб турувчи хусусиятларни эмоционал таъсири баҳоланади. Масалан, катта эстетик қимматга эга бўлган худудларни рекреантлар юқори баҳолайдилар (ўрмон, сув ҳавзалари), текислик (чўл), адир, паст эффект. Булар табиий рекреация обьектларининг эстетик қийматини ошириши ёки аксинча пасайтириши мумкин.

Баҳолашнинг технологик типида одам ва табиий мажмуаларни ўзаро таъсири рекреация фаолиятининг технологияси ва техникаси орқали ўз аксини топади. Баҳолашнинг бу типа бир томондан рекреация имкониятларининг бошқа тури ва уларнинг умумий тизими баҳоланади. Бошқа томондан эса худудларни инженер қурилиш нуқтаи назардан ўзлаштириш имкониятлари баҳоланади. Бунда рекреация тармоғи нуқтаи назаридан табиий ресурс юқори сифатга эга бўлса ва уларнинг аҳолининг маълум қисмининг дам олиши ва санаторияда даволанишини ташкил этиш учун етарли бўлиши ва уларнинг майдони ва ресурслари ҳам узоқ муддат эксплуатация қилишга ҳам иқтисодий томондан асосланган бўлиши керак.

Интеграл баҳолаш. Рекреацияни интеграл баҳолаш рекреацияни ривожлантириш ва жойлаштришнинг концептуал тузилмаларини тузишда, узоқ муддатли режалаштириш ва башоратлашда, рекреация районлаштиришда, инвестиция сиёсатини ишлаб чиқишида, эҳтиёжларни таъминлашни баҳолашда ва бошқалар учун катта аҳамиятга эга. Сифат баҳолашнинг кучли томони шундаки, у табиий ҳудудий мажмуаларнинг генезис ва морфологик тизими чуқур таҳлил қилишга асосланиб баҳолаш белгиларини мантиқан баҳолашга имокн беради.

#### **13.4. Табиий рекреация ресурсларини иқтисодий баҳолаш ва улардан амалиётда фойдаланиш.**

Табиий рекреация ресурсларини иқтисодий баҳолаш ресурсларни узоқ муддат фойдаланишда хисобга олиш табиий рекреация ресурсларининг ифодаловчи ва сакловчи ҳисобланган табиий ҳудудларнинг имкониятларидан фойдаланишга ва уни яхшилаш, такрор ишлаб чиқариш ва асрар, муҳофаза қилиш учун капитал қуйилмалар ажратиш, инвестициялаш ва бошқаларни иқтисодий асослаш учун зарур. Шу муносабат билан Ушбу ҳудудлардан қишлоқ хўжалиги, ререация, қурилиш ва бошқа йўналишларда фойдаланиш вариантлари иқтисодий самарадорлигини баҳолаш мухим аҳамиятга эга.

Дифференциал рекреация ренталарининг шаклланиши дам олиш ва туризмда фойдаланиш учун энг яхши ерларнинг чекланганлиги билан боғлиқдир. 1. Дифференциал рентанинг шаклланиши қишлоқ хўжалигидаги каби шунингдек уларнинг рекреация эҳтиёжлари жойларига нисбатан жойлашган ўрнининг фарқлари билан ўзаро боғлиқлиги орқали юзага келади.

2. Дифференциал рентанинг шаклланиши рекреациядан олинадиган даромадларни кўпайтириш мақсадида рекреация худудларининг қийматини ошириш учун қўшимча капитал қуйилмаларни сарфлаш билан боғлиқдир. Бир категория рекрентлар комфорт шароитларда дам олишни афзал кўрсалар, бошқалар учун осойишта дам олиш характерли, улар учун рекреация қийматларидан фойдаланиш пропорционал даражага эга.

### **13.5. Ўзбекистоннинг рекреация табиий ресурслари, улардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш.**

Ўзбекистон табиий ҳамда антропоген рекреация ресурсларига бойдир. Мамлакат ҳудудида дунёга донғи кетган тарихий шаҳарлар ва ёдгорликлар мавжуддир. Ўзбекистонда хилма-хил рекреация турларини ривожлантиришга мустаҳкам асос бўладиган рекреация крмпонентлари мавжуддир. Масалан, 200 дан ортиқ шифобахш иссиқ сувлар, шифобахш минерал сувлар, шифобахш балчиқлар, шифобахш тузлар ҳамда иқлим ресурслари шулар жумласидандир.

Ўзбекистон табиатининг рекреация қиймати унинг ҳудуд ландшафталрининг хилмағхиллиги билан белгиланади. Ўзбекистоннинг қуидаги табиий рекреация районларини ажратиш мумкин: Фарғона, Чирчиқ, Оҳангарон, Зарафшон, Мирзачўл, Қашқадарё, Сурхондарё ва бошқалар.

Истиқболда Ўзбекистон рекреация ресурсларининг имконияти ресурсларнинг тўла ўрганиш ва табиий рекреация имкониятига асосланиб мамлакатнинг турли қишлоқларида рекреация мажмуаларини барпо этиш муҳим муаммоларидан ҳисобланади.

#### **Бобнинг қисқача мазмуни.**

Рекреация ресурсларини пайдо бўлишига кўра, 2-хилга бўлинади: табиий рекреация ресурслари, антропоген рекреация ресурслари. Рекреация ресурслари инсонга ҳам рўхий, ҳам жисмоний озиқа берадиган ресурслардир. Ўзбекистон бу икки хил рекреация ресурсларига ҳам бой мамлакатлардан ҳисобланади. Рекреация ресурсларидан самарали фойдаланиш, рекреация инфратизимларини яратиш мустақиллик йиллари жадал ривожланмоқда.

Рекреация ресурсларидан фойдаланишда уларни иқтисодий баҳолаш муҳим аҳамиятга эга. Баҳолаш кўрсаткичлари, улардан амалиётда фойдаланиш бозор иқтисодиётида муҳим аҳамият касб этади.

#### **Таянч иборалар.**

Рекреация имкониятлари, рекреация инфратизумасини яратиш, рекреация ресурсларидан унимли фойдаланиш, табиий рекреация ресурслари, антропоген рекреация ресурслари, дам олиш, соғломлаштириш,

рухий озуқа, рентабиллик, рекреация ихтисослашуви, самарадорлигини ошириш, иқтисодий баҳолаш, туризмни ривожлантириш.

### **Назорат ва мулоҳаза саволлари.**

1. Рекреация имкониятлари деганда нимани тушунасиз?
2. Ўзбекистоннинг рекреация ресурсларидан қандай фойдаланилмоқда?
3. Рекреация ресурсларининг иқтисодий кўрсаткичлари деганда нималар тушунилади?
4. Рекреация ресурсларидан самарали фойдаланишнинг қандай муаммоларини биласиз?
5. Рекреация ресурсларини иқтисодий баҳолаш қандай амалга оширилади?
6. Ўзбекистоннинг қандай рекреация обьектларини биласиз?
7. Рекреация ресурсларининг экологик асоси нималарга боғлиқ?

### **Адабиётлар рўйхати.**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.Ўзбекистон , 1997.
2. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пироворд мақсадимиз.-Т-.: 2000.
3. Глушкова В.Г., Макар С.В. «Экономика природопользования» учебное-пособие М.: Гардораки 2005.
4. Холина В.И. «Основы экономики природопользования» Питер 2005.
5. Галыцин А.Н. «Основы промышленной экологии» Академия 2004.
6. Кормилицин В.И. и др. «Основы экологии» М. «Интерсталь» 2001.
7. Ҳаёт ва қонун-2002й. №5. 76 бет.
8. Эко-2003й. №26-27. июн. 6 бет.
9. Проблемы питьевого водоснабжения и экологии. Т. Университет. 2002.

### **Интернет сайтлар**

1. [www.vzfei.ru/rus/structure/platforms/aist/Vgak.htm](http://www.vzfei.ru/rus/structure/platforms/aist/Vgak.htm)
2. [www.meo.ru/ca](http://www.meo.ru/ca) [www.pskov.engec.ru/060801.html](http://www.pskov.engec.ru/060801.html)
3. [www.diomen.ru/second\\_education](http://www.diomen.ru/second_education)

## **14 – Боб. Муҳофаза қилинадиган табиий худудлар ва уларнинг экологик – иқтисодий муаммолари.**

### **14.1. Муҳофаза қилинадиган табиий худудлар тўғрисида тушунча.**

Табиат билан жамият ўртасидаги муносабатларнинг тобора кескинлашиб бориши, антропоген таъсирининг кучайиши таъсирида табиий мұхитда юз берәётган ўзгаришлар табиатни муҳофаза қилишни онгли ва

режали ташкил этишни тақозо этади. Шу муносабат билан алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тизимини ташкил этиш муҳим илмий амалий аҳамиятга эга. Улар бир неча типларни ўз ичига олади: қўриқхоналар, миллий табиий парклар, заказниклар, табиий ёдгорликлар, табиий ёдгорли парклар, табиатдаги музейлар, таъқиқланган ва муҳофаза зоналари, рекреация ҳудудлари. Улар у ёки бошқа даражада интенсив хўжалик фаолиятидан чиқарилган ҳудудлар бўлиб, улар турли даражада табиат муҳофазаси билан шуғулланади.

Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш, уларнинг нодир ва тугаб бораётган турларини сақлаб қолиш, сонини кўпайтиришда қўриқхона, халқ парклари, заказникларнинг аҳамияти каттадир. Дунёда муҳофаза қилинадиган ҳудудларнинг сони 20 мингдан кўпроқдир. БМТнинг тавсиясига кўра, ҳар бир мамлакатнинг камидаги 10% ҳудуди муҳофаза қилинадиган ҳудудлар бўлиши керак.

#### **14.2. Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг турлари ва уларни ташкил этиш принциплари.**

Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг асосий тури қўриқхоналардир. Уларнинг қуруқлик ва сув ҳавзасининг характерли табиий ландшафтлари Билан маълум бир табиий ҳудуд бўлиб, табиат муҳофазасининг энг самарали шаклидир. Қўриқхоналарнинг асосий вазифаси табиатни диққатга сазовор, қимматли ландшафтларини асрараш, сақлаш, муҳофазалашдан иборатдир.

Заказниклар алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг З-типи ҳисобланади. Уларнинг қўриқхоналардан фарқи табиат объектларидан ва уларнинг ресурсларидан хўжалик мақсадларида маълум мавсумларда табиатга зарар етказмасдан фойдаланишга рухсат берилади. Бир вақтнинг ўзида табиат объектларни ва уларнинг бўлимлари, айrim ҳайвон ва ўсимлик туралари муҳофаза қилинади.

Табиат ёдгорликларини кичик майдонни эгаллайдиган қимматли табиат объектлари: шаршаралар, геологик очилма қатламлар, ноёб ва тарихий қимматга эга дараҳтлар, ғорлар ва бошқа муҳофаза қилинадиган объектлар қаторига киради.

#### **14.3. Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларни лойиҳалаштириш.**

Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тизимини барпо этишни лойиҳалаштиришда қуйидаги принципларга амал қилиш мақсадга мувофиқ:

1). улар тизимини табиий мажмуаларнинг асосий бирлиги дарё ҳавзаларига келадиган йўналишда барпо этиш.

2). табиат муҳофазаси тизимини табиатнинг хилма-хиллигини акс эттирувчи тўлиқ спектрда барпо этиш.

3). табиат экологик йўлакларини барпо этиш.

4). миллий табиий парклар майдонини кенгайтириш ва уларнинг сонини кўпайтириш.

5). кенг майдонни эгаллайдиган узоқ муддатли заказникларни барпо этиш.

6). муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларда рекреация имкониятларидан фойдаланиш ва рекрация ролини ошириш ҳамда турли режимда фаолият қўрсатадиган ҳудудий рекреация тизимларини барпо этиш.

7). муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг кадастирини тузиш асосида лойиҳалаштиришни амалга ошириш.

#### **14.4. Ўзбекистоннинг муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларининг асосий хусусиятлари.**

Ўзбекистонда турли даражада муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг умумий майдони 20,6 минг км<sup>2</sup>

8-жадвал

#### **Ўзбекистон республикасининг муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлари.**

Расмий номи, ташкил этилган йили	Жойлашган манзили	майдони км <sup>2</sup>
1. Чотқол тоғ-ўрмон биосфера қўриқхонаси (1947 й.)	Тошкент вил. Оҳангарон ва Тошкент туманлари.	4516
2. Ҳисор тоғ арча (1983 й.)	Қашқадарё вилояти Яккабог ва Шаҳрисабз туманлари.	8143
3. Зомин тоғ арча (1926, 1960 й.)	Жиззах вилояти Зомин ва Бахмал туманлари.	268,4
4. Бадай тўқай текислик. Тўқай (1971)	Қорақалпоғистон республикаси, Беруний тумани.	64,6
5. Қизилқум тўқай, қум (1971)	Бухоро, Ромитан тумани, Хоразм Дўстлик тумани.	101,4
6. Зарафшон водий, тўқай (1979)	Самарқанд вилояти Булунғур ва Жомбой тумани.	
7. Нурота биосфера қўриқхонаси (1979)	Жиззах вилояти Фориш тумани.	177, 5

8.	Китоб геология қўриқхонаси (1987)	Қашқадарё вилояти Китоб тумани.	53,7
9.	Сурхон тоф-ўрмон (1987)	Сурхондарё вилояти Термиз ва Шеробод тумани.	276,7
	Жами		2274

9-жадвал

#### Давлат миллий парклари

	Расмий номи, ташкил этилган йили	Жойлашган манзили	майдони км <sup>2</sup>
1.	Зомин халқ парки (1976)	Жиззах, Зомин тум.	241,1
2.	Угом-Чотқол табиий миллий парки (1990)	Тошкент вилояти. Бўстонлик, Паркент, Оҳангарон тумани.	5745,9
	Жами		5987,0

10-жадвал

#### Ноёб ёввойи етишириш маркази.

	Расмий номи, ташкил этилган йили	Жойлашган манзили	майдон и км <sup>2</sup>
1	Жайрон экомаркази	Бухоро вилояти.	51,4
.			

11-жадвал

#### Давлат заказниклари.

	Расмий номи, ташкил этилган йили	Жойлашган манзили	майдони км <sup>2</sup>
1.	Арнасой (1983)	Жиззах вилояти.	663,0
2.	Қоракўл (1980)	Бухоро вилояти.	100,0
3.	Сайғоқ (1991)	Қорақалпоғистон респ.	10000,0
4.	Судочи (1991)	Қорақалпоғистон респ.	5000,0
5.	Сармиш (1991)	Навоий вилояти	25,2
6.	Қорақир	Бухоро вилрятни.	300,0

7.	Қарноб чўл	Самарқанд вилояти.	400,0
8.	Қўшработ	Самарқанд вилояти	165,0
9.	Денгиз кўл	Бухоро вилояти.	86,0

Жами

12-жадвал

### Давлат табиат ёдгорликлари.

	Расмий номи, ташкил этилган йили	Жойлашган манзили	майдони км <sup>2</sup>
1.	Варданзе (1975-1983)	Бухоро вилояти.	3,0
2.	Ёзёвон (1991)	Фарғона ва Наманганд вилояти	31,8
	Жами		34,8

Ҳозирги пайтда муҳофаза қилинадиган худудлар тизими таркибига умумий майдони 2164 км<sup>2</sup> 9 та давлат қўриқхонаси, майдони 6061 км<sup>2</sup> бўлган 2 та миллий парк, майдони 12186,5 км<sup>2</sup> бўлган 9 та давлат заказниклари, 1 та республика ноёб ҳайвонлари қўпайтириш маркази киради. Лекин муҳофаза қилинадиган худудларининг фақатгина 1,8 % зи узок муддатли хисобланади. Бу албатта етарли эмас.

Қўриқхоналар мамлакатнинг муҳофаза қилинадиган худудлари тизимини 10 % изини ташкил қиласди.

Миллий парклар яқин йилларда ташкил қилинган, 1976 йилда Уғом Чотқол миллий паркини ташкил қилиш билан. Миллий паркларлар муҳофаза қилинаётган жами худуднинг 30% зини ташкил қилинади.

Давлат заказниклари муҳофаза худудларини 39% изини ташкил қиласди.

### 14.5. Муҳофаза қилинадиган табиий худудларни ташкил этиш истиқболлари.

Муҳофаза қилинадиган худудлар тизими Ўзбекистон вилоятлари ва табиий экологик зоналар бўйича ниҳоятда нотекис жойлашган. Уларнинг асосий қисми Тошкент вилоятига тўғри келади.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, муҳофаза қилинадиган табиий худудлар минтақаларнинг умумий ривожланиш стратегиясининг элементига айланмаган. Уларнинг умумий майдони нормативлардан 3-6

марта камдир. Маълумки, биосферанинг ўз-ўзини тиклаш ва такрор ишлаб чиқариш хоссаларини сақлаб қолиш учун мамлакатлар ҳудудининг 10% дан 25 % гача муҳофаза қилинадиган ҳудудларга айлантириш керак.

XXI асрда муҳофаза қилинадиган ҳудудларни ривожлантириш фалсафаси ҳалқаро табиат муҳофазаси уюшмасининг тавсияларига кўра экологик барқарор йўлакларни барпо этишга, биохилма-хилликни сақлаб қолишга асосланиши лозим. Шунга мувофиқ Ўзбекистон республикасида алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг илмий асосланган тизимини барпо этиш энг муҳим экологик-иктисодий вазифалардан бири ҳисобланади.

### **Бобнинг қисқача мазмуни.**

Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар ҳар қандай мамлакат ҳудудини 10 % дан 25 % гача қисмини ташкил қилиши керак. Ўзбекистонда турли даражада муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг умумий майдони 20,6 минг км<sup>2</sup> ни ташкил этади. Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар: био хилма хилликни сақлаб қолиш, табиий экотизмни асраш, йўқолиб кетиши ҳавфи бўлган, ўсимлик ва ҳайвонат дўнёсини кўпайтириш, турли режимда фаолият кўрсатадиган ҳудудий рекреация тизимларини барпо этиш, табиат экологик йўлакларини барпо этиш каби вазифаларни ўз олдига мақсад қилиб олади. Дунёда муҳофаза қилинадиган ҳудудларнинг сони 20 мингдан кўпроқdir.

### **Таянч иборалар.**

Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар, “заказник “лар, биосфера кўриқхонаси, давлат табиат ёдгорликлари, ноёб ёввойи етиштириш маркази, давлат миллий парклари, экотизмлар, экотизм бардошлилик даражаси, кўпайтириш, қўриқлаш, ов қилишга рухсат бериш ёки тақиқлаш, ноёб ўсимлик ҳамда ҳайвон турлари.

### **Назорат ва мулоҳаза саволлари.**

1. Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар деб қандай ҳудудларга айтилади?
2. Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар неча ҳил бўлади?
3. Ўзбекистонда қанча муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар мавжуд.
4. Биосфера кўриқхонаси деб қандай табиий муҳофаза ҳудудларига айтилади.
5. Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар қандай вазифаларни бажаради?
6. “Заказник “ларнинг вазифалари нималардан иборат?
7. Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг, иқтисодий ахамиятини тушунтиринг.

8. Мухофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг экологик вазифаларини тушунтиринг.
9. Давлат табиат ёдгорликларининг вазифаларини айтинг.
10. Мухофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг халқаро нормативлар бўйича майдони қанча бўлиши керак, Ўзбекистонда бу кўрсаткич қанчани ташкил этади?

### **Адабиётлар рўйхати.**

1. Глушкова В.Г., Макар С.В. «Экономика природопользования» учебное-пособие М.: Гардораки 2005.
2. Холина В.И. «Основы экономики природопользования» Питер 2005.
3. Галыцин А.Н. «Основы промышленной экологии» Академия 2004.
4. Кормилицин В.И. и др. «Основы экологии» М. «Интерсталь» 2001.
5. Ҳаёт ва қонун-2003й. №4. 38 бет.
6. Жамият ва бошқарув-2003й. №1. 65 бет.
7. Проблемы питьевого водоснабжения и экологии. Т. Университет. 2002.

### **Интернет сайтлар**

1. [www.meo.ru/ca](http://www.meo.ru/ca) [www.pskov.engec.ru/060801.html](http://www.pskov.engec.ru/060801.html) (2005 й)
2. [www.diomen.ru/second\\_education](http://www.diomen.ru/second_education) (2005 й)
3. [www.kemtipp.ru/cgi-bin/show.pl?f=depart/management-kaf](http://www.kemtipp.ru/cgi-bin/show.pl?f=depart/management-kaf) (2005 й)
4. <http://www.murman.ru> (ecology)comitet (2005 й)

## **15 – Боб. Ҳудудларнинг табиий ресурс мажмуаларидан фойдаланиш ва уларни мухофаза қилиш**

### **15.1. Ҳудудлар табиий ресурс мажмуалари тўғрисида тушунча.**

Ҳудудий табиий ресурслар турли миқёсдаги геотизимлар ёки табиий ҳудудий мажмуаларнинг ресурслари бўлиб, улар маълум ҳудудлардаги, барча турдаги табиий ресурсларнинг ўзаро боғлиқ мажмуасидир, яъни интеграл ресурслардир. Улар кўп босқичли, ҳудудий тизим тизимларининг таркибий қисмлари табиат мажмуалари, геотизимлар, ландшафтлар ва уларнинг компонентларининг турли табиий ресурсларини ўз ичига олади. Ҳар бир табиий мажмуанинг нисбатан бир хил ва ўхшаш табиий ресурс мажмуаси бўлиб, уларни ўзлаштириш ва улардан фойдаланиш ўйналишларининг ҳам ўхшаш бўлишига сабаб бўлади. Табиий мажмуаларнинг ички яхлитлиги ва уларнинг таркибига кирувчи компонентларининг ўзаро алоқалари айrim табиий ресурслардан фойдаланиш мақсадида амалга ошириладиган техник иқтисодий таъсирининг занжирли реакциясининг содир бўлишига олиб келади. Шу муносабат билан табиий мажмуа халқ хўжалиги обьекти тизими ўртасидаги ўзаро таъсирининг ижобий ва салбий оқибатларини ҳар

томонлама ҳисобга олиш, ҳудудий табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишининг асосий шартидир. Табиий мажмуаларнинг алоҳида хусусиятларини ҳисобга олиш, бир қаторда уларнинг ҳудудий ресурсларининг боғланмалари хусусиятларини ҳам чуқур билишни талаб қиласди.

### **15.2. Ҳудудий табиий ресурс мажмуаларининг асосий экологик-иктисодий кўрсаткичлари.**

Ҳудудларнинг табиий ресурслари табиат мажмуаларининг элементлари бўлиб, улар ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари шаклланиши ва ривожланишининг табиий базаси бўлиб хизмат қиласди. Уларнинг шаклланишида ҳудудлардан ва уларнинг ресурсларидан кўп мақсадли йўналишда фойдаланиши ҳисобга олиб ва тармоқларни ривожлантиришни оптимал инфратизимни барпо этиш, табиий ландшафтларни сақлаш ва асрар, яхшилаш вазифалари Билан боғлаб олиб бориш. Ҳудудий табиий ресурслардан тармоқлар бўйича фойдаланишдан ҳудудий фойдаланишининг устиворлигини таъминлаш муҳимдир. Бунда ҳудудларнинг сифат кўрсаткичлари ва уларнинг ресурслардан фойдаланиш имкониятларининг ҳар хиллиги ҳисобга олинади.

Ҳудудларнинг сифати, иқлим шароити, орографияси, сув ресурслари, биологик ресурслар, фойдали қазилмалар, сейсмик шароитлар ва бошқалар билан белгиланади. Ердан фойдаланиш имкониятлари, унинг тизими, кўрсаткичлари билан характерланади. Аҳоли сони ва зичлиги ҳудудларнинг умумий иқтисодий баҳолашнинг муҳим кўрсаткичи бўлиб, у билан бошқа иқтисодий кўрсаткичлар (ички ялпи маҳсулотнинг аҳоли жон бошига тақсимланиши ва бошқлар) узвий боғлиқдир.

Ҳудудий табиий ресурсларнинг ҳолати ва улардан фойдаланишининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари қуидагилар: биоиқлим имконияти, тоғлилик даражаси (% да), сув ресурслари билан таъминланиши, аҳоли зичлиги ( $1 \text{ км}^2$  га сони), шудгорлаш даражаси (% да), ўрмонлар (% да), қишлоқ хўжалигига фойдаланилаётган ерлар (% да).

Бундан ташқари ҳудудлар бўйича (маъмурий – ҳудудий бирликларда) ресурс турлари (ёқилғи, гидроэнергия, фойдали қазилмалар, ер, сув ва бошқалар) ва улрни ўзлаштриш шароитлари (транспорт билан таъминланиш, инфратузилманинг бор йўқлиги, ўзлаштриш даражаси, иқлим шароити, истеъмолчидан узоқ яқинлиги, маҳсулот ишлаб чиқариш ва бошқалар) кўрсаткичларидан ҳам фойдаланиш мумкин.

### **15.3. Ҳудудлар табиий ресурс мажмуаларини иқтисодий баҳолаш.**

Худудлар табиий ресурс мажмуаларини иқтисодий баҳолашда ундаги барча ресурсларнинг тупроқ, биологик ресурслар, фойдали қазилмалар, сув ресурслари ва бошқаларнинг ҳудудий боғланмалари биргаликда ҳисобга олинади. Худудлардан хўжалик объектларини жойлаштириш орқали фойдаланишда инфратузилмани барпо этиш харажатлари, коммуникациялар мавжудлиги билан боғлиқ бўлган объект қурилиши харажатларини тежаш, саноат мақсадлари учун ердан фойдаланишни муносабати, табиий муҳитга заарни таъсири ҳисобланади. Худудларни иқтисодий баҳолашда қуйидаги формула қўлланилади:

$$X = IM + T + B + Z/V$$

Бунда  $X$ - хўжалик обьекти учун ажратилган ҳудуднинг иқтисодий баҳоси, сўм;  $I$  – гектар ерда инфратузилмани барпо этишнинг фактик харажатлари, сўм;  $M$  – хўжалик обьекти учун ажратилган майдон (уй-жой, муассасалар билан биргаликда), гектар;  $T$  – ҳудудни умумий ўзлаштириш билан боғлиқ харажатларини тежаш, сўм;  $B$  – ҳудудлардаги ресурслардан самарали фойдаланиш йўналишида ҳудуднинг иқтисодий баҳоси, сўм;  $Z$  – табиий муҳитга хўжалик обьекти етказадиган заарнинг ҳажми, сўм;  $V$  – вақт омилининг 0,06 га тенг коэффициенти.

Ушбу формула орқали ҳисобланган пул миқдори ажратилган ҳудуд учун тўлов сифатида ундирилади. Вариантларни такқослагандаги қурилишга сарфланадиган харажатларга грунтнинг турли сифатларининг таъсири ҳам қўшимча ҳисобланади.

Ҳудудларнинг табиий ресурсларини иқтисодий баҳолашда уларнинг боғланмалари хусусиятларидан халқ хўжалигининг турли тармоқларида фойдаланиш ҳам ҳисобланади (саноат, қишлоқ хўжалиги, рекреация ва бошқалар).

#### **15.4. Ўзбекистоннинг ҳудудий ресурс мажмуаларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш.**

Ўзбекистоннинг хилма-хил ва бой табиий ресурс имконияти ички эҳтиёжларни ва экспортни таъминлашга имкон беради. Мамлакатнинг умумий минерал хом ашё имконияти 3,3 триллион АҚШ долларидан ортиқроқ баҳоланмоқда. Республика ноёб ёқилғи энергетика ресурслари, рангли металлар, қурилиш материаллари, нодир металлар, фосфоритлар, калий ва ош тузи конларига ниҳоятда бой. Ўзбекистон ер, сув, биологик ресурсларнинг етарли имкониятига эга. Табиий ресурс имкониятининг нотекис жойлашганлиги ўзлаштиришни қийинлаштиришга сабаб бўлади. Бозор иқтисодиёти шароитида табиий ресурслардан ноунимли фойдаланиш хавфи ортиб бормоқда, яъни исрофгарчиликнинг қўпайиши, самарадорлигининг пасайиши, тежамкорликнинг йўқолиши кабилар.

Ҳозирги пайтда худудларнинг табиий ресурс боғланмалари имкониятларидан тўла ва самарали фойдаланиш биринчи навбатда нефт, газ, кўмир, рангли металлар, кимёвий хом ашёдан мажмуа фойдаланиш, ресурсларни қазиб олиш ва қайта ишлашда замонавий самарали технологияларни кенг қўллаш, ер ости бойликларини муҳофаза қилиш муҳим вазифадир.

Худудлар табиий ресурсларидан унимли фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилиш бозор муносабатлари шароитида бошқаришнинг самарали механизмини, иқтисодий рағбатлантириш усулларини қўллашни тақозо этади. Бунда асосий эътибор табиатдан фойдаланишни минтақавийлаштириш, худуд ресурсларини максимал ҳисобга олиш зарурдир. Экологик-иқтисодий нуқтаи назаридан табиий муҳит ҳолатини ифлослантирувчи манбаларини назорат қилиш, замонавий технологик жараёнларни қўллаш, чиқиндиларни камайтириш ва қайта ишлаш ҳамда табиий муҳитга таъсирини башоратлаш муҳим аҳамиятга эгадир.

### **Бобнинг қисқа мазмуни.**

Худудлар табиий ресурс мажмуалари деганда маълум худуднинг барча ресурслари тушунилада. Улардан фойдаланишда мажмуа фойдаланишни йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистоннинг менирал хом ашё имконияти 3,3 АҚШ долларида баҳоланмоқда, бундан ташқари, ер, сув, ўсимлик, ҳайвон, иқлим ресурслари ҳам биргаликда худудларимизни табиий ресурс мажмуалари таркибига киради. Ушбу ресурслардан фойдаланишда, биттасидан фойдаланиб иккинчисини фойдаланишга яроқсиз холга тушурмаслик керак. Бундан ташқари фойдаланишда самарадарлигига, тўлиқ фойдаланиш яъни исрофгарчиликка йўл қўймаслик керак. Экологик-иқтисодий нуқтаи назаридан табиий муҳит ҳолатини ифлослантирувчи манбаларини назорат қилиш, замонавий технологик жараёнларни қўллаш, чиқиндиларни камайтириш ва қайта ишлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Табиий муҳитга таъсирини башоратлаш, табиий ресурслар ресурсини аниқлаш, фойдаланишни узоқ муддатли ва қисқа муддатли режалаштириш ҳам муҳимдир.

Худудлар табиий ресурс мажмуаларидан, фойдаланишнинг иқтисодий механизмини яратиш чет эл тажрибаларини ўрганиш ва қўллаш мамлакатимиз олдида турган мўҳим вазифадир.

### **Таянч иборалар.**

Худудлар табиий ресурс мажмуалари, фойдаланишнинг иқтисодий механизми, мажмуа фойдаланиш, экологик-иқтисодий кўрсаткичлар, ишлаб чиқаришни худудий ташкил қилиш, худудлар табиий ресурс мажмуаларини муҳофаза қилиш, ишлаб чиқариш кўчларини жойлаштириш, саноат, қишлоқ хўжалиги, рекреация.

### **Назорат ва мулоҳаза саволлари.**

1. Ҳудудлар табиий ресурс мажмуалари деганда нимани тушунасиз?
2. Ҳудудлар табиий ресурс мажмуалари қандай иқтисодий аҳамиятга эга?
3. Ҳудудлар табиий ресурс мажмуалари қандай экологик аҳамиятга эга?
4. Ҳудудлар табиий ресурс мажмуаларини иқтисодий баҳолаш қандай амалга оширилади?
5. Ҳудудий ресурс мажмуаларидан фойдаланишда нималарга этибор бериш зарур?
6. Ҳудудий ресурс мажмуаларидан фойдаланишнинг иқтисодий механизми деганда нимани тушунасиз?
7. Ҳудудий табиий ресурс мажмуаларининг асосий экологик-иқтисодий кўрсаткичларини айтиб беринг.
8. Ҳудудий табиий ресурс мажмуаларидан фойдаланиш инфратузилмаси деб нимага айтилади.
9. Ишлаб чиқаришни худудий ташкил қилишда нималарга этибор берилиши керак?
10. Ўзбекистонда худудий табиий ресурс мажмуаларидан фойдаланиш қандай амалга оширилқоқда?

### **Адабиётлар рўйхати.**

1. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.: 2001.
2. Алимов Т.А., Хаскин В.В. Экология. Учеб.пособ. М., 1998.
3. Глушкова В.Г., Макар С.В. «Экономика природопользования» учебное-пособие М.: Гардораки 2005.
4. Холина В.И. «Основы экономики природопользования» Питер 2005.
5. Проблемы питьевого водоснабжения и экологии. Т. Университет. 2002.
6. Кудрявцева О.В. Экологический аудит. МГУ: 2000.
7. Муравы А.И. Экологический менеджмент: системно – институциональный подход. Москва. Акад. М: РАГС. 2000.

### **Интернет сайтлар.**

1. <http://eclinic.freene.uz>, (2005 й)
2. <http://www.grida.no.soe-> (2005 й)
3. <http://ecoinform. freenet.uz> (2005 й)
4. <http://aqua. freenet.uz> (2005 й)
5. E-mail: [ecolog@freenet.uz](mailto:ecolog@freenet.uz) (2005 й)

**16 – Боб. Минтақа табиатидан фойдаланиш ва ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш.**

## **16. 1. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш түғрисида тушунча.**

Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш айрим районлар табиий ижтимоий ва иқтисодий шароитларига мос ҳолда ишлаб чиқаришни ҳудудлар бўйича тақсимлашнинг динамик (ўзгарувчан) ҳолатини белгилайди ва унинг хусусияти маълум ижтимоий – иқтисодий шароитда шаклланган ҳудудий меҳнат тақсимоти билан белгиланади.

Ишлаб чиқариш кучлари тушунчаси аҳолини ишлаб чиқариш воситалари ва қуролларини ўз ичига олади. Шу сабабдан Ушбу тушунча аҳоли яшаш манзилларининг жойлашиши ва ишлаб чиқаришнинг (саноатнинг жойлашиши, қишлоқ хўжалиги, ноишлаб чиқариш тармоқлари, транспорт, иқтисодий алоқаларнинг жойлашиши ва бошқалар) акс эттиради.

Ишлаб чиқаришни жойлаштиришнинг муҳим омилларидан бири табиий муҳит ва унинг ресурслари бўлиб, улар маълум ҳудуд табиатининг ўзига хослиги ва табиий ресурс имконияти орқали ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришга бевосита таъсир кўрсатади. Айнан бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқаришни ҳудудий жойлаштириш табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофазалаш энг муҳим вазифалардан биридир.

### **16.2.Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш.**

Бозор иқтисодиётининг шаклланиши ва ривожланиши шароитида ишлаб чиқариш кучларини самарали жойлаштириш алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, у ишлаб чиқаришнинг катта самара бериши, ҳудудларнинг табиий ресурс имкониятидан тежаб тергаб фойдаланиш асосида максимал фойда олиш, аҳоли яшашининг нормал экологик шароитини сақлаш ва яхшилашни таъминлайди. Бунда айниқса табиий ресурслардан мажмуа фойдаланиш, хом ашё ва ёқилғини қайта ишлашда чиқитсиз технологияларни қўллаш катта аҳамиятга эга. Минтақаларнинг табиий шароит ва ресурсларини ҳар томонлама ҳисобга олиб бутун хўжалик тизимини қайта қуриш, иқтисодиётни ижтимоийлаштириш, айрим минтақавий иқтисодий ривожланиш даражасини тенгглаштириш муҳим аҳамиятга эга. Хўжаликнинг ҳудудий тизимини такомиллаштириш, ҳар бир ҳудуд ва районни ижтимоий ва иқтисодий ривожланишини бир-бирига боғлаб олиб бориш хўжалик мажмуасидаги ўзаро таъсирининг яхшилашига, минтақаларнинг мажмуа ривожланишига, ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари ва саноат тугунларининг шаклланишига табиий ва иқтисодий ресурсларини унимли ўзлаштиришга йўналтирилиши лозим.

Янги иқтисодий шароитда ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришда қуйидаги асосий принциплардан фойдаланиш муҳимдир:

- ишлаб чиқаришни хом ашё, ёқилғи, истеъмолчи ва энергия манбалариға яқинлаштириш;
- энг самарали табиий ресурс турларини биринчи навбатда ўзлаштириш ва улардан мажмua фойдаланиш;
- экологик вазиятни соғломлаштириш, табиатдан унимли фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилишнинг самарали тадбирларини амалга ошириш;
- табиатдан фойдаланишда халқаро меҳнат тақсимоти имкониятларидан кенг фойдаланиш.

Ҳозирги пайтда табиатдан фойдаланишни бошқариш тизимини такомиллаштириш энг муҳим муаммо ҳисобланади. Шу муносабат Билан табиатга етказиладиган заарга ва унга масъулиятсизлик билан муносабатда бўлишга, экологик ифлослантирувчи маҳсулотларни ишлаб чиқаришга йўл қўймаслик. Экологик муҳитни соғломлаштириш, табиатдан самарали фойдаланишга эришиш учун қўйидагиларга эътибор бериш керак:

- ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва жойлаштришни минтақалар ва экотизимлар бўйича экологик чеклаш тизимининг қонунчилик ва нормативларига амал қилиш;
- экологик соғломлаштириш, табиий ресурслардан унимли фойдаланиш ва уларни тақрор ишлаб чиқаришга йўналтиришни рағбатлантирувчи экологик солиқ ва тўловлар тизмини қўллаш;
- табиий ресурслар истеъмоли лимити, ифлослантирувчи моддаларни, чиқитларни атроф муҳитга чиқариш ва ташлаш, жойлаштириш лимитини, шунингдек табиий ресурслардан самарали ва мажмua фойдаланиш кўрсаткичларини ишлаб чиқиши.

### **16.3. Табиатдан фойдаланиш ва табиатга таъсирининг характеристики бўйича ишлаб чиқариш кучларининг классификацияси.**

Маълум худудларининг ишлаб чиқариш кучларини ривожланиш даражаси унинг тизими табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишга катта таъсир кўрсатади. Ишлаб чиқариш тизимининг табиий муҳит ва одамлар саломатлигига (бошқа шароитлар бир хиллигига) катта таъсирини қўйидаги факт тасдиқлайди. М.Я.Лемешев маълумотларига кўра, тахминан бир хил уй- жой шароитлари ва медицина хизмати, транспорт даражасига эга бўлган 10 та шаҳардан 5 тасида экологик хавфли корхоналар жойлашганлиги сабабли ўлим бошқа ҳаво ва сув нисбатан тоза шаҳарларга нисбатан уч марта кўп бўлган. Биосфера ва одамларга айниқса иссиқлик энергетикаси, рангли металлургия, кимё саноати ва бошқалар катта салбий таъсир кўрсатади.

Минтақалар хужалигининг хар хил жойлашуви табиатдан фойдаланиш ва табиатга таъсир кўрсатиш даражаси ҳам ҳар хил бўлишини

ишлиб чиқариш кучларини жойлаштириш муаммолари ечимини топишда ва уларнинг ривожлантиришда ҳар томонлама ҳисобга олиш лозим.

#### **16.4. Ўзбекистон худудларида табиатдан фойдаланиш ва ишлиб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг истиқболли йўналишлари.**

табиий ресурсларни такор ишилб чиқариш ва уларни қайта тиклаш йил сайин тобора қийинлашиб бормоқда, шунинг учун мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларга кўпроқ тежамкорлик ва эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, уларни асрар ва муҳофаза қилиш муҳим вазифадир. Табиий ресурслар имкониятидан тўла фойдаланиш, тайёр маҳсулот ишилб чиқаришга ўтиш, маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини жаҳон бозори талаблари даражасига етказиш зарур.

Тармоқлар ичидағи ва ҳудудий жиҳатдан вужудга келган номутаносибликларни бартарф этиш, Республика ҳудудида ишилб чиқариш кучларини жадал ривожлантириш, оқилона жойлаштириш ҳамда табиий ресурс имкониятидан тўла фойдаланшнинг истиқболли йўналишлари қўйидагилар:

- ишилб чиқариш ҳудудларининг табиий ресурс имкониятини тўла ҳисобга олиб самарали жойлаштириш;
- табиий ресурс потенциалидан мажмуа фойдаланиш асосида минтақалар хўжалигини мажмуа ривожлантириш;
- Республика экологик-иқисодий районларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолад улар ўртасида унимли ҳудудий меҳнат тақсимотини амалга ошириш.

#### **Бобнинг қисқа мазмуни.**

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳам ишилб чиқариш кучларини жойлаштириш ўзининг долзаблигини йўқотмайди. Ишилб чиқариш кучларини жойлаштириш давлат томонидан узок муддатли стратегик режалаштириш орқали амалга оширилади. Ишилб чиқариш кучларини жойлаштиришда бир қанча омилларлардан фойдаланилади: истимолчи омили, инфратузулма омили, тарихийлик омили, транспорт омили, ёқилғи омили, хомашё омили, меҳнат ресурси омили, малакали меҳнат ресурси омиллари каби. Ишилб чиқариш кучларини жойлаштириш энг аввала табиий ресурсларга боғлиқ бўлиб, мамлакатнинг ихтисослашиш тармоқларини ҳам белгилаб беради. Ишилб чиқарарувчи кучларни максимал даражада ижобий жойлаштириб бўлмайди, лекин ҳар бир мамлакат бунга ҳаракат қиласи, чунки ишилб чиқарарувчи кучларнинг қандай жойлашуви иқтисодиётда нихоятда катта аҳамиятга эга. Ўзбекистон худудларида ҳам табиатдан фойдаланишни яхшилаш мақсадида, табиий ресурслардан самарали фойдаланиш мақсадида, ишилб

чиқариш кучларининг жойлаштириш доимо ўз долзарбилигини йўқотмайди.

### **Таянч иборалар.**

Ишлаб чиқариш кучлари, экологик-иқисодий район, тармоқлар, ишлаб чиқариши ташкил қилиш, ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш кучларининг классификацияси, табиий ресурслардан фойдаланиш, башоратлаш, режалаштириш, лойихалаш, худудларнинг табиий ресурс имконияти, комплекс фойдаланиш, ишлаб чиқариш кучларининг жойлаштириши принциплари, самарадорлик

### **Назорат ва мулоҳаза саволлари.**

1. Ишлаб чиқариш кучларига нималар киради?
2. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш қандай омилларини биласиз?
3. Табиатдан фойдаланишда, ишлаб чиқариш кучларини номақбўл жойлаштириш деганда нимани тушунасиз?
4. Ўзбекистон худудларида табиатдан фойдаланиш ва ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг йўналишларини тушунтиринг?
5. Ишлаб чиқариш кучларининг классификациясини тушунтиринг?
6. Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва табиатдан фойдаланишни ўзига хосхусусиятини тушунтиринг?
7. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг истиқболли йўналишларини тушунтиринг?

### **Адабиётлар рўйхати.**

1. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.: 2001.
2. Холина В.И. «Основы экономики природопользования» Питер 2005.
3. Галыцин А.Н. «Основы промышленной экологии» Академия 2004.
4. Кормилицин В.И. и др. «Основы экологии» М. «Интерсталь» 2001.
5. Проблемы питьевого водоснабжения и экологии. Т. Университет. 2002.
6. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси-2004й. №9-10. 49 бет.
7. Ҳаёт ва қонун-2002й. №5. 76 бет.
8. Жамият ва бошқарув-2003й. №1. 65 бет.

### **Интернет сайтлар.**

1. [www.kutp.gubkin.ru/ucheba2.htm](http://www.kutp.gubkin.ru/ucheba2.htm)
2. [www.vzfei.ru/rus/structure/platforms/aist.htm](http://www.vzfei.ru/rus/structure/platforms/aist.htm)
3. [www.vzfei.ru/rus/structure/platforms/aist/Vgak.htm](http://www.vzfei.ru/rus/structure/platforms/aist/Vgak.htm).
4. [www.meo.ru/ca/www.pskov.engec.ru/060801.html](http://www.meo.ru/ca/www.pskov.engec.ru/060801.html)

## **17 – Боб. Минтақада табиатдан фойдаланиш ва уни мухофаза қилишни бошқариш.**

### **17.1. Табиатдан фойдаланишни бошқариш тўғрисида тушунча.**

Табиатдан фойдаланишни бошқариш табиат тизимининг барқарорлигини сақлаб қолиш мақсадида уларни тартиб солиш амалга ошириладиган тадбирлар мажмуасидир. Бошқаришнинг асосий мақсади экологик ҳавфсизлик ва барқарор ривожланишни тамиллашдир.

Бошқариш тизимини характеристи биринчинавбатда қўйилган мақсад Билан белгиланиб, уконкрит худудларнинг таърифига боғлиқ. бу эса табиатдан фойдаланиш хусусиятига таъсир кўрсатади ва табиатдан фойдаланишни бошқариштизимини минтақалаштиришни талаб этади. Шунингдек бошқариш унинг услубларига ҳам боғлиқ бўлиб, улар эса ахборот ва норматив –хуқуқий таъминлаш тизими билан белгиланади.

Бошқариш тизимини ташкил этиш қўйидагиларни ўз ичига олади:

- экологик сиёsatни шакилланиши;
- экологик сиёsatни мақсад ва вазифаларини аниқлаштириш, устивор йуналишларни белгилаш;
- табиатдан фойдаланишни стратегиасини ишлаб чиқиш;
- бошқариш услубларини танлаш;
- табиатдан фойдаланишни бошқариш ахборот ва норматив-хуқуқий таъминлашни барпо этиш;
- табиатдан фойдаланиш соҳасини таъминлаш учун институционал инфратузилмани барпо этиш;

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, табиатдан фойдаланишни бошқариш экология ёки табиий жараёнларни эмас, балки маълум худудларнинг табиий тизимларидағи одамларнинг ҳаратларини ва фаолиятини бошқаришни билдиради.

### **17.2. Ўзбекистонда экологик сиёsatнинг асосий йуналишлари.**

Экологик сиёsat атроф табиий муҳитга нисбатан амалга ошириладиган сиёsat бўлиб, у экологик мақсадларни амалга оширишга йўналтирилган.

Экологик сиёsat 4 та даражада таркиб топади:

- 1). ҳалқаро глобал экосиёsat;
- 2) ҳудудий экосиёsat;
- 3) миллий экосиёsat;
- 4) локал экосиёsat.

Ўзбекистонда экосиёsat мамлакат бўйича, сўнгра вилоятлар ва туманлар бўйича уларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб Ушбу соҳада устивор йуналишларни белгилайди. Бу сиёsat худудлар экологик –

иқтисодий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади ва улар қуидагиларни ҳар томонлама ҳисобга олади: мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ва жойлаштириш муаммосини ҳал этишда конкрет худуднинг экологик ва табиий географик хусусиятларини ҳисобга олиш; ахолининг генетик саломатлигини асраш; мамлакатнинг табиий ресурс имкониятидан унимли фойдаланиш; биохилма-хилликни асраш ва сақлаш.

Экосиёсат доирасида стратегик мақсадларни амалга ошириш учун ҳаракат қилишнинг конкрет йўналишлари ишлаб чиқилади. Масалан, табиат муҳофазаси қонунлар, экологик нормативлар, халқаро стандартларга ўтиш, самарали бошқарув органлари тизимини шакллантириш ва бошқалар.

Экосиёсатнинг амалга ошириш механизми ва аниқ усуслари. 40 дан ортиқ экосиёсат инструментлари бор.

Улар фискал ва фискал бўлмаган турларга бўлинади. Фискал бўлмаган инструментларга масалан, табиат муҳофазасини хуқуқий таъминлаш: экологик нормалаштириш, экологик таълим ва бошқалар. Фискал инструментлар (молия билан бевосита боғланган) 2 турга бўлинади:

- давлат даромадлари билан боғланган, яъни табиатдан фойдаланишини лицензиялаш, солиқлар ва ҳоказо;
- давлат харажатлари билан боғланган, яъни инвестициялар, илмий тадқиқот ишлар ва ҳоказо.

Ўзбекистонда давлат экосиёсатини амалга оширишнинг муҳим механизмлари қуидагилар: хуқуқий, маъмурий, иқтисодий ахборот.

### **17.3. Табиатдан фойдланишини бошқаришнинг ҳуқуқий асослари.**

Мамлакатда ҳаракатда бўлган экологик ҳуқуқ тизими тизими объектлар бўйича табиатдан фойдаланиш, уни муҳофазалаш ва экологик хавфсизликни таъминлашни ҳуқуқий тартибга солишни қамраб олади. Уларнинг таркибиغا қуидаги экологик қонунлар киради “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Экологик экспертиза тўғрисида”, “Алоҳида муҳофаза қилинадиган худудлар тўғрисида”, ер кодекси, сув кодекси, ўрмон кодекси, “Ер ости бойликлари тўғрисидаги қонун” ва ҳ.к. қонунлар қабул қилинган.

Давлат миқёсида уларга шу соҳадаги президент фармонлари, ҳукумат қарорлари, идораларнинг инструкциялари ва услубиятлар, ижроия ҳокимият қарорлари ва бошқалар киради.

Экологик қонунчилик тизимининг асосий қонуни табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда қонунлар экологик ҳуқуқбузарлик учун қуидаги жавобгарлик турлари белгиланади: интизомий, моддий, маъмурий, жиноий.

## **17.4. Табиатдан фойдаланишни бошқаришнинг давлат институционал механизми.**

Табиатни бошқаришга давлат ҳокимиятининг барча бўғинлари қонун чиқарувчи, ижроия, суд ҳокимияти бевосита алоқадор. Уларнинг ҳар бири ўз функцияларини бажаради ва табиатдан фойдаланишни бошқариш бўйича маҳсус бўлимларга эга.

Қонун чиқарувчи ҳокимият ваколатига: давлат экологик сиёсатининг асосий йўналишини белгилаш; республика экологик дастурларини тасдиқлаш, табиий муҳитни бошқариш соҳасида фаолият кўрсатувчи органлари фаолиятини ташкил этиш, табиий ресурслардан фойдаланиш ва хавфсизлигини таъминлаш тартибини белгилаш; фавқулодда экологик вазият в экологик ҳалокат худудларининг ҳуқуқий тизимини таъминлаш ва бошқалар. Қонун чиқарувчи ҳокимият Олий Мажлис таркибида табиатдан фойдаланиш ва табиий ресурслар бўйича қўмитага эга.

Ижроия ҳокимият ваколати экология сиёсатини амалга ошириш, экологик дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, табиат муҳофазаси бўйича вазирликлар ва муассасалар фаолиятини координациялаш, табиий муҳитга таъсир кўрсатишнинг нормативларини тасдиқлаш, табиатдан фойдаланиш тўловлари тартибини белгилаш, алоҳида муҳофаза қилинадиган худудларни ташкил этиш, экологик таълим ва бошқалар киради.

Ижроия ҳокимияти таркибига табиат муҳофазасини бажаравчи ва табиатдан фойдаланувчи қўйидаги бўлинмалар киради: ер ресурслари ва ер тузиш қўмитаси, ўрмон хўжалиги қўмитаси, гидрометеорология ва атроф муҳит мониторинг хизмати, геология қўмитаси, қишлоқ хўжалик вазирлиги ва бошқалар.

Табиат муҳофазаси бўйича маҳсус ваколатли асосий органларига табиат компетенциясига қўйидагилар киради: табиат муҳофазаси соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш; экологик хавфсизлик, биологик хилма-хилликни асрар, экологик назорат, давлат экологик экспертизаси, ўз ихтиёридаги давлат қўриқхоналари ва бошқа алоҳида муҳофаза қилинадиган худудларни бошқариш.

Табиатдан фойдаланишни бошқариш тизими экологик прокуратура, маҳсус ихтисослашган ички ишлар бўлинмалари, суд ҳокимияти иштирок этади.

## **17.5. Табиатдан фойдаланишни маъмурий тартибга солиш.**

Маъмурий тартибга солиш қатор бошқариш услубларини қамраб олади ва улар қаторига қўйидагилар киради: атроф муҳит сифати стандарти; табиий муҳитга таъсир кўрсатиш стандарти, тўғридан тўғри

таъкиқлаш, технологик стандартлар, маҳсулот сифати стандарти, экологик сертификатлар, рухсатнома ва лицензиялар.

Экологик стандартлар тизими барча объектлар учун бошқаришнинг бир хил ва мажбурий норма ва талабларини қўллаш ва ўрнатишни билдиради ва экологик нормалаштиришга асосланади.

Атроф муҳитнинг сифати стандартлари гигиеник нормаларга асосланади ва заарали моддаларнинг йўл қўйиш мумкин бўлган йиғиндиси (ЙҚМБК) ёки йўл қўйиш мумкин бўлган дозалар (ЙҚМБД) тушунчаларидан фойдаланилади.

Атроф муҳитга таъсир кўрсатиш стандартлари ЙҚМБК асосида аниқланади. Улар йўл қўйиш мумкин бўлган эмиссия (йўл қўйиш мумкин бўлган чиқариш – ЙҚМБЧ, йўл қўйиш мумкин бўлган қўйиб юбориш – ЙҚМБҚ) аниқ нуқта манбаларидан малум моддаларни чиқариш ва қўйиб юборишни билдиради.

Технологик стандартлар технология ва тозалашга маълум талаблар қўяди. Маҳсулот сифати стандарти тайёр маҳсулотлар сифатига талабларни белгилайди.

Тўғридан тўғри таъкиқлаш ёки чеклаш норма ва стандартларни тартибга солади ва айборларга маъмурий таъсир кўрсатади. Экологик сертификат ёки лицензиялар экологик бехатар фаолият Билан шуғулланишга ҳуқук беради. Рухсатнома ва лицензиялар узоқ муддатли ёки бир марта бериладиган бўлиши мумкин.

Экологик нормалаштириш давлат стандарти ва тармоқ стандартларига асосланади.

Бошқаришнинг маъмурий – назорат услублари давлат экологик экспертизаси ва давлат инспекцияси назоратини ўз ичига олади. Экологик экспертиза хўжалик фаолиятининг экологик талабларга мос келиши ёки келмаслигини аниқлайди ва у йўл қўйиш мумкин бўлган хавф ва таваккалчиликка асосланади, бу таваккалчиликни бошқаришга йўналтирилади. Экологик экспертиза икки хил - давлат ва ижтимоий экспертизага бўлинади. Давлат инспекцияси экологик назорати табиий муҳит ҳолатини кузатиш ва назорат қилиш республика ягона тизими тартибига киради. Унинг вазифаси: табиий муҳит ва табиий ресурсларни такрор ишлаб чиқариш ва соғломлаштириш ҳолатини назорат қилиш, ифлослатиравчи манбаларнинг экологик нормативларга амал қилиниши турли хўжалик фаолиятида табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш талабларининг бажарилишини, табиат муҳофазаси қонунчилигига амал қилишни назорат қилиш.

## **17.6. Табиатдан фойдаланишни бошқаришни ахборотлар билан таъминлаш.**

Ахборот билан таъминлашни бошқариш табиий шароит ва табиий ресурслар тўғрисидаги ахборотлар мажмуаси ҳисобланади. Бошқариш бўйича қабул қилинадиган қарорлар турли услубларни кўллашни тақозо этади. Шу билан бир қаторда ахборот билан таъминлаш табиатдан фойдаланишни бошқариш тизимининг талаблари ва эҳтиёжларига мос йўналиш барпо этилиши керак.

Табиий ресурслар тўғрисидаги ахборот табиий ресурсларнинг тармоқ кадастрларида ва мажмуа ҳудудий кадастрларда (КҲҚ) тўпланган. Айнан КҲҚ табиатдан фойдаланишни ҳудудий-тармок бошқаришнинг асоси ҳисобланади.

Табиатдан фойдаланувчилар тўғрисидаги ахборотни табиий муҳитга таъсир кўрсатишини баҳолаш (ТМТКБ) таркиб орқали олинади ва ахборотлар билан таъминлаш ҳам ушбу процедура билан амалга оширилади. ТМТКБ – ҳар қандай жамоат, хусусий ёки давлат ташкилотлари ташаббуси билан ваколатли ҳокимият ва жамоатчилик тавсия қилинаётган лойиҳаларнинг табиатга эҳтимол тугатилаётган таъсирини ўрганиб чиқиши ва кўриши жараёни бўлиб, у ҳокимиятнинг ушбу фаолиятни лицензиялаш бўйича қарори билан тугалланади. ТМТКБ эҳтимол тутилаётган фаолиятнинг сув, ҳаво, тупроқ қоплами сифатига, радиация хавфсизлигига, одамларнинг соғлигига, экотизимлар ва айrim ўсимлик ва ҳайвонот турларига, маданий мероснинг бир қисми ҳисобланган бинолар ва ёдгорликларга таъсирини кўриб чиқади.

Табиий муҳит ҳолати ва унга антропоген таъсирининг характери тўғрисида объектив ахборот олиш мақсадида атроф муҳит ҳолати устидан кузатиш ва назорат тизимининг атроф муҳит мониторинги ташкил этилган. Атроф муҳит мониторинг тизими мазмунига кўра бир сфера (глобал), санитария – токсикологик, импакт (табиий муҳитнинг антрологик таъсиридаги энг хавфли зоналари ва жойларини кузатиш), биологик ва экологик турларга бўлинади.

Ўзбекистон республикасида табиий муҳит ҳолатин кузатиш ва назорат қилишнинг ягона тизими ташкил этилган ва у қўйидагиларни ўз ичига олади:

давлат назорат тизими;

табиий ресурслар ва табиий муҳит ифлосланиши (шу жумладан радиация бўйича) давлат мониторинг тури;

табиий муҳитга ифлослантирувчи моддаларни ҳавога чиқариш ва ташлаб юбориши назорат қилувчи идоралар тизими;

табиий муҳитнинг авария орқали ифлосланиши билан боғлиқ фавқулодда вазиятни оператив аниқлаш, таҳлил ва башорат қилиш тизими.

### **Бобнинг қисқача мазмуни.**

Табиатдан фойдаланишни бошқариш табиат тизимининг барқарорлигини сақлаб қолиш мақсадида уларни тартиб солишни амалга

ошириладиган тадбирлар мажмуасидир. Бошқаришнинг асосий мақсади экологик ҳавфсизлик ва барқарор ривожланишни тамиnlашдир.

Табиат муҳофазаси бўйича маҳсус ваколатли асосий ташкилотларига табиат ваколатига қўйидагилар киради: табиат муҳофазаси соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш; экологик ҳавфсизлик, биологик хилма-хилликни асрар, экологик назорат, давлат экологик экспертизаси, ўз ихтиёридаги давлат қўриқхоналари ва бошқа алоҳида муҳофаза қилинадиган худудларни бошқариш.

Табиатдан фойдаланишни бошқариш тизими экологик прокуратура, маҳсус ихтисослашган ички ишлар бўлинмалари, суд ҳокимияти иштирок этади.

Ижроия ҳокимияти таркибига табиат муҳофазасини бажарувчи ва табиатдан фойдаланувчи қўйидаги бўлинмалар киради: ер ресурслари ва ер тузиш қўмитаси, ўрмон хўжалиги қўмитаси, гидрометеорология ва атроф муҳит мониторинг хизмати, геология қўмитаси, қишлоқ хўжалик вазирлиги ва бошқалар.

Экологик стандартлар тизими барча обьектлар учун бошқаришнинг бир хил ва мажбурий норма ва талабларини қўллаш ва ўрнатишни билдиради ва экологик нормалаштиришга асосланади.

Ўзбекистон республикасида ҳам, табиий муҳит ҳолатин кузатиш ва назорат қилишнинг ягона тизими ташкил этилгандир.

### **Таянч иборалар.**

Табиатдан фойдаланишни бошқаришнинг хуқуқий асослари, экологик сиёsat, бошқариш тизими, маъмурий тартибга солиш, давлат бошқаришини институционал механизми, давлат назорат тизими, қонун чиқарувчи ҳокимият, ижроя ҳокимият, ахворатлар тизими, экологик нормалаштириш, давлат стандарти, давлат экологик экспертизаси, интизомий жавобгарлик, маъмурий жавобгарлик, жиноий жавобгарлик.

### **Назорат ва мулоҳаза саволлари.**

1. Табиатдан фойдаланишни бошқариш қандай амалга оширилади?
2. Табиатдан фойдаланишни бошқаришни аҳамиятини тушунтиринг?
3. Ўзбекистонда экологик сиёsatнинг асосий йўналишлари нималардан иборат?
4. Табиатдан фойдаланишни бошқаришнинг қандай хуқуқий асосларини биласиз?
5. Табиатдан фойдаланишни бошқаришда давлатни ролини тушунтиринг?
6. Маъмурий тартибга солиш қандай амалга оширилади?
7. Табиатдан фойдаланишни бошқаришнинг экологик аҳамияти нимада?
8. Табиатдан фойдаланишни бошқаришнинг иқтисодий аҳамиятини айтинг?

9. Табиатдан фойдаланишни бошқаришнинг тизимини биласизми?
10. Экологик норматевлаштириш деганда нимани тушунасиз?

### **Адабиётлар рўйхати.**

1. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.: 2001.
2. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пироворд мақсадимиз.-Т-.: 2000.
3. Глушкова В.Г., Макар С.В. «Экономика природопользования» учебное-пособие М:, Гардораки 2005.
4. Холина В.И. «Основы экономики природопользования» Питер 2005.
5. Галыцин А.Н. «Основы промышленной экологии» Академия 2004.
6. Кормилицин В.И. и др. «Основы экологии» М. «Интерсталь» 2001.
7. Кудрявцева О.В. Экологический аудит. МГУ: 2000.

### **Интернет сайтлар.**

1. E-mail: ecolog@freenet.uz
2. mecas@cir.tohoku.ac.jp
3. www.economyfaculty.uz
4. www.ecsocman.edu.ru/db/msg/150966.html
5. www.kutp.gubkin.ru/ucheba2.htm

## **18 –Боб. Табиатдан фойдаланишдаги халқаро ҳамкорлик.**

### **18.1. Табиатдан фойдаланиш борасидаги халқаро ҳамкорлик шакллари.**

Глобал экологик муаммоларнинг замирида инсоният жамияти мавжудлигининг асоси бўлган ва жаҳон ҳамжамияти томонидан ечимини кутаётган глобал жараёнлар ва ҳодисалар ётади. Бу жойда айрим табиий ресурсларнинг глобал мақомга эгалигини ҳам таъкидлаб ўтиш керак. Буларга Дунё океани (худудий сувлардан ташқаридаги акваториялар), атмосфера ҳавоси, Антарктида, космос киради ва улардан оқилона фойдаланишда ҳамкорлик қилиш талаб этилади.

Экологик муаммоларни инсоният томонидан ҳамкорликда ҳал этилиши В.И. Вернадский томонидан ноосфера концепцияси доирасида, асримизнинг бошларида таъкидлаб ўтилган. Глобал ривожланишни моделлаштириш натижалари халқаро ҳамкорлик доирасида экологик муаммоларнинг ечимини топишга барча давлатлар, миллатлар ва мамлакатлар жалб этилиши ҳаётий зарурият эканлигини тасдиқлади.

Шуларни назарда тутиб, халқаро ҳамкорликнинг қуйидаги асосий йўналишларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

Хўжалик фаолиятига тортилмаган, планетар экологик мувозанатни таъминловчи табиий тизимларни муҳофаза қилиш;

Табиий ресурслардан ва табиатнинг ассимиляцион салоҳиятидан оқилона фойдаланиш;

Халқаро экологик жавобгарликнинг самарали тизимини яратиш (шу жумладан, ҳарбий ҳаракатлар натижасида атроф муҳитга етказилган зарар учун жавобгарлик).

Бу йўналишларни амалга ошириш турли тадбирларни амалга оширишни талаб этади, буларни ичидаги қўйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Ривожланган мамлакатларнинг ривожланаётган мамлакатларга кўрсатадиган молиявий ва техник ёрдами; Ресурсларни сақлаш бўйича технологияларни ишлаб чиқиш;
2. Ижтимоий эҳтиёжларни экологиялаш, миллий иқтисодиёт таркибини қайта кўриш;
3. Экологик тавсифдаги халқаро форумларда ва ташкилотларда вакиллик тизимларига эга бўлиш;
4. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги халқаро жавобгарликнинг механизмларини яратиш;
5. Экологик солиқса тортиш;
6. Ҳамкорликда турли стратегиялар ва концепцияларни ишлаб чиқиш;
7. Айrim табиий ресурслардан фойдаланишни оқилона меъёрларини белгилаш ва б.қ.лар.

***Халқаро ҳамкорлик қўйидаги шаклларда олиб борилади:***

1. Парламентлараро ҳамкорлик-қонунчилик фаолиятини мувофиқлаштириш ва давлатлараро экологик муаммоларнинг ечимини топиш мақсадида олиб борилади.
2. Ижроия ҳокимиятлари ўртасидаги ҳамкорлик—БМТ доирасида экологик дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни мувофиқлаштиришга йўналтирилган фаолиятдир;
3. Конвенцион типдаги ҳамкорлик — алоҳида ҳудудлар ва обьектларнинг аниқ экологик муаммоларини ечишнинг умумий ёндашувларини топишни назарда тутади;
4. Илмий —техник ҳамкорлик- илмий тавсифдаги ахборотларни алмашиб, табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини бирга ишлаб чиқиш, жиҳозлардан мажмуали фойдаланиш, илмий лойиҳалар ва экспертизаларни амалга оширишни назарда тутади.

Бу асосий шакллардан ташқари атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида халқаро ҳамкорлик ижтимоий ташкилотлар, ишбилармон доиралар, халқаро экологик форумлар ва бошқаларни олиб бориш билан ҳам амалга оширилади.

Атрофни муҳофаза қилиш борасидаги халқаро ҳамкорликнинг яна бир шаклларидан бири — шартномалар тузиш ва бошқа халқаро

келишувларни амалга оширишдир. Икки томонлама ва кўп томонлама келишувлар ва халқаро конвенциялар турли малакатларнинг бу соҳадаги сайди - ҳаракатларини мувофиқлаштириш борасида амалга оширилади. Бундай вазиятда шериклар сифатида табиатни муҳофаза қилиш ва унинг ресурсларидан фойдаланиш борасидаги манфаатлари уйғун бўлган қўшни давлатлар иштирок этишади.

Табиатни муҳофаза қилиш борасидаги халқаро ҳамкорлик тарихи ҳайвонот дунёси ресурсларидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни тартиблаш билан бошланади. 1875 йилда Австро-Венгрия ва Италияда қушларни муҳофаза қилиш борасида Декларация қабул қилинди. XX асрнинг охирида (1897 й.) Россия, Япония ва АҚШда Тинч океанида денгиз мушукларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш борасида келишувни имзоладилар.

Биринча халқаро конвенция 1882 йилда Парижда қишлоқ хўжалиги учун фойдали бўлган қушларни муҳофаза қилиш мақсадида бир неча Европа мамлакатлари томонидан имзоланди. Халқаро ҳамкорликнинг анъанавий соҳаларидан кит ва бошка денгиз ҳайвонларини овлаш соҳалариdir. 1882 йилда Шимолий денгизда балиқларни овлашни тартиблаш тўғрисида конвенция қабул қилинди. Ҳозир бу соҳага тегишли 70 дан ортиқ келишувлар имзоланган.

Жаҳон жамотчилигининг эътиборини денгиз сувларини нефть билан ифлосланиши муаммолари доимо қизиктириб келган. Шуни ҳисобга олиб, 1954 йилда Лондонда 20 мамлакат Конвенция имзоладилар. Келишувга кўра, уни имзолаган давлатлар нефть ва нефть аралашмаларини денгизга (қирғодан 80 — 250 кмгача булган худудларга) тўқмасликка келишиб олдилар. Бу соҳада яна кўп келишувлар имзоланди. Булар 1972 ва 1973 йиллардаги Лондон Конвенциялари ҳисобланади. Мазкур хужжатга кўра чиқиндилар, қандай кўринишларга эга бўлишидан (шу жумладан радиоактив моддалар) қатъий назар, дунё океанига ташламасликка қатъий равища келишиб олинди.

Давлатлараро келишувларнинг ичида атмосферада, космосда, сув остида ядро қуролини ишлатмаслик ва синамаслик тўғрисида 100 та давлат томонидан Москва Шартномаси (1963 й.) имзоланди.

Собиқ СССРнинг ташаббуси билан табиий муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи ҳар қандай ҳарбий ҳаракатлардан воз кечиши тўғрисидаги Доимий Конвенция ҳам имзоланган. Конвенцион типдаги тартиблашнинг ўзига хос хусусиятларидан бири —атроф муҳитга салбий оқибатлар келтирувчи ҳар қандай фаолият турларини чеклаш ва тартибга солиш борасида келишувларнинг имзоланишидир. Буларга хавфли юкларни ташиш бўйича конвенция (Женева, 1889 и.), авариялар натижасидаги ифлосланишлардан зарар кўрганларга компенсациялар бериш (Париж, 1989 й.), атроф муҳит учун хавфли бўлган фаолият натижасида етказилган

зарар тўғрисидаги Конвенция (Брюссель, 1990) ва бошқалар мисол бўла олади.

1994 йилда “иқлиминг ва биологик турларнинг ўзгариши тўғрисидаги конвенция шартномаси ва халқаро денгиз ҳуқуқи” тўғрисидаги конвенция кучга кирди (шартнома кўп мамлакатлар томонидан радификация қилинган). Яна бир муҳим ҳужжат “Монреаль шартномаси” ҳисобланади. У озон қатламининг бузилишига олиб келувчи атмосферага чиқарилаётган зарарли чиқиндилар — хлорланган ва фторланган углеводородларни 2000 йилгача ва ундан кейинги камайтириб бориши тўғрисидаги келишувларни ўз ичига олади.

Атмосферани муҳофаза қилиш, биологик ранг-барангликни таъминлаш барча давлатларни бирдек қизиқтирадиган муаммо ҳисобланади. 1992 йилда биологик ранг—барангликни таъминлаш борасидаги Конвенция қабул қилинган. Унинг энг катта ютуқларидан бири биологик ресурсларни давлатларнинг суверен мулки сифатида эътироф этади (давлатлар қайси табиий ресурслардан кўпроқ фойда кўрса, уларни муҳофаза қилишга интиладилар). Бу конвенциянинг муҳим масалаларидан бири—давлатлар томонидан генетик ранг—барангликни сақлаш ҳисобланади. Конвенцияда катта генетик ранг—барангликка эга давлатлар бу ресурслардан тўлов асосида бошқа давлатларнинг фойдаланишига рухсат бериши масалалари ҳам кўриб чиқилган.

Қабул қилинган келишувлар аниқ натижаларга ҳам олиб келади. Масалан, чегара худудларида атмосферанинг ифлосланишининг олдини олиш тўғрисидаги Конвенция Европадаги атмосфера ҳавосининг ифлосланиш даражасининг камайишига олиб келди.

Умуман олганда давлатлар томонидан ҳозирги кунгacha 178 келишувлар қабул қилинган. Уларнинг 2/3 қисми БМТ нинг инсон яшайдиган атроф муҳит тўғрисида ўтказган Конференциясидан кейин қабул қилинган.

## **18. 2. Халқаро молия ташкилотларининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги фаолияти.**

Халқаро молия ташкилотлари — Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (ХТТБ), Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) ва Жаҳон банки (ЖБ) табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини ўзларининг устивор вазифаларидан бири деб биладилар. ЕТТБ халқаро молия ташкилотларининг ичida биринчи бўлиб ўз фаолиятининг устивор вазифаларидан деб қуидагиларни белгилади:

\* Экологик сиёсаларни шакллантиришда, самарали ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишида, халқаро меъёрларга амал қилишда ва мониторингни таъминлашда, кадрлар тайёрлашда давлатларга атрофлича ёрдам бериш;

- \* Миллий экологик дастурларни бошқаришнинг бозор усулларини қўллашда ҳамкорлик қилиш;
- \* Экологик товарлар ва хизматлар бозори операцияларини ривожланишини, атроф мухит сифатини яхшилаш ва муҳофаза қилиш борасидаги лойиҳаларни инвестициялашни рағбатлантириш;
- Аҳолини, тадбиркорларни, банкирларни ва бошқаларни экологик дунёқарашини шакллантириш борасидаги дастурлар ва маҳсус лойиҳаларни ташкил этиш ва кўллаб - кувватлаш;
- Экологик баҳолаш, режалаштириш, бошқариш, аудитлаш, ва банк лойиҳалари ва операциялари мониторинги билан боғлик экологик тадбирларни амалга ошириш.

ЕТТБ нинг экологик сиёсатини амалга оширишнинг асосий дастаклари қўйидагилар:

- \*Атроф мухитни муҳофаза қилиш соҳасида тадқиқотлар олиб бориш;
- Экологик дастурлар ва лойиҳаларни қўллашга йўналтирилган техник ёрдам;
- Экологик лойиҳаларни молиялаштиришни таъминловчи кредитлар, кафолатлар, сармоялар ва х.к.лар.

Банк ходимлари томонидан «Экологик таъкиқ рўйхати» ишлаб чиилган. Унга кўра банк ва унинг молиявий шериклари «ген инженерияси» лойиҳаларини атроф мухитга генетик материалнинг тушишини олдини олиш, таъкиқланган пестицидларни ишлаб чиқиш ва ундан фойдаланишини молиялаштиришдан воз кечишлари лозим бўлади.

Банкнинг асосий эътибори ресурслардан ва энергиядан самарали фойдаланиш имконини берувчи обьектларни сармоялашга қаратиласди. Масалан, Марказий ва Шарқий Европадаги газда ишловчи электростанцияларга ажратиладиган сармояларнинг ортирилиши, қўнгир кўмирлар билан ишлайдиган электростанцияларнинг камайишига ижобий таъсир кўрсатади.

ХТТБнинг ёрдами (заём бериши) билан атроф мухитни соғломлаштиришни сармоялашнинг миллий дастури таъсис этилган. Банк табиатни муҳофаза қилишнинг айрим талабларини бажарган мамлакатлар учун маҳсус имтиёзлар беради, яъни банк уларнинг ташки қарзларининг бир қисмини ўз зиммасига олади. Ана шу мақсадларда Жаҳон банки томонидан Экологик фонд ташкил этилган. Атроф мухитни муҳофаза қилиш Ўзбекистон Республикаси ташки сиёсатининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон табиатни муҳофаза қилиш борасидаги ташки сиёсатида:

- Орол денгизи ҳавзасида экологик вазиятни соғломлаштиришга;
- Ўзбекистон Республикаси флораси ва фаунасининг генетик фондини сақлашга;

- сув, ер ресурслари ва атмосфера ҳавосини ифлосланишининг олдини олишга;
- экологик ҳавфсизликни сақлаш;
- ҳавфли чиқиндиларни, химиявий моддаларни атроф мухитга кўрсатадиган заарли оқибатларини камайтириш;
- озон қатламига салбий таъсир қўрсатувчи маҳсулотларни ишлаб чиқаришдан олиб ташлаш;
- табиий ресурслардан самарали фойдаланишга устивор аҳамият берилади.

1995—2005 йиллар давомида Ўзбекистон Республикасида Орол денгизи муаммоларига бағишенган қатор семинарлар, йиғилишлар, конференциялар ўтказилди. Қуйидагилар бунга мисол бўлади: Орол бўйи давлатларининг барқарор ривожланишига бағишенган БМТнинг халқаро Конференцияси (Нукус, сентябрь 1995 й.) ўтказилди, унда Нукус Декларацияси қабул қилинди ва Орол ҳавзасининг барқарор ривожланиши борасида Халқаро конвенция яратиш борасида қарор қабул қилинди;

«Атроф мухитни тиклаш» бўйича ОБСЕнинг Халқаро семинари ташкил этилди ва унда атроф мухитни тиклашнинг ани тадбирлари белгиланди ҳамда жаҳон ҳамжамиятининг бу жараёнда иштирок этишининг шакллари аниқланди;

Орол атрофидаги қуриётган ер усти ва сув экотизимларини баҳолаш ва моделлаштириш бўйича халқаро семинари ташкил этилди Унда ЮНЕСКО ҳамда Германия фан ва технология федерал вазирлиги томонидан амалга оширилаётган лойиҳа натижалари таҳлил этилди ва уни давом этиришга келишиб олинди;

Орол денгизи атрофида экологик барқарор ривожланиш бўйича ташкил этилган Халқаро семинар ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикасининг Табиат давлат қўмитаси ва унинг илмий текшириш олийгоҳлари томонидан ЭНРИН лойиҳаси бўйича ЮНЕП/ГРИД—АРЕНДАЛ (Норвегия) ташкилоти билан «Ўзбекистонда экологик информация тизими» тўғрисида лойиҳа ва доклад тайёрланди. Япониянинг халқаро ривожланиш агентлиги ҳамкорлигига «Ўзбекистоннинг Оролбўйи худудлардан 6 та йирик шаҳарнинг сув таъминоти тизими бўйича лойиҳанинг техник иқтисодий асоси ва асосий режаси ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

### **18.3. Ўзбекистан Республикаси ва халқаро ҳамкорлик.**

Швециянинг молиявий ёрдами билан мутасадди ташкилотларни сув сифатини аниқлашда қўл келадиган лаборатория жиҳозлари ва химиявий реактивлар билан таъминланди. Жаҳон банки ҳомийлигига табиатни муҳофаза қилиш ва Ўзбекистонни экологик ривожланишини таъминлаш борасида Миллий дастур ишлаб чиқилмоқда.

Ўзбекистон:иқлим ўзгариши доирасидаги Конвенцияга (14 май 1993 йилдан); биоранг баранглик тўғрисидаги Конвенцияга (7 май 1996 йилдан); хавфли юкларни чегара ҳудудларида ташишни назорат қилиш борасидаги Базель Конвенцияси (7 май 1996 йилдан); Чўллашибга қарши кураш бўйича Конвенцияга (13 октябр, 1995 йилдан) аъзо бўлган.

Бонн конвенцияси доирасида миграциядаги сувда сузувларни муҳофаза қилиш бўйича Халқаро келишув имзоланди (Гаага, 1995, июн). Ўзбекистон республикаси Давлат табиат қўмитаси конвенцияларда имзоланган мажбуриятларни бажариш юзасидан амалий ишлар қилмоқда: Озон қатлами ning бузилишига олиб келувчи заарли моддаларни инвентаризация қилинмоқда. Вена конвенцияси, Монреаль Протоколи доирасида озон қатлами муҳофаза қилиш бўйича Миллий дастурни тайёрламоқда.

Биоранг – баранглик Конвенцияси доирасида биоранг – баранглик сақлашнинг Миллий дастури ишлаб чиқилмоқда.

Хозирги пайтда ҳукумат томонидан Ўзбекистон республикасини БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси Конвенцияларига қўшилиш масалалари ҳал этилган:

- Чегара ҳудудларида атроф муҳитга таъсирини баҳолаш тўғрисида (Эспо, 1994 й.);
- Чегара ҳудудларида катта масофаларда ҳавонинг ифлосланиши (Женева, 1979 й.);
- Саноат ҳалокатларининг чегара ҳудудлари бўйлаб таъсири (Хельсенки, 1992 и.);
- Чегара ҳудудларида сув ва кўлларни муҳофаза қилиш (Хельсенки, 1992 и.).

Ўзбекистон республикаси табиатни муҳофаза қилиш, табиатдан фойдаланиш ва икки томонлама ҳамкорлик тўғрисида жуда кўп шартномаларни имзолади. Буларга Туркия республикаси билан (8 май 1996 и.), Хитой ҳалқ, республикаси билан (11 декабрь 1997 йил). Нидерландия қироллиги, Венгрия, Словакия республикаси, Ироил, Люксембург, Литва давлатлари билан шартномалар имзоланилди. Ташқи ишлар вазирлигининг Германия ва Европа иттифоқи билан табиатни муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорлиги тўғрисидаги таклифлари қабул қилинди.

Ўзбекистон республикаси табиат давлат қўмитаси Халқаро Экологик кенгаш (ХЭК) нинг аъзоси ҳисобланади. ХЭК ташкил этилгандан буён 8 та сессия ўтказилди (3-сессия Тошкентда 1993 й. Май ойида). Уларда экология соҳасига оид келишувлар ва низомлар қабул қилинган.

МДҲ давлатлари дорасида ҳам кўп икки томонлама келишувлар имзоланган. Уларга Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Грузия билан имзоланган шартномалар мисол бўлади. Украина ва Белоруссия билан икки томонлама шартнома имзолашга келишиб олинган.

Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон республикалари билан уч томонлама шартнома ҳам имзоланган.

БМТ ер Хартиясини тасдиқлади. Бу хартияниг биринчи муҳокамаси Тошкентда Барқарор ривожланиш бўйича Ўзбекистон республикасининг Миллий комиссияси томонидан ўтказилган. Бу хартия ўз олдига хавфсиз ривожланиш, экотизимларнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, атроф муҳитга бўладиган салбий таъсирга йўл қўймаслик ва ҳ.к.ларни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

### **Бобнинг қисқача мазмуни.**

Биринча ҳалқаро конвенция 1882 йилда Парижда қишлоқ хўжалиги учун фойдали бўлган қушларни муҳофаза қилиш мақсадида бир неча Европа мамлакатлари томонидан имзоланди. Орадан ўтган вақт мобойнида кўплаб ҳалқаро битимлар, шартномалар, канвенциялар, келишувлар имзоланди ва хаётда амал қилиб келмоқда.

Экологик муаммоларни инсоният томонидан ҳамкорликда ҳал этилиши В.И.Вернадский томонидан ноосфера концепцияси доирасида, асримизнинг бошларида таъкидлаб ўтилган эди, зоро экологик муаммолар чегара билмаслиги ҳаммага маълум.

Ўзбекистон республикаси табиат давлат қўмитаси Ҳалқаро Экологик кенгаш (ХЭК)нинг аъзоси ҳисобланади. Мустақиллигимизни дастлабки йилларидан бошлаб, Ўзбекистон ҳам ҳалқаро келишувларда фаол қатнашиб, мустақиллигимизгача қабул қилинган, келишувларни ҳам кўпчилигини ўзида ратификация қилмоқдадир. ФТИ ининг тобора жадаллашуви, аҳоли сонини кескин ортиб бориши, экологик муаммоларни барча мамлакатлар биргалиқда ечишини тақоза этади. Ҳалқаро келишувлар, экотизимларнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, атроф муҳитга бўладиган салбий таъсирга йўл қўймаслик ва ҳ.к.ларни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

### **Таянч иборалар.**

Глобал, худудий, миллий экологик муаммолар, ҳалқоро ҳамкорлик, холқаро шартномалар, ҳалқаро конвенциялар, ҳалқаро ташкилотлар, барқарор ривожланиш, ҳалқаро молия институтциялари, марказий осиё мамлакатлари ҳамкорликлари, экологик баҳолаш, иқтисодий баҳолаш, режалаштириш, дастурлар тузиш ва бошқариш.

### **Назорат ва мулоҳаза саволлари.**

1. Табиатни музҳофаза қилишдаги ҳалқаро ҳамкорликнинг мақсадларини айтинг?
2. Ҳалқаро ҳамкорлик шакллари тўғрисида нималарни биласиз?
3. Ўзбекистон ҳалқаро ҳамкорликнинг қайси соҳаларида фаолият кўрсатади?

4. Сиз яшаётган жойдаги табиатни муҳофаза қилиш борасида халқаро ҳамкорлик келишувлари мавжудми?
5. Ўзбекистонда халқаро ҳамкорлик доирасида қандай келишувлар имзоланган?
6. Шартномалар ва конвенциялар орқали тартибга солишнинг, аҳамиятини тушунтиришинг?
7. БМТнинг атроф муҳит муҳофазаси ва ривожланишга бағишиланган конвенциясини тушунтириб беринг?
8. Барқарор ривожланиш концепциясини моҳиятини айтинг?
9. Ўзбекистоннинг халқаро экологик тизмдаги ўрнини таърифланг?
10. Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий муносабатлардаги ўрнини таърифланг?
11. Марказий Осиё мамлакатларини, қандай экологик ҳамкорликларини биласиз?

### **Адабиётлар рўйхати.**

1. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пироворд мақсадимиз.-Т-.: 2000.
2. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.: 2001.
3. Глушкова В.Г., Макар С.В. «Экономика природопользования» учебное-пособие М.: Гардораки 2005.
4. Холина В.И. «Основы экономики природопользования» Питер 2005.
5. Галыцин А.Н. «Основы промышленной экологии» Академия 2004.
6. Муҳофаза-2004й. №10 37-43 бет.
7. Ҳаёт ва қонун-2003й. №4. 38 бет.
8. Жамият ва бошқарув-2003й. №1. 65 бет.
9. Эко-2003й. №26-27. июн. 6 бет.
10. Проблемы питьевого водоснабжения и экологии. Т. Университет. 2002.
11. Кудрявцева О.В. Экологический аудит. МГУ: 2000.
12. Снакин В.В. «Экология и охрана природы». Словарь-справочник. М.: Academia, 2000.

### **Интернет сайтлар**

1. [www.nesterova.ru/univer/univer\\_mark3\\_12.shtml](http://www.nesterova.ru/univer/univer_mark3_12.shtml) (2005 й)
2. [www.soc.pu.ru/materials/courses/sup-eisns.shtml](http://www.soc.pu.ru/materials/courses/sup-eisns.shtml) (2005 й)
3. [www.meo.ru/ca](http://www.meo.ru/ca) [www.pskov.engec.ru/060801.html](http://www.pskov.engec.ru/060801.html) (2005 й)
4. [www.diomen.ru/second\\_education](http://www.diomen.ru/second_education) (2005 й)
5. [www.kemtipp.ru/cgi-bin/show.pl?f=depart/managment-kaf](http://www.kemtipp.ru/cgi-bin/show.pl?f=depart/managment-kaf) (2005 й)

**19 – Боб. Экологик – иқтисодий районлаштириш ва минтақалар табиий – экологик имкониятидан фойдаланиш.**

## **19.1. Экологик – иқтисодий районлаштириш түғрисида тушунча.**

Табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни худудий ташкил этиш экологик – иқтисодий районлаштириш назарияси ва амалиётiga асосланади. Экологик – иқтисодий районлаштириш доирасида минтақалар ва ҳудудлар хўжалигининг ихтисослашиши ва мажмуа ривожланиши масалалари бир қаторда хўжалик ва табиатнинг конкрет ҳудудларда ўзаро таъсирининг мақсадга мувофиқ шакллари ҳам белгиланади.

Шу сабабдан минтақалар табиатидан фойдаланишнинг худудий хусусиятларини фақат экологик – иқтисодий районлаштириш орқали аниқлаш мумкин. Экологик – иқтисодий районлаштириш мамлакатда табиий – экологик имкониятни ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда мамлакат иқтисодиётини худудий ривожланишини такомиллаштиришга ва минтақаларнинг табиий ресурс имкониятидан унимли фойдаланишни худудий бошқаришни ташкил этишга хизмат қиласи. Минтақаларнинг маълум маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашиши билан узвий боғлиқ бўлиб, ижтимоий меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш кучларини самарали жойлаштиришнинг муҳим омилидир.

## **19.2. Экологик – иқтисодий районлаштиришнинг асосий тамойиллари ва турлари.**

Экологик – иқтисодий районлаштириш иқтисодий районлаштиришнинг ихтисослашган йўналиши ва тури бўлиб, у иккита асосий тамойилга асосланиб амалга оширилади: 1). худудий меҳнат тақсимоти; 2). ушбу ҳудудлар ишлаб чиқариш кучларининг табиий муҳитга таъсир кўрсатиш даражаси.

Худудий меҳнат тақсимоти иқтисодий районларнинг чегараси ва мазмун, моҳиятини белгилаб берса, ишлаб чиқариш кучларининг табиатга таъсири эса районлаштиришнинг экологик йўналишини, экологик – иқтисодий районлар ҳудудларининг дифференциясини ёки уларнинг экологик белгилар бўйича мажмуасини худудий фарқларини кўрсатади.

Худудий меҳнат тақсимоти районлаштиришнинг иқтисодий механизми, районлаштиришнинг омили ҳисобланади.

Экологик – иқтисодий районлаштириш икки хил йўналишда интеграл районлаштириш ва тармоқ районлаштиришга бўлинади. Шунингдек, маҳсус экологик – иқтисодий районлаштириш ҳам мавжуд бўлиб, улар экотизимларга антропоген ва техноген таъсирнинг ҳудудий фарқларини кўрсатади ва уларнинг тизими шунга мос келадиган табиат муҳофазаси тизимини амалга оширишни тақозо этади.

Ўзбекистоннинг табиий-экологик хусусиятларига кўра бир томондан иирик табиий-экологик-иқтисодий-макро зоналарга, бошқа томондан эса экологик – иқтисодий районлар тизимига ажратиш мумкин. Уларнинг ҳар

бири ҳудудий экологик – иқтисодий ривожланишнинг маълум вазифаларига жавоб беради.

### **19.3. Ўзбекистоннинг экологик – иқтисодий районлари ва минтақалар табиатидан унимли фойдаланиш.**

Ўзбекистоннинг экологик – иқтисодий районлаштиришнинг асосини мамлакатни 3 та йирик макрозонага ва 8 та экологик – иқтисодий районга бўлиш ташкил этади. Макрозоналар мамлакат халқ хўжалиги мажмуасининг ҳудудий – зонал, экологик – иқтисодий хусусиятларини умумий таҳлил қилиш ва муаммоларини аниқлаш, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш истиқболларини белгилаш учун ажратилади. Макрозоналар бир-бирларидан табиий-экологик хусусиятлари, ишлаб чиқариш кучлари жойлашишининг ўзига хослигини, табиий ресурс имкониятидан фойдаланиш ва ҳудудларни хўжалик ўзлаштирилиши даражаси бўйича тубдан фарқ қиласди. Ўзбекистон ҳудуди 3 та йирик макрохудудга бўлинади: 1) чўл(саҳро) зонаси; 2) суғориладиган текислик (антропоген) зона; 3) тоғолди-тоғ зонаси.

Мамлакатнинг ҳозирги экологик-иқтисодий районлари тизими асосан Ўзбекистоннинг асосий иқтисодий районлари тизимига мос келади. Экологик-иқтисодий районларнинг иқтисодий районлардан асосий фарқи бунда ишлаб чиқариш кучларининг табиий муҳитга таъсирининг ҳудудий фарқлари асосий районлаштириш мезони эканлигидадир. Ҳар бир экологик-иқтисодий район ишлаб чиқариш кучларини табиатга таъсири даражаси бўйича бошқаларидан фарқ қиласди. Ўзбекистонда қўйидаги экологик – иқтисодий район шаклланган: 1) Тошкент (Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти); 2) Фарғона (Фарғона, Наманган, Андижон вилоятлари); 3) Мирзачўл (Сирдарё ва Жиззах вилоятлари); 4) Самарқанд-Зарафшон (Самарқанд вилояти); 5) Бухоро-Навоий (Бухоро ва Навоий вилоятлари); 6) Қашқадарё (Қашқадарё вилояти); 7) Сурхондарё (Сурхондарё вилояти); 8) Кўйи Амударё (Хоразм вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси).

Районлаштириш тизими экологик-иқтисодий жараёнларни бошқаришда муҳим роль ўйнайди. Бозор иқтисодиётiga ўтиш шароитида Ўзбекистонда янги минтақавий экологик сиёсат шаклланмоқда. Шу муносабат Билан ҳар бир районнинг экологик-иқтисодий ривожланиш истиқболларини белгилаш ва қўйидагиларга асосий эътибор қаратилиши керак: 1) иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, тизим, инвестиция, молия, ижтимоий сиёсатни амалга оширишда районларнинг экологик-иқтисодий хусусиятларини тўла ҳисобга олиш; 2) Республиканинг маҳсус минтақавий экологик дастурини ишлаб чиқиш.

### **19.4. Бозор иқтисодиёти шароитида экологик – иқтисодий районлар ривожланишининг стратегик вазифалари.**

Бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистонда экологик-иқтисодий районларни ривожлантиришнинг стратегик вазифалари қуидагилар:

- антропоген таъсир босими кучли районларда, биринчи навбатда сугориладиган текислик зонада иқтисодиётни экологик талабларга мослаштириш асосида экологик вазиятни соғломлаштириш;
- тоғ зонасида экологик-иқтисодий вазиятни стабиллаштириш ва иқтисодиётни ушбу зона хусусиятларига мослаштириш;
- мамлакат районларида худудий ишлаб чиқариш мажмуалари, саноат түгунларини барпо этиш асосида минерал хомашё ресурсларидан мажмұа фойдаланиш ва экологик стандартларга амал қилиш.

### **Бобнинг қисқача мазмуни.**

Районлаштириш тизими, экологик-иқтисодий жараёнларни бошқаришда мухим роль ўйнайди. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида Ўзбекистонда янги худудий экологик сиёсат шаклланмоқда. Шу муносабат Билан ҳар бир районнинг экологик-иқтисодий ривожланиш истиқболларини белгилаш мақсадда мувофиқдир.

Худудий меҳнат тақсимоти районлаштиришнинг иқтисодий механизми, районлаштиришнинг омили ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг табиий-экологик хусусиятларига кўра бир томондан иирик табиий-экологик-иқтисодий-макро зоналарга, бошқа томондан эса экологик – иқтисодий районлар тизимиға ажратиш мумкин. Уларнинг ҳар бири худудий экологик – иқтисодий ривожланишнинг маълум вазифаларига жавоб беради.

Мамлакатнинг ҳозирги экологик-иқтисодий районлари тизими асосан Ўзбекистоннинг асосий иқтисодий районлари тизимиға мос келади. Экологик-иқтисодий районларнинг иқтисодий районлардан асосий фарқи бунда ишлаб чиқариш кучларининг табиий мухиттага таъсирининг худудий фарқлари асосий районлаштириш мезони эканлигидадир. Ҳар бир экологик-иқтисодий район ишлаб чиқариш кучларини табиатга таъсири даражаси бўйича бошқаларидан фарқ қиласди.

### **Таянч иборалар.**

Экологик районлаштириш, иқтисодий районлаштириш, Экологик – иқтисодий районлаштириш, экологик – иқтисодий районлаштиришнинг интеграл тури, Экологик – иқтисодий районлаштиришнинг тармоқлартури, режалаштириш, башоратлаш, стратегик режалаштириш, бозор иқтисодиёти.

### **Назорат ва мулоҳаза саволлари.**

1. Экологик – иқтисодий районлаштириш, қайси омилларга таяниб амалга оширилади?
2. Экологик – иқтисодий районлаштиришнинг канака турларини биласиз?
3. Экологик – иқтисодий районлаштиришнинг тамойилларини айтинг?

4. Ўзбекистон нечта экологик-иқтисодий районларга бўлинади?
5. Экологик – иқтисодий районлаштиришнинг вазифаларини тушунтиринг?
6. Экологик – иқтисодий районлаштиришнинг аҳамияти нималардан иборат?
7. Экологик – иқтисодий районлаштиришнинг интеграл тури нимани тушунасиз?
8. Экологик – иқтисодий районлаштиришнинг тармоқлар тури нимани тушунасиз?

#### **Адабиётлар рўйхати.**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.Ўзбекистон , 1997.
2. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз.Т.: 2001.
3. Глушкова В.Г., Макар С.В. «Экономика природопользования» учебное-пособие М:, Гардораки 2005.
4. Холина В.И. «Основы экономики природопользования» Питер 2005.
5. Галыцин А.Н. «Основы промышленной экологии» Академия 2004.
6. Кормилицин В.И. и др. «Основы экологии» М. «Интерсталь» 2001.
7. Проблемы питьевого водоснабжения и экологии. Т. Университет. 2002.
8. Кудрявцева О.В. Экологический аудит. МГУ: 2000.

#### **Интернет сайтлар.**

1. [mecas@cir.tohoku.ac.jp](mailto:mecas@cir.tohoku.ac.jp)
2. [www.economyfaculty.uz](http://www.economyfaculty.uz)
3. [www.ecsocman.edu.ru/db/msg/150966.html](http://www.ecsocman.edu.ru/db/msg/150966.html)
4. [www.vzfei.ru/rus/structure/platforms/aist/Vgak.htm](http://www.vzfei.ru/rus/structure/platforms/aist/Vgak.htm)

### **20 – Боб. Табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишининг глобал муаммолари.**

#### **20.1. Жамиятнинг экологик ресурс эҳтиёжлари тўғрисида тушунча.**

Атрофдаги табиий муҳит бир томондан ҳаётий макон бўлса, бошқа томондан ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг моддий энергетик пойдевори ҳисобланади. Табиий муҳтнинг ҳолатий жамияти яшаш тарзини характерлайди. Атроф муҳитнинг сифати дунё цивилизацияси турли ижтимоий тизимларининг табиат билан ўзаро таъсирининг ўзига хос кўрсаткичлариdir. Жамиятнинг табиатга таъсирининг натижা ва оқибати ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим таърифидир. Уларнинг мазмуни ва йўналишини ишлаб чиқариш муносабатлари белгилайди. Ишлаб чиқариш муносабатлари (иқтисодий

муносабатлар) механизми таъсири манфаатлари орқали намоён бўлади. Манфаатлар эса кишилик фаолиятини ҳаракатлантирувчи кучидир.

Манфаат категорияси табиат ва жамиятнинг ўзаро таъсири нуқтаи назаридан уч турдаги алоқаларни – ишлаб чиқариш (иктисодий), генетик (биологик), ноишлаб чиқариш (маънавий) алоқаларни қамраб олади.

Манфаатлар категорияси бошқа категория – эҳтиёж билан боғлиқдир. Табиатдан фойдаланишнинг дастлабки босқичларида фақат иқтисодий (моддий) эҳтиёжларни қондиришга йўналтирилган табиий ресурсларни эксплуатация қилиш бўйича ишлаб чиқариш алоқалари одамларнинг диққат марказида бўлган. Бунда табиатдан фойдаланишнинг бир томонлами жараёни – уни иқтисодиётлаштириш содир бўлган. Лекин ҳозирги даврга келиб жамиятнинг экологик манфаатлари қаторига табиий ресурсларни тиклаш бўйича ишлаб чиқариш алоқалари, шунингдек экологик эҳтиёжларнинг ижтимоий жиҳатларини қамраб оладиган генетик ва ноишлаб чиқариш алоқалари ҳам объектив равишда қўшилди. Шу сабабдан жамиятнинг табиатдан фойдаланиш жараёнида ижтимоий эҳтиёжларни таъминлаши ҳам оддий неъматларни ишлаб чиқариш, ҳам табиий муҳитни етаклаш ва яхшилаш орқали амалга оширилиши керак.

Экологик ресурс эҳтиёжлари бошқа ҳар қандай эҳтиёж каби табиат ҳодисаси эмас, балки тарихий ҳодисадир. Агар табиий ресурсларни эксплуатация қилиш жамият пайдо бўлиши давридан бошланган бўлса, табиатни тиклаш ва муҳофаза қилиш зарурати ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, унинг табиатга таъсирининг кучайиши, одамнинг маънавий ва ахлоқий – руҳан шаклланиши жараёнида пайдо бўлди.

Жамиятнинг ривожланиши давомида унинг экологик ресурс эҳтиёжлари ҳам ўзгариб боради ва улар хилма-хил бўлади. Агар XVIII асрда хўжалик учун ер ва ўрмон каби ресурслари биринчи даражали ўринни эгаллаган бўлса, XIX асрда биринчи ўринга тошкўмир ва руда чиқади. Ҳозирги даврда чучук сув, ўзгартирилмаган табиий ландшафтлар, янги қурилиш ва дехқончилик учун ер участкалари, атом хоашёси ва нодир металлар, рекреация индустрисининг қиймати ғоят каттадир. Табиий ресурслардан фойдаланишнинг Янги шакллари пайдо бўлмоқда ва улардан фойдаланишнинг ҳажми жадал суратларда ўсмоқда.

Атроф табиий муҳит ижтимоий бойликнинг энг муҳим элементи ҳисобланади ва унинг ҳолати жамиятнинг экологик ресурс эҳтиёжларига жавоб бериши керак.

Инсониятнинг ривожланиши давомида унинг экологик ресурс эҳтиёлари ўзгариб боради, лекин бир ҳолат ўзгармасдан қолади. Бу – табиатдан фойдаланишнинг барча босқичларида жамият-табиат катта тизимида жонли табиат бажарадиган ҳаёт ва яшаш функциясидир.

## **20.2. Табиатдан фойдаланиш, экологик хавфсизлик ва атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг глобал характеристи.**

Табиатдан фойдаланиш юқорида айтиб ўтилганидек, инсониятнинг эҳтиёжларини таъминлашга хизмат қиласи. Экологик хавф-хатар эса ривожланиш билан доимий барча содир бўладиган жараёндир. Экологик хавфсизлик экологик хавф-хатардан ҳимоя тизими ва шу билан бир қаторда жамиятнинг ва одамларнинг асосий эҳтиёжларидан биридир. Одамлар доимо ўзларини хавф-хатардан муҳофаза қилиб келганлар: оловдан фойдаланган, уй қурган, тўғонлар барпо этган. Цивилизация ривожининг дастлабки босқичларида хавф-хатар асосан одам учун нокулай табиий шароит ва жараёнлар билан боғлиқ бўлган бўлса, ҳозирги илмий-техника прогресси даврида вазият мутлақ ўзгарди. Инсоннинг табиатга таъсири геологик куч таъсирга яқинлашиб қолди, бу эса инсоният олдига қийин ҳал қилинадиган муаммоларни қўймоқда. Ҳозирги реал воқеликда мутлақ хавфсизликка эришиш имконияти келмади. Чунки мутлақ хавфсиз технологик тизим, мутлақ хавфсиз маҳсулот ва бошқалар бўлмайди. Бу шароитда жамият учун қабул қилиш мумкин бўлган хафсизлик даражасига эришиш ёки уни ўрнатиш учун ҳаракат қилиш мумкин холос. Бунда “одам –табиат-жамият” тизимида экологик хавф-хатар жараёни доимий тасодифий ҳарактерга эга бўлади ва жамият хавфни чеклаш йўли билан уларни ўзи учун қулай томонга йўналтириши мумкин.

Жамият ўзининг ривожланишидан фан ва техника ютуқларини жорий этиш, сиёсий ўзгартиришлар, ижтимоий сиёsat ва бошқа соҳалардаги фаолиятининг фойдали томонларини уларнинг одам, табиат, жамият институтлари хавфсизлиги учун салбий оқибатларини доимо таққослади. ТТТу муносабат Билан инсон фаолиятида экологик таваккал қилиш, яъни хавфни амалга ошириш тушунчasi пайдо бўлади. Экологик хавфни амалга ошириш эса одамларнинг нормал ҳаёти ва фаолиятига таъсир кўрсатади, табиий жараёнларнинг сақланғи барқарор кечиши жараёнларини бузади.

Қандай бўлса шундай қолдириш тамойили бўйича тургун ривожланиш, албатта, экологик хавфсизлик даражасини юқорига кўтармайди. Агар фаол ҳаракат қилинмаса, ҳозирги потенциал ҳолда турган хавф-хатар жараёнлари кучайиб бутун тизимни вайрон қилиши мумкин. Минимал (оз) ҳаражатлар билан максимум (кўп) самарага эришиш тамойили бўйича амалга оширилган экстенсив ривожланиш экологик тангликка олиб келганлиги ҳам аёндир.

Барқарор ривожланиш биринчи навбатда экологик хавф-хатарнинг шаклланиши, ривожланиши ва уларни чекланиши тўла ҳисобни тақозо этади. Экологик муаммолар субъектининг эҳтиёжлри билан обьектнинг эҳтиёжлари ўртасидаги зиддиятларнинг ривожланиши оқибатида юзага келади. Экологик хавфни факат обьектнинг субъект Билан бирлиги орқали ва субъектнинг ўз-ўзидан ривожланиши, ўз-ўзини ўзгартириш орқали бартараф этиш мумкин. Бу эса ўз ичга эҳтиёжларни танқидий

таҳлил этишни, субъектнинг талабларини қайта ўйлаб кўришни, билимларни чукурлаштиришга асосланган ва табиий мухитни такрор ишлаб чиқаришга йўналтирилган ва “одам-табиат-жамият” тизимини такрор ишлаб чиқаришнинг хавфли жараёнларини чеклаш орқали ўзгартириш қилишни қамраб олади.

Агар экологик тантрик ўз вақтида бартараф қилинмаса, табиат тизими барқарор траекториялаш ва экологик ҳалокат содир бўлади (Чернобил, Орол ва бошқалар). Экологик хавфсизлик ва барқарорлик муаммоси аллақачонлар миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланган. Уни ҳал этиш барча мамлакатлар ва халқларнинг манфаатларига мос бўлиб, цивилизациянинг ҳозирги кун ива келажак куни жиҳатдан ана шу муаммонинг ҳал қилишига боғлиқдир. Улар факат халқаро ҳамкорлик асосида ҳал қилиниши лозим.

### **20.3. Экологик муаммоларни ечишда халқаро ҳамкорлик ва мамлакатларнинг тажрибалари.**

Экологик муаммолар уч даражада – мамлакатлар, минтақавий ва глобал миқёсларда кўрилиб чиқилиши мумкин ва шу йўналишда кўриб чиқилмоқда.

Табиийки, ҳар бир мамлакат энг аввало ўзининг ресурс ва экологик муаммолари тўғрисида ҳам ғамхўрлик қиласи, уларнинг ечимини топиш йўлларини қидиради. Сўнгги 3-4 ўн йилликда АҚШда, Европа мамлакатлари, Япония ва МДҲ мамлакатларида ва баъзи ривожланаётган мамлакатларда табиий мухитнинг сифатини яхшашга, унга қайтарилаётган антропоген чиқитларни камайтиришга йўналтирилган маҳсус қонунлар ва қарорлар қабул қилинди. Шу даврда “Ер сайёраси бўйича ифлосланишнинг тарқалиб юриши” тушунчаси ҳам пайдо бўлди. Ҳозир кўпчилик мамлакатлар атроф мухит муҳофазаси вазирлиги ёки таҳминан уларга тенглаштирилган давлат органларига эга. Кўпчилик ғарб мамлакатларида “яшиллар” партияси шаклланиб, катта салмоққа эга бўлдилар (Германия, Бельгия, Нидерландия, Франция, Италия). Шу Билан бир қаторда айрим мамлакатлар томонидан амалга оширилаётган тадбирлар етарли эмас, чунки табиат ва жамиятнинг ўзаро таъсири айрим мамлакатларнинг худудлари билан чекланиб қолиши мумкин эмас. Шу сабабдан минтақавий даражада мухим аҳамиятга эга. Бунда табиат муҳофазаси бўйича умумий манфаатга эга бўлган қўп сонли мамлакатлар мухим тадбирларни биргаликда ўтказадилар. Бунинг ёрқин мисоли умумевропа ҳамкорлиги ҳисобланади, улар Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича кенгашнинг якуний актинии қабул қилилар (Хельсинки, 1975). У ҳавонинг ифлосланишига қарши курашиш, денгиз ва дарё сувларини муҳофазалаш, тупроқдан унимли фойдаланиш, шаҳарлар мухитини кузатиш, табиат муҳофазаси обьектлари тармоғини барпо этиш

ва бошқаларни ўз ичига олади. Ана шундай мінтақавий дастурлар қатор субмінтақаларда, масалан ички денгизлар (Үрта ер, Шимолий, Болтиқ, Қора денгиз) ёки халқаро дарёлар (Дунай, Рейн) бүйича ҳам қабул қилингандың да олар амалға оширилмокда.

Дунё ҳамжамиятининг кучларини бирлаштиришда глобал даражада әнг муҳим аҳамияттаға эга. Дунё океани, космос, иқлим ресурслари умумий сони аҳамияттаға эга да улар күпчилик муаммоларни глобаллаштиради.

Шу мұносабат билан ўнлаб халқаро ташкилоттар да муассасалар тузилған, улар бевосита ёки билвосита табиат мұхофазаси билан шуғулланадылар (БМТ да унинг ихтисослашган муассасалари: ЮНЕСКО, ЮНЕСКО, МСОП да бошқалар).

#### **20.4. Глобал экологик моделлаштириш, унинг экологик-иқтисодий ва сиёсий аҳамияти.**

Инсониятның ҳозирги мұрақкаб экологик шароитда ўз сайёрасининг фақат бугуни эмас, балки келажаги күп даражада ҳаяжонга солади, бугун ҳар дақиқада 20 гектар ўрмона кесилиб кетмоқда, атмосфера кислородининг ҳажми йилиға 10 млрд тоннага камаймоқда, тоза сув истеъмоли барқарор дарё суви оқимининг 40% даражасига етди, ҳар йили очликдан 30 млн бола ҳалок бўлаётir. Агар Ер шари цивилизациясининг ҳозирги анъанаси бундан кейин ҳам сақланиб қолса, дунёга қуидагилар ҳавф солади: саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналари заҳарли чиқиндиси ҳавони, сувни, тупроқни заҳарлантириши, тоза сув ва кислороднинг күп даражада етишмаслиги, сайёра аҳолисининг кунлиги ва тупроқ эрозияси таъсирида озиқ-овқат маҳсулотларининг етишмаслиги, минерал ресурсларнинг камайиши ва тугаши ҳамда энергия етишмовчилиги ва танқислиги, табиатда биологик ва иқлим мувозанатининг бузилиши.

Илмий-техник инқилоб күпчилик муаммоларни иқтисодий, озиқ-овқат, энергетик, экологик, ахборот, демографик, соф миллий муаммолардан мінтақавий да глобал муаммоларга айлантиради. Уларни билишнинг асосига умуминсоний қадриятларнинг гурухлар қадриятидан утворлиги фалсафий концепцияси қўйилиши керак. Умуминсоний ёндашув барча миллатлар ва давлатларнинг цивилизацияни сақлаб қолиш манфаатларини ифодалайди. Бу нұктай назардан глобал муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган кўп сонли Дуне ривожланиши моделларини кўриб чиқиши лозим. Дунёда Рим клуби башоратлари алоҳида қизиқиши уйғотди. Бу клуб ноҳукумат ташкилоти бўлиб, италиялик саноатчи Аурелио Неччен ташаббуси Билан тузилған. У иқтисодчилар, демографлар, социологлар, ишбилармөнларнинг халқаро ассоциацияси бўлиб, ҳозирги цивилизациянинг келажагини ўрганиш мақсадида ташкил этилган. Ташкилот әнг йирик монополиялар (“Фиат”, “Фольксваген” да бошқалар) томонидан молиялаштирилади.

Дунё муаммолари тадқиқотлари асосига глобал моделлаштириш қўйилган (унинг асосчиси Америка олими, мураккаб тизимларни бошқариш назарияси бўйича мутахассис Дж.Форрестер. У Дуне динамикасини ўрганиш учун иқтисодий математик модел ишлаб чиқсан ва бу модел бешта кичик тизимдан тузилган: аҳоли, капитал қўйилмалар (фондлар), табиий ресурслар, атроф муҳитнинг ифлосланиши, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқиши. Бу параметрларнинг барчаси геометрик прогрессияда ўсади. Моделдаги асосий кичик тизимлар ўртасида ўзаро алоқа ва ўзаро таъсир аниқланган: аҳолининг ўсиши, унинг зичлиги, озиқ-овқат билан таъминланиши, атроф муҳитнинг ифлосланиши даражаси билан белгиланади. Аҳолининг яшаш даражаси (даромадлари) капитал қўйилмалар ҳажми, қазиб олинадиган табиий ресурслар ҳажмини белгилаб беради; капитал маблағлар (фондлар) даражаси ҳажми ифлосланиш даражасини белгилаб беради ва ҳоказо. У ёки бу кичик тизим параметрининг ўзгариши бошқаларнинг ва умуман бутун тизимнинг ўзгаришига олиб келади. Ахборотларни машинада ҳисоблаш асосида Дуне ривожланиши модели ишлаб чиқилган. Нуъл даражада ўсиш – аҳоли ва ишлаб чиқаришни стабиллаштирувчи ўсиш “истикболли” деб топилган. Агар келажакда ҳозирги инсониятга хос бўлган ўсиш анъаналари сақланиб қолса XXI асрнинг ўртасида дунё цивилизацияси учун глобал экологик ҳалокат содир бўлиш хавфи бор.

Форрестер моделида юқори даражада абстракциялаш хосдир. Рим клубининг биринчи маъruzаси “Ўсиш чегаралари” деб аталади (Д.Медоуа раҳбарлигига). Бундай маъruzаларда дунё ривожланишининг қатор сценариялари ишлаб чиқилган. Уларни ўрганиш ва улардан фойдаланиш муҳим амалий, илмий, сиёсий аҳамиятга эга.

### **Бобнинг қисқача мазмуни.**

Табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофазалашнинг глобал муаммолари экологик ресурс эҳтиёжлари, экологик хавфсизликнинг глобал характери билан боғлиқ. Шу сабабдан халқаро ҳамкорлик ва мамлакатларнинг ибратли тажрибаларидан фойдаланиш, глобал моделлаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Илмий-техник инқилоб қўпчилик муаммоларни иқтисодий, озиқ-овқат, энергетик, экологик, ахборот, демографик, соғ миллий муаммолардан минтақавий ва глобал муаммоларга айлантиради. Уларни билишнинг асосига умуминсоний қадриятларнинг гуруҳлар қадриятидан утворлиги фалсафий концепцияси қўйилиши керак.

Дунё ҳамжамиятининг кучларини бирлаштиришда глобал даражада энг муҳим аҳамиятга эга. Дунё океани, космос, иқлим ресурслари умумий сони аҳамиятга эга ва улар қўпчилик муаммоларни глобаллаштиради.

Шу муносабат Билан ўнлаб халқаро ташкилотлар ва муассасалар тузилган, улар бевосита ёки билвосита табиат муҳофазаси билан

шуғулланадилар (БМТ ва унинг ихтисослашган муассасалари: ЮНЕТ, ЮНЕСКО, МСОП ва бошқалар).

### **Таянч иборалар.**

Жамиятнинг экологик ихтиёжлари, ресурс эҳтиёжлари, манфаат, экологик хавф-хатар, экологик хавфсизлик, глобал экологик моделлаштириш, фан техника инқилоби, барқарор ривожланиш концепцияси.

### **Назорат ва мулоҳаза саволлари.**

1. Жамиятнинг экологик ресурс эҳтиёжлари нима?
2. Табиатдан фойдаланиш, экологик хавфсизлик ва атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг глобал характерини тушунтиринг.
3. Экологик муаммолар ечимини топишда ҳалқаро ҳамкорликнинг зарурати ни тушунтиринг?
4. Глобал моделлаштириш тажрибалари ва уларнинг аҳамиятини тушунтиринг.
5. Глобал муаммоларни шакилланишини асосий сабабларини айтинг?
6. Экологик муаммолар ечимини топишда асосий йўналишларини таърифланг?
7. Экологик- иқтисодий сиёsatнинг, мазмун-моҳиятини тушунтиринг?
8. Ўзбекистонда табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишнинг қандай муаммоларини биласиз?
9. Табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишнинг глобал муаммоларини ҳал этишда Ўзбекистонда нима ишлар қилинмоқда?

### **Адабиётлар рўйхати.**

1. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.: 2001.
2. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.: 2002.
3. Глушкова В.Г., Макар С.В. «Экономика природопользования» учебное-пособие М.: Гардораки 2005.
4. Холина В.И. «Основы экономики природопользования» Питер 2005.
5. Галыцин А.Н. «Основы промышленной экологии» Академия 2004.
6. Кормилицин В.И. и др. «Основы экологии» М. «Интерсталь» 2001.
7. Алимов Т.А., Хаскин В.В. Экология. Учеб.пособ. М., 1998.
8. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси-2004й. №9-10. 49 бет.
9. Проблемы питьевого водоснабжения и экологии. Т. Университет. 2002.

### **Интернет сайтлар**

1. [mecas@cir.tohoku.ac.jp](mailto:mecas@cir.tohoku.ac.jp) (2005 й)
2. [www.ecsocman.edu.ru/db/msg/150966.html](http://www.ecsocman.edu.ru/db/msg/150966.html) (2005 й)
3. [www.meo.ru/ca](http://www.meo.ru/ca) [www.pskov.engec.ru/060801.html](http://www.pskov.engec.ru/060801.html) (2005 й)

### **Фан бўйича назорат ва мулоҳаза учун саволлар.**

1. Табиатидан фойдаланиш иқтисодиёти фани нимани ўрганади?
2. Табиатидан фойдаланиш иқтисодиётининг ўз тадқиқотларида кенг қўллайдиган илмий-тадқиқот методларини айтинг.
3. Фаннинг мақсади нималардан иборат.
4. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида минтақа табиатидан фойдаланиш иқтисодиёти қандай аҳамиятга эга?
5. Иқтисодчилар тайёрлашда фаннинг аҳамияти нималардан иборат.
6. Вазифаларини таърифланг.
7. Фани қандай илмий тадқиқотларини биласиз?
